



# ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮҚСАЛТИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ТАЪСИРИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ



**Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоят “Истиқбол”  
Минтақавий тадқиқот маркази**

**Жиззах Давлат Педагогика институти “Фалсафа,  
тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси**

**“Хуқуқий маданиятни юксалтиришда жамоатчилик таъсирини  
оширишнинг инновацион омиллари”**

**Республика илмий-амалий конференцияси материаллари**

**Жиззах - 2021**

**ББК: 67.99(2)**

**УДК: 34с4**

**Э-59**

### **Масъул муҳаррир:**

А.Сайтқосимов – Жиззах вилоят “Истиқбол” Минтақавий тадқиқот маркази раҳбари, ЖДПИ “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари доктори, лойиха раҳбари

### **Тақризчилар:**

Б.Очилова – ЖДПИ “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ж.Яхшиликов – СамДУ “Фалсафа” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

Н.Жўраев – Ўзбекистон жаҳон тиллар университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор

К.Синдоров – Ўзбекистон Республикаси судьялар олий Кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент.

### **Таҳрир ҳайъати:**

Т.Эргашев – ЖДПИ таҳририй нашриёт бўлими бошлиғи

Т.Ахмедов – ЖДПИ “Мактаб менежменти” кафедраси мудри, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Э.Насруллаев - ЖДПИ “Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Д.Алибеков – ЖДПИ “Санъатшунослик” факультети декан ўринбосари

А.Тўраев - ЖДПИ “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси катта ўқитувчи

З.Ғозиев - ЖДПИ “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси катта ўқитувчи

*Мазкур тўпламда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жасамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг “Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришида жамоатчилик таъсирини оширишининг инновацион йўлларини жорий этиши” номли лойиҳаси асосида ташкил этилган “Ҳуқуқий маданиятини юксалтиришида жамоатчилик таъсирини оширишининг инновацион омиллари”номли Республика илмий-амалий конференцияси материаллари жой олган. Анжуман тўпламида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожсаатномасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириши юзасидан мақолалар, таклиф ва тавсиялар ҳам жой олган.*

Мазкур тўплам Жиззах Давлат педагогика институти “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси йиғилишининг 2021 йил 29 марта мартдаги 10-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

*Матнларда фойдаланилган маълумотлар, мисол ва кўчирмалар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар*

## КИРИШ

---

*Ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан 4 та муҳим омилга, яъни қонун устуворлигини таъминлаши, коорупцияга қарши қатъий курашии, институтционал салоҳиятни кучайтириши, кучли демократик институтларни шакллантиришига боғлиқ.*

Ш.М.Мирзиёев

---

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда ижтимоий тараққиёт ва фуқароларнинг фаравонлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди, бу асосда давлат ҳуқуқий тизимининг мустаҳкамлиги таъминланди. Шунингдек, мамлакатимизда фуқароларнинг жамиятда юз бераберликни мухим ўзгаришлар ва чуқур ислоҳотлар жараёнида ўзларининг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаолликларини намоён этаётганликлари ҳам ижтимоий тараққиётда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш, аҳоли турмуши ва яшаш мұхитидаги мұхим томонларни ривожлантириш, жамиятда ислоҳотлар күламини юксалишида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини тадқиқ этиш ва уни юксалтириш услубларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш мұхим аҳамият касб этади. Бугунги жаҳон тараққиёти ва глобаллашув шароитида ёшларнинг онги, тафаккури ва дунёқарашида инсон ва жамият манфаатларини таъминлашга оид ахлоқий қадриятларни кенг қамровли вужудга келтириш ижтимоий-гуманитар фанларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш”<sup>1</sup> вазифаси кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият, бу энг аввало, жамиятда мавжуд қонунлар хурмат қилиш ва эъзозлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини узлуксиз ва оғишмай таъминлашдир . Яъни ҳуқуқий маданиятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу, қонунларга амалий фаолиятда сўзсиз итоаткорлик, қонунларга бўйсуниш, уларга тўла риоя этиш, улар асосида доимий фаолият юритиш ҳисобланади. Шунингдек, қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини онги ва дунёқарашида муттасил ва мукаммал ҳис этиш, ҳаётий амалиётда муҳим қадрият сифатида уларга амал қилиш маданиятини доимий ўзлаштириш лозимлиги аниқланади.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий фаоллигининг юксалиши мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, жамиятнинг ҳар томонлама жадал ва инновацион ривожлантириш жараёнларининг такомилига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳуқуқий маданият фуқоролар, ижтимоий гурухлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий

---

<sup>1</sup>Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 9 январь. ПФ-5618-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

жипслашуви, “шахс-жамият-давлат” тизими барқарорлигини таъминлашга кумаклашувчи омилдир. Шунинг учун ҳам бугунги миллий юксалиш даврида ҳуқуқий маданият масаласига юқори даражада эътибор берилмоқда.

Шу сабабли ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбияга оид илмий-назарий, ижтимоий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммони конкрет ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятлари билан боғлаб ўрганиш ҳозирги кундаги ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий соҳадаги олимларнинг муҳим вазифалари қаторига киради. Бу эса, бугунги кунда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий таълим асосларини тадқиқ этишни қанчалик долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарбия асосларини такомиллаштириш ва унинг ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг зарурлиги қуйидагилардан иборат:

- глобаллашув шароитида ёшларнинг онги, тафаккури ва дунёқарашида инсон ва жамият манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий дунёқарашни кенг қамровли шакллантириш;
- ҳуқуқий маданиятни илмий-назарий, ижтимоий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо сифатида конкрет ижтимоий макон ва тарихий замон хусусиятлари билан боғлаб ўрганиш;
- бугунги замонавий шароитда таълим-тарбия тизимида ва жамиятимизда ёшларни ҳуқуқий онги ва дунёқарашини юксалтириш мақсадидаги ишларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

## **Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда жамоатчилик таъсирини оширишнинг инновацион омиллари**

**Акбар Саитқосимов**

*Жиззах вилоят “Истиқбол” Минтақавий тадқиқот маркази  
раҳбари, ф.ф.д., профессор в.б.*

Мамлакатимизда миллий юксалиш ва янгиланишлар даврида ижтимоий муносабатлар мувозанати тубдан ижобий томонга ўзгарди. Бугунги кунда инсон омили, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг фаравонлигини таъминлаш ва унга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериш, ўз истеъдодларини ва қобилияtlарини эркин намоён қилиш каби анъаналар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Янгича ижтимоий ислоҳотлар таъсирида инсон ҳаётида ижобий ўзгаришлар, унинг турмуши ва яшаш муҳитида муҳим юксалишлар рўй бермоқда. Тараққиётга оид фаравонлик концепциясини ўз ичига олган мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий тамойиллар асосида таъминланишида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқий демократик давлатда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг энг устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқий идеаллар ва ҳуқуқий қадриятлар инсонни маънавий такомили учун муҳим воситалар

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт таракқиёти ва халқ фаравонлигининг гарови //Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом зттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон. - Б. 105.

ҳисобланади. Ҳуқуқий анъаналарни жамиятда тарғиботи учун ҳуқуқий тарбия муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтиомий жараёндир. Жамиятда маънавий барқарорликни таъминлаш, ижтиомий муносабатлар жараёнига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар ва салбий омилларга қарши кураш, шунингдек инсон ҳуқуқларининг турли хил асосларда бузилишларини олдини олиш мақсадида ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараёнида ҳуқуқий таълимтарбия муҳим роль ўйнайди.

Фуқаролик жамияти институтларининг жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий масъулиятли этиб тарбиялаш, уларни қонун устиворлигини таъминлашда юксак масъулият билан иштирок этишини таъминлаш ва бу жараённи муҳим ҳаётий қадриятга айлантириш масаласи жамиятда ижтиомий тараққиётида салмоқли ўрин тутади. Шу мақсадда мамлакатимизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг аҳолини ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда масъулиятыни ошириш, олиб борадиган чора-тадбирларини жонлантириш муҳим ижтиомий вазифа ҳисобланади. Давлатимиз миллий юксалиш шароитида ўз олдига қўйган вазифаларнинг серқирралиги ва ўта муҳимлиги мамлакатда аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга қаратилган таъсирили механизмларни ҳаётга жорий этиш мақсадини қўяди.

Жамиятда қонунийлик ва қонун устиворлигини таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш чора-тадбирларини олиб борища демократик институтларнинг ўрни салмоқлидир. Олимларнинг таъкидлашича, “Демократик жамият қуриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши шарт. Бундай қонунларга оғишмай итоат этилсагина мамлакатда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Чунки барча демократик институтлар, инсон

хуқук ва эркинликлари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади”<sup>3</sup>.

Маҳаллалаларда, жамоат муассасаларида, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кўплаб олиб борилмоғи лозим бўлади. Бу ишларда «Маънавият ва маърифат» Марказлари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, Ёшлар ташкилотларининг ўрни салмоқли бўлиши лозим. Жамиятда ёшларнинг ижтиомий муаммоларини кўпайиб кетмаслиги учун уларнинг ижтиомий ва ҳуқуқий фаолликлари, салбий омилларга қарши курашувчанлик қобилиятни доимо илҳомлантириб бормоғимиз, уларнинг онгидаги мустаҳкам ҳуқуқий билимларни шакллантиришимиз лозим булади. Бу борада ёшлар тарбиячилари бўлган ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам ҳуқуқий онги, дунёқараши, ҳуқуқий ва маънавий салоҳияти, ҳуқуқий маданият даражасини юксак бўлиши талаб қилинади.

Сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа турли демократик институтлар ўз фаолиятларида жамиятдаги турли ижтиомий қатламларнинг дунёқараши ҳамда манфаатларини ифодалаган ҳолда фаолият олиб бориши натижасида фуқароларнинг жамият бошқаруви ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари учун зарурат ва эҳтиёж туғилади, қолаверса, фуқароларнинг ижтиомий, сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги юксалиб боради. Жамиятда ана шу демократик қадриятлар ва анъаналарнинг юксалиш омилларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда фуқароларнинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида кенг қамровли иштирок этиши натижасида уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий фаоллиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Халқимизнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва турмуш сифати ва фаровонлигини янада ривожлантиришга хизмат қиласиган қонун ва қонуности хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қонун

<sup>3</sup> Мирбобоев Б. Одилкориев Х. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш. –Тошкент, Маънавият, 2011. –Б.5.

ижодкорлигини мұхим асосларда такомиллаштиришга мүлжалланган чора-тадбирлар изчил равища амалиётда юз күрсатмоқда. Мамлакатимизда халқ ва жамоатчилик эътиборига ижтимоий тармоқлар орқали давлат миқёсидаги ЭНГ мұхим ҳужжатлар ҳавола этилиб борилмоқда. Аҳоли бу жараёнда фаол қатнашиб, давлат ва жамиятимиз учун ЭНГ мұхим ижтимоий, иқтисодий ва маданий масалаларни ҳал этишга зарур бўладиган таклифларни бериб, ўзларининг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини намоён этмоқда.

Масалан, 2021 йил - «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастури лойиҳаси 2021 йилнинг 18-28 январь кунлари strategy.uz, jamoatchilik.uz ва regulation.gov.uz веб-порталлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли ва кенг жамоатчилик мұхокамасидан ўтказилди. Мұхокамалар доирасида фармон лойиҳаси маҳаллий оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқларда 700 га яқин, телерадиоканалларда қарийб 400 та чиқиш ва эшиттиришлар эфирга узатилди. Натижада, лойиҳа бўйича 4 мингга яқин таклифлар келиб тушди. Хусусан давлат бошқаруви йўналиши бўйича – 1 239 та, суд-хуқуқ йўналишида – 479 та, иқтисодиёт соҳасида – 901 та, ижтимоий соҳада – 1018 та, ташқи сиёsat ва хавфсизлик йўналишида – 146 та. Таклифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш якунинг кўра, лойиҳага жами 50 га яқин концептуал ҳамда 100 дан ортиқ аниқлаштирувчи таҳририй ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган<sup>4</sup>.

Шунингдек, ҳозирги кунда ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий ва ахлоқий даражаларида баъзи муаммолар вужудга келаётганлигини ҳисобга олишимиз лозим. Кўпгина ёшларнинг ҳуқуқий маданиятининг пастлиги, ижтимоий онгининг саёзлиги, уларнинг ҳуқуқий фаолликларини намоён этишда сусткашликка йўл қўяётганликлари, боқибеғамликлари ташвишланарли ҳолдир.

<sup>4</sup> <https://xs.uz/uzkr/post/2021-jilgi-davlat-dasturi>

Уларда миллий ахлоқий қадриятларимиздан ва анъаналаримиздан чекиниш, ҳурмат қилмаслик, ғарбона маданиятга тақлидни кўркўона амалга оширишлари эгоцентризм, манманлик ва шахсиятпастлик кўринишларини намоён қилишлари жамоатчиликни диққатини жалб қилиши лозим бўлган ҳолатлардир.

Ёшларимизнинг ижтимоий муаммоларга дуч келингандা ва инсон ҳуқуқлари бузилганда уларни бартараф этиш учун кураша олиш хусусиятларини шакллантириш мухим чора-тадбирлардан ҳисобланади. Ж.Махсудовнинг таъкидлашича, “Хуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшларнинг таълим ва тарбия даражаси, ҳуқуқий саводхонлиги мухим аҳамиятга эга. Хуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларининг мақсади ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, ижтимоий ҳаётда муайян ҳуқуқий муносабатларда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган мукаммал авлодни шакллантиришдир”<sup>5</sup>.

Ўқувчи-ёшлар онгига ҳуқуқий саводхонликни оширишни такомиллаштириш борасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, адвокатлар, ҳуқуқшунослар билан доимий учрашувлар ўтказиш лозим. Уларни халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги саводхонлигини ошириш мақсадида Адлия ва ташки ишлар вазирликлари томонидан ҳамкорликда чоп этиладиган халқаро ҳужжатлар тўпламларини таълим муассаларида ўрганиб бориш зарурдир. “Ҳуқуқ ва бурч нима”, “Давлат, бурч, ҳуқуқ”, “Прокурор соати”, “Судья соати”, “Жиноят ва жазо”, “Гиёҳвандлик унинг зарари”, “Одам савдоси заарли иллат” мавзусида тадбирлар утказиш, бу борада улар билан шартномалар тузиш лозим.

Ёшларни ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий маданият даражаларини юксалтириш бўйича оиласида, таълимда ва жамот ташкилотларида тарбиялаш ишлари уларнинг шахс сифатидаги камолоти ва тафаккурини ошишига, ўзликни англаш, мустақил фикр

<sup>5</sup> Махсудов Ж. Самарали ҳуқуқий тарғибот - мамлакат тараққиётининг гарови. //Жамият ва бошқарув. №4, 2020 й. –Б. 37.

юритишига, ўзига ишонадиган, келажак сари дадил одимлайдиган кишилар қилиб вояга етказишга замин ҳозирлайди. Улар жамиятнинг тараққиёт мезонларини, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, социологик талқинларини чуқур ўзлаштиришиб, шу билан биргаликда илмий-назарий ғоялар билан қуролланадилар. Шу маънода Б.Очилованинг таъкидлашича, “Фан – техника тараққиёти даврида кенг фикр, чуқур билим ва малакага эга бўлган ёшларга талаб тобора кучайиб бораётган бир вақтда оиланинг фарзанд тарбиясидаги креатив дунёқараш юқорилигига эришиш лозим”<sup>6</sup>.

Ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий ҳаёт ривожи билан боғлиқ амалиётни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий фаолликларини юксалтиришда жамоатлик таъсирини оширишда қуйидаги чоратадбирлар билан боғлиқ ҳисобланади:

- 1) миллий ҳуқуқий тизимни ривожланишини таъминлаш жараёнларида фуқаро ҳуқуқий маданиятининг юксалтириш имкониятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий маданият бўйича институционал тизимни ишлаб чиқиш;
- 2) жамиятда қонунийлик ва қонун устиворлигини таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш чора-тадбирларини олиб боришда демократик институтларнинг ўрнини юксалтириш;
- 3) давлат ва жамиятимиз учун энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий масалаларни ҳал этишда жамоатчилик эътиборига давлат миқёсидаги энг муҳим ҳужжатлар ҳавола этилиб бориш амалиётини ривожлантириш;
- 4) ҳуқуқнинг маданиятнинг тарихий, маданий, маърифий ва ижтимоий аҳамиятини илмий ишлаб чиқиш ва жамият ижтимоий тараққиётидаги ролини аниқловчи тадқиқотлар кўламини кенгайтириш;

---

<sup>6</sup> Очилова Б. Инновацион экотизимнинг асосий элементлари. // “Ижтимоий шериклик - жамият тараққиёти омили” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент, Тафаккур, 2019. – Б.20

5) жамиятда ижтимоий муносабатларда ҳуқуқий маданиятли шахснинг ўрнини юксалиши, жамиятда қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлигига таъсирини янада такомиллаштиришларига қаратилган жараёнлар амалиётини доимий таъминлаб бориш.

## **Исломда оила муносабатларидағи ҳуқуқий маданият**

**Бахти Очилова,**

ЖДПИ “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими”  
кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Бобур Хонтураев,**

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани  
кўллаб-куватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила”  
илмий-тадқиқот институти кичик илмий ходими

Ислом таълимотида оилавий ҳаёт муқаддас нарса ҳисобланади. Чунки, оила жамият биносининг ғиши, бир бўлагидир. Агар бинонинг ғиштлари соғлом бўлса, бино ҳам мустаҳкам бўлади, акс ҳолда бундай бино емирилиш ва қулаш хавфи остида қолади. Айнан шунинг учун динимизда оила масаласига бениҳоя жиддий эътибор қаратилади, унинг мустаҳкамлиги, эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат давомийлигини таъминлаш учун динимиз Ислом ўзига хос қонун-қоидаларни жорий қилиб қўйган.

Шариатда хусусан «Ҳидоя»да оила ва никоҳ масаласида катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳукмлардан бири аёлнинг никоҳ тўғрисида ўзининг қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақидаги билимга эга бўлишининг зарурлигидир: «Никоҳнинг асл моҳияти ҳақида илм бўлишилиги шарт қилинади. Чунки қиз бола фақат илм бўлгандагина тасарруф эта олади. Бу дунё илм олиш дунёси, бунда жоҳиллик узр бўлолмайди»<sup>7</sup>.

---

<sup>7</sup> Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя, I-жилд, Никоҳ китоби: Т.: Адолат, 2002. – Б.675.

Шариат аҳкомларида, хусусан «Ҳидоя» да оила ва никоҳ масаласида чиқарилган ҳукмларнинг катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган томонларидан яна бири – эркак ва аёлнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ақлий жиҳатлардан мумкин қадар бир-бирларига teng бўлишларига эътибор қаратишдир: «Никоҳда тенглик эътиборга олинади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларки: «Огоҳ бўлингларки, аёлларни фақат ўзларига teng бўлган кишигагина берсинлар».

Оилавий ҳаётнинг асосий ташкилотчилари ва аъзолари бўлмиш эр ва хотиннинг ҳар бирига ўзига хос бурч ва вазифаларни юклаган, бир-бирларига нисбатан ҳақ ва ҳуқуқларни белгилаб берган. Агар эр ва хотин мазкур қоидаларга амал қилишса, бир-бирларига нисбатан зиммаларидағи бурч ва масъулиятларини ҳис қилиб, сидқидилдан адo этишса, бундай оила баҳт ва саодат қасрига айланади. Бундай намунавий оилада туғилган фарзандлар ҳам гўзал тарбия топадилар ва келажакда улардан жамиятга фойдаси тегадиган буюк инсонлар етишиб чиқади.

Хотиннинг эр зиммасидаги ҳаққи эрнинг ўзига ҳам, молига ҳам тегишлидир. Хотиннинг эри зиммасидаги маҳр ва нафақа сингари молиявий ва шахсий ҳақлари бор. Улар қуйидагилар:

1. Хотиннинг эр зиммасидаги ҳақларидан биринчиси эр томонидан унга яхши ва адолатли муомала қилинишидир. Зоро, Аллоҳ таоло Ўз китобида: “аёллар билан яхшилик билан умргузаронлик қилинглар!”, дея амр этган (Нисо сураси: 19-оят). Бу буйруқ эрнинг хотинга яхши муомалада бўлишини, табиатидаги айrim ноқисликларга сабр қилишни, баъзи хатоларига кўз юмишни тақозо этади. Шунингдек, бу буйруқ аёлни тарбиялаш ҳамда унга дунёю охиратда фойдаси тегадиган нарсаларни ўргатиб, таълим беришни ҳам лозим тутади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир ҳадисларида: “мўмин эр мўмина хотиндан нафратланмасин, агар унинг бир хулқини ёмон кўрса, бошқа хулқи туфайли ундан рози бўлиб кетаверади”, дейилади (Имом Муслим ривояти). Имом Термизий ривоят қилган қуйидаги ҳадисга қулоқ

тутамиз: «Сизларнинг энг яхшиларингиз хотинлариға нисбатан яхшиларингиздир».

2. Аёлнинг эри зиммасидаги иккинчи ҳаққи бу маҳр ҳаққидир. Бу аёлни икром қилиш, унга яхшилик қилиш бобидандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда эрларни аёлларининг мазкур ҳақлариға риоя қилишга чақириб: “хотинлариға маҳрларини ҳадя каби (яъни чин кўнгилдан) берингиз” (Нисо сураси: 4 -оят), дея амр этган.

3. Эр хотиннинг озорини кўтариши, у ғазабланганида ва жаҳли чиққанида мулојим бўлиши, унинг хатоларини кечириши керак. Бундай қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлариға амал қилишдир. Имом Муслим ривоят қилишларича, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳдан бошқа оиласига меҳрибонроқ бирор кишини кўрмадим».

4. Эркак аёлинин қизғаниши, унинг ор-номусини сақлаши керак. Оқибати бузук бўладиган ҳар қандай ҳолга бепарво бўлмаслиги лозим. Аммо ёмон ўй, ўта талабчанлик ва гумонда ҳаддан ошиш дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан қайтарганлар. Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қиласидилар: «Расулуллоҳ эрни оиласини хиёнатда гумон қилиб кечқурун келишдан қайтарганлар».

5. Эр хотиннинг ўзига алоҳида жой қилиб бериши, унда эрнинг яқинларидан ҳеч ким бўлмаслиги керак.

6. Эр хотинининг озиқ-овқат ва кийим-бош каби эҳтиёжларини исроф этмай, етарли таъминлаши керак. Эр оиласига сарфлаган харжлари учун ажр ва савобга эришади. Имом Бухорий ва Муслим "Саҳих"ларида шундай келган: "Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: "Сен Аллоҳ таоло розилигини истаб қилган ҳар қандай харжинг учун ажр оласан. Ҳатто хотиннинг оғзига солган таоминг учун ҳам сенга ажр бор". Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қиласиди: "Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни ўз бойлигига ярашадиган тарзда) нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсадан (ўз

ҳолига яраша) нафақа берсин. Аллоҳ ҳеч бир жонга Ўзи унга ато этган нарсадан бошқа нарсани юкламас. Аллоҳ танглиkkамбағалликдан сўнг енгиллик-бойликни ҳам пайдо қилур” (Талоқ сураси: 7-оят).

7. Эр хотинининг иффатини сақлаши лозим. Хотинини ҳаромдан ҳимоя қилиш эрга вожибdir.

8. Эр хотинини яхши кўрса, жуда ҳурматлаши лозим, ёмон кўрса, зулм қилмаслиги керак. Истаса, чидаб яшасин ё яхшиликча ажралсин. Аёлни фақат мардлар қадрлайди, пастлар хорлайди.

Тегирмон ҳам навбати билан дегандек, эрнинг ҳам ўз хотини устидаги шаръий ҳақ-хуқуқларини билиб қўйишимиз лозимdir. Токи, аёлларимиз мазкур ҳуқуқларга оғишмай амал қилганларида оилавий баҳт саодат ҳосил бўлсин. Зоро, оиланинг давомийлиги эр хотиннинг бир-биридан розилиги ва бир-бирининг ҳақларини адо этишига чамбарчас боғлиқdir. Хотин киши эрининг ҳақларини билиб, уларни адо қилганидагина солиҳа хотин бўлади. Эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақлари қуидагилардир:

**1.** Хотиннинг эрига нисбатан энг биринчи бурчи, ёхуд эрнинг ўз аёли устидаги энг биринчи ҳаққи бу – аёл кишининг эрига итоаткор бўлишидир. Аёл Аллоҳга маъсият ҳисобланмайдиган барча ишда эрига итоат қилиши лозим. Аёлнинг эрига итоат қилиши нақадар буюк фазилат ва баҳт эканлиги ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қиласидар: яъни: “аёл беш вақт намозини ўқиса, (йилда) бир ой (фарз) рўзасини тутса, ўз фаржини ҳаромдан сақласа ва эрига итоат қилса, унга “жаннатнинг истаган эшигидан кир!”, дейилади” (Табароний ривояти).

**2.** Эрнинг аёл устидаги мазкур ҳаққи, яъни аёл киши мубоҳ ишларда эрига итоат қилиши масаласига аёл киши эрининг рухсатисиз нафл рўза тутмаслиги, унинг рухсатисиз нафл ҳаж қилмаслиги, унга айтмасдан уйидан чиқиб кетмаслиги, унинг розилигисиз уйдаги нарсалардан бирорларга садақа ва эҳсон қилмаслиги ҳам кириб кетади. Ислом шариатида эрга итоат қилиш аёл кишига вожиб бўлишининг ҳикматларидан бири шуки, эрнинг

ўз аёли устидаги ҳақлари ва фазли оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан буюкдир. Зеро, эрнинг хотин устидаги ҳаққи буюкдир”, дея марҳамат қилганлар. Бу ҳадисни Имом Ҳоким, Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Имом Абу Довудлар ривоят қилишган.

3. Эрнинг аёли устидаги иккинчи ҳаққи шуки, аёл киши асосий вақтини уйда ўтказиб, фақат эрининг розилиги билангина кўчага чиқиши лозимлигидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда аёлларга хитобан яъни “уйларингизда қарор топинг!” деган (Аҳзоб сураси). Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қиладилар яъни: “эрнинг ўз хотини устидаги ҳаққи аёлнинг эр рухсатисиз уйдан чиқмаслигидир. Агар шундай қилса, (яъни эр изнисиз кўчага чиқиб кетса) то тавба қилгунча ёки уйга қайтгунча Аллоҳ ундей аёлни лаънатлади” (Байҳақий ва Таёлисий ривоятлари).

4. Хотин эрининг ҳаққини ўз ҳаққидан ва ҳамма яқинларининг ҳаққидан ҳам устун қўйиши керак. Чунки зиммасидаги эрининг ҳаққи жуда каттадир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар: «Аёл киши учун эри борида унинг изнисиз рўза тутиши ва унинг изнисиз уйига бирорни киритиши ҳалол бўлмайди», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий).

5. Хотин уйига эрининг рухсатисиз ҳеч кимни қўймаслиги, эрининг уйидан унинг ижозатисиз бирор нарсани ўзининг яқинларига ҳам бериши керак эмас. Агар берса, хотинга гуноҳ, эрга савоб бўлади.

6. Шунингдек, эрнинг аёли устидаги ҳақларидан бири Хотин киши Аллоҳ таоло берган насибага рози бўлиши, эрига инжиқлик қилмаслиги керак. Балки хушнудлик ва қаноат либосини кийиб, эрининг ризқ топишдаги мashaққатларини қадрлаши, ҳаром касбга ўтишидан қўрқиб, ундан ҳожатдан ортиғини талаб қилмаслиги даркор.

7. Хотин эрининг дўстига нотанишдек бўлиши лозим. Эри уйида бўлмаганида унинг дўсти эшик қоқса, ўзи ва эрига рашқ

қилиб, у билан сўзлашмасин. Зеро, киши дўстининг хотини билан танишар экан, бу ҳол рашк ва фитнага сабаб бўлади.

8. Хотин гўзаллиги билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар бой бўлса, эри олдида моли билан ғурурланмаслиги керак. Балки эр томонини назарга олиши, уни ҳурмат қилиши ва қадрлаши лозим.

9. Хотин фарзандларига раҳм қилиши, уларни ҳурмат қилиши, фарзандларни уришиб лаънатлашдан тийилиши лозим. Чунки, бу нарса фарзанд тарбияси ва рухиятига жуда салбий таъсир қилади.

2020 йилнинг 6 август куни Ўзбекистон ҳалқаро ислом академиясида “Мусулмон жамиятларида оиласиди муносабатлардаги муаммолар: сабаб ва ечимлар”<sup>8</sup> мавзусида ҳалқаро мутахассислар ва юртимиздаги исломшунос олимлар, имом-хатиблар, диний билим юрти мудирлари ва талабалар иштирокида видео семинар ўтказилди. Видео семинарда ислом илмлари бўйича етук мутахассис олим, Россия Федерациясининг Татаристон Республикасидаги Булғор ислом академияси профессори Шайх Абдураззоқ ас-Саъдий ўз маъruzаси билан иштирок этди.

Оиласиди ажримларнинг ечими сифатида Шайх Абдураззоқ ас-Саъдий қуйдаги тавсияларни санаб ўтди:

– ёшлар оила қуришларидан аввал бўлажак эр ёки хотиннинг мол-давлати, шон-шуҳратига эмас, тарбияси ва ахлоқи, маънавий гўзаллигига эътибор қаратишлари лозимлиги;

– ёшларнинг оиласиди муносабатларида ўзаро келишмовчилик келиб чиқсан ҳолатларда, ажралиш учун шошмасдан, ўртани ислоҳ қилиш ва яратириш учун ҳар икки тарафдан вакилларни чақиришлари;

– оиласиди иқтисодий танглик ҳолатида эрдан талоғини беришга шошмасдан, борига қаноатли ва сабрли бўлиш;

---

<sup>8</sup> <https://hidoyat.uz/49437>

– диний идора томонидан оила муқаддаслиги, фарзанд тарбияси, талоқнинг оқибатлари каби мавзуларда жума тезисларини ишлаб чиқиш ва мусулмон оммасига етказиш;

– диний идора тизимида оилаларда вужудга келаётган ноҳақлик, зулм ва ажримларни олдини олиш мақсадида фикҳий илмга эга бўлган 2-3 кишидан иборат етук мутахассислар ҳайъатини тузиш ва муаммоларга ўз вақтида ечимини топиб бериш каби фикрлар айтиб ўтилди.

## **Инсон фаровонлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш фуқаролик жамиятини шакллантириш мезони**

**Жўрабой Яхшиликов,  
фалсафа фанлари доктори, профессор, СамДУ**

Ҳар қандай шахс, ижтимоий груп, элат, миллат, халқ, давлат ва жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади ва уни амалга оширишга қаратилган вазифалари бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳам мустақилликни қўлга киритгач ўз олдига ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳукукий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни бош стратегик мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ривожланишлар қўлами акс этмоқда, жамият ҳаётида мухим ислоҳотлар тизимли амалга оширилмоқда.

Ҳукукий демократик давлат — ҳукуқнинг ҳукмронлиги, Конуннинг устунлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланадиган давлатadir. Академик А.Сайдов ҳукукий демократик давлатнинг асосий белгиларига ҳукуқнинг ҳукмронлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, инсон ҳуқуqlари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланиши, давлат ва фуқаронинг ўзаро

масъулияти, жамиятда ҳокимиятнинг қонунийлиги (легитимлиги), ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақилиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши, ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви, сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолатланиши, халқ давлат бошқарувидаги доимо иштирок этиши, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши кабиларни киритган<sup>9</sup>.

Ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этишдаги энг устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: «Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур»<sup>10</sup>, - деган эди.

Кишилик жамияти узоқ давом этган эволюцион ривожланишлардан сўнг онг ва ирода кобилиятига эга бўлган индивидларнинг уюшмаси сифатида пайдо бўлган оламшумул феноменлардан бири дисобланади. Хўш, шундай экан аслида жамиятнинг ўзи нима, деган савол туғилади. Жамият — бу кишиларнинг манфаатларини ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида, уларнинг ўзаро бирлашуви ва кишилар ўртасидаги иқтисодий, ахлоқий, маънавий ҳамда бо- шқа ижтимоий муносабатлари йиғнисидан ташкил топган мажмуасидир.

Жамиятнинг субъекти бўлиб фуқаролар, миллатлар, элатлар, синфлар, гуруҳлар табақалар қатнашади. Унда биологик конунлар эмас, ижтимоий конунлар ҳаракат қиласида ва қуйидага учта назарий хуоса келиб чиқади: *биринчидан*, кишилик жамияти турли ижтимоий иқтисодий босқичларга бўлинади. *Иккинчидан*,

<sup>9</sup> Саидов А., Таджиханов У., Одшшориев Х. Давлат ва ҳукук; асослари: Дарслик. - Т.: Шарқ, 2002. — Б. 19-20.

<sup>10</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: . - Б. 105.

ижтимоий турмуш иқтисодиёт, сиёsat ва маънавият каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади. Учинчидан, ижтимоий муносабатнинг субъектлари шахс, оила, миллат, элат, синф ва турли табакдлардир.

Фуқаролик жамияти — бу инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган, унинг манфаатлари устуворлиги, ҳуқуқий анъанага қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик муҳити шаклланган, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз амалга ошиши кафолатланган, жамоатчилик назоратида самарали фаолият кўрсатаётган демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, юқори маънавий-маданий қадриятларга асосланган инсоний мунсабатлар ҳукмронлик қилувчи адолатли, эркин ижтимоий макондир.

Фуқаролик жамиятининг асосий белги ва хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

-жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга булиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

-жамият мазмуни, унинг ривожланиш конуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

-хусусий мулк барча мулк шакллари катори равнақ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;

-фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бир хил ҳуқуқга эгалиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши;

-шахснинг хусусий ҳёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

-шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;

-давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқининг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чика олиши. Фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

-фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги<sup>11</sup>;

Давлат, ҳуқуқ ва жамият муайян алоқадорликдадир. «Жамият» — нисбатан кенг тушунча. Давлат унинг ичида мавжуд бўлади. Давлат ҳуқуқ келтириб чиқаради, аммо ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йуналтиради. Жамият давлат ва ҳуқуқ таъсирида у ёки бу томонга ўзгаради. Ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлиб, давлат учун ҳам, жамият аъзолари учун дам муҳимдир.

Фуқаролик жамияти давлатнинг фуқаролари, уларнинг ихтиёрий равишда бирлашган гурух, жамоа ва ташкилотлари, яъни ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган кишилардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурлов кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг бевосита ўзлари, уларнинг жамоалари орқали онгли равишда бошқариб туриладиган ва катъи тартиб - интизом қарор топтан жамиятдир. Бундай жамият бошқа жамиятлардан ўзини ўзи юксак даражада ташкил этиши ва бошқариб туриши билан ажralиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Унда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари кенг жамоатчилик назоратида булади.

Шундай қилиб Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожланишдан иборат экан, уни амалга оширишдаги устувор вазифалар қўйидагилардан иборат:

---

<sup>11</sup> Қаранг: Одилзориев У.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. - Т.: «Шарқ», 2002. - Б. 171-172.

**Сиёсий соҳада:** Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш — мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишидир.

**Иқтисодий соҳада:** Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тусиқларни бартараф этиш — бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йуналишларидир.

**Ижтимоий соҳада:** Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёsat юритиш тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолаверади.

**Маънавий соҳада:** Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютқари билан бойитиб бориш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий макрадларда фойдаланишга йул қўймаслик бу борадаги асосий вазифатаримиздир. Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилинг-Аллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин» деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади<sup>12</sup>.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий адолат принципининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Ижтимоий адолат жамиятда ва инсонлар ҳаётида реал қадрият бўлиб, у адолатли ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг узвий қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда адолат юксак маънавий қадрият бўлиб, у «тинчлик», «ҳамкорлик», «баҳт-саодат» каби инсоннинг азалий эзгу ниятларини ифодаловчи олийжаноб тушунчалар қаторига киради.

---

<sup>12</sup> Қаранг: Миллий истишқол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т.: «Узбекистан», 2001. — Б. 29-30.

2017 йилнинг 7 февралда қабул килинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони жамиятда ижтимоий долатни таъминлаш бўйича стратегик вазифаларни бажаришни ўз ичига қамраб олган. Шуни ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, унинг ҳар бир банди ижтимоийadolat fоясини амалга ошириш вазифаларини ўзида акс эттирган бўлиб, унинг сўзсиз бажарилиши эса мамлакатимиздаadolatli демократии жамиятни барпо этишга ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимиздаadolatli демократик жамиятни барпо этишда ижтимоийadolat fоясини амалга ошириш борасидаги стратегик вазифалар қаторига қўйидагиларни:

-ҳар бир фуқаронинг табиий яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва уларнинг жамият олдидаги бурч ва ҳуқуқларини уйғунлаштириб бориш;

-ҳар бир фуқарони ўзи танлаган қасб-корига қараб тўлик иш билан таъминлашга эришиш, уларнинг ижодий иш билан шуғулланишига шарт-шароитларни яратиб бериш;

-ҳар бир фуқаронинг саломатлигини сақлаш бўйича одилона иш олиб бориш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш;

-давлат бошқарувининг ҳар қандай бўғинида халқ билан мулоқот қилиш асосида, унинг куч-қудратага қараб одилона иш олиб бориш, яъни раҳбарлик сиёсатини юритиш;

-аёллар, болалар, ногиронлар, кексалар ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзиш, саховатпеша бўлишни таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

Умуман олганда ҳуқуқий демократик давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий илдизларини хилма-хил мулкчилик, уларнинг дахлсизлиги; ижтимоий заминларини фуқароларнинг узини-узи бошқариш, кишиларнинг ўз қобилияtlарини эркин

намоён қилишлари, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши, фикрлар хилма-хиллиги; ахлоқий асосларини эса инсон кадр-қиммати, эрк ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги, инсонпарварлик ваadolat принципларининг ҳар томонлама қарор топганлиги шундай ташкил қиласди. Шундай қилиб ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамиятининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи асосий таянч нуқталардан бири ҳисобланади.

## **Мақсад аниқ ва улуғ бўлса инсонга шижоат бағишлайди**

**Фармон Тошев,**  
Ўзбекстон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати аъзоси.

Халқ мақсадсиз, давлат эса ғоясиз яшай олмайди. Негаки, мақсад умрга завқ бағишлайди, интилишни ўргатади, барча имкониятларга эшик очади. Ғоя эса жамиятни бирлаштиради. Ақл мақсаднинг реаллигини таъминлайди. Одамлар ислоҳотлар самарасига қараб мақсаднинг ҳаётийлигига ишона бошлайдилар. Чунки мақсад одамлар эҳтиёжини қондиришга, ўз ҳаётидан завқланишига хизмат қиласди.

Зеро, Дени Дидро таъкидлаганидек, «Мақсад бўлмаса, ҳеч нарса қилмайсан, мақсад жуда кичик бўлса, ҳеч қандай буюк ишни қила олмайсан». Ливанлик файласуф Амин Райҳоний эса «Мақсадинг имкониятингдан ортиқ бўлсин, шунда бугунги ишинг кечагидан, эртаси бугунгидан яхши бўлади» деган. Зеро, Ф.Ницшенинг «Ожиз киши ўзига мақсад, вазифа излайди, кучли киши эса уларни ўзи яратади» деган ибратли иборасини барчамиз ўқиганмиз.

Демоқчиманки, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўз худудида учинчи Ренессанс даври учун шарт-шароит яратади, деган даъватига, аникроғи, ғоясига ана шу нуқтай назардан

ёндашмоқ лозим. Йилнинг ўтаётган шиддатли онлари – ҳар бир соҳадаги ҳаётий ислоҳотлар ва уларнинг халқ турмушкида кўзга ташланаётган самаралари, давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ошиб бораётгани бу олий мақсад шууримизга тобора чуқурроқ сингиб бораётганини кўрсатиб турибди. Албатта, катта, улуғ мақсадларга эришиш осон эмас. Дарвоқе, энг осони ҳам бу йўлда мashaққат чекишга тайёр туришдир. Қолаверса, эврилишлар жараёни бўйича тажрибамиз борлиги дилга таскин ва ишонч беради.

Иккала Уйғониш даврида айнан Мовароуннахрда фаолият кўрсатган ёки саёҳатга келган адилар, элчиларнинг асарларини ўқисангиз, уларда бир хулоса устун: бозорларда тўкинлик, кўчалар обод ва сувлар тиник, одамларда қаноат, шарқона иффат, орият, илмга интилиш кучли. Буни Абу Тоҳир Хожанинг (Х аср) фикри ҳам исботлаб турибди: «Агар бойлик истасанг – Ҳиндистонга бор, агар илм истасанг – Маккага, агар ҳар иккисини истасанг – Самарқандга бор».

Маҳдуми Аъзам ҳазратларининг Дехбеддаги қабри пойида мусулмон давлатларининг турли йилларда яшаган ўн беш нафар подшоси қўним топган. Чунки улар ҳаёт пайтларидаёқ мабодо вафот этса, ана шу заминга, ана шу улуғ инсонлар қабри пойида дафн этишларини васият қилишган.

Хўш, ўша даврдаёқ ер юзининг сайқали деб эътироф этилган бу қадимий кентнинг оҳанрабоси нимада эди?

Маълумотларга қараганда, Самарқанд вилояти ҳудудида беш мингдан ортиқ тарихий обида мавжуд. Шунинг 2 мингтаси Самарқанд шаҳрида жойлашган. Регистон майдонида йиллар давомида қурилган уч мадраса буюк ақл-идрок, муҳандислик намунаси сифатида ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Мазкур мажмуа ҳозирда обида саналади, ўз вақтида эса у юксак фазилатлар, маърифат, илм маркази сифатида шухрат топган.

Ана шу маърифат Имом Бухорийни, Алишер Навоийни шу заминга чорлаган. Имом Бухорий илмий-маърифий маркази

нашриёти 2007 йилда “Ўрта Осиё олимлари қомуси” китобини чоп этлди. Унда VIII-XIX асрларда шу минтақада яшаб ижод қилган 2700 нафар олиму уламо ҳақида маълумот келтирилган. Шу нашриётнинг “Самарқанд алломалари” (2017 йил) номли китобида эса Самарқандда фаолият кўрсатган 113 алломанинг таржимаи ҳоли билан танишиш мумкин. Тадқиқотчи Комилхон Каттаев яқинда Оқдарё худудида Реннесанслар даврида ўндан ортиқ таниқли имомлар яшаб ўтганлигини аниқлади. Чокардиза ва Шохи Зиндада ётган 45 минг нафардан ортиқ азиз авлиёлар хоки бизга аждодларимиз нечоғлик буюк тафаккур эгаси бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Муҳими шундаки, бу жараён йиллар силсиласида тўхтаган эмас. Гарчи аввал чор Россияси, кейин қизил империя босқинчилик орқали миллий қадриятлар, маърифат томирларига болта урган бўлса-да, қонимиздаги тафаккур ўлган эмас. Бастакор ва ҳофиз Ҳожи Абдулазиз, Намоз ботир Примқулов ва жадидлар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саир Ризо Ализода, Ҳожи Муин, таниқли оқинлар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош, Ислом шоир азалий анъаналар давомчиси сифатида элга танилди. Ундан кейин Самарқанд давлат университети маърифатнинг чинакам масканига айланди.

Бундай улуғворликни Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоят ва шахрида кўриш мумкин. Эътибор беринг, кейинги 3-4 йил ичида қанчадан-қанча кўхна маърифат масканлари қайта тикланди, қанча ижод мактаблари очилди. Бу эътибор ва эътирофгина эмас, бу катта қудрат ва жасорат ҳам. Назаримда, ана шу улуғворлик ва узилмас силсила давлатимиз раҳбарига ишонч, куч-қудрат ва жасорат бахш этди. Ана шу теран томирлар фидойи юраклардан сув ичиб, яна барг чиқара бошлади. Президент халқимизда ўз аждодларига нисбатан ҳурмат уйғотиш баробарида бу бунёдкор элни ана шу тарихий жасоратларни такрорлаш мумкинлигига ишонтира оляпти.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади: биз бу улуғ мақсадга қайси йўл билан эришамиз? Чунки энди давр бошқа, шароит ўзгача.

Давлатимиз раҳбарининг Парламентга учта мурожаати, умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва йил дастурлари билан танишган, уларнинг моҳиятини англаган ҳар бир киши бу саволга аниқ жавоб олади. Хусусан давлат раҳбарининг БМТ Бош ассамблеясидаги ва БМТ Инсон хуқуклари Кенгаши анжуманидаги нутқларида бу ҳаракат дунё ҳамжамиятига маълум қилинди.

Ренессанснинг асосий вазифаси – инсонни ҳаётнинг янги босқичига олиб чиқиши. Демак, бир мамлакатдаги муҳит бутун дунёга таъсир этмоғи лозим. Ренессанснинг асосий талаби – инсоннинг эркин яшashi, ижод қилиши учун шарт-шароит яратиш. Эзгу сўз, эзгу ҳаракатнинг қадрланиши. Бугун давлат сиёсати ана шу мақсадга қаратилганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Уларни санаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Ҳаётнинг аччиқ сабоғи шундай: кимки ўзи учун аниқ, улуғвор мақсад қўйиб яшамас экан, у бирорнинг мақсади амалга ошишига хизмат қилишга мажбур. Фахрим шуки, халқимиз асрлар давомида бу ҳақиқатни англаб яшаган. Шу сабабли тарихда дунёни ўзгартириб юборган иккита Уйғониш даврининг яловбардорига айланган. Умидим ва ишончим шуки, бу бунёдкор эл учинчи жасоратга ҳам қодир. Бинобарин, оққан дарё оқаверади.

## **Маънавий бегоналашувнинг назарий, ижтимоий-сиёсий моҳияти ва тенденциялари**

**Баходир Мавлянов,  
Жizzах вилояти ҳокимининг маслаҳатчиси**

Бегоналашув – бу ижтимоий-фалсафий тушунча бўлиб, кишининг жамиятдан, уни бошқаришдан, ўзи яратган муносабатлар ва объективлаштирилган нарсалардан четланганлигини билдирувчи ижтимоий жараён. Демак, бегоналашув негизида ижтимоий

муҳитга тегишли омиллар ётади. Инсоннинг ўзидан, моҳиятидан узоқлашиши, ўзлигини англашга қодир бўлмаслиги ёхуд буни тан олмаслигининг инъикосидир. Бунда инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, мақоми, мавқеи, бажарадиган вазифаси ўртасида узилишлар содир бўлади. Ҳатто ота-она, фарзанд, яқинлар ҳақида қайғуриш, ўйлаш унга оғирлик қиласди. Бу жараёнда ёш ва жинснинг аҳамияти йўқ.

Файласуф Людвиг Фейербах бегоналашув кишида қўрқув, қарамлик каби руҳий ҳолатларни келтириб чиқаради, деб ҳисоблаган. Бу каби салбий вазиятлар авлодлар ўртасидаги тушунмовчиликларда яққол намоён бўлади. Одамларнинг бир-бирини тушунмаслиги, қалбан ва фикран узоқлиги, муносабатларидағи меъёрнинг бузилиши, жамиятда ўз ўрнини тополмаслиги бегоналашувнинг туб илдизини ташкил этади.

Бегоналашув иллати бугунги жамиятнинг ёшлар қатлами онги ва дунёқарашида аниқ қўринмаса-да, ижтимоий тармоқларда турли гурухлардаги умумий муносабатларда қўзга яққол ташланмоқда. Бугун ижтимоий тармоқларга боғланиб, ўзининг қурақда турмас ҳақоратлари, амалга оширилаётган ислоҳотларга ноҳолис баҳоси ва ён-атрофдагиларга нисбатан салбий муносабатини айтишга уринаётган ёшлар қатлами вужудга келмоқда.

Ваҳоланки, ёшлар бизнинг жамиятимизнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Бу эса ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратишни ва ўз вақтида давлат бошқаруви органлари томонидан керакли дастурларни, лойиҳаларни мунтазам равишда татбиқ этиб боришни талаб этади.

Ёшлар –сиёсий тузуми қандайлигидан қатъий назар ҳар бир давлатнинг алоҳида диққат эътиборида турувчи қатлам бўлиб ҳисобланади. Чунки ёшлар муаммоларини ҳал қилмай туриб, жамиятнинг ҳозирги ҳаёти ва келажаги барқарор бўла олмайди. Ҳозирги кунда дунё миқёсида ёшларнинг энг муҳим муаммолари – таълим-тарбия, бандлик, бўш вақтини мазмунли таъминлаш ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев БМТда сўзлаган нутқида “одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир дея таъкидлаган эди.

Ғарб мамлакатларида ёшларнинг маънавий муаммолари ечимлари сифатида уларнинг бўш вақтини педагогик асосда ташкил қилишга қаратилди ва бу ижтимоий тарбия йўналишининг пайдо бўлишига олиб келди. Бўш вақт масаласига бунчалик катта эътибор қаратилишининг сабаблари бор. Зеро ёшлар бўш вақтларида нима билан шуғулланишлари жамиятнинг маънавий муҳит соғломлиги, жиноятчилик, наркомания ва бошқа ижтимоий муаммоларга бориб тақалади. Ушбу ёндашув барча мамлакатлар учун умумий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса дунёning ривожланган мамлакатларида ушбу соҳада қўлга киритилган ютуқларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш заруратини яна бир бор оширади.

2021 йил 27 январь Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида “Ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ўtkazilgan видеоселектор йиғилишида Ёшлар билан янгича ишлаш тизимини яратишда *иккита муҳим йўналиш: биринчи-ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, иккинчи - ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.* “Фарзанд тарбияси ва юриштуришидан огоҳ бўлмасак, уларни илму-хунарга ўргатмасак, кўзи меҳнатда қотмаса, муносиб иш топиб бермасак, уларни заарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш қийин бўлади”<sup>13</sup>, деди Президентимиз.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган муҳим ижтимоий-тарбиявий вазифалардан бири – ёшлар

<sup>13</sup> Эртасини ўйлаган мамлакат ёшларини эътиборсиз колдирмайди./ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. / KunUZ. 05.07.2018.

тарбиясига заар етказувчи ҳар қандай таҳдидларга қарши турувчи маънавий-маърифий муҳит яратиш сифатида ифодаланди. Бинобарин, ижтимоий тарбия, яъни «муҳит тарбияси»ни маънавий-маърифий ишлар омиллари билан янада жипслаштириш талаб этилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида таълим муассасалари – ижтимоий тарбия ишлари мувофиқлаштириувчи марказ сифатида қаралади. Яъни мактаб нафақат ўқувчиларнинг, балки атрофдаги аҳолига ҳам ижтимоий педагогик таъсир кўрсатади.

Оила билан ижтимоий ва педагогик иш барча ижтимоий ишларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда, педагогик ва психологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган фаолиятни ўз ичига олади. Кўшма Штатлардаги оила(мижоз) билан ижтимоий ва тарбиявий ишларнинг мазмуни билан танишиш ижтимоий хизматчининг аралашув жараёнида амалга оширадиган вазифаларини (диагностик, прогностик, ижтимоий-тиббий, ижтимоий-педагогик, психологик, ижтимоий, кундалик, коммуникатив) аниқлаш имконини берди.

Оила билан ишлашнинг аралашув жараёни бир нечта асосий босқичларни ўз ичига олади: 1) оиласидаги муаммони аниқлаш ва алоқа ўрнатиш; 2) маълумот, ахборотни йиғиш ва баҳолаш; 3) режа ва шартнома тузиш; 4) зарур тадбирлар йўналишларини кўриб чиқиб, аралашувнинг муқобил вариантларни аниқлаш; 5) якуний баҳолаш босқичи ва жараённинг якунланиши.

АҚШ ва Ўзбекистонда оила сиёсатининг хусусиятлари солиширилганида ўзига хосликлар бўлиши табиий. Бироқ, иқтисодий аҳволи оғир аҳволда бўлган оиласидаги ёрдам кўп жиҳатдан давлат томонидан амалга оширилади. Айни вақтда уларни меҳнатга жалб қилиш, рағбатлантиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик умумийлик хусусиятга эга. Оила билан ишлаш АҚШда ижтимоий ходимлар ишининг мазмунини белгилаб берувчи «Оилани қўллаб-қувватлашнинг давлат ва нодавлат дастурлари» орқали ташкил этилади.

Қиёсий таҳлилларнинг кўрсатишича, АҚШда қўлланиладиган ижтимоий ишнинг кўп жиҳатлари Ўзбекистонда яхши ривожланган. Масалан, маълумот тўплаш усуллари - тадқиқот, кузатиш, ёзма материалларни ўрганишдан иборат. Мижозни тўғри тушунишга эришиш учун ишлатиладиган усул “ижтимоий тарих” методи деб аталади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШда амалда бўлган кўплаб ижтимоий иш шакллари ишлатилади: нақд пул ёрдами тизимлари (имтиёзлар, тўловлар, компенсациялар), натурал ёрдам тизимлари (озик-овқат, кийим-кечак, пойабзal, шунингдек, дори-дармонлар, бепул таомлар, (ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари, уй-рўзгор хизматлари учун имтиёзлар, имтиёзли иш ўринлари ва бошқалар), гуманитар ёрдам шулар жумласидандир.

Айrim ёшларда бегоналашувнинг юзага келиши бу ижтимоий мухит, оиласвий ҳаёт, атрофдагиларнинг кучли таъсири остида юзага келади. Фарзандларимизни зарур маданий-маърифий, фойдали ишга жалб этиш йўлидаги камчиликлар бу каби иллатнинг илдиз отишига сабаб бўлади.

Социологларнинг фикрича, ёш авлодни фойдали меҳнатга жалб этиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тўлақонли таълим беришдан ташқари, унинг руҳиятидаги ўзгаришларни ўз вақтида англаш, тўғри йўналтира олиш муҳимдир. Жамиятга ижтимоийлашувнинг кучайтирилиши йигит-қизларда бегоналашув иллатини йўқотади.

Бу жараён анча хавфли эканини социологлар ва психологлар таъкидламоқда. Шундай экан яна оила, маҳалла, таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, таълим-тарбияга эътибор қаратиш асосий ва муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

## **Ўзбекистоннинг миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари**

**Рустам Кобилов,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш  
аентлиги Самарқанд вилоят филиали раҳбари

Бугунги дунёning геоиқтисодий манзараси доирасида Ўзбекистон Республикаси геоиқтисодий сиёsat юритиш, яъни даромад топиш ва фойда кўриш мақсадида стратегик аҳамиятга молик бўлган вазифаларини ҳал қилиш учун биринчи навбатда ўзининг миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантириши ва ривожлантириши зарур бўлади. Дунёning геоиқтисодий манзараси ўз ўзидан яратилмайди, балки миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги маконларидан ўзига хос ўрин топиш борасидаги саъи-ҳаракатлари натижасида вужудга келади, шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи ҳам долзарб бўлиб, уни ташкиллаштириш қуйидаги шартларни бажаришни талаб қиласи.

Биринчидан, мустақил мамлакатимизнинг миллий геоиқтисодий манзарасида ҳозирги кунда жаҳон халқлари ҳаётининг турли соҳаларида содир бўлаётган глобал жараёнлар оқими, хусусан, геоиқтисодий, геосиёсий, геомафкуравий, геостратегик аҳамият касб этаётган нарса ва ҳодисалар кенг кўламда тасвирланиши шарт. Агар бу шарт бажарилмаса, давлатнинг ўз геоиқтисодий сиёsatини изчил амалга ошириш учун геоиқтисодий маконларда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг бугунги аҳволи ва келгусидаги йўналишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, шу асосда стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва режалар тузиш имконияти чекланиб қолади.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг миллий геоиқтисодий манзарасида ўзбек халқининг ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегиясини ишлаб чиқиш учун геоиқтисодий маконда ўз вақтида ва ишончли ҳаракат қилиш мўлжалларининг максимал даражада қулай ва содда шакллари ўз ифодасини топган бўлиши шарт. Агар бу шарт бажарилмаса давлатимиз ўз геоиқтисодий сиёсатини амалга оширишда фойда қўраман деб, рақобат ботқоғига ботиб инқирозга учраши мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон миллий геоиқтисодий манзарасининг электрон версияси бўлиши шарт. У юқори даражадаги геоиқтисодий технологияларни шакллантириш, андоза бўладиган вазиятларнинг стратегик вариантларини, яъни ҳар хил комбинацияларини ишлаб чиқиш, турли хил стратегик вазифаларни ҳал этиш, вазиятга қараб стратегик комбинациялаш методикасини қўллашга оид ахборот базасига эга бўлиши керак. Электрон версиясиз, ахборот базасиз бугунги дунёнинг геоиқтисодий манзараси доирасида геоиқтисодий сиёсат юритиш илмий мантиққа зид бўлган ишдир.

Тўртинчидан, мамлакатимизнинг миллий геоиқтисодий манзарасини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва ривожлантириш масаласи ҳар томонлама ёндошувни талаб қиласди. Бу ишни амалга ошириш учун турли хил даражада илмий тадқиқот ишларини олиб борувчи ташкилот, муассаса ва тузилмалар жалб этилиш шарт. Мамлакатимизнинг миллий геоиқтисодий манзараси илмийликка асосланмас экан, у албатта геоиқтисодий сиёсатни амалга оширишда фалсафий категория, илмий дунёқараш шакли, илмий билиш усули, иқтисодиёт оламини ўзгартириш дастури сифатида методологик вазифани уddalай олмайди.

Ўзбекистон давлатининг миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари юқорида келтирилган шартларни бажариш, унинг у ёки бу жиҳатларини астойдил

ўрганиш, илмий ишлов бериш асосида босқичма босқич амалга оширилади.

Мамлакатимиз миллий геоиктисодий манзарасини шакллантириш ва ривожлантиришда миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ўрни қўйидагалардан иборат.

Мустақил Ўзбекистон давлати Марказий Осиёning ўрта қисмида жойлашган бўлиб, у шарқ ва шимолий-шарқда Қирғизистон Республикаси, шимолий ва шимолий-ғарбда Қозоғистон Республикаси, жанубий ва жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбда Туркманистон Республикаси, жанубда қисман Афғонистон Ислом давлати билан чегарадош. Демак, мамлакатимиз ҳудудининг Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни бир бирлари билан боғловчи халқа сифатидаги географик жойлашуви яқин ва узоқ қўшниларимизнинг геоиктисодий сиёsat олиб боришлари учун энг қулай маконлардан бири саналади.

Ўзбекистон аҳолисининг сони 34 млн. киши (2020 й)ни ташкил этади. Унда 130 га яқин миллат ва элатлар яшайди. Уларнинг барчаси “бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”. Демак, аҳолининг сони ва уларнинг қонун олдида тенглиги миллий геоиктисодий манзарани шакллантириш ва ривожлантиришнинг кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий геоиктисодий манзарасининг ташкилий - иқтисодий қисмини шакллантириш масаласи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда

ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин (53-модда). Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 54-модда)”,- деган қонун-қоидага асосланади.

Ўтаётган 30 йил ичида сабиқ СССР дан қолган якка мулкчилик тизими тугатилиб, унинг ўрнига кўп мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, шакллантириш ва ривожлантириш бўйича мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Аниқроғи, хусусий мулк соҳиблари бўлган янгича типдаги мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг янги авлоди ўз фаолиятини инновацион усуллар асосида иқтисодий фаолият юрита бошладилар. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Керак бўлса, тадбиркорларимиз хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба ортириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим”<sup>14</sup>,— деган эди.

Ҳозирги кунда иш билан банд аҳолининг 74% шу соҳада меҳнат қилмоқда, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 52,5% ни ташкил қилмоқда. Маҳсулот экспортидаги улуси эса охирги 15 йил ичида уч маротиба ортиб, бугунги кунда бу кўрстгич 27 фоизга етди. Охирги беш йилда экспорт фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар сони 1,5 баравар, кичик бизнес субъектлари сони 1,6 баробар ошди. Демак, мамлакатимизнинг миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б.87.

тадбиркорликка жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч, геоиқтисодий сиёсатимизнинг фаол субъектларидан бири сифатида қарашимиз зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари шу билан тугамайди. Аслида, бу иш ўз ечимини кутаётган ижтимоий фалсафий масалалар қаторига киради. Бунда шу нарсани алоҳида такидлаш керакки, мазкур масалани амалда бажариш борасида тўпланган тажрибаларимиз бошқа давлатларнинг ҳам миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантириш ишларига андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## **Миллий юксалиш шароитида сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини ошириш**

**Ориф Шукуров,**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилоят Кенгаши раиси

Ҳар қандай демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳукуқи кафолатланган бўлиб, инсонга ўз фикрмулоҳазаларини эркин равишда ифодалаш имкониятининг яратиб берилганлиги давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёркин ифодасидир. Ўз навбатида эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши табиий ҳол. Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ сиёсий партиялар фаолиятининг ҳукуқий асослари изчил ва босқичмабосқич тарзда шакллантирилиб ва такомиллаштирилиб келинмоқда.

Жумладан, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ҳамда унда жами 13 та (10, 12, 32, 34, 56, 57, 58, 60, 62, 106, 108, 112, 120) моддасида сиёсий партиялар билан боғлиқ қоидалар киритилганлиги, давлат ва

жамият тизимида сиёсий партияларнинг ўрни конституциявий нормалар орқали аниқ белгилаб қўйилганлигини яққол кўрсатади.

Партиялар фуқароларнинг сиёсий хаётда, давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш, демократик давлатда давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбай бўлмиш – халқни сиёсий иродасини ифодалашнинг муҳим воситасидир. Сиёсий партиялар кўп ҳолларда ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўтаб, мазкур давлат ҳокимияти органларининг мамлакат ички ва ташқи сиёсати бўйича ҳаракатлар дастурини белгилаб олишда ҳам самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқи мустаҳкамланди, сиёсий партиялар турли табақа ва грухларнинг сиёсий иродасини ифодалаши ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиши эътироф этилди. Юртимизда сиёсий партияларнинг бевосита фаолиятига оид яхлит учта қонун қабул қилинган.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунда давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлаши, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳукуқий имкониятлар яратиб бериши қайд этилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият хаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича улкан ислоҳотлар амалга оширилди.

Айниқса, 2017 йил 12 июлда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор

йигилишидаги маърузаси партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Президентимиз ушбу маърузада “бугун замоннинг ўзи барчамиздан, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг вакиллари, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлишни, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда” – деб таъкидладилар.

Сиёсий партиялар қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этади. Сайлов сиёсий партиялар учун ҳокимиятга эга бўлиш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этиш, ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашиш, жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш ва ниҳоят уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш имкониятини беради.

Сайлов кодексининг янгиликларидан бири бу – сиёсий майдон тўлиқ сиёсий партияларга берилиши, Экологик ҳаракатга қўйилган квота чиқариб ташлангани, ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан номзод кўрсатиш хукуқининг чиқариб юборилганида намоён бўлади. Эндиликда сиёсий партиялар Конунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда 135 эмас, балки тўлиқ 150 та сайлов округида номзодларини кўрсатиш хукуқига эга бўлдилар. Бундай янгиликлар сиёсий майдонда партияларнинг янада ўзини намоён қилишига, қўппартиявийликни ва партиялараро рақобатни ривожлантиришга, парламентда кўпроқ ўрин олишига имконият яратади.

Сайлов кодексда сиёсий партия ваколатли вакилининг хукуклари ҳам кенгайтирилди. Эндиликда ваколатли вакил сайлов

комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Аввалги қонунларда унинг фақат сайлов участкасида овозларни санаб чиқишида иштирок этиш ҳуқуқигина қайд этилиб, шунингдек партия ваколатли вакилни ўз аъзолари орасидангина тайинлаши белгиланган эди.

Жорий йилнинг 2 февраляда Президентимизning сиёсий партиялар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашуви мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлди. Очик мулоқот чоғида партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш масалалари, бугунги кунда улар олдида турган асосий вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Давлат ва жамият ҳаётига доир кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партияларнинг ўрни катталиги таъкидланди. Учрашувда ижтимоий соҳалар, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Сиёсий партиялар ўз депутатлари орқали жойлардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни ўрганиши, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериши, айниқса, таъсирchan парламент ва жамоатчилик назоратини олиб бориши мухимлиги қайд этилди. Партиялар ўз электорати, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётий мухим манфаатларини таъминлашга кўмаклашиши зарурлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини парламентга фаол олиб чиқиши, ўз фракциялари орқали қонунчилик ташабbusларини илгари суриши ва қонунлар ижросини таъминлашни назоратига олиши зарурлиги ҳақида фикр алмашилди. Мулоқот жараёнида сиёсий партиялар фаолияти бугунги замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда, чукур таҳлил қилиниб, уларнинг ишини

такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича фикрмуроҳазалар, амалий таклифлар билдирилди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, сиёсий партиялар ўзларининг бош сиёсий мақсадларидан ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб турли хил ғояларни илгари суради. Бизнинг назаримизда ҳар қандай сиёсат замирида Ватан, Халқ, Миллат манфаатлари ётади. Партиялар ватан тақдиди ва истиқболи, эркинлик, қонунийлик, ҳуррият ва миллий ғоя учун курашишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Зеро, партиялар биринчи ўзак - бошланғич ташкилотлар орқали халқ ичига тез ва дадил кириб боради. Бу мамлакатимиз сиёсий партияларининг миллийлигини ҳам ифода этади.

## **“Қиссаи Машраб”да Машраб сиймоси талқини**

**Мўмин Ҳошимхонов,  
ЖДПИ, фал.ф.д. (DSc)**

Адабиётшунос Абдусаттор Жуманазар “Қиссаи Машраб” асари, гарчи у ривоятлар асосида яратилган бўлса-да, ундаги авлиёи Ҳақ шоир дунёни у ёки бу четига бир зумда боришлигини ҳақталаблигини шундай баён қилган: “Қиссаи Машраб” асари хумда лиммо-лим жимиirlаб турган майдир. Унга “шўнгий” олган, унинг ичида чарх уриб кезиб юрган телбавор қуюнни кўради. Бу қуюн Машрабдир. У хоҳлаган вақтида дунёning исталган минтақасида пайдо бўлади. Ҳар қандай жойга енгилгина кириб боради. Май таъмини туйган дунёни шу қуюн орқали кўради, у билан бирга кезади<sup>15</sup>.

“Қиссаи Машраб” шоир тўғрисидаги халқ ривоятлари ва афсоналарининг Пирмас Сеторий томонидан жамланиб, бадиий жихатдан қайта ишланган ва китобат қилинган намуналариdir.

---

<sup>15</sup> Сайфиддин Сайфуллоҳ, Абдусаттор Жуманазар. Ҳалқ севган кисса (сўзбоши). Қиссаи Шоҳ Машраб. –Т.: Наврӯз, 2014.–Б.4-5.

Шоир ўзи ҳаётлик вақтидаёқ унинг дилрабо ғазалларини ҳофизларимиз севиб куйлашгани сингари “икки жаҳонга сифмаган” Ҳақ ошиғининг гаройиб ҳаёт йўли, муқаддас қадамжолар ва азизлар остоналарини зиёрат қилиб юрган бузругвор шоир-қаландар тўғрисидаги ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб, эл орасида ривоятлашиб, Машраб номи тилларда достон бўлиб кетган<sup>16</sup>. Машраб туғма вали бўлгани учун қаерга бормасин ўзидан олдин унинг овозаси етиб борган ва халқ уни хурмат-эҳтиром билан кутиб олган. “Машрабо, шуҳратпастнинг кейнидан офоти бор”, деган шоир баъзан халқ ихлосини қайтариш учун “қибоб” яъни атайин тескари қиликлар қилган ва одамларни ўзидан совутган. Айрим жойларда кароматлар кўрсатган. Буларнинг бари оғиздан-оғизга ўтиб, халқ орасида тарқалган ва Машрабнинг шуҳратини янада ёйган. Кейинчалик эл орасида тарихий наср намунаси сифатида оммалашиб улгурган. Бу ривоят ва афсоналар халқ оғзаки ижодиётининг маҳсули бўлиб, бизгача асосан оғзаки ва ёзма манбалар орқали етиб келган.

Машрабнинг баъзи ҳаракатлари “Қиссаи Машраб”да келтирилган: “Машраб Офоқхожанинг дуосини олиб бу даргоҳдан паришон ҳолатда Ёркентга ташриф буюради. Ёркент аҳли ҳам Машрабни қўрмоққа орзуманд эдилар. Машраб ҳузурига пешвоз чиқиб кўрдиларки, бир қаландари оташнафас жазб ҳолатида, соchlари фатила-фатила гирди камарларига тушган ҳолда ишқ оташида юзларидан шуъла сочиб турибди. Ёркент ҳокими келиб Машрабни зиёрат қилди”. Бироқ, Ёркент халқи ҳокимга эътиroz билдириб бутун аъзолари очиқ банги қаландарга шунча илтифот зарурми деган фикр билан мурожаат қиласи. Ҳоким бемаъни фикрларни кўнгилларингдан чиқариб ташланглар, авлиёликнинг нишони шулдир деб Машраб билан мулоқотга киришади ва Машрабни иззат-хурмат билан саройга лутфан таклиф этади. Шоир

---

<sup>16</sup> Сайфиддин Сайфуллоҳ, Абдусаттор Жуманазар. Халқ севган қисса (сўзбоши). Қиссаи Шоҳ Машраб. –Т.: Наврӯз, 2014. –Б.11.

ҳаётининг сўнгги йиллари Бухорода, сўнгра Ҳиндистонда, кейинчалик Қаршида 3-4 йил истиқомат қилгач, Балхга келган.

Шоирниң Наманганда истиқомат қилишининг кейинги даврларида у «шаддод, номуссиз йигит» сифатида қаттиқ таъқиб ва таҳқирларга дучор бўла бошлайдики, унинг ҳаётидаги бу ҳодисалар ҳақида қиссада анчагина аниқ ишоралар бўлганидек, унинг шеърларида ҳам бундай шароитдан аччиқ шикоят оҳанглари кўзга аён ташланади<sup>17</sup>.

Нега Машраб ўзини бундай тутган? Бундай хатти-ҳаракатлари билан у нима демоқчи ва нимага эришмоқчи бўлди?

Табиийки, диний уламолар ва ҳукмрон табақа вакиллари Машрабнинг ахлоқсизлиги учун уни диндан чиқкан ва кофир, ахлоқсиз шахс сифатида қоралаганлар. Машраб нафақат ўзининг хатти-ҳаракатлари, балки шеърлари билан ҳам уларни ғашига тегарди. Машраб бир ғазалида уларнинг шаънига шундай аччиқ гапларни айтган. Шоир ўз нафсига танқид ва маломат тифини уриш билан бирга боти Фиръавн-у, зоҳири авлиё, нафси учун шайтонга ҳамроҳ бўлган кимсаларни ҳам аямайди.

Бобораҳим Машраб маънавиятида, унинг ўгит-насиҳат, дидактик-ахлоқий шеъриятида пайғамбар Мұхаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаллам, унинг икки олам сарвари, мўмину мусулмонларнинг раҳнамоси, коинот гултожи бўлган одам аҳлининг яктоси сифатида азизу мукаррамлигини мадҳ этувчи гўзал мухаммаслари жуда кўп.

«Қани марде қиёмат хавфидан тор бўлса мижгони», «Илоҳо бандаларни нури покинг бирла ҳамроҳ қил», «Ажаб баҳти қароман, жавҳаримдин айрилиб қолдим», «Оси умматларини пайғамбарларга еткур, эй Худо», «Ул чироғу пурзиё бўлган Мұхаммад Мустафо», «Равзаи покингга келдим, ё Мұхаммад Мустафо!», «Оси умматга шафоат ё Мұхаммад Мустафо!», «Мұхаммад Мустафо отлиғ манинг пайғамбарим бордур», «Ё Мұхаммад бир мадад қилгил

<sup>17</sup> Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б.39.

шафоат вақтидур», «Қўлумни сан туто кўргил, ки ё Расулуллоҳ», «Чунон аламзадаман, Мустафодин ўзга ёrim йўқ» каби Пайғамбарни улуғлаган, унга ҳамд, сано, наът, суруд ва дуруд бағишланган шеърий мухаммаслари мавжуд.

«Қиссаи меърежномаи Расули Акрам» мустазодида Пайғамбар(с.а.в)имизнинг меърежлари – малакут оламига чиқишилари, Арш, Курси, Лавҳ, Қалам, Жаннат, Дўзах ва бошқа ажойибу ғаройиботларни кўришилари, Аллоҳу таоло билан сўзлашишлари ва яна қайтиб келишиларига ишонмаслик куфр саналади. «Қисса»да Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърежларига ишонмай шарманда ва шармисор бўлган бир яхудийнинг бошидан кечирган хунук воқеалари ва охирида ўз қилмишидан пушаймон бўлиб кечирим сўраши ҳамда мусулмончиликни қабул қилиши воқеалари ривоят қилинади”<sup>18</sup>.

Машраб пайғамбардан шафоат тилаб, мусулмон бандаларни Илоҳ нури билан покиза қилишни сўрайди, умматларни Муҳаммад ҳурматидан Яратган олдида юзини ёруғ қил, ҳаммага нури тоат қасрини тухфа қил, кўзим ёшини ҳар қатрасини ҳар бир банда учун тўккил, осий умматинг бўлган, адашган Машраб қулингни Расулуллоҳга ҳамроҳ қил деб ўгит, панд беради.

Машраб мухаммасларида Расули акрамнинг фазилатлари, шамойиллари, юксак ахлоқларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Пайғамбарга бағишланган мухаммаслар, ҳамд, сано, наът, суруд, фахрия ва қутловлар билан айтилган. Машраб айни замонда адолатсизлик ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат билан асло келиша олмайдиган довюрак шахс сифатида машҳур бўлиб, «мехнаткаш халқ Машрабни адолат жарчиси, ҳоким табақа ва мунофиқ шайх-зоҳидларни қўрқмай фош этувчи, айрим диний ақида-тушунчаларни менсимай, масхара билан обрўларини тўкувчи журъаткор шахс сифатида тасаввур этган”<sup>19</sup>.

<sup>18</sup> Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчи Жалолиддин Юсуфий. Т., “Янги аср авлоди”, 2006. –Б.42.

<sup>19</sup> Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчи Жалолиддин Юсуфий. Т., “Янги аср авлоди”, 2006. –Б.42.

«Қиссаи Машраб» ривоятларига қараганда, шоир қаерга бормасин, ўзининг кўриниши, сўфиёна, халқчил ғазаллари ва фавқулодда оташин сўzlари билан тезда кўзга кўринади, авлиё сифатида шуҳрат қозонади, унинг орқасидан эргашиб, иззатхурматини ўрнига қўйишади, ҳоким табақалар унга мурид бўлишга ҳаракат қилиб, дабдабали кошоналарга таклиф қиладилар. В.Л.Вяткин Машраб тадқиқотчиси сифатида унинг Ўрта Осиё халқлари орасида шуҳрат қозонишининг туб илдизини очиб, шоир исёнкор шеърлари билан мавжуд қалбакичилик, ноҳақликка қарши кучнинг тимсоли эканлигини таъкидлаган.

## **Шахсда ижтимоий фаоликни шакллантиришнинг педагогик ва психологик шарт-шароитлари**

**Нурали Мажидов,**  
ЎзМУ доценти  
**Жаҳонгир Мажидов,**  
Жиззах ДПИ катта ўқитувчisi

Хар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод таълим-тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Таълим-тарбиянинг мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

Ижтимоий фаолликни тарбиялаш - бу нафақат жамоат ишларида иштирок этиш даражасининг ошиши, балки ёшларнинг ахлоқий йўналганлигини аникловчи мотивларнинг шаклланиши ҳамdir. Талабалар жамоаси ва уннинг хар бир аъзосида жамият ва замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий муносабат - тажриба тўплашни шакллантириш - бу фаолликнинг асосий педагогик - психологик шарт шароитлари қисобланади.

Бу борада талабаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадқиқот олиб борилди.

Тадқиқот икки босқичда олиб борилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида талабалар нинг умумуниверситет микёсида жамоат ишларидағи иштироки ва турли хилдаги топшириқларни бажаришга муносабати ўрганилди.

Иккинчи босқичда эса талабаларнинг ўзи ўқийдиган гурухдаги фаоллик даражаси ўрганилди.

Тадқиқот натижалари шуни курсатди, биринчи курс талабаларининг аксарияти асосан фақатгина буюрилган жамоат ишларида иштирок этар экан. Буни биринчи курс талабаларининг ҳали олий таълимга тўла мослашмаганлиги, уларда мослашув жараёни кетаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Иккинчи ва асосан учинчи, тўртинчи курс талабалари жамоат ишларида иштирок этади, ташаббус кўрсатади ва фанларни аълога ўзлаштиради. Яна шуни таъкидлаш керакки, айрим талабалар ҳеч қандай жамоат ишларини олиб бормайди. Бу кўрсатгичларга янада аниклик киритиш мақсадида анкета, иншо, якка ва жамоавий сұхбат методлари ёрдамида тадқиқот олиб бордик. Тадқиқотда 300 дан ортик талаба иштирок этди.

“Сизга жамоат ишларида иштирок этиш ёқадими, унинг қиммати нимада?” - деган саволга олинган ёзма жавоблардан шуни кўриш мумкинки, талабаларнинг ярмига якини жамоат ишларида иштирок этиш уларни қаноатлантиради, бажарилаётган ишлар уларнинг қизиқишлирига мос келади.

Иштирокчиларнинг тўртдан бир кисми жамоат ишларида жалб этилмаётганликларини, номигагина топшириқ берилаётганини ва унинг бажарилиши назорат килинмаётганлигини кўрсатишган. Бу талабаларда жамоат ишларида иштирок этишга мойиллик бор. унинг моҳиятинн тушунади, лекин улар мададга, кўмакка муҳтож.

Қолган талабалар бу саволга жавоб бермадилар. Сұхбат жараёнида шу нарса аён бўлдики, улар жамоат ишларида иштирок

этмайдилар, унинг аҳамиятини ҳис этмайдилар.

“Жамоат ишларии бажаришда кандай кийинчиликларга дуч келдингиз ва уни кандай бартараф этдингиз?” саволига кўпчилик вақтини етишмаслигини, ўкиш ва жамоаг ишларини биргаликда олиб бориш кийинчилини кўрсатишган. Баъзи талабалар эса жамоат топшириқларини бажаришда тажриба ва малакалариг етишмаслигини кайд килган.

Биринчи курс талабалари жавобларидан шу нарса аён бўлдики, уларниг кўпчилиги жамоат ишларини кандай олиб боришни, уни муваф- факиятли бажариш йўлларини билмайдилар.

Иккинчи курс талабаларининг ёзишича, кўп ҳолларда талабанинг шахсий қизикишлари, қобилияtlари хисобга олинмасдан жамоат ишларига жалб этилади. Бу эса ўз навбатида ишларнинг муваффакиятсиз тугашига сабаб бўлали.

Билдирилгаи фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, талабаларни жамоат ишларига жалб этишда, аввало, ўкув фаолиятининг шарт- шароитларини ва уларниг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш максадида уларниг қизикиш да қобилияtlарини билиш керак экан.

Талабалар хаётинииг энг мухим томоилларидан бири олийгоҳдан ташкаридаги ранг-баранг ижтимоий фаолиятидир. Шундай фаолият турлари- дан бири педагогик амалиётдир. Амалиёт ўкув тарбия жараёнининг мухим кисми хисобланиб, у куйидаги мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган:

- Максад қўя олиш малакаларини эгаллаш, якка ва хамкорликда ишлаш вазифаларини шакллантириш;
- Назарий билимларни мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда кўллаш;
- Амалий масалаларни ечиш кўниикмаларини ўрганиш;
- Касбий сифатлар, дунёқарашни шакллантириш, касбий маданиятни эгаллаш.

Педагогик амалиёт даврида талаба ўкув- тарбия жараёнининг турли томонларини кузатади, таҳлил килади, дарс боришни

ўрганади, ўкувчилар билан тарбиявий ишларни олиб боради, мустакил синф ва синфдан ташқари машғулотларни ўтказади. Тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини назорат ва тақлил килиш, ўқитувчи сифатида дарс ўтиш, турли тадбирлар ўтказишида иштирок этиш- уларда аввало, маъсулият хиссини, шу билан бирга ташкилотчилик кобилиятлариниг шаклланишига ёрдам беради.

Ўтказилган тадқикот шуни кўрсатадики, факультет жамоасининг тотув ва муваффақиятларида, талабаларнинг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир киладиган академ гурухларда иш кай даражада ташкил этилганлиги мухим рол ўйнар экан.

Академ гурухлардаги ишларни ўрганиб, ҳолатини таҳдил килиб, талабаларда ижтимоий фаолликни шакллантириш жамоат ишларида иштирок этишга кизиктириш, уларда ўз-ўзини бошкариш, ташкилотчилик кобилиятларини, мустакиллик ва ижодий ёндошиш сифатларини ривожлантириш учун маҳсус дастур ишлаб чикилади.

Бу иш жараёнида талабалар ўзи учун керакли бўлган билим ва малакаларга эга бўлдилар. Тўпланган материаллар асосида сұхбатлар, баҳс- мунозаралар ўтказилди, улардан амалий машғулот дарсларида фойдаланилди. Сұхбатлар жараёнида биз тўплаган манбалар уларнинг фаолияти натижаси эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Бўлғуси мутахассисларда фаолликнинг шаклланиши ёшларимизда Ватанга мухаббат, ўзи танлаган касбни ардоклаш, сидқидилдан ва халол меҳнат қилиш руҳида тарбияланганлик самарасидир.

## **Бошқарув қарорларини қабул қилишда жамоатчилик таъсирини ошириш**

**Тўйчи Ахмедов,**  
**ЖДПИ кафедра мудири в.б.,**  
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент**

Бошқарув жараёнида қарор қабул қилиш мұхим жараён ҳисобланади. Чунки оқилона қарор иш жараёнида ҳар қандай масаланинг оптималь ечими ҳисобланади. Қарор қабул қилишда асосий ечим бўла оладиган вариантни ажратиб олиш раҳбарлик қобилияти имкониятини белгилаб беради. Шундай экан тўғри қарор қабул қилиш ташкилот ривожини калити бўлиб хизмат қиласди. Қарор қабул қилишда раҳбар билан бирга унинг маслаҳат берувчилари билими, савияси, даражаси ҳам таъсир қиласди. Бир нечта таклифдан энг мақбулини ажратиб олиш учун танлов қилиш мумкин.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш очик ва ёпиқ тарзда ўтказилиши мумкин. Одатда ёпиқ тарзда қабул қилинадиган қарорлар давлат, хизмат, ҳарбий ва шахсий сирлар билан алоқадор бўлади. Бошқа ҳолатларда қарорлар ҳамма билиши мумкин бўлган масалаларга тааллуқли бўлади ва очик тарзда қабул қилинади. Очик тарзда қабул қилинадиган қарорлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин. Ўзбекистонда бошқарув қарорларини қабул қилишда жамоатчилик таъсири тегишли қонун ҳужжатларида акс эттирилган.

Жумладан, 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунигининг 4-моддасида жамоатчилик назоратининг обьекти келтирилган. Унга кўра давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг “қабул қилинаётган норматив-хукуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга” доир фаолияти жамоатчилик назоратининг обьекти ҳисобланади. Демак, давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳам жамоатчилик назорати обьекти.

Маслаҳат услубида қабул қилинадиган қарорлар ташкилот раҳбарлигига ўтказиладиган мажлислар чиқарилади. Ҳар бир

ташкilotning энг юқори коллегиал органи асосий қарорларни қабул қиласди. Шунинг учун “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунинг 8-моддасида “Жамоатчилик назорати субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш хуқуқига эга. Давлат органлари ўзининг очик ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади”, дея белгилаб қўйилган.

Бу қоида 2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунинг 11-моддасида “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш” тарзида қайд этилган ва 16-моддада очик ҳайъат мажлисида иштирок назарда тутилган. Яъни, мазкур Қонунда жамоатчилик назоратининг муҳим субъектларидан бўлган оммавий ахборот воситаларининг ёки фуқароларнинг давлат ҳокимияти идораларининг очик ҳайъат йиғилишларида иштироки хуқукий асослантирилган.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда қабул қилинаётган қарорлар устидан жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг узвий қисми ҳисобланади. Масалан, 2021 йил 4 марта кучга кирган Ўзбекистон Республикасида 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ташкilot фаолиятида муҳим ўрин тутадиган жамоатчилик Кенгашлари фаолияти таркибида нодавлат ташкilotлар вакилларининг ишитрокини 50%га етказиш вазифаси қўйилган<sup>20</sup>.

Бугунги кунда ташкilotларда мавжуд Жамоатчилик Кенгашлари ҳар бир ташкilot фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг коллегиал шакли дейиш мумкин. Улар

<sup>20</sup> 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // <https://lex.uz/docs/5319764>

ташкilotда ишга қабул қилишдан тортиб, ташкilot фаолиятининг энг муҳим масалаларигача барча жараёнларни жамоатчилик нуқтai назаридан баҳолаб боради. Ташкilotларнинг Низомларида жамоатчилик Кенгашлари фаолияти йўналишлари белгилаб қўйилган. 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мана шу жараённи янги босқичга олиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қарор қабул қилиш жараёнида жамоатчилик таъсирини ошириш бўйича қўйидаги масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- қабул қилинаётган қарорлар самарадорлиги оширишда қарор қабул қилишнинг маслаҳат услубидан кенг фойдаланишга аҳамият бериш;
- қабул қилинадиган қарорларни ташкilotнинг веб-сайтларига ёки ҳамма танишиш мумкин бўлган жойларда эълон қилиш тартибини жорий қилиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида очиқ ҳайъат мажлислари кун тартиби билан бир неча кун олдин жамоатчилик вакилларини, хусусан, ташкilot жойлашган ҳудуддаги ўзини ўзи бошқариш органи ва ОАВни таништириш.

### **Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалтиришнинг ижтимоий - фалсафий асослари**

**Бобоёрөв Б.Н.**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
ТАТУ доценти, ф.ф.б фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, бозор муносабатларига асосланадиган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини жадаллик билан ривожлантириб келмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш доирасида жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жамият азолари, хусусан, ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга бефарқ бўлмаган, ижтимоий-сиёсий жараёнларга маъсулият билан ёндошадиган фаол, ислоҳотлар амалга оширувчи ташаббускор, бунёдкор кучга айлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур”<sup>21</sup> лигини, жамиятда хуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш учун тизимли ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди.

Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича хуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ёш авлод онгидаги шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муддаодир<sup>22</sup>.

<sup>21</sup> “Конституция ва қонунлар устуворлиги – хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг муҳим мезони”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини 27-йиллигига бағищланган тантанали тадбирдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутки. “Халқ сўзи”, 8 декабрь 2019 й.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони. porma.uz

Бугунги кунда юртимизда барча жабҳаларда туб ўзгаришлар юз берайтган масъулиятли паллада ҳуқуқий тарбиянинг барча шакл ва усулларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Шу сабабли ҳуқуқий маданиятимиз даражасига танқидий баҳо бериб, муаммоларимиз сабабини чуқур ўрганишимиз керак. Бироқ фақатгина қонунларни ўргатиш ва жавобгарлик билан қўрқитиш орқали қонун устуворлигига ва тараққиётга эриша олмаймиз. Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланмаётганлигимиз юқоридаги фикрларимиз исботидир.

Фармон асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равища ҳуқуқий билимларини ошириб боришининг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни заарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи Давлат органи этиб белгиланган.

Бундан ташқари, аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, тегишли давлат органларига аниқ вазифалар юклатилган. Ўз навбатида, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

қонунида ҳам, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура тизимиға ҳам қатор вазифалар юклатилган<sup>23</sup>.

Шунингдек, фармон билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси қабул қилиниб, унинг асосий вазифа ва мақсадлари, асосий йўналишлари кўрсатилган ва Концепцияни самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. “Йўл харитаси”га 88 та банд киритилган бўлиб, барча соҳаларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс - оила - маҳалла - таълим муассасаси - ташкилот - жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши назарда тутилган.

Ҳуқуқий ислоҳотлар ижросини таъминлаш борасида таълимтарбия муассасалари Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда манзилли амалий ишлар олиб оширилиб, асосий эътибор ёшларга қаратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, ёш авлод вакилларини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли заарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, билимлари ва масъулиятини мунтазам ошириш ҳамда вилоятнинг туман (шаҳар)ларида, айниқса чекка худудларида истиқомат қиласидиган кўп сонли уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатdir.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- ✓ Оиласа ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тарғибот қилиш;

<sup>23</sup> Қаранг: “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2016 йил 14 сентябрь.

- ✓ Мактабгача таълим, мактаб, ўрта-максус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим босқичларида узлиksиз ва узвий ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини самарали йўлга қўйиш;
- ✓ Хуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш;
- ✓ Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, қонунларни кенг жамоатчиликка тушунтириш борасида манзилли ва предметли тарғибот ишларини амалга ошириш;
- ✓ Хуқуқий саводхонликни оширишга хизмат қиладиган турли танловлар, конкурслар, олимпиадалар ташкил этиш ҳамда ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бориш;
- ✓ Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда таълим-тарбия муассасаларида амалий учрашувларни тизимли ташкил этиш ва мутахассис дарсларини йўлга қўйиш;
- ✓ Интернетнинг из доменига ҳуқуқий онг ва маданиятни тарғиб этувчи веб-сайтлар, саҳифалар сонини ошириш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу кўзда тутилган мақсадли ишларни амалда ижро этилиши учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни ҳис қилишимиз, ёшлар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалиштиришга хизмат қиладиган ишларни тизимли амалга ошириб борсак, ҳуқуқий давлатни тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга  
мурожаатномасининг инсонпарварлик моҳияти**

**Нодира Султонова,**  
Тошкент архитектура-қурилиш институти  
доценти, фалсафа фанлари бўйича PhD.

Ўзбекистон Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида, “Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки,

кучли ва самарали бошқарув тизимиға, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган ўзбек халқининг меҳр-оқибатли ахолисига эга бўлган давлатлар пандемиянинг кенг тарқалиш ҳавфини ўз вақтида бартараф этишга қодир бўлади.” – деб вазиятга тўғри баҳо бериб, халқимизни соғлом яшаш эртанги кун боқийлиги деб гапириб ўтди.

Бу ерда ҳавф-хатарни олдини олиш, уни ривожланиб кетмаслигини олдини олувчи икки шарт кўрсатилди.

Биринчи, кучли ва самарали бошқарув тизимиға эга бўлиш ваадолат билан давлатни бошқариш;

Иккинчи, ҳалқнинг бир ёқадан бош чиқариши, бирдамлиги, меҳрибонлиги, оқибатли халқ эканлиги айтиб ўтилади.

Ўзбекистонда миллатлараро дўстлик, иноқлик, Ватанга, тарихий-маданий меросга меҳр, оила ва фарзандларга, аёл ва ота-онага муҳаббат гуманистик қадриятлар сифатида улуғланадиган бўлди. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганидек, буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни қўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир”.<sup>24</sup> Кўп миллатли мамлакатимизда, жамиятимизда тинчлик, ҳамжиҳатликни таъминлашда меҳр-муҳаббат ва дўстликнинг мазмун моҳиятини англаш ва жамият аъзоларига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентнинг 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида амалга оширилган ишларга холисон баҳо берилиши билан, мамлакатимизнинг равнақи учун, фаровон ҳаётга эришиш учун қилинадиган ишлар белгилаб берилди. Улкан ва масъулиятли вазифалар орасида давлат бошқарувини самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида ургу берилди.

Аввалги Мурожаатномада ҳам муҳим вазифалар белгиланиб, уларни мувафақиятли ҳал қилишининг шарти самарали бошқарув тизимини шакллантириш эканлиги давлат бошлиғи томонидан эътироф этилган эди.

---

<sup>24</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. - Тошкент.: Ўзбекистон НМИУ, Т.: 1. 2017. 24-бет.

Бу Мурожаатда ҳам “кучли ва самарали бошқарув тизимиға эга бўлган давлатлар дунёда рўй берган энг мудҳиш оғат – пандемиянинг кенг тарқалишига, уни бартараф этишга қодир бўлиши таъкидлаб, бутун халкимиз билан бу касалликни енгамиз. Фақатгина бирлашиш, ёрдамлашиш, меҳр-саховатли бўлиш барчамизга куч беради”<sup>25</sup> деди Ўзбекистон Президентимиз Ш.Мирзиёев.

Бошқарув тизими мукаммал бўлган мамлакатлардагина ҳокимият билан ҳалқ ҳомкорлиги бўлиши бизнинг тажрибамизда яна бир бор ўз исботини топди.

Лекин ҳозир ҳам мукаммал давлат бошқаруви тизимиға эга бўлдик деб айта олмаймиз. Ҳали ҳам ижтиомий ҳаётда ўсишга, барқарорликка, ислоҳотлардан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилаётган иллатлар мавжуд бўлиб, улар бошқарувнинг самарадорлигига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли жамиятимизда тартибсизлик, бузуклик ва низолар жиноий ишлар, барча оқибатсизликлар меҳр-муҳаббат туйғусининг заифлашиши ёки йўқолиши туфайли кўпайиб бормоқда.

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқаролари юртимизда бўлаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмасдан давлатимиз ривожи тараққиёти учун хизмат қилишнинг асосий фуқаролик бурчлари сифатида қабул қиласалар Ўзбекистон давлатида тинчлик осойишталик муқаррар бўлади.

### **Фуқаро ижтиомийлашуви фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омили сифатида**

**Б.Э.Тошбоев,  
Жиззах ДПИ, ф.д.(PhD)., доц.**

Фуқаролик жамияти юксак аҳлоқли, иқтисодий ва сиёсий билимларга эга ҳар тамонлама камол топган асл фуқролардан

<sup>25</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалкимиз билан бирга курамиз асари. Т.Ўзбекистон.2017. 19-бет).

ташкил топган жамият сифатида таърифланади. Бу жараёнда шахснинг ижтимоийлашуви асосий ва этакчи ўринни эгаллайди. Фуқаро ижтимоийлашмаса бу жамиятда фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди. Ижтимоийлашувнинг асосий моҳияти шундаки, унинг мавжудлик тажрибасини инсон жамиятда орттиради ва унинг бир қисми бўлиб қолади. Инсон ўз ҳаёти давомида болалар боғчаси тарбияланувчиси, ўқувчи, талаба, ишчи ёки ходим ҳамда ака, ука, опа, сингил, дўст, эр, хотин, ота-она, ҳамкараб, умумий қизиқишига эга ўртоқ ва ҳоказо каби ижтимоий функцияларни бажаради.

Шахс ижтимоийлашуви ҳақида гап кетганда, унинг «социал адаптация ва интериоризация фазаларига эътибор қаратиш зарур»<sup>26</sup>.

Социализация жараёнининг биринчи социал адаптация фазасида индивид жамиятдаги ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларга мослашади, жамият турмуш тарзининг турли жабҳаларида шаклланган ижтимоий нормаларга риоя қиласди. Ўзига мансуб бўлган ижтимоий грух ёки ижтимоий ташкилотлар, институтлар ўрнатган тартиб-интизомга, қоидаларга амал қилиш малакаларини ўзида мужассамлаштиради.

Бу жараёнининг иккинчи, яъни интериоризация фазасида жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий нормалар ва қоидалар индивид хулқ-атворига, хатти-ҳаракатига мустаҳкам ўрнашиб олади. Бошқача айтганда, «ижтимоий муҳитнинг турли компонентлари индивид хулқ-атвори билан қўшилиши унинг шахс даражасига кўтарилиши учун зарур бўлган шарт-шароитни вужудга келтиради»<sup>27</sup>.

Шунингдек, шахс феъл-атворида юзага келадиган ижтимоийлашув билан боғлиқ жараёнлар унинг кайфиятида, характеристида ўз аксини топади. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти»га ўтиш шароитида «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» тамойили асосида Президент Ш.М.Мирзиёев

<sup>26</sup> Кон И.С. Социализация. Философская энциклопедия. Т. 5. – М., 1970. С. 66- 67.

<sup>27</sup> Қаранг: Чориев А. Инсон фалсафаси. (II Мустақил шахс). – Тошкент.: Chinor ENK, 2002. 118-119- 6.

томонидан олиб борилаётган сиёсатда бу ҳолат кўзга янада яққол ташланмоқда.

Фуқаролик жамияти омманинг интилиши, кайфияти, ҳуқуқий савияси ва энг муҳими, жамиятда юзага келаётган демократик тамойилларни кишилар руҳиятига сингдириш, ундаги ўзгаришларни ҳар бир фуқаро том маънода «хазм» қила олиш даражасига боғлиқ ҳолда ривожлана олади.

Фуқаролик жамияти ва демократик давлат фаолиятида ҳамма нарса инсон манфаатлари учун сафарбар этилади. Гегель фуқаролик жамияти ҳақидаги таълимотида инсонни, унинг ҳолати, роли, функцияларини беҳудага бош элемент деб белгиламаган. Демократиянинг бу умумқоидаси инсон омили, инсон мезонини юксак мақомга кўтаради. Айнан шу боис асосий Қонунимиз муқаддимасида белгиланган Ўзбекистон халқининг саккизта Конституциявий мақсадининг ҳаммаси бевосита инсон омили билан боғлиқ. Жумладан, инсон ҳуқуқларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлод олдидаги юксак масъулият, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини, тинчлик ва миллий тотувликни таъминлаш, ниҳоят, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш<sup>28</sup>.

Давримизнинг муҳим ижтимоий ҳаракатларининг ифодаси сифатида воқеликдаги туб сифат ўзгаришлар мамлакатимиз аҳолисининг кайфияти сиёсий онгига шунчаки акс этиб қолмасдан, балки моҳият эътибори билан тарихий жараённинг кучли жадаллаштирувчи омили сифатида мустақиллик кайфияти майлини оширмоқда ва омманинг ижодий онглилиги билан қўшилиб кетмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бизнинг миллатимизга керак бўлган яна бир муҳим масала бор – бу одамлар руҳиятини ўзгартириш, бозор психология- сини шакллантиришдир. Бу борадаги ўзгаришлар ҳам сезилмоқда, одамларимиз аста-секин боқимандалик кайфиятидан холос бўлмоқдалар, ташаббускорлик ва

---

<sup>28</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. 3- 6.

тадбиркорлик қарор топмоқда<sup>29</sup>. Бу эса нафақат иқтисодий, айни пайтда, ижтимоий масала ҳамдир.

Ана шу боис халқ оммасининг куч-ғайратини илмий асосланган тарзда мақсадга мувофиқ йўналтириш учун, шунингдек, кишиларнинг бирор ижтимоий фаоллигини бошқаси билан алмаштириш учун, ижтимоий руҳиятшуносликни, биринчи навбатда эса, жамиятдаги ижтимоий гурухлар, қатламлар, синфлар, миллатлар ва ҳар бир инсоннинг кайфияти шаклланишини, унинг ички боғлиқлиги ва амал қилиш механизмини ҳамда қонуниятларини билиш, ўрганиш керак.

Бошқача айтганда, жамиятдаги ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда кишилар кайфияти, интилишлари, ўз тарихи, аждодлар ўтмишига муносабати ҳам у ёки бу даражада ўзгариб боради.

Бу хусусда таниқли социолог П.Сорокиннинг қўйидаги фикрлари диққатга сазовор: «Инсоният маданияти қанчалик юқорилаб борар экан, у шунчалик ўзидан аввал ўтган аждодларининг қилган ишларига боғлиқ эканлигини ҳис қилиб боради, ўзидан олдин ўтган аждодларининг тажрибалари асосида сақланиб қолган чора-тадбирларга эҳтиёж сезиб боради ҳамда уларни амалиётга қўллашга ҳаракат қиласди»<sup>30</sup>.

Бинобарин, ўтмиш даврдаги вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда, бугунги кун руҳига мослашиб, илғор мамлакатларнинг давлатчилигига эришган баъзи бир ютуқлари билан тарихий меросимизни уйғунлаштириш асосида фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, омма руҳияти ва эҳтиёжини мунтазам ҳисобга олиш давр талабидир.

Ҳар қандай илмий назария ёки таълимотларни олиб ўрганадиган бўлсак, уларнинг асосида ғоялар, урф-одатлар, анъаналар, маданий-маънавий қадриятлар ётганини кўрамиз. Булар, ўз навбатида, ўзаро уйғунлашиб, жамият қонунлари, ҳаракат ва тараққиёт қонуниятларини белгилайди.

<sup>29</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1995. 44- б.

<sup>30</sup> Сорокин П. Система социологии.– М., 1991. С.119.

Янгиланиш, сиёсий тизим ва қайта қуриш, дунёвий тамойиллар йўлига ўтиш жараённида, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида ўзини-ўзи бошқаришнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жамият тараққиётининг ҳозирги даврида кўп жиҳатдан фуқароларнинг маълум ҳудудда биргаликда яшаши билан боғлиқ масалалар бўйича юзага келаётган ижтимоий муаммолар ечимини топиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятида ҳар бир одам эркин ҳолда ўзи учун муайян мақсадни белгилайди. Бироқ у бошқалар билан муносабатга киришмасдан туриб, ўз мақсадига эриша олмайди. Натижада ҳар бир алоҳида шахс бошқалар билан ўзаро муносабатлар воситасида уларнинг фаровонликка интилишини қаноатлантиргани ҳолда, ўзи ҳам қаноатланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида яхши, фаровон яшамоқ учун ҳар бир фуқаронинг интилиши пировард натижада бутун жамиятни ўшандай яшашга олиб келади.

## **Глобаллашув шароитида ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш масалалари**

**Толибжон Эргашев,  
ЖДПИ тадқиқотчиси**

XX аср охири ва XXI аср бошида инсоният жиддий глобал ўзгаришлар тўлқинига дучор келди. Ахборот узатиш, қабул қилиш, алмашиш жараёнларидағи тезкорлик, шаффофлик, сифат ва аниқлик таъсирчанликни таъминлаб, ахборот оқимининг бутун ер шари бўйлаб кенг ёйилишида интернетнинг аҳамияти катта бўлди ва айнан мана шу омил ундан фойдаланиш имконини ошириб борди. Шиддат билан ривожланаётган ахборот технологиялари, рақамли технологияларнинг такомиллашиши, сунъий йўлдошлар орқали боғланадиган уяли алоқалар, интернетнинг чегара билмаслиги, қўл телефонлари ва бошқа гаджетларнинг компьютерлар ўрнини босиши, катта қувватга эга серверларнинг

ишга тушиши натижасида ахборот маконида инқилоб вужудга келди ва у дунёнинг глобаллашуви билан характерланади.

Глобаллашувга БМТ нинг ҳар йили эълон қилиб бориладиган “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза”сида қуидагича таъриф берилади: “Глобаллашув-жаҳон иқтисодиётининг товарлар, хизматлар, сармоя, ишчи кучи ва фикр-кашфиётлар оқимининг кенгайиши, шунингдек, мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари туфайли давом этаётган интеграциясидир”<sup>31</sup>. Б.Умаровнинг фикрига кўра: “...глобаллашув жараёни одамзодга ўзаро ахборот алмашув, алоқаларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш суръатини кенгайтириш борасида катта имкониятлар бериш билан бирга йиллар, асрлар давомида етилиб келган муаммоларни ҳам юзага чиқара бошлади”<sup>32</sup>.

Ахборотлар жамият ва давлатларни бошқариш, сунъий интелект, таълим олиш, бизнес ва янги иш ўринлари яратиш жараёнларида асосий манбага айланди. Ахборотлаштириш фалсафасининг инсонлар онги ва ҳаётига кириб келиши келажак дунёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, у дунё мамлакатлари иқтисодиётини, инсонларнинг яшаш шароитини, ижтимоий фаоллигини тезликда ўзгартириши, қашшоқ мамлакатларни ривожлантириши, ишсизларни иш билан таъминлаши, ер юзининг ҳоҳлаган жойида туриб ўқиш, билим олиш, уйдан чиқмай бизнес қилиш, пул топиш, харид қилиш хусусиятларига эга бўлиш имконини берди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти натижасида инсонлар ўртасида “ахборот” алмашинувининг масофавий муроқот қилишига олиб келди. Унгача инсонлар ўртасида кўриш, билиш, сезиш, жарчилар ва кабутарлар, кейинчалик китоб, газета, журнал, радио ва телевидения орқали тарқалган ахборотлар интернет пайдо бўлгач

<sup>31</sup> Аннан К. Доклад тысячелетие. –М.2002. –С.65.

<sup>32</sup> Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. Тошкент. Маънавият, 2006. – Б. 28.

яшин тезлигига дунёning ҳоҳлаган бурчагига бир неча сониялар ичида тарқалишига эришилди. Натижада эса, мутлақо ўзгача бўлган янги “постиндустриал“ жамият, кейинроқ “глобаллашув” даврига қадам қўйилди. Ахборот алмашинувининг тезлашиши, унинг чегара билмаслиги натижасида давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар ва фалсафий қарашлар тубдан ўзгариб кетди.

Ахборотлашган жамият шароитида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Ахборотлаштириш-ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига фуқаролар, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ахборот соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида оптимал шароитларни яратиш учун ташкил этиладиган ижтимоий-иктисодий ва илмий-техник жараёнлар мажмуудир.

Ахборот (лотинча «*informatio*»-тушунтирумок, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шакллар узатилган маълумотдир. Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот-кишилар, предметлар, фактлар, ходисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумот (маълумотлар мажмуи)ни англатади.

Жаҳонда ахборотни тезкорлик билан барча соҳаларни қамраб олиши, унинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто сиёсий аҳамият касб этиши ахборотлашган жамиятни вужудга келишига сабаб бўлди. Ахборотлашган жамиятга Интернет луғатда “телекоммуникация, радио, телевидение, Интернет, шунингдек, анъанавий ва электрон оммавий ахборот воситаларидан фойдаланаётган ахборот жамияти бўлиб, глобал ахборот маконини яратиш, одамларнинг самарали ахборот алмашинуви, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига кириш имконияти, ахборот машғулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш”<sup>33</sup>, деб таъриф берилган.

---

<sup>33</sup> Информационное общество. <https://ru.wikipedia.org/wiki> .

Шубҳасиз, зарур ахборотларга эга бўлишга интилиш – давр талаби. Бироқ, бугунги кунда, шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамият ва давлатнинг ўзи ҳақида ахборотларни тарқатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг икки асосий жиҳати мавжуд. Масалан, Интернет тармоғи имкониятлари кенгайиб бораётган ҳозирги даврда, улардан мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашда кенг фойдаланиш зарур. Чунки, жаҳонга танилиш учун нафақат реал дунёда, балки, ахборот дунёси (виртуал олам)да ҳам ҳаракатлар олиб бориш зарур. Ёшлар ўртасида социологик тадқиқот ўтказилганда “Ёшлар онига ғоявий таҳдидларни кириб келиши қандай омил билан боғлиқ?” деган саволга 54 фоиз ёшлар ғоявий таҳдидларни кириб келишини “Глобаллашув орқали ахборот кўламининг кенгайиши билан” боғлайди.

Ўқитувчилар ёшларни инновацион тафаккурини шакллантиришда ахлоқий қадриятлардан фойдаланиши ва бунда жамиятда мавжуд маънавий ва ахлоқий нормалардан оқилона фойдаланиш, таъсир кўрсатиш технологиясидан оқилона ўз фаолиятида жорий эта олиши лозим бўлади. Маънан юксак бўлиш инновацион тафаккурни шаклланишига асос бўлади, чунки, илм ва тажрибага эга бўлиб бориш, жамиятни ривожланиш тамойилларини ўзлаштирган ёшларда прогрессия ғоялар шаклланади.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув даврида қуйидагилар ахборотлашган жамият шароитида Ўзбекистон информацион борлиғида ёшларни инновацион тафаккурини шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил бўлиши мумкин:

- ўз информацион борлиғини ҳимоя қилиш ва мамлакатимизни дунё информацион борлиғига чукур интеграциясида ўзига хос ҳисса қўшиш, бу борада инновацион чоралар олиб бориш;
- Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги сиёсати, меъёрий нормалари ва бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар ва жараёнлар мазмун-моҳиятини теран англаб етиш;

- ижтимоий аҳамиятга эга ахборотларни қўлга киритиш, уни сақлаш ва тарқатиш тартибини инновацион йўлларини ишлаб чиқиши ва йўлга қўйиши;
- замонавий илмларни ўзлаштириш, ахборотлашган жамият орқали кўлами ва мазмуни ошиб бораётган фан-техниканинг охирги натижаларини, хорижий давлатлардаги инновацион ютуқларни ўзлаштириш орқали янги ғоялар яратиш.

## **Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари**

**Ахроржон Юсупов,**  
Кўқон давлат педагогика институти

Хозирда жаҳон давлатларининг глобаллашув жараёнига тортилиши ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари билан ўзини яққол намоён этмоқда. Глобал миқёсида кечеётган ижтимоий-сиёсий тенденциялар фуқаролар ўртасида сиёсий маданият ва ижтимоий-сиёсий фаолликни ривожлантириш масалаларини долзарб вазифа сифатида қўймоқда. Мамлакатларнинг тарихий истиқболи кўп жиҳатдан аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва унда ёшлар қатлами қандай сиёсий қадриятлар, ғоя ва анъаналар билан тарбия топаётганига боғлиқдир.

Шунингдек, хуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, демократик асослар ва фуқаролар ижтимоий тафаккурининг тараққиёти асосан ёшлар сиёсий толерантлиги кўрсаткичи орқали баҳоланиши мумкин. Сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий фаоллик категорияси ва унинг фуқаролар дунёқарашини шакллантиришдаги ролини тадқиқ этиш ижтимоий-сиёсий фанлар олдида турган долзарб илмий йўналишга айланиб улгурган.

Жаҳон миқёсида фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллиги ривожланишининг самарали омилларини қамраб олган, ижтимоий-

сиёсий, диний, миллий ва бошқа турдаги қадриятларга асосланган, жамиятда ишонч омилини мустаҳкамловчи феномен сифатида мафкура омилини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш тобора кучайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда дунёning аксарият мамлакатларида фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ривожлантириш билан ишлашнинг янгича моделларини яратиш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни яратишга оид кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кўпгина мамлакатларда бундай моделларни ишлаб чиқишида уларнинг замон талабларига мослигига, бажарадиган вазифаларига катта микдордаги маблағларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш бўйича миллий моделларнинг нафақат локал нуқтаи назардан муваффақиятли амал қилиши, балки уларнинг мазкур соҳадаги халқаро муносабатларга интеграциялаша олиши, мазкур сиёсатнинг самарадорлигини белгиловчи муҳим мезонлар сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш жараёнларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинди. Мамлакатимизда фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришни маънавий ва мафкуравий қадриятлар уйғунлигига амалга оширишни давр тақозо қилмоқда. Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантиришда мафкура нақадар муҳим омил эканлигини «Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшाइтган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у астасекин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!»<sup>34</sup>, дея айтилган эътироф орқали

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутки. <http://uza.uz/oz/politics/15-06-2017>

ҳам англашимиз мумкин. Шунингдек, ҳозирда ривожланишнинг янги даврини бошлаган мамлакатимиз учун миллий мафкура концепциясини янада такомиллаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмларини замонавийлаштириш, уни тизимли равишда тадқиқ этиш эҳтиёжи ушбу масаланинг долзарблигини янада оширади.

Миллий ўзликни англаш ижтимоий ривожланишнинг объектив шароитларида шаклланади ва ривожланади. Ватанга садоқат миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ва ривожланиши учун муайян замин яратади, у сиёсий маданиятда ўз ифодасини топади. Ҳудудий бирлик миллат миллий ўзлигининг шаклланиши ва ривожланиши омили сифатида, яна шу билан ҳам муҳимки, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг марказлашуви айнан муайян ҳудудда юз беради.

Ҳозирги даврда ўзбек ҳалқи ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг маънавий фаоллиги миллий уйғониш йўлларини излаш, миллий ўзликни англашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг бош омилига айланган, улар ўз ҳалқи тарихини, унинг маданияти ва маънавиятини чуқур билиш ва тушунишга асосланган тақдирдагина қудратли кучга айланади.<sup>35</sup> Миллий ўзликни англаш, умуман олганда, ўзининг мазкур ҳалқقا мансублигини тушуниб этиш, унинг бошқа ҳалқлар орасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш демакдир. Республикада туб ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган даврда миллий мафкура ғоясини мустаҳкамлаш ўзбек ҳалқининг миллий ўзликни англаш жараёни билан узвий боғлиқ. Миллий ўзликни англаш, сиёсий маданиятнинг маънавий элементи, янги иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва ахлоқий муносабатларнинг вужудга келиш омили сифатида, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Миллий уйғонишда инсон омили ролининг фаоллашуви сиёсий маданиятни назарий жиҳатдан теран ва ҳар томонлама англаб этишни тақозо қиласди.

<sup>35</sup> Қаранг: Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.77.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3907-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ёшларни ижтимоий сиёсий фаоллигини маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга муайян даражада хизмат қиласди.

### **Формирование поведения руководителя общеобразовательного учреждения в контексте построения его профессионального имиджа**

**Нарзикулова Ф. Б., доцент СамГУ,  
Юнусзода Ш.Ж, магистр кафедры «Психологии» СамГУ**

Культура является социальной доминантой, обязательность наличия всех видов культур, как в профессиональной деятельности, так и в деятельности руководителя, а ее формирование - это процесс восхождения личности, приближение ее деятельности с нормами культуры, которые позволили, прежде всего, представить содержательно образующий компонент культуры профессиональной деятельности, как интеграцию моральной, этической, умственной, так и психологической, коммуникативной и физической культур. Каждая из этих культур имеет, как мотивационный и гностический, так и деятельностный и эмоциональный выборы (компоненты), что, прежде всего в нашем

понимании - составляющие профессиональной педагогической культуры руководителя.

Термин «деонтология» происходит от греческих слов: «deontos» - должное, надлежащее и «ljos» - знание, и означает совокупность нравственных норм профессионального поведения медицинских работников. В последнее время принципы деонтологии нашли отражение в различных профессиональных кодексах журналистов, социальных работников, педагогов и т.д. Термин «деонтология», предложен английским социологом и юристом И.Бентамом (J. Bentham), в XIX веке для обозначения теории нравственности.

Но по нашему мнению, интересен сравнительно новый подход в научном объяснении профессионального поведения современного педагога на основе педагогической и профессиональной деонтологии, что в контексте нашего исследования, рассматривает профессиональное поведение руководителя общеобразовательного учреждения, как составляющая его профессионального имиджа. Впервые к исследованию вопроса педагогической деонтологии обратился К. Левитан в 1994 году. Он определил педагогическую деонтологию, как науку о профессиональном поведении педагога.

По мнению многих ученых исследователей, понятие «педагогическая культура» педагога, представляет собой интегративную характеристику педагогического процесса, включая единство, как непосредственной деятельности людей, по передаче ими накопленного социального опыта, так, и результаты этой деятельности, прежде всего, закрепленные в виде знаний, умений, навыков и специфических институтов, такой передачи от одного поколения к другому<sup>36</sup>. Исследуя сферу профессионального поведения педагога, ученый исследователь акцентирует внимание на то, что педагог должен, прежде всего, выполнять установленные

---

<sup>36</sup> Буряк В. К. Педагогическая культура: теоретико-методологический аспект: [монография] // В. К. Буряк. - М.: Демиур, 2005. - 232 с. – СТР. 21, 41,42

нормы, формализованные и закрепленные в различных нормативно-установочных документах (законах, уставах, положениях, инструкциях, правилах и т.д.).

Но на наш взгляд, не менее важно, для руководителя общеобразовательного учреждения, как участника педагогического процесса, прежде всего, знать и выполнять нормы, хранящихся в определенном социокультурном сообществе в виде представлений и традиций, то есть, в сфере неформализованных отношений. Предметом же педагогической деонтологии, по мнению ученого К. Левитана, является исследование совокупности, как формализованных, так и неформализованных норм профессионального поведения и деятельности педагога и руководителя.

По нашему мнению, специфика, прежде всего педагогической деятельности, а руководителя общеобразовательного учреждения в частности, по аналогии с деятельностью врача или психотерапевта, предполагает некий свод этических правил, запретов или ограничений вмешательства во внутренний мир другого человека. Педагогическая деонтология же разрабатывает правила и нормы поведения педагога в сфере его профессиональной деятельности. Отображение же нормативных требований, профессиональных норм в сознании, позволяет педагогу полнее и адекватнее воспринимать профессиональную педагогическую действительность, ориентироваться в ней, вырабатывать, прежде всего, стратегию и тактику, строить планы и достигать поставленные цели профессиональной деятельности, то есть сознательно регулировать свое профессиональное поведение.

Эти правила и нормы являются, как условием, так и продуктом, так же и средством познания педагогической действительности. С помощью этих норм и правил педагог вырабатывает отношение к себе, прежде всего, как к профессиональному, так и к другим участникам педагогического процесса, через их призму оценивает все факты педагогической

реальности. Руководитель, прежде всего, должен в первую очередь руководствоваться в своем профессиональном поведении и деятельности теми формализованными нормами и правилами, закрепленными в частности в уставах конкретных образовательных учреждений, в Законе Республики Узбекистан «Об образовании». Приведем некоторые выдержки из Закона Республики Узбекистан «Об образовании» как пример формализованных норм и правил:

**Статья 5.** Права на занятие педагогической деятельностью: Право на занятие педагогической деятельностью имеют лица с соответствующим образованием, профессиональной подготовкой и обладающие высоким нравственным качеством;

**Статья 16.** Повышение квалификации и переподготовка кадров: Повышение квалификации и переподготовка кадров обеспечивают углубление и обновление профессиональных знаний и навыков.

Интересным, на наш взгляд, представлено мнение исследователей, которые считают, что педагогическую деонтологию можно считать практическим приложением профессиональной этики руководителя, так педагогическая деонтология, рассматривая особенности педагогической практической деятельности и поведения педагога, формирует систему норм и требований, предъявляемых к педагогу, как к личности, так и как специалиста<sup>37</sup>. Кроме того, важно подчеркнуть, что основными задачами профессиональной деонтологии на современном этапе являются:

- прежде всего, это изучение проблем поведения работников определенной профессии, представителей конкретных профессиональных макрогрупп, выявление основных принципов, норм поведения педагога в различных системах отношений (к объекту деятельности, к обществу, к своей профессиональной

---

<sup>37</sup> Васильева М. П. Основы педагогической деонтологии: [учебное пособие] // М. П. Васильева. - Харьков: Новое слово, 2003. - 203 с.

группы и к самому себе) с целью повышения эффективности результатов деятельности педагога, на базе соблюдения деонтологических норм;

- устранение неблагоприятных моральных и других факторов, которые, снижают эффективность работы педагога, профессиональных макрогрупп, т.е. педагогический коллектив, и всей группы из-за неоправданной напряженности, вызванной несоблюдением общечеловеческих, макрогрупповых и групповых профессиональных норм в отношениях с объектом деятельности и общественностью;

- изучение и оптимизация системы норм взаимоотношений внутри профессиональной группы, т. е. педагогического коллектива, между ее отдельными элементами (личностями, группами, категориями специалистов);

- устранение вредных последствий профессиональных ошибок, отклонений от норменного поведения ряда работников, предупреждения фактов неполноценной профессиональной деятельности;

- внедрение прогрессивных норм и правил в деятельность и поведение членов профессиональной группы на основе изучения научных разработок, создание методической базы, изучение отечественного и зарубежного опыта деонтологической подготовки кадров, их профессионально-нравственного развития.

Следует отметить, считая важным педагогическим взаимодействием, как необходимым и обязательным условием, изучая профессиональный имидж современного руководителя общеобразовательных учреждений, рассматривать его, прежде всего, как интегрированное качество личности, это сложный, многомерный, интегративный образ руководителя с его габитарными проявлениями и психологическими свойствами личности, изучение принципов, норм поведения в различных системных отношениях. Так, многие исследователи, изучая педагогическую культуру, отмечают, определив ее, как

«интегральное качество личности руководителя, которая проецирует его общую культуру в сфере профессии, синтез высокого профессионализма и внутренних качеств педагога, владение методикой преподавания культуротворческих способностей»<sup>38</sup>.

Таким образом, культура профессиональной педагогической деятельности, на наш взгляд, является качественной характеристикой личности и включает в себя, прежде всего, морально-гуманистическую направленность, а так же, мотивы и цели, способность к выполнению педагогической деятельности, и создание индивидуального имиджа руководителя общеобразовательных учреждений, который, в свою очередь, соответствует нормам культуры педагогической деятельности, а также, выступает составной педагогической культуры педагога, и требует, в свою очередь, совокупности как, знаний, умений и форм, так и средств их использования. Обязательно нужно учитывать и то, что культура профессиональной педагогической деятельности носит интегративный характер, то есть выполняет консолидирующую функцию, как культуры личности и культуры деятельности, так и профессиональной культуры руководителя. А предметом, в свою очередь, культуры профессиональной педагогической деятельности руководителя, является, прежде всего, личность, ее морально-гуманистическая направленность, а так же культурные ценности, знания и умения.

## **Ёшлар тарбияси миллий юксалиш гарови**

**Галдиева М.Д,**

Тошкент Давлат Техника  
Университети үқитувчиси

---

<sup>38</sup> Воробьев Н. Е. О педагогической культуре будущего учителя / Воробьев Н. Е., Суханцева В. К., Иванова Т. В. // Педагогика. - 1992. - № 1-2. - С. 24-26.

Бугунги ўта тезкор ривожланиш ва тараққиёт шароитида мустақил Ўзбекистон ўзинг буюк келажагини билимли, ақлли, меҳнатсевар, жасур, маънавияти юксак, жисмонан кучли бўлган ёш авлод тимсолида кўради. Бундай ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлатимизнинг устувор вазифалардан саналади. Қайси жамиятда илмизлик, жаҳолат мавжуд бўлса, у ерда муқаддас қадриятлар завол топади. Бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда бундай шароитда давлатнинг маънавий ахлоқий негизлар, инсоний қадриятлар маънавий меросимизнинг мавқеини сақлаб қолишига эришиш лозим.

Зеро, миллий давлатчилигимиз асосларида миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида шакллантирилган фуқаролик жамиятини ривожлантириш ётади. Глобаллашув XX асрнинг иккинчи ярми XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тарғиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши, дунё миқёсида ахборот макони капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот - мафкуравий ва диний экстремистик хуружлар хавфнинг ортиб боришини ифода этувчи тушунча.

Шунингдек, бу тушунча жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви бирлашуви воқеа-ходисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб умумисоний миқёсга эга бўлиши бутун ер шарини қамраб олиши билан характерланади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов глобаллашув атамасига қуидагича таъриф берган эди: "Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб қоляптики, бирор мамлакатнинг бу жараёнидан четда туриши ижобий

натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.Шу маънода глобаллашув бу-аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир.Бугунги кунда интернет ва ахборот воситалари ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгургани ҳеч биримизга сир эмас. Деярли барча соҳалар интернет воситалари билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият юритади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда ахборот иқтисодиётнинг энг кўп даромад келтирувчи манбайига айланиб бормоқда. Масалан, АҚШ стратегик тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра, ахборот маълумотига сарфланган ҳар бир доллар ёқилғи - энергетика соҳасига сармоя қилинган бир доллардан қариб бир неча ўн баробар кўп фойда келтирас экан, фақат иқтисодий жиҳатдан шахсий манфаатларга ўта арzon, ўта қулай йўллар билан эришиш қуроли сифатида қаралмоқда. Мисол учун, интернетга бўлган эҳтиёж кун сайин ортмоқда, лекин айrim ғараз ниятли кимсалар учун интернет "қурол" вазифасини бажармоқда. Бу кимсалар жаҳон ахборот тармоғи орқали инсон маънавияти ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Инсонларга қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина, кўзга кўринмайдиган хабар ҳам ахборот оламидаги глоболлашув суръатлардан куч олиб, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказади. Мафкуравий омиллар орқали давлатнинг мустақиллигига дахл қиласади.

Ёшларнинг бундай бузғунчи ғоялар гирдобига кириб қолишига қуйидагиларни сабаб қилиб қўрсатиш мумкин:

Биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти. Хуқуқий жиҳатдан билимларининг етарли даражада эмаслиги туфайли ёшлар орасида жиноятга қўл уриш ҳолатлари ,афсуски, ҳали ҳам учраб турибди.

Иккинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар обьектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўгараклари, спорт сексияларининг этишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг чекка худудларида спорт масканлари етарли эмас. Мавжуд бўлганлари ҳам таъмирлatalаб ва яроқсиз ҳолга келганлари ҳам талайгина.

Учинчидан, маҳаллий аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ қатламини аҳволини яхшилаш масалалари.

Тўртинчидан, бу соҳа таълим билан узвий боғлиқ экан, шуни таъкидлашимиз керакки, ёшларнинг олий таълим муассасаларига жалб қилиниш даражаси пастлиги туфайли кўпчилик юртдошларимиз чет элга ишлаш мақсадида кетиб турли гурухларга қўшилиб, алданиб қолишмоқда.

Бешинчидан, ахборот воситалари, яъни телевидения орқали турли жанговар руҳдаги ва ахлоқий меъёрлардан йироқ бўлган фильмларнинг меъёрдан кўп даражада эфирга узатилаётганлигидир. Ўсмир ёшдаги болаларда тақлид кучли бўлганлиги сабабли бу ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Вилкерсоннинг фикрича, ғарб жамиятида ахлоқий бузуқлик авж олиб бораётганига сабаб кабел телевиденияси орқали ғайриинсоний иллатларнинг кенг тарғиб этилаётганлигига. Энг хатарлиси шундаки, ҳар мамлакатлар ўз дунёқарashi, андозалари ва ҳаёт тарзини турли-туман воситалар, хусусан, ғоявий мафкуравий таъсир орқали ўзга миллат ва халқлар турмушига тиқиширишга уринмоқда .

Бундай хуружларнинг олдини олиш, уларга қарши курашишда аждодлар меросини ўрганиш, таълим соҳасидан ёшларнинг қалбига ватанга муҳаббат, садоқат ва инсоний қадриятларни авайлаш каби умуминсоний тушунчаларни кенг миқёсда сингдириш, ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламигининг моддий аҳволини яхшилашга

кўмаклашиш, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшайдиган иқтидорли ёшларни қўллаб -қувватлаш орқали эришиш мумкин. Шунингдек, фарзанд тарбиясида салбий таъсир кўрсатадиган фильмлар ва сериаллардан воз кечиш ҳам муҳимдир. Бу борада ота-оналарнинг ҳам масъулияти катта албатта.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, ҳар бир шахс, ҳар бир ижтимоий груп ёки тоифа, ҳар бир элат, миллат ва минтаقا халқлари ўз табиати билан яратилган. Зеро, маънавият ва уни англаш масалаларига оқилона, конкрет шароитни ҳисобга олиб ёндашиш — комил инсонни тарбиялашнинг янги йўлларини очишда муҳим аҳамиятга эга.

Бедил айтганидек: "Меъмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, бинонинг боши юлдузларга етса ҳам, у қийшиқ бўлиб қолаверади". Шундай экан, жамиятда инсон ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Бинобарин, маънавият — аждодларни авлодларга, тарихни бугунга, бугунни келажакка боғловчи қўприк. У ота-боболаримиздан мерос жамики ноёб фазилатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуйи, қолаверса, улар тўплаган тарихий ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Шундай экан жамият ривожига салбий таъсир этадиган ёмон оқибатларга олиб келадиган мафкуравий таҳдидларга қарши жамият аъзолари авваламбор, ёшларимизнинг чуқур ва ҳар томонлама билим олиш орқали имон-этиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш лозим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни фаол ташаббускорларни ҳамма соҳада ҳақиқий муносабатни талаб этмоқда. Кўпни кўрган, садоқатли, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз амалга оширилган шундай муҳим ўзгаришларни натижасини қутмоқда. Огоҳликни талаб қилмоқда. Зеро бундан беш

аср аввал буюк Алишер Навоий ҳазратлари бекорга: "Агар огоҳсен сен, шоҳ сен сен", - деган доно фикрларини ёзиг қолдирмаганлар.

## **Оилада соғлом ва обод турмиш тарзини шакллантиришда маҳалланинг тутган ўрни**

**Сирож Рўзимуродов,**  
СамДУ, фалсафа фанлари бўйича PhD  
**Бекшод Нарзуллаев,**  
СамДУ талабаси

Юртимизда жуда қадим замонлардан буён тарбия маскани сифатида оилани муқаддас ҳисоблаб келган. Азалдан юртимизда оила мустаҳкам, унинг аъзолари тинч, фаровон ва соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келишини билганлар. Шу асосда эртанги кун тараққиёти учун оила ва фарзанд тарбиясига алоҳида аҳамият қаратганлар.

Оиланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ролини, айниқса, фарзандлар тарбиясини Президентимиз Шавкат Мирзиёев тушунтириб берар экан, «Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда»<sup>39</sup>, деб таъкидлайди.

Жамиятда обод турмушни камол топтиришда соғлом тафаккур, соғлом дунёқарашни шакллантириш бевосита оилавий мухит билан боғлиқдир. Ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб

<sup>39</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: 1-жилд, Ўзбекистон, 2018. 505-бет.

ҳамкорлиги концепциясини амалга ошириш жараёнида оиланинг вазифалари қуидагича белгиланган:

- оиласа соғлом муҳитни яратиш; миллий рух ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота – она ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзанднинг ота –онасига, ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишни таъминлаш;
- оиласа ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва бучларини англаб етишларини ва уларга риоя қилишларини таъминлаш;
- фарзандларига чуқур дунёвий билим асосларини бериш, маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш;
- болаларнинг маънавий баркамол ва жисмонан соғлом бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий муҳтини яратиш;
- оила, мактаб ва маҳалла олдида ўз фарзандларининг барча ҳатти – ҳаракатлари учун жавобгардир;
- соғлиғида ва ақлида нуқсонлари бўлган фарзандларига ҳаёт талабларига мос равища билим ва қасбкор ўргатишдан иборат.

Оила ва маҳалла ҳар томонлама бир-бирлари билан боғлиқ. Маҳалла оилалардан ташкил топади. Маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчисидир. Ёшлар ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим воситаларидан бири маҳалладир. Ёш авлод тарбиясига ҳам барча маҳалладагилар масъулдирлар. Маҳалла ёшларни қасбхунарга йўлловчи макондир. Маҳалла – оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган маскандир.

Ота-оналарнинг ўzlари шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари, миллий-маънавий қадриятларга юксак эҳтиромда бўлиши, юксак умуминсоний хислатларга эга бўлишлари керак. Мана шундай ижобий хислатларга эга бўлган фарзандларда ватанпарварлик, фидокорлик, садоқат, мардлик, жасурлик, чидамлилик, вазминлик, қадр-қиммат, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантиради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида: “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи алоҳида таъкидланади”<sup>40</sup>.

Маҳалла – тарбия ўчоги. Маҳаллада ўтаётган ҳар бир боланинг ахлоқ –одоби учун бутун маҳалла аҳли масъулдир. Шунинг учун ҳам «Бир бола тарбиясига етти ота-она» каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги, уларни назорат қилиши баркамол инсонни тарбиялаб етиширишнинг негизидир. Агар бола етмиш фоиз маълумотни беш ёшгача оладиган бўлса, шахс маънавиятини шаклланишида оиланинг аҳамияти нечоғлик катта эканлиги намоён бўлади.

Шу ўринда хулқ одоби яхши ҳар томонлама намунали фарзанд маҳалланинг обрўсидир. Ноқобил ахлоқан номақбул фарзанд эса – маҳалла учун қора доғдир. Маҳалладан юрга таниқли инсонлар етишиб чиқса, бутун маҳалла аҳли, уларнинг авлод –аждодлари ғурурланадилар. Агар халқ душманлари чиқсалар, шу маҳалла тарихи, бугуни ва эртаси учун ҳеч ким қайғурмайди. Бундай маҳалланинг ҳар бир фуқароси, «мен шу маҳалладанман» дейишга ор қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қилинадиган ишлар маҳалла билан оила ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Болалар маҳаллага ҳурмат, у ерда истиқомат қилувчиларга нисбатан яқинлик, меҳр – оқибат руҳида тарбияланадилар. Маҳалланинг тўй – маъракаларида ўзларининг

<sup>40</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқат ва инсон манфатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини урганиш бўйича илмий-услубий рисола. –Тошкент, Маънавият, 2017 й. –Б. 203.

ота – боболарига ўхшаб елкадош, бироннинг оғирини енгил қилишга шай бўлиб ўсадилар.

## **Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир**

**Нилуфар Алламуратова,**  
СДЧИ мустақил изланувчиси

*Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги  
фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга  
етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз –  
ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун  
зарур шароитлар яратишдан иборат.*

**Ш.Мирзиёев**

Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни вояга етказиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш учун зарур шароит яратиш, ўғил-қизларнинг Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топишига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Инсон маданияти, маърифати унинг ақл-тафаккури даражаси, руҳий дунёқарашини кўрсатади. Униб ўсиб келаётган ёшларнинг билим, маданият, маърифат даражаси уларнинг ота-оналарига, шунингдек устоз муаллимларга ва таълим олаётган масканларга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жаҳон андозаларига мос равища барпо этилган болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар мактаблари, касб-хунар марказлари ҳамда олий таълим муассасаларининг замонавий усулларда жиҳозланиши, моддий-техник базаларининг мустаҳкамланиши, илмга, касб-хунарга

чанқоқ ёшларимизнинг ўз истеъдод ва салоҳиятларини намоён эта олишларига, танлаган мутахассисилик, касб-хунар сирларини пухта эгаллашларига кенг йўл ва имкониятлар очмокда.

Олдимиздаги турган энг эзгу мақсадларимиз-мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам, буларнинг барчаси авваломбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимизга боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз-ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишдан иборат.<sup>41</sup>

Мана шу мақсадларни амалга оширишда биринчи навбатда оила, иккинчи навбатда таълим масканлари ва учинчи навбатда маҳалла туради.

Мустақиллик шарофати билан асрий орзулари ушалиб миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз тикланди, илм ўрганаман деган ёшларга катта имкониятлар яратилди. Маълумки, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-кувватловчи кўплаб танловлар, турли лойиҳалар ўтказилиб келинмоқда. Танловларнинг ўтказилишидан мақсад: ёшларни бирлаштириш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз иқтидорларини намоён қилишлари учун кўмаклашишдир. Бу эса ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига янги тизим асосида ёндашиш бўйича 5 та муҳим ташабbus илгари сурилди. Бу

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан. 2019 йил 24 июль.

орқали давлатимиз раҳбари “Ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли ва ёт ғоялар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги”ни таъкидлаб ўтди. Қайд этиш керакки, бу каби ишлар ёшлар сиёсати соҳасида янгича механизмлар сирасига кириб, уларни санъат, мусиқа ва спортга жалб қилиш борасида катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Аммо бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, замон талаблари асосида янгича механизмларни тадқиқ этиш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш ва Ўзбекистон шароитига мос, миллий хусусиятларимизга жавоб берадиган методларни тадбиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки, глобаллашув шароитида, ахборот хуружлари тезлашган, ёшларнинг онги ва қалби учун кураш кечеётган, энг асосийси уларнинг дунёқараши ўзгариб бораётган даврда ёшлар сиёсати соҳасида ҳам янгича услугуб ва механизмларга табиий эҳтиёж туғилади. Давлат раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон тарихида илк бор 30 июнь “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. “Ўзбекистон Республикасида ёшлар кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Олий Мажлис Конунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссия ва “Ёшлар клуби” тузилди. Республика даражасида Бош вазир раҳбарлигида, худудларда эса ҳокимлар раислигида ёшлар масалалари бўйича Идоралараро Кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди. Жойлардаги ижро ҳокимияти ва ички ишлар органларида янги штат бирликлари – ёшлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари ва ички ишлар органлари бошлиғи ўринбосари лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолияти йўлга қўйилди.<sup>42</sup>

---

<sup>42</sup> “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси. –Тошкент, 2019 йил, 4-9 бетлар.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни парламентга мурожаат билан чиқиш қилиб, 2021 йилни Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилишни таклиф қилди.<sup>43</sup>

Президент Фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

Фармон билан Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари бўйича амалга ошириладиган вазифалар, жорий этиладиган тартиб ва амалиётлар белгиланди.

Давлат дастури 274 банддан иборат бўлиб, унда белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг жами харажатлари 29,5 трлн сўм, 2,6 млрд доллар ва 57,5 млн еврони ташкил этади (мазкур миқдор 2020 йилда 18,2 трлн сўм ва 10,3 млрд АҚШ долларини ташкил этган).

«Умуман олганда, ҳар қандай жамият тараққиётида ҳал қилувчи ролни ушбу жамиятнинг келажаги боғлиқ бўлган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол ривожланиши ўйнайди. Шунинг учун ислоҳотларимизни кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш масалаларида биз замонавий билим ва кўникмаларга эга

---

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

бўлган ғайратли, ташаббускор, ҳар томонлама ривожланган ёшларимизни ўзимизга таянч деб биламиз», деди давлат раҳбари

Дарҳақиқат, китобларни ўқиш орқали билим олиш ҳам ақлий меҳнатнинг шакли ҳисобланади. Ақлий қобилиятга эга бўлиш катта меҳнат талаб қилади. Ёшларни тарбиялашда оилада адабий ва илмий муҳит дунёқарашни кенгайтиради. Қадимги юонон файласуфи Демокрит, жудаadolатли тарзда шундай деган эди: “Агар болаларни ишлашга даъват этмасалар, унда улар инсонда яхшиликни кучайтирадиган ўқиш, мусиқа, гимнастика, ҳатто хурмат қилишни ўрганолмайди” –деган эди.<sup>44</sup>

Бугунги кунда минтақамизнинг бой маданияти, унинг ноёб миллий қадриятлари, бебаҳо фалсафий ва маънавий мероси халқимизнинг руҳияти, маънавиятини янада юксак даражага кўтариш учун хизмат қилмоқда. Айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтиришда, уларнинг қалбида ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришда, маънавий оламни бойитишда долзарб аҳамият касб этади.

Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.<sup>45</sup>

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг Фаровон келажаги ва равнақи йўлида фарзандларимизга шундай таълим -тарбия берайликки, қачонким улар ўз ота-боболарига, ўз тарихига, Ватанга, она тилига, миллатига, динига, урф-одатларига, қадиятларига ва маданиятига муносиб ва содик фарзанд бўлиб улғайишсинлар.

Агар ҳар бир оилада ота-оналар замонавий жамиятда оила ролини фалсафий нуқтаи назарда талқин қилган ҳолда келажак авлод тарбияси ҳақида қайғурсалар, у ҳолда мамлакат келажаги ишончли қўлларда бўлади. Зеро, келажагимиз ёшлар қўлида экан, шу қўлларда Ўзбекистонимиз бутун жаҳонга маълум ва машхур бўлсин!

<sup>44</sup> Ризоуддин Ибн Фахриддин. Насиҳат. -Тошкент: “Чўлпон”, 1993.

<sup>45</sup> И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент, 2000 йил. 175-бет.

## **Орол муаммоси – давлат дастурида**

**Н.А.Бурanova,**  
Тошкент Архитектура-қурилиш институти доценти

Орол денгизи бой табиий ресурси билан машхур бўлган. Бу денгиз биологик жиҳатдан бой экотизим сифатида эътироф этилган. 1964 йилгача денгиз ҳудуди 68,9 минг квадрат километрни ташкил этган. Йилига 30-35 минг тоннагача балиқ етиширилган. Ноёб флора ва фаунаси дунёга машхур эди. Афсуски, сувдан нотўғри ва тартибсиз фойдаланиш натижасида сўнгги 50-55 йил ичидаги сув ҳажми 15 баробарга тушиб, сатҳи 29 метрга пасайди. Денгизнинг қуриган ҳудудини оқ туз конлари эгаллади. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси тобора йўқолиб бормоқда<sup>46</sup>.

Денгизнинг қуриб қолган тубида вақти-вақти билан чанг ва шўр бўронлар кузатилади. Жумладан, ҳар йили 100 миллион тоннага яқин қум-туз бўронлари бўлиб, 400 километрдан ортиқ масофага тарқалади. Бу эса инсонларнинг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳудудда нафас йўллари, онкологик, сурункали бронхит каби касалликлар кузатилмоқда. Атроф-муҳитнинг бузилиши иқтисодий кўрсаткичлар пасайишига ҳам сабаб бўлади. Ҳудудда чорвачилик ва балиқчилик соҳаси оқсамоқда. Иқтисодий зарар кўрсаткичи ортиб бормоқда.

Орол денгизи фожиаси натижасида юзага келган сув ресурслари танқислиги, ер деградацияси, чўлланишнинг кучайиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши ва бошқа жиддий иқлим ўзгаришлари жиддий ташвиш уйғотмоқда. Орол ҳалокати оқибатларини юмшатиш бўйича минтақа ҳудудида 500 дан ортиқ кенг миқёсли лойиҳалар амалга оширилди, қуриган денгизнинг 350 минг гектар майдонига саксовул ва шўрга чидамли ўсимликлар

---

<sup>46</sup> <https://kun.uz/news/2020/12/04/orol-dengizi-va-orolboyi-hududlarida-ormonzor-barpo-etiladigan-maydon-belgilandi>

экилиб, бутазорлар барпо этилди. Бугун бундай ҳудудларнинг умумий майдони қарийб 700 минг гектарга етди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017-2021йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинди. Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тузилди ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ҳозирда ушбу маблағлар ҳисобидан амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш, БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича 2017 йил қабул қилинган маҳсус дастур тўлиқ амалга оширилиши масаласига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратган эди<sup>47</sup>. Шунингдек, жорий йилнинг 7-8 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янги ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар” мавзусидаги халқаро анжуманда қабул қилинган резолюция бу борада амалий ечим сифатида хизмат қилиши шубҳасиз<sup>48</sup>.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Оролбўйи ҳудудида ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш бўйича қўшни давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш лозимлиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Яқинда Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисига Президентимиз ушбу масалага

<sup>47</sup> <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

<sup>48</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2018/08/22/orol/>

жиддий эътибор қаратди. Ўз навбатида, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиша миңтақадаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида устувор аҳамиятга молик конструктив йўналишлар Марказий Осиё давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди<sup>49</sup>. Давлатимиз раҳбари томонидан Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш юзасидан таклиф этилган конструктив йўналишлар халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, Орол дengизи ва унинг атрофида олиб борилаётган бугунги кундаги кўплаб инновацион лойиҳалар ва ҳаракатлардан бири Архитектура-қурилиш институти томонидан “Қўнғирот–Мўйноқ автомобиль йўл ёқаларининг инновацион ландшафт дизайни ечимини ишлаб чиқиши” лойиҳасидир. Унда кўриб чиқилаётган асосий масала Қўнғирот–Мўйноқ автомобиль йўл ёқаларининг ён ҳудудларини ўзига жалб этувчи эстетик кўринишга эга бўлган ландшафт дизайни лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва тақдим этишдан иборатdir<sup>50</sup>.

Ушбу лойиҳа асосида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда, яъни архитектуравий муҳит дизайнiga оид объектларни лойиҳалаш усуллари такомиллаштирилди; туристик маршрутлар жозибодорлигини, архитектуравий муҳит шароитлари сифатини оширилиши назарда тутилган; кичик меъморий қурилмалар тизимларида замонавий ва миллий услубларни уйғунлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди; автомобил йўлларини кўкаламзорлаштиришда маҳаллий ва Республикаизга интродукция қилинган манзарали ўсимликларнинг ҳудудларга ҳамда ишлатилиши мақсадига кўра танланди.

Хулоса қилиб айтганда, Орол ва унинг атрофидаги муаммоларни ҳал этишда режалаштирилган кўплаб ишлар ҳали олдинда. Келажакда ташаббускор ёшларимиз ушбу ишларни янада

<sup>49</sup> <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/orolni-qutqarish-xalqaro-jamgarmasi-sammiti-boshlandi.html>

<sup>50</sup> <https://mininnovation.uz/index.php?uz/competitions/bajarilishi-2019-2020-yillarga-moljallangan-innovatsion-ishlanmalar-tanloviga-taklif-etylgan-iqtisodiyot-tarmoqlari-va-mamlakat-hududlarining-ilmiy-texnik-muammolari-royxati>

ривожлантириб Кўнғирот–Мўйноқ автомобиль йўл ёқаларининг инновацион ландшафт дизайнини янада кўркамлаштиради.

## **Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти**

**Акбар Сайтқосимов,**

Фалсафа фанлари доктори, ЖДПИ профессори в.б.

Жамиятда ислоҳотлар кўламини юксалишида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини тадқиқ этиш ва уни юксалтириш услубларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрлар ҳамда ҳуқуқ билан боғлиқ қадриятлар ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий тарбияни шакллантиришда ҳуқуқий профилактиканинг ўрни катта. Ҳуқуқий профилактика хилма хил шаклларда ижтимоий ва ҳуқуқий институтлар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий-тарбиявий, ҳуқуқий-маърифий ишлар мажмуи, яъни ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Ҳуқуқий демократик давлатни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш жараёнида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Биз “Адолат – қонун устуворлигига” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу

борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади”<sup>51</sup>, деб таъкидлайди.

Жамиятда фуқарорларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий фаоллигининг юксалиши мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, жамиятнинг ҳар томонлама жадал ва инновацион ривожлантириш жараёнларининг такомилига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳуқуқий маданият фуқоролар, ижтимоий гурӯхлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий жипслашуви, “шахс-жамият-давлат” тизими барқарорлигини таъминлашга кўмаклашувчи омилдир. Шунинг учун ҳам бугунги миллий юксалиш даврида ҳуқуқий маданият масаласига юқори даражада эътибор берилмоқда.

Ҳуқуқий маданият инсоннинг жамиятда намоён этадиган маданий қиёфасининг энг муҳим қирраларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрнини белгилаб беради. Ҳуқуқий маданият жамиятда меъёрлар, қадриятлар ва ғояларнинг мавжудлиги шароитида инсоннинг ўз ижтимоий фаолиятини англаш, жамиятнинг фаол аъзоси эканлигини ҳис этиш, жамият ишида тўлақонли масъулият билан иштирок этиш, бу жараёнда ижодкорлик, ташаббускорлик ва фидоийлик намуналари кўрсатиш билан боғлиқ хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Х.Одилқориев “ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг маърифий савияси, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик ҳолати, фуқароларнинг қонунга хурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражаси тушунилади”<sup>52</sup>, деб таърифлаб унинг муҳим томонларини очиб берган. Демак, жамиятда инсонларнинг комилигини, маънавий-маданий

---

51 Мирзиёев Ш.М. Конун: устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови//Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 105.

52 Одилкориев Х., Якубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқий қадриятлар: Монография. –Т.: SMI-ASIA, 2010.-Б.56-57.

савиясини, жамиятга қарашларини шаклланишида хуқуқий маданият муҳим роль ўйнайди.

Хуқуқий маданиятга хос бўлган хусусиятлар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган қуидаги таркибий қисмлардан иборатdir:

- шахснинг хуқуқий онги, дунёқараши, билими ва уни ижтимоий амалиётда қўллаш маҳорати ҳамда ўз хуқуқларини ҳаётда амалга ошириш, қонунга ҳурмат туйғуси ва унга амал қилиш билан боғлиқ хуқуқий фаоллиги;

- жамиятда мавжуд қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг мукаммал ва самарадор ишланганлиги билан боғлиқ асосда шаклланадиган қонун ижодкорлиги;

- хуқуқни қўллаш билан боғлиқ амалиётнинг сифати ва самарадорлиги, қонунлар ва халқаро умумэътироф этилган хуқуқий ҳужжатларга доимий амал қилиш жараёнини ташкил этадиган хуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолияти;

- хуқуқий муносабатлар ва муаммоларни тадқиқ ва таҳлил этиш, таклиф-тавсиялар беришга мўлжалланган, хуқуқий таълим тарбияга асос бўладиган юридик фанлар.

Хуқуқий маданият остида хуқуқий аҳамиятга эга бўлган вазифани доимий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш, таҳлил этиш ва хулоса қилиш билан боғлиқ хулқ-автор меъёрлари йиғиндиси, услублари ва ҳатти- ҳаракатларини тушуниш муҳим хусусият ҳисобланади. Натижада шахс жамиятда ҳар қандай хуқуқий масалани ҳал этиш ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ жараёнларда кенг қамровли равишда иштирок этади, унинг самарадорлигини таъминлаш билан доимий шуғулланади. Натижада шахс муайян хуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олади, ижтимоий масъулият субъектига айланади ва зарурый самараларга эришади.

Қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик - бу юксак умуммиллий маданиятиликтининг аниқ намоён бўлиши, хосиласи ва мезонидир. Фуқароларнинг қонунларга итоаткорлик фазилатлари, энг аввало мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларини пухта ва аниқ билиши

ва уларга тўлақонли риоя қилиб яшашини билдиради. Қонунларни бундай пухта билиш ҳуқуқий саводхонлик кўриниши бўлиб, давлат учун ҳам, фуқаро учун ҳам муҳим хусусият ҳисобланади, чунки қонунга итоаткорлик давлатда қонунийликнинг юзага чиқиши ва ҳуқуқий тартибот тизимининг асосини ташкил этади.

Ҳуқуқий маданият ўз жамиятига содиклик, унга хизмат қилиш, бурч ва масъулиятни ҳис этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Япониянинг Ногое университети ўқитувчилари талабаларнинг ижтимоий хулқ-атворини синовдан ўтказиш учун бир аниқ белгиланган жойга олиб бориб ўғирлик қилишларини сўрайди. Синов жараёнида 30 нафар талабадан 3 нафари ўғирлик қилишади. Натижа қизиқ: жиноятни содир этмаган талабалардан бир савол сўраладаи, “Сиз нега ўғирлик қилмадингиз?”. Саволга турли жавоблар олинган: мен бу ишни удалай олмайман (30%), менда ҳамма нарса бор (12%), мен уларга зиён беришдан қўрқдим (68%)<sup>53</sup>. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий хулқ-атвор хусусиятлари ва ҳуқуқий маданият ёшлиқдан шаклана боради.

Ўз ўрнида, ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнларига нисбатан берилаётган эътиборга боғлиқ ҳисобланади. Яъни ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш бошланғич таълимнинг ажralmas қисмига айланиши даркор. Жумладан, Япония ва Малайзия каби давлатларда ҳуқуқий маданият ўқувчиларга мактаб давриданоқ сингдириб борилади. Мамлакат ёшлари учун парламент биноси олдига келиб таъзим қилиш— одатий ҳолга айланган. Ушбу анъана нафақат парламент ва қонунларга хурмат, балки мамлакатда қонун чиқарувчи органларга бўлган ишонч ва эҳтиромдан ҳам далолатдир.

Ҳуқуқий тарбия инсоннинг жамиятда индивидлар ва гуруҳлар билан ўзаро ҳуқуқий муносабатларда шахсий манфаатлар, ижтимоий эҳтиёжларни юзага чиқишига кўмак беради. Бу жараёнда

<sup>53</sup> Каранг. Новые социальные движения и социокультурные эксперименты. Реф. сб. Вып №1. М. «ИНИОН», 1999. – С 124.

ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, муштараклик ва бағрикенглик фалсафасини жамиятда рўёбга чиқаради. Бу эса, инсоннинг тартибли ва тадрижий фаолияти бўлиб, жамиятда ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат, тўсиқларни биргаликда бартараф этиш, тараққиёт учун ҳамкорликда курашиш каби ижтимоий тамойилларни юзага чиқаради. Мазкур жараёнлар жамиятда ижтимоий назоратни юзага чиқаришида ҳам муҳим роль ўйнайди.

## **Миллий ғоянинг асосий мазмунини ёритиш масаласи**

**Шавкат Тоғаев, ф.ф.н., доцент.**

Қарши давлат университети.

Бугунги кунда миллий ғоя ва мафкуранинг мазмун-моҳиятини, уларнинг инсон, миллат, жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини илмий ўрганиш долзарб вазифалардан бўлиб, бунда фалсафа асосий ўрин тутади. Негаки, барча босқич, соҳа, йўналиш, даража ва кўламдаги ғоявий-мафкуравий ишларнинг предметини ташкил қилувчи асосий – фундаментал масалалар кўп жиҳатдан фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларни ушбу фандаги ёндошув ва тамойилларсиз етарлича ёритиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги даврда миллий ғоя ва мафкурани илмий ўрганиш, ўқитиш ҳамда тарғиб-ташвиқ қилишда, уларнинг мазмун-моҳиятини илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ғоя ва мафкура фалсафий таҳлил қилинганда, энг аввал уларнинг онтологик, кейин методологик, гносеологик, аксиологик, праксиологик, ахлоқий, эстетик ва бошқа фалсафий ёндошувлар билан боғлиқ мазмун-моҳияти табиат, жамият, инсон муносабатларининг умумий ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, миллий тараққиёт тамойилларига мувофиқ тавсифланади. Айни шу ёндошув ва тамойиллар асосида юзага келган таъриф, талқин ва тавсифлар фалсафий асосланган ҳисобланади.

Дарҳақиқат, инсон ва жамият ҳаётидаги ҳар қандай ҳодисани, шу жумладан миллий ғоя ва мафкурани ҳамда улар билан боғлиқ барча назарий ва амалий масалаларни тўғри тушунтириш учун, аввал уларнинг фалсафий онтологик мазмунини ёритиш лозим. Бошқача айтганда, миллий ғоя ва мафкуранинг онтологик мазмунини билмасдан туриб, уларни тўла ва тўғри тушунтириб бўлмайди.

Миллий ғоя ва мафкуранинг онтологик мазмунини ёритиш деганда, уларнинг асосий борлиғини: тузилишидаги асосий хосса-хусусият ва белгиларни, яъни, бу ўринда халқимизнинг уларда ифодаланган эзгу мақсад ва орзу-идеалларини ҳамда уларни рўёбга чиқариш йўлларини кўрсатиб бериш тушунилади. Чунки мафкуранинг онтологик мазмунидаги ғоялар, ғояларда эса мақсад ва орзу-идеаллар асосий ўрин тутади. Шунга кўра, мафкура ғояларда, ғоялар мақсад ва орзу-идеалларда реаллашади. Мафкурани билиш учун ғояларни, ғояларни билиш учун эса ундаги мақсад ва орзу-идеалларни билиш лозим. Яъни, мақсад ва орзу-идеалларни билмасдан туриб – ғояларни, ғояларни билмасдан мафкурани тушуниб бўлмайди. Бинобарин, миллий мафкурани ҳамда у билан боғлиқ масалаларни тўғри тушунтириш учун, аввал миллий ғоянинг онтологик мазмунини ташкил қилган асосий мақсад ва орзу-идеалларни ёритиш керак. Ўз вақтида бу борадаги ишлар бошида турган Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилган: “Яъни, миллий мафкура, миллий ғоя деганда бизнинг қандай мақсадлар, қандай амалий йўналишларни кўзда тутишимиз ҳақида одамлар аниқ тасаввурга эга бўлсин. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси уни ўзининг ғояси деб билсин”<sup>54</sup>. Шунингдек, у киши миллий ғоя ва мафкурани шакллантириб, ривожлантиришга доир энг муҳим масалаларни тушунтириб, бу борадаги асосий вазифаларни аниқ-равшан кўрсатар экан, жумладан яна қуидагиларни таъкидлаган

<sup>54</sup> Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз курилишида биз учун рухий-маънавий куч-куват манбаи. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт - пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000. –Б. 462.

Эди: “Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишилари, қисқача айтганда, мафкурамизнинг асосий мақсадларини ҳалққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим”<sup>55</sup>. (Таъкидлар бизники эмас – Ш.Т.) Демак, ғоявий-мафкуравий ишларда энг аввал ҳалқимизнинг миллий ғоя ва мафкуранинг онтологик мазмунида ифодаланган асосий мақсадларини ёритиш керак. Зоро, ҳар қандай ишда мақсадлар аниқ бўлса, қолган масалалар шунга мувофиқ самарали ҳал этилиши мумкин. Бунга барча ишларда жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шу нуқтаи назардан, миллий ғоя ва мафкуранинг онтологик мазмуни етарлича ёритилса, биринчидан, уларнинг борлиғини ташкил қилувчи асосий концептуал мазмуни очилади. Яъни, миллий ғоя ёки мафкура деганда, аслида нималарни ёритиш кераклиги аниқ бўлиб, уларнинг асосий тушунча ва тамойиллари, шу соҳадаги фан(лар)нинг предмети, мақсади ҳамда вазифалари ҳаққоний тавсифланади.

Иккинчидан, миллий ғоя билан мафкурага доир барча назарий ва амалий масалаларнинг ҳамда уларни ифодаловчи тушунчакатегорияларнинг ғоявий-мафкуравий мазмунлари дифференциаллашади; ижтимоий ҳаётдаги турли соҳа, йўналиш ва босқичларнинг ривожланишига доир ғоявий-мафкуравий масалалар конкретлашади.

Учинчидан, турли даража ва кўламдаги ғоявий-мафкуравий ишларни ташкил қилиш, бошқариш ва аниқ мақсадга йўналтириш учун оптимал шарт-шароитлар, самарали усул-восита ва механизмлар яратилади. Бу борадаги барча ишлар системалашади ва тўғри изга тушади.

---

<sup>55</sup> Каримов И. Хушёрликка даъват. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.:“Ўзбекистон”, 2000. –Б.28.

Тўртинчидан, миллий ғоя ва мафкурани ҳамда улар билан боғлиқ масалаларни ёритишда ҳар қайси фан ва илмий ёндошувлар таянадиган умумназарий-методологик асос ва тамойиллар тизими вужудга келади. Шу тариқа, бу борадаги ишларда субъективизмга чек қўйиладиган: миллий ғоя ва мафкурани ҳар ким ўзича талқин ва таъриф қилмайдиган реал шароит, тегишли меъёр ва мезонлар пайдо бўлади.

Бешинчидан, миллий мафкура ва ундаги ғояларнинг мазмунидаги асосий ва асосий бўлмаган, муҳим ва номуҳим, таъбир жоиз бўлса, тўғри ёки нотўғри масалалар ажратилиб, улар ҳақида энг ҳаққоний, содда, ҳамма учун тушунарли бўлган бошланғич фундаментал билимлар, таъриф ва талқинлар юзага келади. “Миллий мафкурани оддий инсон онгига етказиш мақсадида уни оддийдан мураккабликка қараб борадиган меъёрда ёритиш, босқичма-босқич асосда ифодалаш даркор”, деган эди И.А.Каримов.

Афсуски, миллий ғоя ва мафкурани илмий ўрганиш, ўқитиш ҳамда тарғиб-ташвиқ қилишда, уларнинг ҳамма учун муҳим ва осон тушуниш мумкин бўлган фалсафий-онтологик мазмунини ёритишга етарлича эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Яъни, бу борадаги айрим ишларда миллий ғоя ва мафкура ҳамда улар билан боғлиқ масалалар, умуман назарий даражада, *функционал характерда* ва мураккаб мазмунда ёритилади. (Назарий даражадаги талқинлар одамлар учун тушунарсиз бўлса, функционал мазмундаги тавсифлар аҳамиятсиз, ҳавойи гаплар бўлиб туюлади). Шу тариқа, уларни илмий ўрганиш ёки ўқитиш жараёнида бутун эътибор ғоя(лар)нинг энг асосий - фалсафий онтологик мазмунига эмас, унга қайсиdir жиҳатдан тегишли бошқа масалаларга қаратилади; бу борадаги ишларда объект ва предмет миллий ғоя ёки мафкуранинг ўзида эмас, ундан четдаги, ташқи масалалар бўлиб қолади.

Масалан, сув деб, унинг  $H_2O$  муз ёки буғ каби хосса-хусусиятларини тавсифлаш билан ҳақиқий сув ҳақида тўғри билим-

тасаввур ҳосил қилиш қийин. Чунки, аввало, одамлар учун сувнинг  $H_2O$  муз ёки буғ эканлиги муҳим эмас. Боз устига сувни тушунтиришда унинг турли хосса-хусусиятлари қанчалик чуқур ёритилса, бу борадаги гаплар сувнинг асл мазмунидан шу қадар узоқлашади. Оқибатда сув ҳақидаги тасаввурлар мавҳум бўлиб қолаверади. Сабаби,  $H_2O$ , муз ва буғлар аслида сув бўлса ҳам уларнинг мазмуни бир-биридан мутлақо фарқ қиласи. Шу боис сув ҳақида гапирганда, одамлар учун ундаги энг муҳим ва зарур бўлган хусусиятларни, яъни биринчи навбатда, унинг ҳаётий манфаат-эҳтиёжларини қондиришга тегишли асосий мазмунини тушунтириш керак. (Таассуфки, сувни шундай ( $H_2O$  деб) тушунтирувчига, “у тўғри тушунтирилмаяпти, асосий мазмунни ёритилмаяпти”, дейилса, барибир юқоридаги тавсиф тўғри чиқарилиши мумкин бўлган қўйидаги ҳолат юзага келади: “Хўш, ундей бўлса,  $H_2O$  нима ўзи?!” – деса, “Умуман, Сув!” – деб жавоб беришга тўғри келади. Кейин яна: “Музчи, бу нима?!” - дейилса, жавоб яна сув бўлади. “Буғчи, буғ!?...” Тўғри жавоб барибир шу – сув ва ҳок.). Бу ўринда, айтиш мумкинки, миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиши ва тарғиб-ташвиқ қилишда шунга ўхшаш ҳолат юз бериб, бунда миллий ғоя ёки мафкура деб, уларнинг асосий – фалсафий мазмуни эмас, балки бошқа турли фанлар предметига киравчи у ёки бу масалалар ёритиб келинмоқда.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилганидек, миллий ғоянинг онтологик мазмуни деганда, халқимизнинг унда ифодаланган асосий мақсад ва орзу-идеаллари тушунилади. Ушбу мақсад ва орзу-идеаллар эса “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш” ёки юртимизда ҳукуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, дейилади. Миллий ғоянинг асосий мазмуни ана шундан бошланади. Мазкур мақсад ва орзу-идеаллар билан уларни руёбга чиқариш йўлларига доир ҳаққоний билим ҳамда ишонч-эътиқод миллий мафкура бўлади.

Бинобарин, миллий ғояни илмий ўрганиш, ўқитиши ва тарғиб-ташвиқ қилишда, аввало айни шу масалаларнинг мазмун-моҳияти:

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётнинг ўзи нима эканлиги, яъни бизда озодлик, эркинлик, фаровонлик ёки халқ фаровонлиги қандай тушунилиши, бу ерда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қандай амал қилиши, юртимиздаги ҳар бир гурӯҳ, тоифа-қатламдаги кишиларнинг турмуш даражаси, умуман ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий, маърифий аҳволи қанақа бўлиши, барча ижтимоий муносабатлар қандай характер касб этиши, уларнинг келгуси реал ва идеал ҳолати, шакли, кўриниши, қиёфаси, мазмуни, меъёри ва мезонлари атрофлича ёритилиши лозим. «Чунки жамиятимиз, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олмасдан туриб, миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган миллий мафкурани шакллантириш мумкин эмас, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, бунинг учун, аввало, биз қандай давлат, қандай жамият, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий асослари нималардан иборат, деган саволга жавоб топишимиз керак». Айни пайтда, шу пайтгача амал қилган Миллий истиқлол мафкураси асосий концепциясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган<sup>56</sup>.

Демак, ғоявий-мафкуравий ишларда жамиятимиздаги ҳар бир соҳанинг ривожланиш истиқболларини, келгуси ҳолатини тавсифлашга жиддий эътибор қаратиш зарур. Бунда, умуман халқимиз ва мамлакатимизнинг келгуси ҳаёти қандай бўлиши, масалан, одамларимиз 5, 10, 20 ёки 30 йилдан сўнг қандай шароитда яшаши мумкинлиги ва унга қандай эришиш ҳақида аниқ тасаввур-қарашларни шакллантириш лозим. Бу борадаги масалаларни айнан фалсафа ёрдамида самарали ҳал қилиш мумкин. Зоро, ҳар бир инсон, миллат ёки жамият учун, уларнинг ҳаёти ва тараққиёти учун, ўтмиш ҳамда бугун ҳақидаги билимлар қанчалик мухим бўлса, келажакка доир билим, тасаввур-қарашлар ундан ҳам мухим. Кўп ҳолларда, бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

<sup>56</sup> Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2000. –Б. 28.

Хуллас, миллий ғоя ва мафкурани тўғри тушуниш ва тушунтириш учун, уларни албатта илмий-фалсафий жиҳатдан: аввал онтологик, кейин методологик, ундаи кейин гносеологик, аксиологик, праксиологик ва бошқа фалсафий ёндошувлар асосида таҳлил қилиб, босқичма-босқич тизимли ёритиш лозим. Бошқа ҳар қандай ёндошув ва талқинлар шунга асосланиши, хусусан улар миллий ғоянинг онтологик мазмунидан келиб чиқиши жоиз, акс ҳолда на ғоя, на мафкуранинг ҳеч бир томони етарлича ёритилмайди, баъзан мутлақо нотўғри таъриф ва талқин қилинади.

Шу тариқа, улар одамлар учун умуман тушунарсиз бўлиб қолади. Чунки онтологик мазмунидан ажralган ҳар қандай нарса-ходиса ва жараёнлар ҳақидаги билим, тушунча-қараашлар кўп жиҳатдан ноаниқ, бирёклама ёки умуман сохта мазмун касб этади. Фикримизча, бугунги кунда миллий ғоя концепциясини янгилашда, хусусusan Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимиздаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича 2021 йил 19 январь куни ўtkazilgan видеоселектор йиғилишида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда юқорида айтилган масалаларга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

## **Siyosiy partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishning nazariy-huquqiy tahlili**

**Mirzoxid Shodmonov,  
Toshkent davlat yuridik universiteti  
I bosqich tayanch doktoranti**

O‘zbekistonda demokratik jamiyatga xos saylov tizimi barpo etilishida xalqaro huquq andozalari va talablariga mos siyosiy partiyalar faoliyatiga oid qonunchiliklarning yaratilishi muhim ahamiyat kasb etdi va ko’ppartiyaviylik tizimi qaror topdi. Harakatlar strategiyasida siyosiy

tizimni rivojlantirish, davlat va jamiyat hayotida siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish ustuvor vazifa sifatida belgilanganligi mazkur yo‘nalishda yanada zamonaviy mexanizmlarni joriy etish masalani belgilaydi. Strategiyamizning birinchi yo‘nalishda davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirishning ustuvor yo‘nalishlari sifatida nomlangan bo’lib, unda demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va mamlakatni modernizatsiya qilishda Oliy Majlis, siyosiy partiyalarning rolini yanada kuchaytirish masalasiga oid bo’lib, bu siyosiy tizimni rivojlantirish, davlat va jamiyat hayotida siyosiy partiyalarning rolini kuchaytirish, ular o‘rtasida sog‘lom raqobat muhitini shakllantirish vazifasini yuklaydi.

Siyosiy partiyalar huquqlarini himoya qilish xalqaro huquq normalariga asoslanadi. Siyosiy partiyalar va fikr bildirish erkinligi prinsipi 1948-yilda qabul qilingan Umumjahon deklaratsiyasida ko'rsatilgan va keyinchalik inson huquqlari bo'yicha bir qator xalqaro va mintaqaviy hujjatlar orqali bu majburiyatlar majburiy kuchga aylantirildi Masalan, Fuqarolik va siyosiy huquqlar to'g'risidagi xalqaro Pakt, Inson huquqlari va asosiy erkinliklarini himoya qilish bo'yicha Yevropa konvensiyasi siyosiy partiyalarning erkin faoliyatini kafolatlaydigan huquq va erkinliklari qoidalarni o'z ichiga oladi.

Siyosiy partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasining nazariy-huquqiy tahlili masalasini o’rganish va deduktiv va induktiv metodlar bilan analiz, sintez qilish siyosiy partiyalarning jamiyat siyosiy hayotida o’rnini yanada mustahkahlash va sohani mustahkam huquqiy asosi yaratilishiga xizmat qiladi. Bugungi kunda yurtimizda partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasidan siyosiy partiyalarni moliyalashtirish, fraksiyalar tashkil etish, jahon mamlakatlarida partiyaga a’zolikning o’ziga xos xususiyatlarini ilg’or xorij tajribasi misolida o’rganishimiz mumkin. Masalan fraksiyalar tashkil etish Fransiya, Avstriya, Shveytsariya, GFR, Armaniston va Portugaliya tajribasi misolida ko’rishimiz mumkin.

Ma’lumki, fraksiyalar tashkil etishning xorij tajribasi muhim hisoblanadi. Partiyaviy fraksiyalar tashkil qilishda son mezoni yagona

partiyaga mansub deputatlar sonining eng kam miqdori mavjudligini bildiradi. Mazkur mezon yo deputatlarning muayyan eng kam sonini belgilash orqali amalga oshiriladi. Fransiyada – Milliy Majlisda 20 nafar, Senatda 10 nafar deputat eng kam soni hisoblanadi. Avstriya va Shveytsariyada – 5 nafar deputat eng kam soni hisoblanadi. Bundan tashqari Yuqori palata umumiyligi sonining muayyan foizini belgilash orqali ta'minlanadi. Masalan GFR Bundestagida 5 % eng kam soni hisoblanadi. Ba'zan fraksiya tashkil qilish uchun biror minimum umuman belgilanmaydi, bunda bittadan ortiq mandatga ega bo'lgan har qanday mustaqil partiya parlament guruhini tashkil qilishga haqli boladi. Bunga misol sifatida Armaniston, Portugaliya davlatlarini ko'rishimiz mumkin. Bizda esa har bir partiya kamida 9 deputatlik o'rnini egallasa bu fraksiya tuzish uchun eng kam miqdorni tashkil etadi.

Siyosiy partiylar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasining nazariy-huquqiy tahlilida Jahan mamlakatlarida partiyaga a'zolikning xususiyatlari muhim bo'lib, buni milliy qonunchiligidan nuqtayi nazaridan tahlil etsak bu borada ham muhim jihatlarni ko'rishimiz mumkin.

Masalan, Germaniyada bu jihat o'ziga xoslik bor ya'ni bu yerda siyosiy partiya markazlashgan partiya apparatiga ega hisoblanadi. Partiya a'zosi partiya biletini oladi, partiya badallarini to'laydi va partiya nizomida nazarda tutilgan barcha intizomiy talablarga bo'ysunadi. Bu o'ziga xos jihatlar siyosiy pariylar faoliyati qat'iy huquqiy tartibga solinganligi va samarali faoliyatini ta'minlaydi.

AQSH davlati ham partiyaga a'zolikning xususiyatlari muhim jihatlarni ega ekanligini ko'rishimiz mumkin. Bu yerda rasmiy a'zolik tartibi yo'q. Siyosiy partiya a'zolariga qat'iy tashkiliy a'zolik, shuningdek uning safida ishslash va a'zolik badallarini to'lash majburiyatları yuklatilmaydi, partiyaga bo'lib o'tgan saylov davrida ovoz bergen fuqarolarning hammasi rasman partiya a'zolari hisoblanadi. Bundan tashqari jahon mamlakatlarida partiyaga a'zolikning xususiyatlarini Xitoy davlati o'rjanadigan bolsak, bunda ham muhim jihatlarni ko'rishimiz mumkin. Bu yerda kommunistik bo'limgan partiylar

muxolif emas, balki XKPga do'st partiyalar hisoblanadi. Bir vaqtida ikkita siyosiy partiyaga a'zo bo'lish mumkin. Bizda esa fuqaro 18 yoshda a'zo bo'lish huquqiga, ikkita partiyaga a'zo bo'lish mumkin emas, a'zolik badallari to'lanadi va bu badal har bir partiyada bir-biridan farq qiladi.

Siyosiy partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasining nazariy-huquqiy tahlilida Siyosiy partiyalarini moliyalashtirish muhim hisoblanadi. Siyosiy partiyalar faoliyatini davlat tomonidan moliyalashtirish amaliyoti XX asrning 50-yillari o'rtasidan boshlangan. Bu turdag'i amaliyot dastlab uchta mamlakatda (1954 yilda Kosta-Rika, 1955 yilda Argentina, 1959 yilda Germaniya Federativ Respublikasida) boshlangan bo'lsa, 80-yillarga kelib davlat tomonidan moliyalashtirish 21 ta mamlakat qonunchiligidagi mustahkamlandi. 90-yillar o'rtasiga kelib, bu amaliyot ommalashib, uni qo'llaydigan mamlakatlar soni bir necha baravar ko'paydi, partiyalarini moliyalashtirishni huquqiy tartibga solish tobora muhim masalaga aylana bordi<sup>57</sup>.

Turkiya misolida bu masalani kengroq ko'radigan bo'lsak, bu davlatda moliyaviy xarajatlar asosan davlat tomonidan beriladigan xazina yordami orqali amalga oshiriladi. Bosh byudjet daromadlarining belgilangan miqdordagi hissasini to`langan bo`linishi, Oliy saylov Komissiyasiga ko`ra, oxirgi deputatlik saylovlariiga qo`shilish huquqiga ega va 10 % lik tizimiga muvofiq kelishi, shuningdek deputatlik saylovlarida 10 % ovoz olmagan bo`lsa ham, yalpi ovozning 7% ni olgan bo`lishi yetarli hisoblanadi.

Demak, Turkiya siyosiy partiyalari nafaqat hukumat tuzishda balki, davlat tomonidan beriladigan xazina yordami uchun ham kurashadilar Turkiyadagi siyosiy partiyalar o`z mavjudliklarini saqlab qolishlari uchun, mustahkam moliyaviy manbaga ega bo`lishlari kerak. Moliyaviy harajatlar asosan davlat tomonidan beriladigan xazina yordami orqali amalga oshiriladi. Yurtimizda bu boradagi jihatlar

---

<sup>57</sup> <https://doi.org/10.1015/j.politicalparty.2016.09.028>

tadqiqot ishimizda alohida to'xtalib o'tildi. Bizda partiya davlat, badal, homiylar, ijaralar va boshqa qonun bilan taqiqlanmagan manbalardan moliyalashtiriladi. Konstitutsiyamizning 60-moddasida Siyosiy partiyalar o'z faoliyatlarini moliyaviy ta'minlanish manbalari haqida Oliy Majlisga yoki u vakil qilgan organga belgilangan tartibda oshkora hisobotlar berib turadilar.

Siyosiy partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasining nazariy-huquqiy tahlilida siyosiy partiya tushunchasi mohiyati ham o'ziga xos bo'lib bunda O'zbekiston va Turkiya misolida ko'rishimiz mumkin.

O'zbekiston «Siyosiy partiyalar to'g'risida»gi qonunida jumladan bunday deyilgan: «Siyosiy partiya - qarashlari, qiziqishlari va maqsadlari mushtarakligi asosida tuzilgan, jamiyat muayyan qismining davlat hokimiyatini shakllantirishdan iborat siyosiy irodasini ro'yobga chiqarishga intiluvchi hamda o'z vakillari orqali davlat va jamoat ishlarini idora etishda qatnashuvchi O'zbekiston fuqarolarining ko'ngilli birlashmasidir»<sup>58</sup>.

Turkiya “Siyosiy partiyalar to`g`risida qonun”ga ko`ra, “Siyosiy partiyalar, Konstitutsiya va qonunlarga muvofiq, deputatlik va mahalliy boshqaruv saylovlari yo`li bilan, nizom va dasturlarida ma`lum qilingan qarashlari to`g`risidagi faoliyatları va oshkora propagandalari bilan milliy boshqaruvni tashkil etilishini ta`minlab demokratik davlat va jamiyat tartiboti ichida mamlakatning zamonaviy madaniyat saviyasiga yetishish maqsadini ko`zlagan va malakat miqyosida faoliyat ko`rsatish uchun tashkil topgan nizomga ega tashkilotdir.

O'zbekiston bugungi kunda 5 ta siyosiy partiya mavjud. Bular: Xalq demokratik partiyasi (XDP) 1991- yil 1- noyabrda tashkil etilgan; Adolat sotsial-demokratik partiyasi (ASDP) 1995- yil 18- fevralda tashkil topgan; Milliy tiklanish demokratik partiyasi (MTDP) 1995- yil 3- iyunda tashkil topgan; Liberal demokratik partiyasi esa (LDP) 2003-

---

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997.

yil 15-noyabrdan tashkil topgan. Bundan tashqari «Ekologik partiya» (2018-yil) yangi partiya sifatida faoliyat ko'rsatmoqda.

Siyosiy partiyalar faoliyatining konstitutsiyaviy kafolatlarini ta'minlash bilan bog'liq xalqaro tajriba huquqiy tarixiga nazar tashlasak, Germaniya, Fransiya, Italiya va Yaponiya kabi davlatlar Konstitutsiyalarida siyosiy partiyalar to'g'risidagi ilk qoidalar o'z aksini topganini ko'ramiz. Siyosiy partiyalarning davlat va jamiyat boshqaruvini demokratlashtirishdagi rolini kuchaytirish maqsadida konstitutsiyaviy qonun, bir necha qonun va qonunosti hujjatlar qabul qilindi.

Umuman olganda siyosiy partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasining nazariy-huquqiy tahlillari asosida quyidagi xulosalarni chiqaramiz.

- Siyosiy partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasining nazariy-huquqiy tahlilida siyosiy partiya tushunchasi mohiyatini mazariy asoslarini chuqr o'rganish muhim. So'z va fikr erkinligi, saylash va saylanish huquqi, siyosiy plyuralizm, qonun ustuvorligi kabi tushunchalar demokratiyaning asosiy tamoyillaridan hisoblanadi. Ushbu tamoyillarning amalda namoyon bo`lishi esa, shubhasiz siyosiy partiyalar faoliyati bilan bog`liqdir;

- Bugungi kunda yurtimizda partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishda xorijiy davlatlar tajribasidan siyosiy partiyalarni moliyalashtirish, fraksiyalar tashkil etish, jahon mamlakatlarida partiyaga a'zolikning o'ziga xos xususiyatlarini ilg'or xorij tajribasini o'rganish asosida fuqarolik jamiyatini shakllantirish, huquqiy davlat qurish vazifalari siyosiy partiyalarlar faoliyatini takomillashtirishni kun tartibiga qo'yish va muhim jihatlarini o'rganish.

- Xalqaro tajribada siyosiy partiyalarning OAV dagi faoliyatini oshirish lozimligiga katta e'tibor qaratilgan. Bu esa ayniqsa internet tarmoqlaridagi saytlarini takomillashtirish va bu borada ularga imtiyozlar berishni talab etadi.

- Siyosiy partiyalarning moddiy imkoniyatlarini oshirilishi zamirida har bir partiya qoshida o'z tarafдорлари muommolarini o'rganib

borishi va siyosiy partiylar faoliyati ustidan ham jamoatchilik nazoratini baholash mehanizmini xorij tajribasidan o'rganish va yanada siyosiy partiylar faoliyatini kuchaytirish shart.

Respublikamizda siyosiy partiylar faoliyatini rivojlantirish uchun qonunchiligidan qonunchiligidan kiritilayotgan har bir o'zgartirishlar, partiyalarning jamiyat hayotida muhim rol o'ynashi va erkin faoliyat yuritishini ko'zlab amalga oshirilmoqda. Zero, O'zbekiston huquqiy demokratik davlat qurish jarayonida.

### **Milliy musiqa madaniyatimizni o'rganishni yanada faollashtirish – davr talabi**

**E. I. Abdukarimova,**  
JDPI "Musiqa ta'limi" kafedrasи  
L.Xoshimova JDPI talabasi

Respublikamiz ijtimoiy-madaniy hayotining barcha sohalarida amalga oshirilayotgan demokratik o'zgarishlar jamiyatimizni ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ma'rifiy jihatdan jahonning eng rivojlangan mamlakatlari qatoridan o'rinn olishga mustahkam zamin yaratmoqda. Mana shunday o'zgarishlar barcha jabhalarda bo'lgani kabi ta'lim-tarbiya tizimida ham izchillik bilan amalga oshirilmoqdaki, bu ta'limni milliy asoslarda rivojlantirish va takomillashtirishda o'z samaralarini berayotgani quvonarli holdir.

Mustaqilligimizning dastlabki yillardan ta'lim-tarbiya ishlarni milliy asoslarda rivojlantrishning muhim tamoyillari, mazmuni va istiqbollari belgilab olindi. Shunga ko'ra asosiy e'tibor ta'lim tizimida milliy madaniyatimiz, milliy qadriyatlarimizga ustuvor ahamiyat berish yosh avlod tarbiyasida ulardan keng foydalanishga qaratildi.

Bugungi kunda respublikamiz Prezidenti Sh. Mirziyoyevning bu yo'nalishdagi ishlarni yanada jonlantirish borasidagi "O'zbek milliy maqom san'atini yanada rivojlantirish" chora –tadbirlari to'g'risida" gi (2017 yil, 17-noyabr) hamda "O'zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash

tog'risada"gi (2018 yil, 28-noyabr) qarorlari muhim ahamiyatga egadir. Xalqimizning milliy-madaniy merosini o'rganish niyanada takomillashtirish vazifalari birinchi navbatda yosh avlodni ma'naviy yetuk, jismoniy barkamol qilib tarbiyalash bilan birga ularda vatanparvarlik, milliy qadriyatlarimizni, an'analarimizni sevish va qadrlash, ularni mehr bilan o'rganish va faxrlanish tuyg'usini kamol toptirishga xizmat qiladi.

Zero, milliy qadriyatlarni hurmat qilish, ardoqlash tuyg'usi muqaddas va olijanob tuyg'udir. Uning g'oyaviy, badiiy-estetik ifodasi xalq musiqa merosi deb atalgan ulkan shajiyada uyg'unlashgan musiqa folklori, mumtoz va maqom san'ati, xalq dostonlari kabi ko'plab san'at turlarida o'zining uchmas muhrini qoldirgandir.

Ulardan ta'lim va tarbiyaviy maqsadlarda foydalanish ta'limning milliy mazmunini boyitish va mustahkamlashda ijobiy ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda ta'lim tizimi oldiga qo'yilayotgan zamonaviy talablar milliy musiqiy meros va madaniy boyliklardan foydalanish ko'lамини yanada takomillashtirishga zaruriyatini yuzaga keltirmoqda.

Bu o'rinda milliy musiqiy tarbiyada quyidagi jihatlarga e'tiborni kuchaytirishni lozim deb hisoblaymiz.

1. Musiqiy-estetik tarbiyaga xalqimizning milliy musiqiy an'analarini, milliy-madaniy qadriyatlarga tayangan holda yondoshish borasida izchillik va uzluksizlik tamoyiliga tayangan holda yondoshish.

2. Xalqimiz tarixi, an'analarini, musiqiy an'analarda ifodasini topgan urf-odatlari, turmush-tarzi, musiqa janrlari, mumtoz va maqom kuy qo'shiqlari, dostonchilik aytimlarini talim-tarbiya mazmuniga chuqur va izchilkiritishning o'ziga xos tamoyillari, pedagogic shart-sharoit va imkoniyatlari, mezon va metodikasini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish.

3. Xalq musiqa merosiga mansub musiqiy asarlarning tarbiyaviy va didaktik, umuminsoniy g'oyalari, ularning ijrochilik xususiyatlarini yoritadigan dastur, uslubiy qo'llanmalarni yangidan davr

ruhiga mos tarzda ishlab chiqish va barcha ta’lim-tarbiya muassasalarini ta’minlash.

4. Umumta’lim maktablarining “musiqa madaniyati” fani o’quv dasturlari va darsliklariga kiritilgan, kuylash va tinglash uchun tavsiya etilgan xalq musiqa merosiga oid asarlar repertuarini qayta ko’rib chiqish, xalq qo’shiqlari, mumtoz va maqom namunalari hamda dostonchilik aytimlari haqida bilim va malakalar hosil qilishga mo’ljallangan o’quv materiallarini muayyan sinf, chorak mavzulari doirasida cheklanib qolmasligiga e’tibor berish va amaliy ishlarga o’tish.

5. Yuksak va murakkab ijod mahsuli bo’lgan mumtoz va maqom kuy-qo’shiqlarni o’rganish ishlarni ta’lim-tarbiya va madaniyat maskanlarida keng yo’lga qo’yish, ular vositasida amalga oshiriladigan ta’limiy-tarbiyaviy ishlarni (ijodiy chiqishlar, ko’rik-tanlovlar, fistivallar) sinf va sinfdan tashqari shakllarini uzluksiz va tizimlilik tamoyillari asosida yo’lga qo’yish.

6. Xalq musiqa merosi haqidagi ilmiy, badiiy va uslubiy manbalarni o’rganish, targ’ibot qilish, ularni ta’lim muassasalarida o’rganish, shuningdek musiqa ta’limi uchun ajratilgan o’quv soatlari hajmini ko’paytirishning vaqtি keldi va bu ishni ortiqcha paysalga solmaslik lozim.

Shuni e’tirof etish joizki, o’zbek xalq musiqa merosi ulkan ma’naviy xazina bo’lib, uning tarkibidagi og’zaki an’anadagi folklore kuy-qo’shiqlar, mumtoz ashulalar negizida xalq og’zaki ijodiyoki mumtoz she’riyat namunalariga xos adabiy matny otadi. Bu bebaho xazinaning yana bir qimmatli jihatи zamonaviy kompozitorlarning ko’pchiligining ulardan ilhomlanib yangi-yangi asarlaryaratib kelayotganligida ko’rlnadi.

Mumtoz adabiyot vakillari tomonidan yaratilgan she’riy asarlar yuksak ijod namunasi sifatida asrlar davomida xalqimiz tomonidan e’zozlanib kelinadi. Ularning badiiy asar sifatida yuksak mahorat va iste’dod mevasi ekanligi, ular mazmunida ifodalangan g’oyalar, ilohiy ishq ta’rifi bayon etilgan lirk kechinmalar, nozik his-tuyg’ular, g’oyat nafis tasvirlar, o’xshatishlar, tashbehtar, ranglar tavsifi, har qanday kishi

qalbida o'ziga xos ajib hissiyotlar uyg'otadi. Bunday asarlarni har gal o'qiganda bir-birini takrorlamaydigan tuyg'ularni tuyasan kishi. Shoirning betimsol xayoloti, o'z xayolotida siymosini chizgan mashuqasining oily janob fazilatlariyu, kishi erkin zabit etuvchi tashqi ko'rinishi, harakatlari beixtiyor o'quvchining ham qalbini o'ziga rom etadi. Bunday she'riy matnga bastalangan kuy, musiqaning sehrli ta'siri bilan uyg'unlashib, inson hissiyotiga kuchli emotsiyal ta'sir etishi bilan estetik tarbiyaning qudratli vositasiga aylanadi. Shuning uchun ham xalq musiqa merosidagi folklore va mumtoz musiqa asarlaridan ularning ma'naviy va estetik tarbiyaviy imkoniyatlaridan pedagogic maqsadlarda foydalanish yaxshi samara beradi.

Inson o'z tabiatiga ko'ra doimo go'zallikka intilib yashaydi. Go'zallikka intilish mayli bilan yashaydigan insonni yoshligidan go'zallik qonunlari bo'yicha tarbiyalash, ularda go'zallikni his etish, baholash, o'z munosabatini bildira olishga o'rgatish, go'zallik yaratishga bo'lgan iste'dodini ro'yobga chiqishiga imkoniyat yaratish estetik tarbiyaning bosh maqsadi va vazifasini belgilaydi.

Milliy nafosat va milliy axloq, milliy etika o'zbek xalqining, respublikamiz ma'naviy-ma'rifiy hayotining ravnaqida naqadar muhim va salmoqli ahamiyatga ega bo'lsa, estetik va axloqiy tarbiya ham yoshlarning ma'naviy barkamol, axloqiy yetuk, milliy qadriyatlarni teran his etuvchi, shaxs sifatida kamol topishida bebaho vositadir. Shuning uchun ham ma'naviy-estetik an'analardan, milliy qadriyatlar, milliy musiqiy merosdan unumli va o'rinli foydalanish bugungi kunda ta'lim-tarbiya oldiga qo'yilayotgan ijtemoiy buyurtmani muvaffaqiyatli bajarishda muhim o'rin tutadi.

Bugungi kunda turli texnik vositalar (internet tarmoqlari, telefon) orqali behayolikni, sharmsizlikni, quruqohang bilan yo'g'rilgan "raqs" lar, shovqinli, baqiroq, yig'loqinolalarni "ommaviy madaniyat" niqobi ostida yoshlar hayotiga kirib kelayotganligi, zamonaviy Estrada san'atidagi qo'shiqchilikni "internatsionallashuvi" (boshqa xalqlar musiqasiga taqlid, o'zbekchaga o'girish, ohangidan foydalanish, shularga moshatti-harakat, qiliqlar bilan "bezalgan" kliplar) natijasida

xalqimizning chinakam milliy, betakror jozibasiga ega bo'lgan musiqiy an'analari, ijrochilik uslublariga ega bo'lgan san'ati o'rnini soxta, yengil-yelpi ohanglarga qiziqish mayllari egallab olayotganligi achinarliholdir. Bularning barchasi bugungi kunda ta'limning barcha bo'ginlarida, xususan, umumta'lim maktablarida o'quvchi-yoshlarni milliy-ma'naviy qadriyatlarga hurmat, ularni qadrlash, qadriga yetish, o'rganish va o'zlarini ma'naviy ongi, tafakkuriga singdirishlarida muhim ahamiyat kasb etadi.

## **Ёшлар тарбияси – миллат келажаги**

**Юлдашев С.Ж., Халимбетов Ю.М.,  
Ибрагимова Э.Ф., Наимова З.С.  
Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Давлатимизнинг келажаги, унинг стратегик ривожланиши, биринчи навбатда ёшлар таълим - тарбиясига, уларни соғлом қилиб ўстиришга, миллий ғоя, миллий мафкура ўз ватанига садоқат руҳида тарбиялашга боғлиқ бўлиб, бу муракқаб жараённи муваффақиятли амалга ошириш мустақил янги Ўзбекистоннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок маънавий жихатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий ўйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг буюк вазифаларидан бирига айланди.

Жамиятни харакатга келтирувчи кучларнинг манбалари хусусида турли даврларда, турли ёндошувлар мавжуд бўлган ва унинг хилма-хил концепциялари асослаб келинган. Айтиш мумкинки, маънавият нафақат мамлакатимизнинг кўп минг йиллик тарихи, балки ижтимоий тараққиётининг барча жабхаларига бевосита таъсир курсатган.

Ўзбекистон мустақилликнинг 30 йиллик даврида – долзарб муаммолардан бири – янги тарихий шароитларда ўзгараётган жамиятга муносиб ҳар томонлама етук ва баркамол ёшларни тарбиялаш эди. Бу ўз навбатида бир неча ўн йиллар мобайнида халқдан ўз маънавий мулки ва маданий меросдан бегоналаштириб келинган синфий – партиявий, мафкура томонидан таъқиқланган маданий бойликларни қайтариш ва тиклаш ҳамда янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиш вазифаларидан иборат эди.

Мамлакатимиздаги миллий ва диний бағрикенглик турли миллатлар ва дин вакилларининг тинч – осойишта ҳаёти, давлат ва жамият равнақи учун муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимида фаолият кўрсатаётган дастлабки кунлардан бошлаб таълим – тарбия, миллатлараро ва динлараро муносабатларда бағрикенглик ва инсон парварлик маданиятини ривожлантириш ўзаро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда турли миллатлар ва динлар эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт шароит яратиш сиёсатини изчил равища олиб бормоқда.

Инсон, унинг мохияти, яشاши, баркамол бўлиш мақсадлари ҳақида ўйлаганида ёш авлодни камолотга етказиш, унинг ички ва ташқи оламини тобора такомиллаштира бориш ҳар бир даврнинг муҳим муаммоси бўлиб келганига гувоҳ бўласан. Бундан олдинги даврларда ҳам таълим – тарбия ишининг қийинлиги, кекса авлоднинг ёшлар тарбиясидан норозиликлари ифодаланган.

Демак, ёш авлодни шакллантириш, унинг ақл – идрокини мукаммалликка қўтариш, комил инсонни вояга етказиш инсониятнинг амалий орзуси бўлиб келган, бу орзуни тўла-тўқис амалга ошириш қийин муаммо бўлсада, аммо бу барада қилинган изланишлар, олиб борилган курашлар ёш авлодни олға етаклаган, тараққиётни тезлаштирган, янги- янги кашфиетларни келтириб чиқаетган.

Даврлар ўтиши билан қандай қилиб билим, ғоя, назария инсон эътиқодига айланди. Кузатишлар шундан далолат берадики,

эътиқодни яхлит бутунга бирлаштириб турган барқарор элементлардан бири – билимдир.

Илмга, касбга, хунарга меҳр энг аввало оилада шаклланади. Негаки, ота-онанинг, ўзидан катта aka ва опаларнинг ўз касби билан фахрланиш, хис – туйғулари оилавий гурунгларда номаён бўлади. Оиладаги фаровонлик ва унинг илдизи ишнинг кўзини билиб қилинган меҳнат эканлигини фарзанд онгига сингдирилиш ҳам ғоят муҳимдир<sup>59</sup>.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев айтганлариdek “Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф – одатлар болаликида шакллантирилади”.

“Ота касбини эгаллаш” энг қадимий анъаналардан бири бўлиб, у оиланинг шаклланиши, дастлабки меҳнат тақсимотлари пайдо” бўлган давр билан боғлиқдир. Ёки онасини кўрда қизини ол” деган нақлда қиз боланинг, онанинг, аёлларга хос ҳаё, иффат, иззат, кайвоналиқ, меҳнатсеварлик ва бошқа яхши фазилатлари билан бир қаторда унинг халол – покизалиги, меҳнатсеварлиги, пазандалиги, чеварлигини ўзлаштириши ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ва Ёшлар форумида “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз, - комил инсон деганда, биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулк – атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли одамни тарбиялаш давр талабидир деб таъкидланган<sup>60</sup>.

Таълим соҳасидаги ислоҳатларнинг маъно ва мазмуни, энг аввало, ёшларда истеъдод ва қобилиятнинг шаклланишига кенг йул очиб бериш, таълим бериш савиясини хозирги замон илғор технология стандартлари даражасига қўтаришга қаратилган.

<sup>59</sup> Халимбетов Ю.М. Миллий менталитетимиз истиқболимиз таянчи. Ўзбек халқининг келиб чиқиши. Илмий, методик ёндошувлар этногенистик ва этник тарих” мавзусидаги Республика илмий - назарий семинар материаллари. –Т., 2004. С. 57

<sup>60</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Зарафшон”, 29 декабр, 2020 й.

Маълумки, шахснинг, хусусан мактабгача таълим ва мактаб педагогларининг маънавий бойлиги унинг кенг дунёқараси, теран фикрлаш лаёқати, воқеа – ходисаларга ўз вақтида тўғри муносабат билдира олиши билан баҳоланади. “Барча иллатларнинг келиб чиқиши илмсизликдир” деган эди буюк юонон файласуфи Суқрот. Шундай экан ёшларнинг юксак илм ва тафаккур соҳиби бўлиши учун барчамиз жавобгармиз. Бу жавобгарлик юки эса кўпроқ ўқитувчи - педагоглар, тарбиячилар зиммасидадир.

Ўқитувчи ва тарбиячининг обру – эътиборини таъминлайдиган восита унинг тарбияланганлик даражасидир. Ўқитувчи маънавий жиҳатдан соғлом ва кенг фикрлай оладиган бўлиши, аввало, ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари, ўз касби соҳасидаги чуқур билимлари ва миллатнинг буюк сиймолари хаёти ва ижодини мукаммал билиши керак.

Ўқитувчи ўз фанини мукаммал билса, уни ўқувчиларнинг ёшига қараб содда тилда етказа олади. Бу айниқса, ҳозирги учинчи Ренессанс даврида катта маъсулият талаб қиласи. Ўқитувчи, ўқувчилар фаолиятида бозор иқтисодиёти таъсири қандай, бу шароитда ишни қандай ташкил этиш зарурлигини билиши, сўзи билан иши бирлигини таъминлаши лозим. Ўз фанидан дарс бериш жараёнида ноанъанавий дарс турларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Мавзулар мазмунини тушинтиришда миллий урф – одатларимиз, қадриятларимиз ва буюк олиму – фузалоларимиз томонидан яратилган янгиликлар, ҳарбий –тактик стратегиялар ҳақида, табиий бойликларимиз, меҳнатсевар халқимиз ҳақида гапириб берса, ўқувчиларда фанга бўлган қизиқиш ортади.

Ўқитувчининг ички ва ташқи қиёфаси унинг иймон – эътиқоди ва виждонининг соғлиги билан гўзалдир. Айнан шу гўзаллик туфайли ўқувчини ва миллатини сева олади ва уни ўз фарзандлариdek тарбиялайди, ўқувчининг қалби билан нафас олади.

Албатта, таълим соҳасидаги қилинаётган барча ўзгаришлар тарбия тизимиға ҳам таъсир қиласи. Лекин, барибир, бу таъсир

жойларда унчалик сезиларли эмас. Чунки мактаб асосан таълим билан банд, ўқитувчилар таълимга 90 фоиз вақтларини сарфлаганлари холда тарбия ишлари эътибордан четда қолмоқда. Мактабда тарбия асосан ҳафтада бир бўладиган бир соатлик тарбия соатлари, ўқитувчиларнинг дарс жараёнида ўқувчиларни тергаб, панд – насиҳатлар қилиб туришидан иборат бўлиб қолмоқда. Энг ёмони шунда намоён бўлмоқдаки, таълим ва тарбия бири-биридан ажralиб қолган, гуёки мактабнинг асосий вазифаси таълим беришдан иборату, тарбия оиланинг иши. Хатто жуда кўп ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятларида оилада яхши тарбия топмаган болани мактаб қайта тарбиялай олмайди”, деган нотўғри фикр чуқур ўрнашиб қолган. Шунинг учун ҳам бу борада ота – оналар билан ўқитувчилар ўртасида қарама –қаршиликлар бўлиб туради.

Дарҳақиқат, инсон тарбияси бир умрлидир, уни маълум ёш босқичи билан чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Шуни унутмаслик керакки, маълум ёш босқичида инсонда ўзига хос фазилатлар шаклланади. Шу нуқтаи назардан олганда болалар тарбиясида оила ва мактаб боб – баробар жавобгар. Оила мактабнинг ўрнини босолмаганидек, мактаб ҳам оиланинг ўрнини босолмайди. Масалан, оилада боланинг феъл – атвори, яъни характеристи, шаклланса, мактабда унинг дунёқараши ва эътиқоди қарор топади.

Асосий масала, таълим ва тарбия иккита мустақил жараён эмас. Аниқроғи таълим тарбиянинг асосини, тарбия - таълимнинг асосини ташкил этиши зарур. Хulosha, шундан иборатки таълим бераётиб тарбиялаш, тарбиялаб туриб таълим бериш керак.

Юқоридаги фикр – мулоҳазалар жорий этилиши учун мактабда ўқитиладиган барча фанлар юқоридаги мақсад нуқтаи назаридан қайтадан кўрилиб чиқилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодда ҳаёт, яшаш ҳақида, инсоний муносабатлар тўғрисида тўғри тушунчалар шаклланса, болалар табиат қонунларини яхши тушуниб, унга нисбатан меҳр – муруватли бўлиб ўссалар жамият ривожланиши ҳақида тўғри

хулосаларга келиб, энг муҳими, уларда қонунларга итоат этиш қарор топса – буларнинг ҳаммасини бир оғиз сўз билан дунёқараш деб аташ мумкин.

Ёшларни барқамол авлод вакиллари сифатида тарбиялашда мураббийлар: ота-оналар, ўқитувчилар ва асосан раҳбарлар бу мураккаб вазифаларни бажаришда учта асосий вазифаларни бажаришлари лозим. Биринчидан сўз ва иш бирлигини тарбиялашда тарбиячи сўз усталиги билан ёшларни уюштиришда ташкилотчи ва ташвиқотчи бўлиши.

Иккинчидан, амалий куникма, касбий хунар ўргатишда техник ва иқтисодий йўналишларда жамоа аъзоларини замон талаби асосида иш маданиятини узлуксиз амалга оширишда сифатли маҳсулот жамоа аъзоларининг ички ва ташқи бозорларида рейтинг тизимини юқори қўтариш.

Учинчидан, ҳар бир миллат мураббийларининг шахсий намунаси ёшларда намуна сифатида ҳурмат қилинишига сазовор бўлсин. Жамоадаги раҳбар меҳнати натижасида инсон ҳаётида худбинлик, ялковлик эмас, чинакам ўртоқларча ҳамкорлик, дўстлик билан чамбарчас бирикиб кетади. У ана шу меҳнат жараёнида ўз фаолиятини жамият фаолиятига, уларнинг мақсади ва иродасига мувофиқлаштиради.

Жисмоний ҳамда руҳий – маънавий жиҳатдан соғлом боланинг шаклланишида она асосий роль ўйнайди. Айни шу катта ҳарф билан ёзиладиган Онанинг меҳр - муҳаббати ва ғамхурлиги йўқлиги ёки етарли эмаслиги болаларнинг оиласада руҳий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳам онанинг шаҳси, билим даражаси, маданияти, одоб-аҳлоқи, хатто санитария жиҳатидан саводхонлиги саломатлиги бола тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Аёл киши боланинг шахс сифатида камол топишидаги етакчилик ролини ўйнайди ана шу муҳим ижтимоий вазифани бажаришда отанинг ролини асло инкор этмайди. Қадимги ҳикматда бола тарбиясида “ота-она- қўш хўқиз” деб бежиз айтилмаган. Оила

учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали, соғлом, яхши ривожланган болани тарбиялашда отанинг ўрнини сира камситмаслик керак, албатта. Эркаклар билан аёлларнинг тўла teng хуқуқлилиги, уларнинг оила учун боб – баровар масъулияти ўзбекистонликларнинг оила асосини ташкил қилади.

Ўтмишимиздаги ҳеч қачон эскирмайдиган ижобий миллий ва маҳаллий анъаналаримиз билан бирга замонавий таълим – тарбия борасидаги илмий ютуқлардан ҳам кенг фойдаланиб, тарбия билан шуғулланувчи ҳар бир буғиннинг бир – бири билан ўзаро алоқасини таъминлаганимиздагина инсоннинг ҳар томонлама камолатига эришишимиз мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, дунёқараш қуруқ гап, панд – насиҳатлар билан ривожланмайди. Аслида оиласда, боғчада, мактабда ўргатилаётган, ўқитилаётган барча фанлар болаларда илмий дунёқараши шакллантиришга қаратилган. Аммо ҳозир бу фанларнинг ўқитилиши, дарс ўтиш тизими, ўқитувчиларнинг фақат қуруқ таълим бериш билан чегараланиб қолгани биз қўтараётган масалаларни тўла ҳал қилиб бермаяпти. Таълимнинг тарбиядан ажralиб қолгани ҳам мана шунда.

**Ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этишга  
қаратилган “Ёшлар дастурлари” – Ўзбекистон келажагининг  
муҳим асоси**

Атаджанова С.Э.

Тошкент Архитектура Қурилиш институти, «Фалсафий  
ва ижтимоий-сиёсий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси

Бизга маълумки президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2021 йил — «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонни имзолаган эди. У ўзида беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг сўнгги йилидаги чора-тадбирларни акс эттирган.

Унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун жами 29,5 трлн сўм, 2,6 млрд доллар ва 57,5 млн евро йўналтирилади. 2020 йилда 18,2 трлн сўм ва 10,3 млрд АҚШ доллар этиб белгиланган эди.

Дастур жами 274 та банддан иборат:

- 1- йўналиш — 20 та банд;
- 2- йўналиш — 18 та банд;
- 3- йўналиш — 113 та банд;
- 4-йўналиш — 93та банд;
- 5-йўналиш — 30 та банд.

18 январь куни дастур лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган эди. Ўшанда бандлар сони 276 та эди. Биринчи (1) ва иккинчи (1) йўналишларга бандлар қўшилди. Тўртинчи (3) ва бешинчи (1) йўналишлардан бандлар олинган.<sup>61</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 август куни мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик фаолияти тикланиб, даромадларни кўпайтиришга имконият пайдо бўлди.

Йиғилишда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлардаги қўшимча имкониятлар таҳлил қилиниб, уларни ишга солиш чоралари белгиланди.

Жорий йил 1 декабрга қадар 500 миллиард сўм қўшимча захира шакллантиришга тўлиқ имконият борлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу маблағлар эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-куватлаш учун республика бюджетидан берилаётган пулларга қўшимча ресурс бўлади.

---

<sup>61</sup> [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz)

Август ойида 20 минг, сентябрда 26 мингта корхона фаолиятини түлиқ қувватга олиб чиқиш, уларнинг пандемия туфайли тўпланиб қолган маҳсулотларини сотиш учун шартшароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун йирик шаҳарларда қўшимча савдо жойлари ташкил этиш, талаб юқори бўлган истеъмол маҳсулотларини түлиқ электрон савдо тизимларига жойлаштириш вазифаси юклатилди. Хомашё олиб келиш ёки экспортда қийналаётган корхоналарнинг транспортлогистика масалаларини ҳал этиш бўйича топшириқ берилди.

Вилоят ҳокимлари Бизнес-омбудсман, Божхона қўмитаси билан бирга 1 октябргача тадбиркорлар томонидан келтирилган технологик ускунани ишга тушириш ҳамда улар учун ер, бино, электр, газ ва бошқа муҳандислик-коммуникация масалаларини ҳал қилиш зарурлиги қайд этилди.

Худудларда тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича захиралар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, давлат томонидан ажратилган субсидия ва кам фоизли кредит эвазига Фориш туманида 100 та қудуқ қазилиб, оборотдан чиқиб кетган 2 минг 700 гектар ерда 6 та токзор ташкил этилди. Бунинг натижасида 2,5 минг янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча тушум таъминланади.

Шунингдек, Тахиатош туманида Иssiқлик электр станциясининг ташланма иссиқ сувидан фойдаланиб, 54 гектарда 7 та гидропоника иссиқхонаси барпо этилмоқда. Бунинг ҳисобига жорий йилда 500 та иш ўрни яратилади ва қўшимча солиқ манбай пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари барча ҳудудларда шундай имкониятлар борлигини таъкидлаб, уларни оқилона ишга солиш, кооперация орқали янги корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир захира – эркин иқтисодий зоналардаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган 1 минг гектардан зиёд бўш ер майдонлари. Уларда 17 минг иш ўрни яратиладиган 120 та лойиҳани амалга ошириш мумкин. Йиғилишда ушбу

лойиҳаларни пухта шакллантириб, тезроқ ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.<sup>62</sup>

“Яширин иқтисодиёт” ни қисқартириш ва шу орқали қўшимча захираларни шакллантириш топшириғи бериилди. Бундай қўшимча захиралар, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш учун муҳим манба бўлади.

Қўшимча захирларнинг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу борада маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.<sup>63</sup>

Йиғилишда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Бош вазир ўринbosарига уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини йўлга қўйишида молиявий қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш вазифаси юклатилди. Бу ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда жорий этилган “темир дафтари”лар сингари, ишсиз ёшлар бўйича алоҳида (“Ёшлар дафтари”), ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича алоҳида (“Аёллар дафтари”) рўйхатлар шакллантириб, ҳар бири билан янги тизим, янгича тартибда манзилли ишлаш муҳимлиги таъкидланди. Асосий мақсад Ўзбекистон келажагида пайдо бўладиган муаммоларини ҳозирдан бартараф қилиш механизмини яратишдан иборат.

## **Жамият тараққиётида ижтимоий интеллектнинг ўрни Тураев А.Р.**

“Ипак йўли” туризм халқаро университети  
мустақил тадқиқотчisi

Интеллектнинг фаол яратувчан хусусиятини эътироф этиш, инсон шахсини тушунишни зарур талабидир. Воқелик билан

<sup>62</sup> president.uz

<sup>63</sup> “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони.

алоқани интеллектни ўзи эмас, балки оламни амалда ўзгартирувчи аниқ инсонлар амалга оширади. Объектив олам инсон онгига таъсир кўрсатган ҳамда унинг тафаккурида ўзига хос тарзда акс этган ҳолда идеал оламга айланади. Ташқи оламнинг сабаблари сифатидаги таъсир оқибати бўлган ҳолда онг идеаллик ўз навбатида яратувчи сабаб ролида юзага чиқади: интеллект амалиёт орқали ўзини вужудга келтирилган воқеликка қайта таъсир кўрсатади. Фаоллик фақат индивидуаллик, шахсийликка эмас, бироқ ижтимоий онга ҳам ва, энг аввало, оммани эгаллаган ҳолда “моддий қудратга айланадиган барча” илғор ғояларга ҳам хосдир.

Интеллектни фақатгина табиий олам объектларини акс эттиришнинг биргина жараёнидан чиқариб бўлмайди: субъект-объект муносабати онгни вужудга келтира олинмайди. Бунинг учун субъект ижтимоий амалиётнинг бир мунча мураккаб тизимиға, ижтимоий ҳаётнинг мазмунига қўшилиши лозим. Ҳар биримиз ушбу оламга келган ҳолда ўзимизнинг инсоний моҳиятимизни эгаллаш ҳамда инсончасига фикр қилишга қодир бўлиши учун ўзлаштиришимиз лозим бўлган маънавий маданиятни мерос қилиб оламиз. Биз ижтимоий интеллект билан мулоқотга киришамиз ва бу бизнинг онгимизга қарши турувчи интеллект, айтайлик давлат ёки қонун сингари воқеликдир, айтайлик ушбу маънавий кучга ҳудди давлат билан бўлгани сингари нисбатан ғалаён кўтаришиши, аммо бизнинг ғалаёнимиз агар биз ўзимиз объектив қарши турган маънавий ҳаётнинг шакллари ва усулларини ҳисобга олмайдиган бўлсак, ҳалаён нафақат беъмано, бакли ҳалокатли бўлиб чиқиши мумкин. Тарихан шаклланган маънавий ҳаёт тизимини ўзгартириш учун дастлаб уни эгаллаш лозим.

Ижтимоий интеллект ижтимоий ҳаётнинг вужудга келиши билан бир вақтда ва у билан биргаликда пайдо бўлди. Табиат учун инсон интеллекти мавжуд бўлишини фарқи йўқ. Жамият эса бусиз нафақат пайдо бўлиш ва ривожланиш у ёқда турсин бир кун ёки бир соат ҳам мавжуд бўла олмайди. Жамият объектив-субъектив воқелик бўлгани учун ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий интеллект гўёки

бир-бирига “юкландек” туради. Инсон тафаккурини қудратисиз ижтимоий ҳаёт турғун ва ҳатто ўлик ҳаётга айлданади. Интеллект икки йўналишда акс эттирувчи ва фаол яратувчан салоҳиятларда амалга оширилади. Интеллектнинг моҳияти ҳам у ижтимоий ҳаётни бир вақтнинг ўзида уни фаол яратувчан ҳолда ўзгартириш шароитдагина акс эттира олиши мумкинлигидан иборатdir. Инсон онгининг олдиндан акс эттириш функцияси келажакка интилиш билан жиддий тарзда боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётга муносабатда ўта аниқ амалга оширилади.

Бу тарихда ғоялар, хусусан ижтимоий-сиёсий ғоялар жамиятнинг мавжуд ҳаётидан ўзиб кетиши ва ҳатто уни ўзгартириши мумкинлиги билан бир неча бор тасдиқланган. Жамият моддий-идеал воқеликдир. Умумлашган тасаввурлар, ғоялар, назариялар, хиссиётлар, одатлар, анъаналар ва ҳоказолар, яъни ижтимоий интеллект мазмунини ташкил этувчи барча нарсалар маънавий воқеликни ҳам шакллантириди. Ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми сифатида юзага чиқади, чунки у алоҳида инсоннинг онгига тақдим этилгандир.

Ижтимоий интеллект объектив табиатга ва ривожланишнинг ажralmaslik қонунларига эга бўлган ҳолда муайян жамият учун қонуниятли бўлган эволюцион жараён доираларида ҳам ҳаётдан орқада қолиши, ҳам ундан илгарилаб кетиши мумкин. Бу маънода ижтимоий интеллект ижтимоий жараённинг фаол рағбатлантирувчиси ёки уни секинлаштириш механизми ролини ўйнаши мумкин. Ижтимоий интеллектнинг қудратли ўзгартирувчи кучи ҳаётнинг эволюцияси маъносини очиб берган ҳамда истиқболини олдиндан айтиб берган ҳолда умуман бутун ҳаётга таъсир кўрсатишга қодирдир. Бу маънода ижтимоий интеллект субъектив (субъектив воқелик маъносида) якуний ҳамда алоҳида инсон билан чекланган индивидуал интеллектдан фарқ қиласи. Инсон устидан яхлит ижтимоийлик ҳокимияти бу ерда воқеликни, маънавий қадриятларни, инсоният томонидан асрлар давомида жамланган ҳамда бусиз шахснинг вужудга келиши имкони мумкин

бўлмаган мазмунни амалга оширишга ёрдам берадиган усуллар ва воситалари маънавий ўзлаштиришнинг тарихан шаклланган кўринишларини инсон томонидан мажбурий тарзда қабул қилинишида ифодаланади.

Узок йиллар давомида инсониятнинг барча буюк даҳолари инсон келиб чиқиши табиатини тушинишга фаол интилиб келди, бироқ унинг маънавий моҳиятини тушиниш масалаларида бундай фаоллик анча орқада қолиб кетди. Бунга ҳеч ким аҳамият бермаган деб бўлмайди, бироқ ушбу йўналишдаги саъий ҳаракатлар доимо дин, бадиий ижодиёт ва фалсафа томонидан бўлган. Фан, рух ва психика тўғрисидаги барча ғоялар ва тасаввурларни булар охиригача аниқланмаганлиги боис илоҳий сифатида кўриб чиқсан ҳолда четда туришга интилган.

Инсонни муайян яхлитликда ўрганмасдан унинг фаолияти моҳиятини белгиламасдан биз бугунги воқе оламда интеллектнинг асл мазмун-моҳиятини ҳеч қачон тушуна олмаймиз, балки уни ҳодисалар даражасидагина билишимиз мумкин халос. Аслида интеллект иккиёқламадир. Чунки ҳаётнинг аниқ қарама-қаршилигининг иккиёқлама йўлидан ҳаракатланади: муқаррар тузилмали ўзгаришлар қоидаги “ижтимоий фаоллик субъектларининг ҳавотирини” акс эттирган ҳолда айни вақтда мавжуд буткул объектив тафаккур шаклларига содиқликни сақлаб қолади. Инсон бўлиш бу бошқага, оламга ва ўз-ўзига мустақил мавжуд воқелик сифаида муносабатда бўлишdir. Ушбу муносабатни биз интеллект ҳам деб атаймиз.

Ўзига хос фикрлаш қобилиятига эга инсон ўзини атрофдаги оламдан ажратиб олади, ўзини, ўз “мен”нини ташки нарсалардан ажратади. Нарсаларнинг хоссаларини эса уларнинг ўзидан ажратади, ўзининг маконин муайян жойида ва ҳозирги кун ўтмиш ҳамда келажакни боғловчи замон ўқининг муайян нуқтасида бошқа кишилар билан муносабатнинг муайян тизимида кўришга қодирдир. Ташки олам ҳодисалари ўртасидаги ҳамда ўзининг ҳаракатлари ва улар ўртасидаги муносиб сабаб-оқибат

муносабатларини ўрнатади. Ўз ҳиссиётлари, фикрлари, кечинмалари, мақсад ва истаклари тўғрисида ўзига ҳисоб беради, ўзининг индивидуаллигидаги ўзига хосликларини билади. Ўз ҳаракатларини режалаштиришга, уларни натижаларини олдиндан кўра билишга, оқибатларини баҳолашга қодирдир, яъни қасдан, эркин ҳаракатларни амалга оширишга салоҳиятлидир.

Интеллектуал фаолият бу етти ўлчаб қадам босиш демакдир. Ушбу барча аломатлар англашмаган ва инсон онгидан ташқари психик жараёнлар ҳамда импулсив автоматик ёки рефлекторли ҳаракатларнинг қарама-қарши жиҳатларига қарши кўйилади. Интеллект инсон билимларини эгаллаш, уларни ўзгартириш, сақлаш ва яна қайта яратиш, инсонларнинг йўлга солинишини ҳамда қайдриятли мақсадларини таъминлаш ва йўлга солиш, мулоқот қилиш ҳамда тажриба алмшиш, тажрибани бир авлоддан бошқасига етказишнинг универсал салоҳияти сифатида намоён бўлади.

Аниқ фаолият қўрсатаётган интеллектни зиддиятли ривожланишда тасаввур қилиш мумкин. Булар ҳам инсонларнинг асл хатти-ҳаракати, ҳам бу хатти-ҳаракатлар амалга оширилаётган билимлар, интилишлар, қўрсатмалар, қадриятли мақсадлар, эҳтиёжларнинг (шакл ва мазмунига кўра) моддий акс этиши ҳамдир. Инсонларни бир-бирига муносабти сифатида юзага чиқкан интеллект охир-оқибатда ҳар бир инсоннинг ўзига муносабатига айланмоқда. Бундай ўз ичига беркиниб олиш ҳаётнинг инсоний тури табиатининг ўзига ва моҳиятга мосдир. Айни вақтда бу қандайдир ҳақиқий ҳаётий инсонларнинг ўз-ўзини англашининг субъектив бошдан кечириладиган шаклидир. Интеллект тўғрисида фақат инсон ўзининг табиатга ҳам ташқи, ҳам ички (турли шахсий-ҳис кўринишлар ва шакллар: умид, эътиқод, муҳаббат, қўрқиши, ҳафсаласизлик) сингари табиатга ўз муносабатини шакллантиради.

## **Zamonaviy sharoitda yosh oilalarning asosiy muammolarini hal etishning muhim yo'nalishlari**

**Isaxonov J.A.**

O'zMU "Ijtimoiy ish" kafedrasi magistranti

Bozor iqtisodiyoti sharoitida eng muhim ijtimoiy-iqtisodiy muammolar tizimida, yosh oilalarning hayotiga taaluqli masalalarning o'r ganilishi alohida e'tibiorga loyiqdir. Mamlakatimizda oilada sog'lom turmush tarzini shakllantirishga, oilaviy munosabatlarni ijtimoiy-axloqiy jihatdan har tomonlama qo'llab-quvvatlash va himoya qilishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Zero, O'zbekiston respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganidek «... bugungi tez o'zgarayotgan ziddiyatli davrda oilaviy masalalarni ilmiy asosda chuqur o'r ganmasdan turib, ijtimoiy hayotdagi ko'plab murakkab savollarga javob topish qiyin»<sup>64</sup>.

Zamonaviy jamiyatda yangi turmush qurgan yosh oilalarning muammolari har xil. Yosh oila deb, avvalo, er va xotinning ikkalasi ham 30 yoshdan oshmagan yoki oilaviy turmush qurish tajribasi 5 yildan oshmagan yoshlar oilasi nazarda tutiladi. O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonunining 3-moddasiga ko'ra, er-xotinning ikkisi ham o'ttiz yoshdan oshmagan oila yoxud farzand (bola) tarbiyalab voyaga yetkazayotgan o'ttiz yoshdan oshmagan yolg'iz otadan yoki yolg'iz onadan iborat bo'lgan oila, shu jumladan nikohdan ajralgan, beva erkak (beva ayol) - yosh oila deb belgilangan. Hozirgi vaqtida sotsiologik adabiyotlarda va rasmiy hujjatlarda "yosh oila" tushunchasini aniqlashga yagona yondashuv mavjud emas. Shunday qilib, yosh oilaning asosiy xususiyatlari - rasmiy ravishda tuzilgan nikoh uyushmasi va turmush o'rtoqlarning yosh chegarasi - 17 yoshdan 30 yoshgacha.

Bugungi kunda oilalarning, ayniqsa yosh oilalarning mustahkamlanishiga qanchalik e'tibor kuchaytirilsa, barpo etilayotgan zamonaviy jamiyat va demokratik davlat shunchalik rivoj topib

<sup>64</sup> Мирзиёев Ш.М. Оила ва жамият устуни, хаётимизнинг файзи ва кўрки // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. 2-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 464.

boraveradi. Yosh oilalar munosabatlarida ro'y berayotgan iqtisodiy, ijtimoiy ma'naviy va psixologik jarayonlarni har jihatdan yanada chuqurroq o'rganish va tahlil etish zarur. Oila o'z funksiyalarini bajarmasa turli deviatsiya(og'shlar) paydo bo'lishi mumkin.

Yosh oilaning o'ziga xosligi uning muammolarini hal etish va yosh oilani davlat yoshlar va oilaviy siyosatining alohida ob'ekti sifatida ajratib berishga alohida yondashuvni talab qiladi, bu esa o'z navbatida ushbu ijtimoiy guruh bilan ijtimoiy ishlarni amalga oshirishda o'z aksini topishi kerak.

Yosh oilalarning aksariyati kam ish haqi olish natijasida turmush darajasining pasayishi kuzatiladi. Pul mablag'larining yetishmasligi ko'plab yosh oilalarning sog'liqni saqlash xizmatlaridan voz kechishiga olib keladi, chunki aksariyat sog'liqni saqlash muassasalari pullik xizmat turlariga o'tishdi. Teatrلarga, konsert zallariga, dam olish maskanlariga va dam olish uylariga tashrif buyurish, bolalar va sog'lomlashtirish oromgohlariga ko'plab yosh oilalar ham kirish imkoni yo'q. Kam daromad tufayli yosh oilalarning xarid qobiliyati kamayadi va ular past sifatli mahsulot va mahsulotlarni sotib olishga majbur bo'ladi, natijada hayot sifatiga ta'sir qiladi.

Ilm - fan va jamoatchilik yosh oilaning muammolarini chuqr o'rganish va ularni hal qilishning eng maqbul yo'llarini topishdan manfaatdor. Har qanday jamiyatda yosh oilaning asosiy qiyinchiliklari, birinchi navbatda, insonning past kasbiy mavqeい va ayolning tug'ilishi tufayli ishlamayotganligi, ish stajisiz yosh mutaxassislarining talab qilinmasligi, ishsizlik tufayli yuzaga kelgan moliyaviy qiyinchiliklardir. Ikkinchidan, alohida uy-joy muammosi. Albatta, bиргаликда yashashning dastlabki bosqichida bunday to'siqlarga duch kelinadi. Yosh oila uchun hukmron bo'lgan muammolardan biri bu uy-joy muammosi. Ushbu masala bo'yicha bir nechta ilmiy ishlar qilingan va ko'plab ilmiy maqolalar yozilgan, ammo muammoni hal qilish uchun katta mablag' va davlat, jamiyat va ijtimoiy mas'uliyatli biznesning tizimli ishtiroki talab etiladi.

Muammolarning yana bir guruhi - yosh mutaxassisiga ish topish muammosi, ish haqining pastligi, ayniqsa davlat sektorida, ikkilamchi ish haqidan norozilik yosh mutaxassislarni boshqa shaharda ish izlashga va hattoki chet elga ketishga undaydi. Yosh oila, birinchi navbatda, oilalarning o'zini o'zi ta'minlash uchun sharoit yaratishga qaratilgan davlat ijtimoiy himoya xizmatlarining alohida e'tiborini talab qiladi. Afsuski, oilalarning birlamchi holati bozor talablariga mos keladigan holatda bo'lishmaydi.

Umuman olganda, yosh oilalar turmush farovonligini yanada yaxshilanishi uchun quyidagi masalalrga yetarli e'tiborni kuchaytirish lozim:

- Zamonaliv sharoitda yosh oilalarning vujudga kelishi va ularning hayot tarzini sotsiologik tadqiqotlar orqali yanada chuqurroq o'rganish va tahli etish;
- Yosh oilalarda oila-nikoh munosabatlarining umumiyl nazariyasi majmuasidagi ob'ektiv va sub'ektiv omillarni hozirgi zamon g'oyalaridan kelib chiqib tahlil qilish;
- Yosh oilada shaxsning shakllanishi va oilaviy hamjihatlikni qaror toptirishda oilaning hal qiluvchi rolini ilmiy jihatdan aniq ma'lumotlar asosida tadqiq etish;
- Yosh oilalarning ijtimoiy-iqtisodiy ehtiyojlarini qondirish uchun zarur bo'lgan muayyan shart-sharoitlarni yaratish va rivojlantirish;
- Bozor iqtisodiyoti sharoitida yosh oilalar faoliyatidagi ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni o'rganiosh va yosh oilaga davlat, ijtimoiy tashkilot va boshqa davlat hamda xususiy tuzilmalar orqali ijtimoiy-qo'llab quvvatlashni kuchaytirish;

Yosh oilalarning muammolari, ularda mavjud bo'lgan qarama-qarshiliklarni, yutuq va kamchiliklarni doimiy ravishda kuzatib boorish uchun maxsus mintaqaviy sotsiologik markaz tashkil etilishi lozim. Biznintg fikrimizcha yosh oilalardagi oilaviy munosabatlarni tadqiq etishda tizimli yondashuv muhim o'rinn tutadi. Yosh oilalarda oila-nikoh munosabatlarida ro'y berayotgan iqtisodiy, ijtimoiy va psixologik jarayonlarni har jihatdan nazariy jihatlarini yanada chuqurroq o'rganish

va tahlil etish muhim zaruriyatdir. Bozor iqtisodiyoti jarayonida yosh oilalarning ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli, turmush tarzini e'tiborga olgan holda ularni ijtimoiy jihatdan himoyalashning ta'sirchan chora-tadbirlari ishlab chiqilishi lozim.

## **Инновацион ёндашув ва модернизацияга асосланган таълим стратегиясининг фалсафий асослари**

**Алибеков Даврон,**  
**ЖДПИ мустақил тадқиқотчиси**

Таълим тизимини инновацион ривожлантириш жараёни ўзида ижтимоий ривожланишнинг сифат босқичига олиб чиқадиган, ўзига хос ижобий ўзгаришлар ва янгилашишларни вужудга келтирадиган мураккаб, бир бутун ва динамик фаолиятини қамраб олади. Таълимдаги инновацион ўзгаришлар – бу тизимли янгила технологиялар, ахборотлаштириш ва янгиликларни яратиш ва жорий этиш, тизимни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган жараёнлар орқали инсон салоҳиятини юксалтириш ва пировардида жамият соҳаларида муҳим сифатий ўзгаришлар ясаш демакдир.

Шунингдек, таълим соҳасида инновацион ўзгаришлар унинг барча тизимлари фаолиятида иш жараёнини янгила асослар билан ўзгартириш орқали кенг қамровли модернизация қилишдир. Бу жараёнда таълим соҳаси тизимлари фаолиятининг самарадорлиги ошади, пировардида таълим соҳаси янги ривожланишг босқичига ўтиб, жамият тараққиётiga ижобий таъсир кўрсатади. Бу тенденция бугунги глобаллашув билан боғлиқ рақобатга асослаган шароитда даврида жамият ҳаётининг барча тизимлари билан алоқадор ҳолда кунда таълимнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантиришга катта эҳтиёж ҳосил қилмоқда.

Жамиятимизда таълим тизимида инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва бу орқали ижтимоий тараққиётни қўллаб-кувватлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунинг билан биргаликда илм-фан соҳасини ҳам инновацион фаолиятини таъминлаш борасида кенг қамровли фаолият кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”<sup>65</sup> кўзда тутилган.

Илм-фандада яратилган янгиликлар, техника ва технологияларнинг замонавий кўринишлари жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларига жадал тақдим этилмоқда ва бу орқали жамият ва инсон фаровонлигини таъминланишига ижобий таъсир қўрсатмоқда. Бу жараёнлар замонавий ахборот алмашинуви, янги коммуникацион технологияларнинг салмоқли имкониятлари билан боғлиқ ҳолда глобал миқёсда тарқалмоқда ва янгича моҳият касб этмоқда. Бу эса, инсоннинг техника ва технологияларни яратиш билан боғлиқ имкониятлари кўламининг жадал кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Глобаллашув жараёнларининг бугунги тахлили шуни кўрсатмоқдаки, жамиятларни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш шароитида жиддий техник-технологик рақобат муҳити юзага келмоқда. Фуқаролар, айникса ёшларнинг замонавий инновацион анъаналарни эгаллаши ва уларга жавоб бера олиш кўникумларини шакллантиришда маълум муаммолар вужудга келмоқда. Шу боисдан ҳам ахборотлашган жамиятда ёшлар инновацион дунёкарашини тезкор ва мукаммал асосда шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини илмий асосда

---

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

тахлил этиб, мұхым хулосалар, зарурий методик тавсиялар ишлаб чикиш долзарб моҳият касб этмоқда.

Таълим тизимини инновацион ривожлантиришда инновация сўзи асосий категориялардан бири сифатида ишлатилмоқда. Шунингдек, мазкур тушунча таълимни ривожланишининг ижтимоий-фалсафий тенденцияларини ёритишга хизмат қиласди. Луғатда “Инновация” (инглизча “innovation” киритилган янгилик, ихтиро) – бу, биринчидан, техника ва технологияларнинг янги турлари (авлодлари)ни жорий жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар; иккинчидан, илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларни турли соҳаларда қўлланилиши; учинчидан, муайян тилда, асосан унинг морфология соҳасида энг сўнги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)”<sup>66</sup>, деб таъкидланган.

“Инновация” жамият ҳаётининг ҳамма тизимларида, инсонга тааллуқли бўлган фаолиятининг барча соҳаларида учрайди. Илмий изланишларнинг натижаси, даражаси, қўлами ва ва ишлаб чиқаришдаги амалиётидан келиб чиқиб, инновациялар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ўзининг жуда катта ҳиссасини қўшади. Инновациялар эса, янги билимлар, инновацияларнинг яратилиши, уни ҳаётга жорий этилиши ва самара даражасини ифода қилиш кетма-кетлигига намоён бўлади. Бу эса, янгича шароитда инсон ҳаётий фаолияти учун замонавий кўламдаги шарт-шароитларни яратилишига хизмат қиласди.

Инновациялар ўзининг кўлами, даражаси ва ҳаётий ифодаси бўйича:

- доимий давом этадиган жараён;
- янги амалиёт учун технологик кашфиёт;
- инсон фаолиятининг тўлақонли маҳсули;
- жамият ва инсон фаравонлиги учун қаралиган фаолият;

---

<sup>66</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 212.

- ишлаб чиқариш ёки ижтимоий фаолиятни янги сифат даражаси;

- илмий жараён ва амалий фаолиятнинг уйғунлигини ифодалайдиган феномен.

Инновация натижасида таълимнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва сиёсий ислоҳотларга мос ҳолда ўзини-ўзи ташкил этувчи соҳа сифатида мақоми ва даражаси ошади. Инновациялар таълим тизимини ҳар бир босқичи ва бўғинига кириб бориб, унинг жамият ривожи учун муҳим янгиликлар яратиш борасидаги мазмунини мустаҳкамлайди. Инновацион жараёнлар ташкил этилиб борган сари таълим соҳасида иштирок этувчи барча субъектларнинг янгиликлар яратишга қаратилган фаоллиги ва мойиллиги ошиб боради.

## **Миллий тарбиянинг ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти**

**Галдиева М.Д.**

Тошкент Давлат Техника Университети ўқитувчиси

**Қоплонов Маъруфжон**

Тошкент Давлат Техника Университети талабаси

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири ҳам ёшларимизни миллий ва умуминсоний ва диний қадриятлар руҳида тарбиялаш, эртанги куннинг ҳақиқий давомчилари сифатида вояга етказишидир. Бугунги кунда ёшларнинг тарбиясида маънавият, маданият ва таълим-тарбия соҳасидаги изланишлар алоҳида ўрин тутади. Ушбу қадриятлар миллий маънавий маданиятни умуминсоний маънавий маданият даражасига кўтаради. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири ҳам ёшларимизни миллий ва умуминсоний ва диний қадриятлар руҳида тарбиялаш, эртанги куннинг ҳақиқий давомчилари сифатида вояга етказишидир.

Инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар миллий тарбия туфайли, аждодлардан авлодларга тарихий равишда ўтади. Миллий тарбия атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода, у инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда миллий тарбия, фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телведения, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги миллий тарбия таркибига бу соҳада таълим ва маълумот олиш ҳам киради. Тор маънода, миллий тарбия муайян шахснинг маънавий ривожи, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, эстетик дирига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Уни оила, тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширадилар.

Бизга маълумки, ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки, таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки маънавий-ахлоқий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади. Ана шу сабабдан ҳам ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови, деб билганлар.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлагани каби, “Таълим-тарбия-онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни миллий тарбияни ривожлантириб бўлмайди. Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб

бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-куватлашини талаб қиласидиган умуммиллий масаладир... Бу ҳакда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”.

Бугун мамлакатимизда миллий тарбияни амалга оширадиган ўқув муассасалари ва умумтаълим мактабларининг мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш энг муҳим ва жиддий масалага айланди.

Мухтасар қилиб айтганда, охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз қўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди, десак, хато бўлмайди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, миллий тарбия ҳар қандай жамият ва мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, унинг ўсиши ва тараққиёти учун моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод ушбу бойликларни яратища ўз аждодларидан юқорироқ даражага кўтарилимоғи даркор. Ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оиласда жорий қилиш айниқса зарур. Ҳар бир оила, ота-она, энг аввало, бола тимсолида шахсни кўриши, унинг учун шахсга тегишли барча ҳуқуқ ва эркинликлар таъминлаши борасида ўзининг масъул эканлигини доимо ҳис этиб туриши ниҳоятда муҳим. Миллий тарбияда миллий ғояга, миллий

ғуурни юксалтиришга хизмат қиладиган тимсоллар, рамзларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситаси ҳисобланади. Бундан ташқари, буюк аждодлар таваллуд саналарини нишонлаш ҳам маънавий ва тарихий аҳамиятга эга. Бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшлар янги қадриятлар асосида тарбияланадилар, улар қалбига тарихни англаш ва қадрлаш, ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни асраб-авайлаш, шу халққа мансублиги билан ғуурланиш туйғулари сингдирилади.

Мустақил ўзбекистонимиз бугунги кунда ёшларимизни ҳар томонлама маънавий –маърифий жиҳатдан ўзини тута билган ўз шани, уяти ғуурини ҳимоя қила оладиган даражада кўришни истайди.

Маълумки , кучли, қудратли давлат ва маънавият заминида вужудга келади. Бундай қудратли давлатнинг кишилари ҳам ўз ғуури , ор номуси ва қадрятларини ҳимоя қилишга қодир инсонлар бўлиши лозим.Шундай экан биз тарбия жараёнида инсон шани ғуури,ор номуси ва уни асраш ҳимоя қилишни ёшларга ўргатишимиз ҳамда олдимизга асосий мақсад қилиб қўйишимиз керак.Бугунги ёшларимиз ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий қадрятларнинг соҳиби сифатида, одоб-аҳлоқимиз намунаси асосида иш тутадилар.

Шу боис халқимиз ўзлигини англаб, мустақиллик пойдеворини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.Ўз навбатида маънавий – ахлоқий юксалиш, билан бирга бир қанча ўз ечимини кутиб турган муаммолар мавжуд. Ҳар - бир давлатнинг истиқболи, халқнинг фаравонлиги осойишта бўлишини ёш авлод, умидли ўғил қизларга боғлиқ, чунки эртанги кун уларнинг қўлида.Бугунги ёшларимизга Европа маданиятига тақлид қилиш одатлари учраб туради. Бундай ҳолларни бартараф этиш учун ҳар - бир ёш авлод ўз элига халқига, юртига нисбатан кучли ғуур, ор – номусли қилиб шакллантириши мақсадга мувофиқ. Бу борада ёшларимиз кўпроқ ғуур , ор-номус, уят, ҳис –туйғу ҳақида ўзларига керакли ўгитларни ўрганиш лозим.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мамлакат фуқароларнинг миллий ғуури қанча баланд бўлса , уларни жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссаси шунча кўп бўлади. Миллий ғуур деганда, ўз миллатининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини чуқур англаб етиш, она тили, дини, тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати, урф одатлари, расм русмлари , байраму, сайлларидан фахрланиш тушунилади. Миллий ғуур миллатнинг вужудга келиши, шаклланиши билан пайдо бўлади ва ривожлана боради. Миллатнинг вужудга келиши ва ривожланиши бевосита Ватан равнақига боғлиқ бўлганлиги учун миллий ғуур тараққиёти ва юксалиши ҳам Ватан тараққиётига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам миллий ғуур-Ватанга бўлган садоқат, меҳр муҳаббат, бир сўз билан айтганда ватанпарварликда яққол намоён бўлади. Лекин узоқ йиллар давомида ўз қадрятларимизни эслаш ҳам тақиқ этилган, халқ миллий ғууридан маҳрум бўла бошлаган эди. Ўша даврларда миллийлик сўзини айтишнинг ўзи оғир оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Бир сўз билан айтганда миллий ғууrimiz узоқ замонлар топталди. Мамлакатимизнинг мустақил бўлиши, ўз давлатчилигимизнинг қарор топиши билан халқимизнинг миллий ҳис-туйғулари уйғониб, миллий ғуурнинг нафақат тикланиши, балки унинг янада юксалиши учун ҳам мустаҳкам замин яралди, миллий ғуурдек табаррук ҳис қалбга жо бўлган инсон ўзлигининг бутун талантини, истеъдодини, куч -қудратини шу халқقا, миллатга, шу юрга сафарбар этишга доим тайёр туради. Яъни, бундай олийжаноблик миллий тарбияси баланд инсонда оддий маданият кўникмаси бўлиб ҳисобланади. Миллий ғуур ҳар бир инсонда маданий савия даражасини мужассам бўлса, мана шундай савиядаги фарзандлари кўп бўлган мамлакат, юрга доим ғолиб, енгилмас ва обод бўлади. Миллий тарбия эса миллий меросдан қудрат олади. Миллий мерос ўша миллатнинг узоқ ўтмиш даврлар давомида тўпланган ақл заковат мевалари хазинасидир.

Мана шу хазинадаги жавоҳирларсиз миллат қиёфасини тасаввур қилиш қийин. Агар миллий меросни юзаки ўрганар экан,

шу миллатга мансуб кишида маданий савия шаклланмайди. У ўз миллати ҳақида гапирганда ёки ошириб юбориши ё бўлмаса муносиб баҳо беролмаслиги мумкин. Ҳар бир инсонда билим асосидаги маданий савия шаклланмас экан, у мақтончоқликка, манманликка йўл қўйиши мумкин. Миллий тарбия туйғуси-миллий такаббурлик, миллий манмансираш, миллий кеккайишга тамомам қарама-қаршидир. Миллий тарбиянинг акси ҳисобланган бундай ғайриинсоний қилиқлар бирлашиб, миллий қаландимоғликни вужудга келтиради. Миллий каландимоғлик кўп миллатли мамлакат шароитида миллатнинг бир-бирига яқинлаштиrmайди, балки улар орасига адоват уриғини сочади, бирини иккинчисига душман қилиб қўяди, турли низолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Умуман, миллий тарбия ҳар бир фуқаронинг маданий савиясини, комиллигини ифодалайдиган энг юксак ўлчовдир. Миллий тарбияси баланд инсон миллат, халқ, давлат, жамият мафаатидан ҳамиша устун қўяди. Бугунги ёшларимизда Европа маданиятига тақлид қилиш одатлари учраб туради. Бундай ҳолларни бартараф этиш учун ҳар бир ёш авлод ўз элига, халқига, юртига нисбатан кучли ғуур, ор номусни шакллантириши мақсадга мувофиқ. Шундай экан, ҳозирги замон кишиси, хусусан ёш авлоднинг миллий тушунчасини, онгини бойитиб бориш катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, ёшларнинг этник қиёфаси миллатнинг бугунги миллий тарбияси, менталитети, маданиятининг ўзаро диалектик муносабати воситасида шаклланади. Маънавий жиҳатдан яхши тарбия олган шахс ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли равишда, фикрли инсон бўлиб яшайди.

### **Fuqarolik jamiyatini barpo etishda huquqiy madaniyatni yuksaltirishning ahamiyati**

Salohiddinova Zebiniso, O'zJOKU talabasi

Bugungi kunda fuqarolik jamiyatini shakllantirish jarayonida huquqiy madaniyatni yuksaltirishga erishish davr talabiga aylangan. Fuqarolik jamiyati- haqiqiy fuqarolardan, ya’ni uzviy bog‘liqlikda bo‘lgan hamda axloqiy madaniyatga tayanadigan, huquqiy va siyosiy madaniyatga ega odamlardan iborat jamiyatdir. Ta’kidlanganidek, huquqiy madaniyati yuksak insonlargina fuqarolik jamiyatini qura oladi.

Fuqarolik jamiyati haqida ilk tasavvurlar Aristotelning "Siyosat" asarida bayon etilgan. Unga ko‘ra, insonning erkin yashash huquqi kishilik jamiyatiningadolat va qonun ustuvorligi asosida tashkil etilishi orqali ta’milanishi lozim. Sharqda fuqarolik jamiyatining o‘ziga xos talqini mavjud. Bu bevosita, axloq, madaniyat va ma’naviyatning huquq bilan uyg‘unlashgan shakliga bog‘liq. Fuqarolik jamiyatida fuqarolar davlat faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini o‘rnatadilar.

Fuqarolik jamiyati konstitutsiyaviy huquq nazariyasida huquq va demokratiyaga asoslangan ijtimoiy hayotning zarur oqilona usuli hisoblanadi. Shunday ekan, iqtisodiy, siyosiy va madaniy hayot shakllarini erkin tanlash kafolatlanadigan, qonun ustuvorligi va inson huquqlari hamda erkinliklari qaror topadigan, ko‘p partiyaviylik, siyosiy institutlar, mafkura va fikrlarning xilma-xilligi ta’milanadigan jamiyat barpo etish uchun, avvalo, o’sha jamiyat fuqarolari yuksak huquqiy ong va madaniyatga ega bo‘lishlari lozim. Xo’sh, huquqiy ong va huquqiy madaniyat nima? Huquqiy ong bu, jamiyatda kishilarning huquq to’g’risidagi qarashlaridir, chunki huquqiy normalar jamiyatning iqtisodiy, siyosiy va madaniy hayotida kishilar o’rtasida turli ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishda muhim rol o’ynaydi. Huquqiy madaniyat deganda esa, kishilarning huquq to’g’risidagi bilimga, qonunga bo‘lgan hurmati hamda huquqiy me’yorlariga rioya etishi tushuniladi. Huquqiy madaniyat umuminsoniy madaniyatning bir qismi hisoblanadi. Unda kishilar qanchalik madaniyatli bo’lsa, qanchalik huquq normalari va qonunlarni bilsa va ularga amal qilsa, shunchalik huquq buzilishi kam bo’ladi.

“O‘zbekiston Respublikasida O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlarining ustunligi so‘zsiz tan olinadi. Davlat, uning organlari, mansabdar shaxslar, jamoat birlashmalari, fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga muvofiq ish ko‘radilar”.

Konstitutsiyamizning 15-moddasida belgilangan ushbu qoidaning hayotiy ifodasini yurtimizda yashayotgan har bir fuqaro o‘z turmush tarzi, ish faoliyatida ko‘rishi mumkin. Oilaviy hayotda bo‘ladimi, jamiyatdagi munosabatlardami, o‘qish va ish faoliyatidami – barchasi Konstitutsiya va u asosida yaratilgan qonunlar bilan tartibga solinadi. Bolalikdan har bir inson ongiga singdiriladigan qoidalardagi “mumkin” yoki “mumkin emas” degan so‘zlar ham shu qonunlardan kelib chiqadi. Aynan shu qoidalarni o‘zlashtirish bilan shaxsda huquqiy madaniyat shakllanadi, qonunchilik haqida tushuncha paydo bo‘ladi. Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirib borish qonun ustuvorligini ta’minlash, qonuniylikni mustahkamlash va shu orqali fuqarolik jamiyati barpo etishning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi.

Huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirishda shaxsiy manfaatlar hamda jamiyat manfaatlari o‘rtasidagi muvozanatni saqlash g‘oyalarini aholi ongiga singdirish ishlarining yetarli olib borilmasligi ham qonun ustuvorligini ta’minlashga o‘zining jiddiy salbiy ta’sirini ko‘rsatmay qolmaydi. Aholining huquqiy bilimlari yetarli emasligi, shuningdek, davlat organlarining qonunga xilof qarorlari ustidan sudga shikoyat qilish imkoniyatidan deyarli foydalanmasligi mansabdar shaxslar tomonidan fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlari kamsitilishi holatlarining vujudga kelishiga sabab bo‘lishi mumkin. Bunday muammolarni bartaraf etib, huquqiy madaniyatni yuksaltirishda, eng avvalo, huquqiy ta’lim va tarbiya borasidagi ishlar tizimli va uzviy olib borilishi zarur. Ommaviy axborot vositalarining huquqiy axborot bilan ta’minlashdagi rolini oshirish, huquqiy targ‘ibotning innovatsion usullaridan keng foydalanish esa, huquqiy madaniyatni yuksaltirishdagi eng muhim va samarali yo’l hisoblanadi.

Ta'kidlanganidek, aholining huquqiy madaniyatini oshirish uchun huquqiy targ'ibot ishlari uzluksiz olib borilishi lozim. Jamiyatning tub aholisiga turli qonun va farmonlar, huquqiy yangiliklar hamda huquqiy siyosatni ma'rifiy va innovatsion usullardan samarali foydalangan holda, targ'ib qilish muhim ahamiyatga kasb etadi. Zero, huquqiy madaniyatning shakllanishi huquqiy targ'ibotning xalqqa tushunarli ekanligi va ta'sirchanligiga bog'liqdir.

Huquqiy davlatning eng muhim belgilaridan biri qonun ustuvorligini ta'minlashdir. Qonun ustuvorligini ta'minlash uchun ham, avvalo, aholining huquqiy madaniyati va ongini yuksaltirish zarur. Ma'naviyatli inson huquqqa oid bilimlarni shunchaki egallab qolmaydi. U mazkur bilimlarni mushohada qilib, huquqni to'g'ri tushunish va unga to'g'ri munosabatda bo'lishni yo'lga qo'yadi. Agar kishi huquqning ahamiyatini to'g'ri baholasa va uning talablarini hurmat qilsa, u qonunni buzmaslikka harakat qiladi. Agar inson huquqqa hurmatsizlik bilan munosabatda bo'lsa, u albatta qonunga zid harakat qiladi.

Huquq talablarini ozgina pisand qilmaslik ham huquq me'yorlarini buzishga olib keladi. Aynan shuning uchun ham huquqni bilish katta ahamiyat kasb etadi. Qonunlarni bilish o'z-o'zidan huquqiy madaniyatning yuqori saviyasidan darak bermaydi. Qonunlarni yaxshi bilish, lekin shunga qaramay, talablarini bajarmaslik mumkin. Huquqiy madaniyatning mavjudligi faqat qonunlarni bilishnigina emas, balki ularga bo'ysunishni ham nazarda tutadi. Fuqarolarda yuksak huquqiy tafakkur shakllanmas ekan, turli xil nomutanosibliklar kelib chiqaveradi. Huquqiy madaniyatni shakllantirish va shu orqali qonun ustuvorligiga erishish nafaqat jamiyatning, balki o'sib kelayotgan yoshlar uchun ham qimmatlidir.

Huquqiy davlat, fuqarolik jamiyat qurishning zarur sharti qonunlarga so'zsiz itoat etishdir. Shunday ekan, fuqarolik jamiyatini barpo etishda aholining huquqiy madaniyatini yuksaltirish muhim ahamiyat kasb etadi. Mamlakatning rivojlanishi va islohotlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan xalqning huquqiy ongi hamda madaniyati

darajasiga bog'liq. Zero, yuksak huquqiy madaniyat- demokratik fuqarolik jamiyatining poydevori va taraqqiyot mezonidir.

## **Парламент назорати сиёсий институт сифатида**

**Камолиддин Юсупов,**  
**ЖДПИ ўқитувчиси**

Ижро этувчи ҳукумат фаолиятини назорат қилиш парламент ваколатинингт муҳим функцияси ҳисобланади. Барча демократик давлатларда бўлгани сингари бошқарув шаклидан қатъий назар, парламент томонидан ижро этувчи ҳукумат фаолиятини назорат қилиб туриш зарур, негаки ўз навбатида ижро этувчи ҳукумат катта ваколат ва ҳукуқларга эга бўлиши билан бир қаторда турли лавозим суюистемолликлари, ҳар ҳил турдаги қонун бузилишларига йўл қўйилмаслиги учун.

Ўзбекистон давлати ҳам парламентаризм тарихида катта йўлни босиб ўтмоқда. Сўнгги йилларда миллий парламент тизимини мустаҳкамлаш, парламент ҳаётини демократлаштириш борасида мамлакатимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Бу каби мисоллар айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йидан бошлиб то ҳозирги давргача давом этиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига йўллаган Мурожаатномаларида кўришимиз мумкин. Айнан шу мақсадда миллий парламентимизнинг чинаккам демократия мактабига айланиши борасида конституциявий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Ижро этувчи ҳукумат фаолиятини назорат қилиш борасида парламентимизнинг қўйи палатасига аниқроғи сиёсий партияларнинг фракцияларига бош вазир номзодини кўриб чиқиш бўйича маслаҳатлар ўtkазилиши, шунингдек вазирлар ва қўмиталар раисларининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқилиши натижасида лавозимга лойиқ ёки лойиқ эмаслиги хусусида мамлакат раҳбарига

хулоса бериши парламент тимсолида мамлакат ҳаётини демократлаштириш йўлид муҳим қадам бўлди. Бундай анъаналар демократик давлатлар АҚШ, Франция, Германия амалиётида самарали йўлга қўйилган<sup>67</sup>.

Хитой мутафаккири Конфуций “Агар тушунча ҳақиқатга ва сўзнинг ҳақиқатлилига мос келмаса, агар сўз тушунчанинг ҳақиқатлилигига мос келмаса биз бир биримизни тушунмаймиз” деб таъкидлаган. Шу маънода парламентнинг сиёсий институт сифатида назорат ваколатига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Назорат (аслида французча *contrôle* бир ўзакли сўз бўлиб, қарши ўроғлик хат) деган маънони билдиради. Маълумки, илк даврларда хужжатлар папирус ёғочларига ёзилгандан сўнг, улар иккига бўлиниб, ҳар бир ярим бетли хужжатлар манфаатдор шахслар томонидан сақланган. Агарда хужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш талаб этиладиган бўлса, иккига бўлинган папирус ёғочларига ёзилган хужжатлар солиширилиши натижасида бир бирига мос келса, хужжатнинг ҳақиқийлиги шу йўл билан исботланган. Шу нуқтаи назардан назорат ишнинг ёки хужжат ҳолатининг ҳақиқий белгиси сифатида тушунилган.<sup>68</sup> Сиёсий нуқтаи назардан бу тушунчага ягона таъриф ишлаб чиқилмаган, турли сиёсатчилар томонидан бу тушунчага бир хил мазмун берилмаган.

Немис олими В. Орландонинг<sup>69</sup> таъкидлашича, назорат функцияси парламент тарафидан барча административ соҳалар устидан доимий ва фаол равишда амалга оширилиш мақсадига қаратилган бўлиб, ҳукумат аъзоларига нисбатан ҳар қандай таклиф, шубҳа ва норозилигини ифодалашдир.

Россиялик олим Г. Еллинек<sup>70</sup> назорат деганда давлат учун муҳим бўлган орган ва мансабдор шахсларнинг хатти

<sup>67</sup> Е. В. Коврякова Парламентский контроль: Зарубежный опыт и Российская практика. М.: ОАО “Издательский дом” “Городец”, 2005. С. 7

<sup>68</sup> Stefani W. Op.cit. S. 1325 ff.

<sup>69</sup> Орландо В. Принципы конституционного права. М., 1907. С.134.; Е. В. Коврякова Парламентский контроль: Зарубежный опыт и Российская практика. М.: ОАО “Издательский дом” “Городец”, 2005. С. 9

<sup>70</sup> К. Еллинек Г. Право современного государства. Общее учение о государстве. СПб., 1903. С 530.

ҳаракатларинин қонунчилик нормалариға мослиги нұқтаи назаридан текширилиб туришини назарда тутади. Ўз навбатида Г. Еллинек назоратни сиёсий ва ҳуқуқий маңнода қўлланилишини эътироф этган. Ҳуқуқий назоратга : маъмурий, молиявий ва парламент назоратини киритган. Яъни бунда парламент назорати парламентнинг танқидий йўли орқали вакиллик органларининг конституциявий воситалар: интерpellация, ишончсизлик билдириш вотуми, парламент текширувани белгилаш орқали амалга оширилишини таъкидлайди. Г. Еллинекнинг мазкур ёндашуви ўша давр нұқтаи назаридан юқоридаги конституциявий воситалар бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий ҳам ҳуқуқий назорат масадида хизмат қилишини таъкидлаган. Шу жумладан парламентар давлатларда хукуматга ишончсизлик вотуми ўрнатилган қоидага асосан фақатгина сиёсий мақсадларда қўлланилади.

Хозирги даврда парламент назоратининг сиёсий институт сифатида ўрганилиши ва тадқиқ қилинишида Ўзбекистонлик сиёсатчилар Ш. Пахрутдинов, Н. Қосимов, М. Қирғизбоев, Ш. Кудратхўжаев, Х. Хидиров, М. Мусаева, О. Ҳасанов ва бошқаларнинг салмоқли ҳиссаларини эътироф этиш мумкин.

Замонавий хорижий адабиётларда парламент назоратига оид бир қанча тушунчалар қўлланилади. Жумладан, француз тадқиқотчиларининг фикрича, парламент назорати бу парламент палаталариға хукумат томонидан амалга оширилаётган сиёсатга чуқур норозилик билдириш орқали хукуматни тарқатиб юбориш ёки хукумат фаолияти бўйича хулоса беришга қаратилган фаолиятдир<sup>71</sup>.

Немис тадқиқотчилари тмонидан парламент назоратига оид сиёсий жиҳатдан шундай таъриф берилади: ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назорати – бевосита ва билвосита имкониятлар орқали парламент томонидан хукумат фаолиятини текшириш

<sup>71</sup> Исполнительная Власть. Законодательная власть. Судебная власть во Франции. Российско-Французская Серия «Информационные и Учебные Материалы» - Новая Серия №6. Посольство Франции в России: Министерство Иностранных дел Франции. 1996. С.96

мақсадида санкция қўллаш имкониятидир. Аникроқ айтадиган бўлсак, Германия Федератив Республикасида парламент назорати парламент фаолиятининг доимий жараёни сифатида ҳулумат ва бошқарув органлари фаолиятини парламентнинг кўпчилиги ёки мухолифат томонидан текширилишини, шунингдек, парламентнинг сиёсий позициясини ифодалаш мақсадида амалдаги ҳукуматнинг ҳар қандай мансабдор шахсларига парламент сўрови юборилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан Парламент назоратининг сиёсий институт сифатида шундай таъриф беришимиз мумкин: Парламент назорати – жамият сиёсий тизимини белгилашга қаратилган, ижро этувчи ҳокимиёт органлари фаолиятини парламент томонидан кузатиб бориш, текшириш ва баолиятига баҳо беришга қаратилган фаолиятдир дейишимиз ҳам мумкин. Парламент назоратининг сиёсий институт сифатидаги майдонга чиқиши ўз навбатида ҳар бир давлатнинг конституциясида унга нисбатан ҳуқуқий мақомнинг ўрнатилиши билан ҳам боғлиқдир. Чунончи, фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиши ҳам бевосита парламентнинг сиёсий ҳокимиёт сифатида у ёки бу масалада қабул қилган қонунларида намоён бўлади. Қабул қилинган қонунларда эса давлатнинг сиёсати акс этади. Айнан ушбу сиёсат эса парламентнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва пировардида халқчил, пишиқ ва пухта қонунларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда парламент назоратининг сиёсий институт сифатида жамият ҳаётига таъсир даражасининг юқорилигини оқлаб бўлмайди. Айрим депутатлар томонидан йўлланаётган депутатлик сўровларига жавоблар нафақат ўз вақтида юборилмаётганлиги, шунингдек давлат ҳокимиёти мансабдор шахсларининг бепарво муносабатлари туфайли парламент назоратининг мазкур институти бир мунча обрўсизлантирилмоқда. Келгусида праламент назоратининг муҳим институти бўлган парламент ва депутатлик сўровининг таъсир доирасини кучайтириш мақсадида парламент

сўрови ёки депутатлик сўровига ўз вақтида муносабат билдиримаган, шунингдек юборилган парламент ва депутатлик сўрови кимнинг аниқ мазилига қараб йўлланган бўлса қонунларда шу мансабдор шахсларнинг жавоб бериш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, парламент ва депутатлик сўрови натижалари очик ва ойдин, шаффоф бўлишини таъминлаш мақсадида ҳар бир депутат сайланган округлардаги маҳалаларда халқимиз хабардор қилиш мақсадида парламентдаги депутатлар бурчакларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Айнан, шу меъзон орқали парламент депутатлари фаолиятига халқимиз томонидан баҳо бериб боришларига йўл очилади. Бу эса жамият сиёсий ҳаётида парламент назоратининг янада демократлаштиришига хизмат қиласи.

### **Ўзбекистон конституциясида миллий ва умуминсоний ғоялар талқини**

**З.Ғозиев, ЖДПИ катта ўқитувчиси,  
Д.Зиятова, ЖДПИ 1-босқич талабаси**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол мафкурасининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Асосий қонуннинг биринчи моддасидан охирги моддасигача мустақиллик, демократия, инсон ҳуқуклари ва Ватан равнақи ғоялари тараннум этилган. Конституция воситасида жамиятимиз ижтимоий онгига дунё цивилизациясининг замонавий янги демократик қадриятлари, тамойиллари ва ғоялари кириб келди. Булар, энг аввало, суверен давлатчилик ва ҳуқуқий демократик жамият қуриш ғоялариидир. Шунингдек, шууримизга «қонун устуворлиги», «ҳуқуқий давлат», «фуқаролик жамияти», «сиёсий плюрализм», «инсон ҳуқуклари

дахлсизлиги», «кўппартиявийлик» каби илгор ғоялар сингдирилди ва мафкурамизнинг таркибий қисмига айланди.

Жамиятимизда Конституция асосида қарор топаётган демократия, сиёсий хурфикрлилик ҳақида гапириб, Ўзбекистон Биринчи Президенти И. А. Каримов Асосий қонунимизга бағишлиган тантанали йиғилишда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деган конституциявий қоида «бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди»,<sup>72</sup> деб таъкидлаган эди.

Конституциянинг тили, унда қўлланиладиган иборалар ҳам миллий маданиятнинг бевосита ифодаси ва маҳсулидир. Масалан, давлат идораларининг номланиши турли мамлакатлар конституцияларида шу юрт халқининг миллий-маданий хусусиятларини акс эттиради. Финляндияда парламент Сейм, Голландияда Буштатлар, АҚШда Конгресс, Ўзбекистонда Олий Мажлис деб номланади.

Мафкура мамлакат, шу жумладан, миллат истиқоли муаммоларини биринчи ўринга қўйган мақсад ва умидлар, уларни амалга ошириш режалари ва усуллари ҳақидаги илмий хуносаларнинг муайян тизимиdir<sup>73</sup>.

Миллий маданий меросимизнинг улуғворлиги ва беназирлигига шак-шубҳа йўқ. Унга қатъий таянган ҳолда иш кўриб, бугунги маънавиятимизни камол топтириш ва чинакам адолатли ижтимоий тузум ҳамда эркин инсонлар жамиятини яратиш мумкин. Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб-сайқалланиб келган миллий урф одати, расм-русуми, удум ва анъаналарига эга. Буларда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, юриш-туриши, ғурури, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, имон-эътиқоди, ҳуқуқий онги, ва умуман, маънавий-маданий

<sup>72</sup> Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати. Т., 1993. 13-бет.

<sup>73</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т., 2000. 39-40-бетлар.

дунёси акс этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, бу маънавият оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Чунки, болаларимиз ана шу кўз илғамас миллий ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она сути, она алласидан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбу туйғулар тил воситаси илиа онгимизга кириб боради. Буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултожи ҳисобланади. Чексиз қониқиши билан эътироф этиш жоизки, санаб ўтилган миллий маънавиятимизга хос барча хусусият ва фазилатлар, қадрият ва тамойиллар Ўзбекистон Конституциясида ўзининг теран ифодасини топган. Конституция ва қонунлар халқ ижтимоий онги, маданияти, маънавияти, энг муҳими, сиёсий ҳуқуқий тафаккури ҳамда маърифий салоҳиятининг кўзгусидир.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, Конситуциямиз ҳаётимиз ривожида, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга юксак аҳамият касб этиб бормоқда, маърифий тараққиёт талабларига тўлиқ жавоб бермоқда, энг муҳими, у истиқболни кўзлаб мукаммал яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил давлатимизнинг, ўзбек халқининг ҳаётини акс эттирувчи, унинг ўзига хос белгилари, хусусиятлари ҳамда адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек энг эзгу мақсадларини ифода этувчи кўзгудир.

Асосий қонунимиз мукаммал, замон билан ҳамнафас, энг эзгу миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида ифода этган мўътабар қонундир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «...Биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва мэрралар, авваламбор ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, ахоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў эътиборининг тобора юксалиб бораётгани буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига

қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси»<sup>74</sup>.

Конституциямиз матни билан танишган ҳар қандай холис ниятли инсон Ўзбекистон буюк келажакка эришиш учун оқилона йўл танлаганлиги, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этмоқчи эканлигимизни англаб олади. Шу билан бирга, у демократия ваadolat принципларини, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, маънавий қадриятларимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб берди.

## **Миллий мусиқа санъатининг жамият маънавий ривожланишидаги ўрни**

**Қаҳрамон Бобоқулов,**  
**ЖДПИ “Мусиқий таълим” кафедраси катта ўқитувчisi**

Тарихий манбалар ва маънавий ўтмишимиз асосларига суюниб фикр юритганимизда азалдан халқимиз маданий ҳаётида мусиқа санъати муҳим ўрин тутган. Мазкур санъат халқимизнинг маданий қадриятлари, урф-одатлари, менталитетидан озиқ олиб, жаҳон миқёсида улкан тараққиётга асосланган ютуқларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, мусиқа санъати халқлар маданияти, цивилизациялар ва тараққиёт бўғинлари ўртасида боғловчи кўприк сифатида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ҳар бир индивидда муайян равишда халқ ашула мусиқий маданияти бўйича кўникмалар мавжуд бўлади, шунингдек, уни ифода этувчи, намоён қилувчи ҳисобланади. Аммо, айни пайтда, миллий мусиқа муайян миллат вакиллари ўзига хос характеристи, турмуш тарзи ва қадриятларини ўзида жамлайди. Миллий мусиқа индивидуал, оммалашмайдиган ёки маълум маҳаллий кўринишдаги

<sup>74</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир. «Халқ сўзи». 2010 йил 8 декабрь.

музиқадан сифатан фарқ қиласи, уларнинг намоён бўлиш шакллари, қонуниятлари ва шакланиш тамойиллари ўзига хос тарзда юз беради. Индивидуал ва миллий мусиқий йўналишлар ўзаро диалектик боғлиқ тарзда мавжуддир.

Миллий мусиқа шахс ва миллатга хос хусусиятларда, табиий муҳит, урф-одатлар ва ўзаро муносабатларда намоён бўладиган ижтимоий-маданий ҳодиса ҳисобланади. Мусиқа санъати бир миллат қадриятларини иккинчи миллат қадриятларидан ажратишда ҳам ўзига хос роль ўйнайди, бунинг асосида миллий ўзликни англатадиган, унга ўзига хос сайқал берадиган ижтимоий, маданий, фалсафий, социологик ва психолого-хусусиятларга эга бўлган воқелик сифатида майдонга чиқади.

Мамлакатимиз худудида минг йилликлар давомида сайқалланиб келаётган миллий мусиқа санъати, бадиий маданияти, эстетик қадриятлари ва мумтоз санъатнинг барча қўринишлари инсон ва жамият маънавий такомилининг негизи бўлиб келган. Мазкур ижтимоий-маданий воқеликларнинг жамиятда асрлар давомида ривожланиб бориши халқнинг замонавий турмуш тарзи, адабиёти, санъат ва маданияти ривожига ҳам салмоқли таъсир эта борган. Маданий ривожланиш ўз навбатида мусиқа санъатининг тараққий этишига таъсир кўрсатди.

Мусиқа санъати инсон дунёга келишидан бошлаб, унинг ўз тили, маданияти ва дунёқарашини ўзлаштириб, миллий-маънавий муҳитда тарбияланиб, миллий урф-одатлар ва қадриятлар курсовида камолга этиши, маълум ижтимоий муҳит асосида шаклланишига асос бўлади. Мусиқа санъатини ўрганиш нафақат санъатшунослар, маданиятшунослар ва педагогларларнинг, балки тарихчи, адабиётшунос, психолог, социолог ва файласуф олимларнинг ҳам тадқиқот обьекти бўлиб ҳисобланмоқда.

Мусиқа санъати ўзининг жозибадорлиги, серқирралиги теран ва фалсафий мазмунга эгалиги билан ажралиб туради. Чукур илдизлари узоқ тарихий даврларга бориб тақаладиган мусиқа

санъати ўзининг тадрижий такомили давомида ўзига хос ривожланиб, сайқалланиб келди. У дастлаб халқ маънавияти ва маданиятининг юксак намуналари бўлган оғзаки ижод, фольклор ижрочилиги, достончилик, баҳшичилик санъати, табиат ва касб-хунарга оид ижод намнуларида ўзининг аксини топиб, ҳажман ва мазмунан такомиллашди. Шунингдек, мусиқа асбобларининг вужулга келиши ва такомиллашуви билан мақом, катта ашула, ашула ва қўшиқлар вужудга келиб халқимиз маданияти дурдоналарига айланди.

Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб, миллат маънавиятининг муҳим бўғини сифатида мусиқа санъати жамиятда ўзининг функцияси ва тегишли вазифаларига ҳам эгадир. Айниқса, мусиқий маданиятнинг маънавий ҳаётда ўзига хос ўринга эгалигини эътироф этиш билан биргалиқда унинг инсон руҳияти, яшаш ва яшариш билан боғлиқ туйғулари, бугунги кундан розилик ва келажакка теран назар билан қараш билан боғлиқ кайфиятларни вужудга келтиришда ҳам муҳим амалий функцияларни бажаради.

Бугунги миллий юксалиш шароитида жамиятимиз маданий ҳаётида мусиқа санъатининг роли ошиши, унинг халқ ижтимоий ҳаётидаги ўрни такомиллашуви сезилиб бормоқда. Мамлакатимизда мусиқа санъати намоёндалари ва ижодкорларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам янги Ўзбекистон тараққиёт тамойилларини яратишда мусиқани ўрнини юксалтиришда муҳим дастурий вазифаларни ҳам бажармоқдалар. Шунингдек, мусиқа санъатининг ривожланиши жамият ва инсон маънавий такомилида салмоқли аҳамият касб этади. Зеро, “Ўзбек халқи ўзининг чуқур тарихий илдизларига асосланган миллий маънавиятига эгадир. Миллий маънавият халқимизнинг турмуш тарзи, ҳаётий тутумлари, дунёқарashi ва руҳий-ахлоқий оламини ўзида ифода этади”<sup>75</sup>.

Мусиқа санъати инсонда маънавий дунёқарашни шакллантириш бир қатор ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа санъати инсон маънавий

<sup>75</sup> А.Сайтқосимов. Жамият барқарорлиги ва шахс масъулияти. -Тошкент, Тафаккур, 2012. -Б. 87.

дунёқарашини шакланишида муҳим ўрин тутиб, табиат гўзалликлари, инсон ҳаёт тарзи ва ижтимоий муносабатларни инсон дунёқарашида инъикос этилиши, ва бу орқали инсон руҳиятини ижобий хусусиятларини намоён қилишига туртки беради. Шунинг учун миллий мусиқа санъати инсон ва жамият ҳаётида, турмуш тарзида, ижтимоий муносабатларда, мамлакатнинг маданий ривожланишида салмоқли ўринга эга бўлган ижтимоий-маданий ҳодиса ҳисобланади.

## **Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик қарорлари ва унинг аҳамияти**

**Жамшид Сувонқулов – ЖДПИ катта ўқитувчisi  
Музaffer Ўтаев – ЖДПИ 4-курс талабаси**

2019 йил 7 декабря Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган “Конституция ва қонун устуворлиги – хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” номли маърузасида<sup>76</sup> “... кейинги пайтда жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун яқинда дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади. Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади”.

Тадқиқотчи Ж.Сафаров фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатларига оид қонун ҳужжатлари ва уларни янада

<sup>76</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маърузаси, 7.12.2019 й. [www.president.uz](http://www.president.uz)

такомиллаштириш истиқболлари хусусида шундай фикр билдирган эди: Фуқароларнинг, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари раҳбарларининг экологик маданияти даражасининг етарли эмаслиги ўз навбатида фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Экология соҳасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда экологик қарорлар қабул қилиш ва ижро этиш фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. 2013 йилдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига биноан, фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиласиган қарорлар қабул қиласи.

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар йиғинлари оралиғидаги даврда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг кенгаши шакллантирилади<sup>77</sup>.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси талабларидан келиб чиқиб, экологик қарорларнинг фуқаролар йиғини кенгаши томонидан бажарилиши ҳолати қуидагиларда намоён бўлади:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича тадбирларни ўтказишида,

тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда сақлаш, дағн этиш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишини ташкил этади, ана шу мақсадларда туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органи ажратадиган моддий маблағлардан ва бошқа воситалардан, ўз маблағларидан фойдаланади,

<sup>77</sup> “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

жамоатчилик ёрдамини (ҳашарни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади;

иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совук сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказади;

фуқароларни табиий оғатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этишга кўмаклашади.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорларининг мажбурийлиги тарзида белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли худудда яшовчи фуқаролар, тегишли худудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Аммо, қонунчиликда мазкур жавобгарлик механизми етарлича такомиллашмаганлиги, қонун хужжатининг ҳаволаки хусусиятга эгалиги, қандай жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ойдинлаштирилмаганлиги муаммони ўз вақтида ҳал қилиш ўта муҳим вазифа эканлигини кўрсатиб турибди.

Шунинг учун қонунчиликда мазкур жавобгарлик доирасининг аниқ белгилаб қўйилиши фуқаролар йигинларининг жамоат таъсири кўрсатиши доираси кучайтирилишига ҳизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, экология соҳасида қабул қилинаётган қонун хужжатлари талабларининг фуқаролар йигини аҳолисига мунтазам тушунтирилмаётганлиги ёки буларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида уларга манзилли ахборот

берилмаётганлиги ҳам фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоат таъсири кўрсатиш ҳолатига салбий таъсир ўтказмоқда.

Айни вақтда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидағи оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб боришлари керак бўлади<sup>78</sup>.

2013 йилдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига биноан, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратади, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга кўмаклашади<sup>79</sup>.

Бироқ, бу Қонунимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини айнан қандай ваколатларини амалга оширилишига қайси вазирлик ёки идора кўмаклашиши аниқ белгиланмаганлиги, қонунчиликда жавобгарлик доираси аниқ эмаслиги, масаланинг неча йиллар давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, масъуллик йўқлиги уларнинг ваколатлари, “яхши ишлаб кета олмаётганлиги”ни, бу борадаги жамоат таъсири етарлича амалга оширилмаётганлигини кўрсатиб турибди.

Бизнингча, бу масалани ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш учун мазкур нормага фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини, шу жумладан, экологик фаолиятининг амалга оширилишига кўмаклашадиган давлат органлари рўйхатини аниқ шакллантириш ва маъмурий жавобгарликни белгилаш орқали тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага

<sup>78</sup> Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь // [www.president.uz](http://www.president.uz)

<sup>79</sup> “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5938-сонли Фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил қилинганлиги бу борадаги муҳим қадам бўлди, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат таъсири кўрсатишини кафолатлайдиган экологик ваколатларини амалга оширишда Фуқаролар йиғинининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси муҳим роль ўйнайди, деб ўйлаймиз. Чунки, маҳалланинг экологик функциясини амалга ошириш мазкур тузилмага бевосита қонуний асосларда юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 274-сонли қарорининг 9-иловаси билан тасдиқланган “Фуқаролар йиғинининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси тўғрисида” ги Намунавий низомнинг 5 - бандида мазкур Комиссиянинг асосий вазифалари қуидагилар белгиланган:

атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш соҳасидаги қонун хужжатлари талаблари, умумдавлат ҳамда худудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда иштирок этиш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан фуқаролар йиғинининг ваколатлари доирасида худудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшлишиш бўйича таклифлар киритиш;

ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, умумий фойдаланишдаги жойларни, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва хонадонларини таъмирлаш, ушбу мақсадда

аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йифиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан фуқаролар йифинига таклиф киритиш;

аҳоли томонидан чиқиндиларнинг белгиланган жойларга ташланишини назорат қилиш, мавсумий хазонлар ёқилишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқаролар йифини аъзоларининг экологик маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига доир тарғибот ишларини амалга ошириш.

Тан олишимиз керакки, мазкур комиссия қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини деярли бажара олмаяптилар. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу тузилманинг давлат органлари томонидан молиялаштирилмаганлиги ва номигагина шакллантирилганлигига деб, ўйлаймиз.

Юқоридагиларга кўра, мамлакатимизда экологияга етказилган заарларни қоплаш ёки унинг олдини олишга қаратилган жамоат таъсирини кўрсатиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик қарорлар қабул қилиш ва уни таъминлаш амалиёти етарлича шаклланмаган. Шунинг учун маҳалла тузилмалари томонидан табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан экологик қарорлар қабул қилиш тажрибасини шакллантириш ва уни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **Milliy yuksalish davrida fuqarolik mas'uliyatini oshirishning nazariy tahlili**

**Hakimov Alisher – TDPU Chet tillari  
fakulteti dekani v.b.**

O‘zbekiston Respublikasida yangilanayotgan jamiyatda mamlakatni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etishga qaratilgan islohotlarning tub mohiyati aholi turmush tarzining farovonligini oshirga qaratilgan. Fuqarolarning siyosiy va huquqiy

madaniyati va saviyasini yuqori darajaga ko‘tarish, ularda aniq fuqarolik mas’uliyatini shakllantirish davlat va jamiyat rivoji uchun katta ahamiyatga ega hisoblanadi. Davlatning taraqqiy etishida va undagi iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy munosabatlarning yangi bosqichga o‘tishida mamlakat oldida turgan vazifalarni turli yo‘nalishlarga taqsimlagan holda, fuqarolik jamiyatini shakllantirishning muhim sharti albatta fuqarolarning mas’uliyati to‘g’ri shakllanganligiga bog’liqdir. O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida inson, uning huquqlari va erkinliklari oliy qadriyat deb e’lon qilinadi<sup>80</sup>, inson va fuqaroning huquqlarini, erkinliklarini tan olish, ularga rioya qilish va himoya qilish davlatning burchidir.

Barchamizga ayonki, bu yo‘nalish ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlar bilan bog‘liq ko‘p masalalarini hal qilishda davlat tuzilmalarining rolini kamaytirish va bu vazifalarni bosqichma-bosqich jamoat tashkilotlariga o‘tkazib borishni taqozo etadi. Demak, fuqarolik jamiyatini qaror toptirish uchun davlat o‘zining ayrim vazifalarini bo‘ynidan soqit qilib, asta-sekin jamiyatning boshqa institutlariga topshirmog‘i lozim hisoblanadi. Buning uchun esa davlat tomonidan muayyan shart-sharoitlar, imkoniyatlar yaratilib, jamiyatning o‘z-o‘zini tashkil etuvchi va boshqaruvchi idoralarining faoliyati to‘g’ri yo‘lga qo‘yilishini talab etuvchi mexanizmlarni vujudga keltirish zarur.

Zamonaviy ijtimoiy-madaniy vaziyatda "fuqarolik mas’uliyati" tushunchasi yangi xususiyatlarga ega bo‘ladi. Buning sababi shundaki, bugungi kunda differentsiatsiya kabi tendentsiyalar, xususan, davlatlarning o‘z rivojlanish yo‘lini izlashga intilishida namoyon bo‘ladi va integratsiya, shu jumladan, globallashuv bilan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan va ajralmas birlikda mavjud bo‘lgan jahon iqtisodiy, siyosiy va madaniy integratsiya jarayoni sifatida namoyon bo‘ladi.

Fuqarolik jamiyatining asosiy mezonlaridan biri bu fuqarolarning yuksak darajada ong va madaniyatga ega bo‘lishliklari hisoblanadi. Shu nuqtai-nazardan qaraganda, fuqarolik jamiyatida faol, tashabbuskor, g‘ayratli, faqat yaratuvchanlik, ijodkorlik ruhi va kayfiyati bilan

<sup>80</sup>O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T:O’zbekiston, 2012. – B 6.

yashovchi shaxslarga e'tibor va ehtiyoj katta bo'ladi. Bunday yuksak intellektual salohiyat tafakkur erkinligining qay darajada shakllanishi bilan uzviy bog'liq. Jamiyatning inson uchun yaratgan real iqtisodiy qulayliklari va imkoniyatlari, yuridik haq-huquqlari, qaror topgan axloqiy va ma'naviy muhit uning tafakkuri erkin, ilg'or va yuksak ideallarni ko'zlashi bilan uyg'unlashmog'i lozim.

Hozirga kelib, mamlakatimizda fuqarolik jamiyatni, unga monand davlat boshqaruvi tizimini - demokratiyanı qaror toptirish zarurati va mas'uliyati har bir fuqaroning yuksak ma'naviy salohiyatining, falsafiy tafakkur tarzini yanada shakllantirish vazifasini ko'ndalang qilib qo'ydi. Darhaqiqat, shaxs o'z oldida turgan vazifalarni hal etishdan oldin hamma narsani aql tarozisiga qo'ymog'i, o'zi tashlaydigan amaliy qadamlarning ehtimoliy natijalarini avvaldan taxmin qilmog'i, nazarda tutmog'i lozim. Fuqarolik mas'uliyatini yuksaltirishda ta'lim beqiyos o'rin tutadi.

Fuqarolik jamiyatini rivojlantirish o'zining bir qator mezonlariga ega bo'lib, ularning asosiyalaridan biri – har bir insonda mas'uliyat tuyg'usi bilan yashash xususiyatini shakllantirishdir. Mas'uliyat odamning har bir amali, faoliyati mahsulini to'liq tasavvur qilgan holda uning o'zi va o'zgalar uchun nima naf keltirishini anglay olish qobiliyatidir. Mas'uliyatni his qilgan inson o'z ishini doimo puxta rejalashtirib, uning oqibatlarini oldindan tasavvur qila oladi va zarur natijaga erishish uchun butun kuchi va salohiyatini safarbar etishga qodir bo'ladi.

Shaxsiy mas'uliyatni fuqarolik mas'uliyatidan farqlash lozim. Birinchisi shaxsning kundalik faoliyatidan keladigan shaxsiy manfaatni, ikkinchisi esa jamiyat manfaatlarini nazarda tutadi. Fuqarolik mas'uliyatini his etgan inson, eng avvalo, o'zi mehnat qilayotgan jamoa yoki ta'lim olayotgan o'quv dargohi, o'z mahallasi va yurti ravnaqini o'ylaydi. Mustaqil O'zbekiston fuqarolari uchun yagona maqsad Vatan ravnaqi, yurt tinchligi va xalq farovonligi uchun xizmat qilish bo'lsa, demak har bir inson fuqarolik mas'uliyatining ma'no-mazmunini ana shu g'oyalarni amalga oshirishda, deb bilishi darkor.

Shuni unutmaslik kerakki, ijtimoiy taraqqiyotning demokratik rivojlanish jarayoni shaxsning o‘zini o‘zi anglashi, qadr-qimmatini qay darajada e’zozlay olishi, jamiyat uchun xizmat qilish imkoniyati va harakat me’yoriga ko‘p jixatdan bog‘liqdir. Bularning hammasi kishilarning o‘zi yashab turgan ko‘cha, mahallasidan tortib, to yaxlit mamlakatning barqarorligini saqlab qolish, xavfsizlikni ta’minlashda yuksak mas’uliyatni o‘z faoliyatida ongli ravishda amalga oshirish demakdir.<sup>81</sup>

Shu o’rinda yuqoridagilarni umumlashtirgan holda fuqarolik mas’uliyatini yanada oshirishda quyidagilarni muhim deb hisoblaymiz:

- Ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish asosida "fuqarolik mas’uliyati" tushunchasini zamonaviy qadriyatlar tizimi nuqtai nazaridan aniqlab, uning asosiy xususiyatlarini, tuzilishini va mazmunini ochib berish lozim;

- "Fuqarolik mas’uliyati" tadqiqot muammolarini ishlab chiqish darajasini aniqlash va fuqarolarning fuqarolik pozitsiyasini shakllantirishda ta’lim muassasasining ta’lim-tarbiya maydonini zamonaviylashtirish;

- Innovatsion ta’lim dasturini ishlab chiqish va sinovdan o’tkazish, yoshlarni ijtimoiy va ijtimoiy-siyosiy faoliyatga jalb qilishning maqsadli dasturlarini yanada rivojlantirish;

- Maxsus tanlangan usullar asosida yoshlarning fuqarolik mas’uliyatini shakllantirish jarayonini ishlab chiqilgan mezon va ko’rsatkichlarga muvofiq monitoring qilish va o’z vaqtida tuzatish amalga oshirish kabi ishlarni amalga oshirish kerak.

## **Мусиқа маданияти дарслари жараёнида шахс камолотини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари**

**Э.М.Файзуллаев, ЖДПИ “Мусиқий таълим”  
кафедраси доценти в/б, п.ф.н.,**

<sup>81</sup>Saidqosimov A. Siyosiy faollik va fuqarolik mas’uliyati //Jamiyat va boshqaruv. –Toshkent: 2007. - №2, -B. 50-51.

**А.Э.Зоидов, ЖДПИ**  
магистри

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан баркамол салоҳиятли ёш авлодни тарбиялашга боғлиқ. Ана шундай долзарб вазифани амалга ошириш учун ўзбек халқининг таълим-тарбияга оид бой тарихий тажрибасини ўрганиш ва уни янги замон кишисини шакллантириш ҳамда тарбиялашда ҳаётга амалий тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг саъии ҳаракатлари билан “2017–2021-йилларда Узбекистон Ресъубликасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича” “Ҳаракатлар стратегияси”ни ҳаётга тадбиқ этиш лозимлиги замон талаби бўлиб қолмоқда. Мазкур “Ҳаракатлар стратегияси” ҳар биримиздан ҳаракат ва масъулиятни талаб қиласди! Шундан келиб чиқсан ҳолда “Ҳаракатлар стратегияси”нинг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатdir.<sup>82</sup>

Истиқлол адабиётининг буюк вакилларидан Абдурауф Фитрат шундай деган эди: ”Агар динга, Ватанга, молға-жонға, авлодға муҳаббатингиз бўлса, агар диннинг халос бўлиши, шариатнинг ривожи, Ватан ободлиги, авлоднинг тинчлиги, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласангиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир. Қобилияtlilarни таҳсил учун ўқишига юборинг”. Ушбу иқтибосда буюк алломанинг миллат ва ватан келажаги, ёшлар таълим-тарбияси учун қанчалар куюнчаклик билан ёндашганини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги янгиланаётган жамиятнинг ривожланиши инсонни тарих, маданият ва ўз ҳаётининг обьекти сифатида билишни

<sup>82</sup> Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т. Ўзбекистон, 2017.

шакллантириш ва ривожлантириш имкони вужудга келган бир шароитда “инсон – ижодкор шахс” сифатида баҳоланмоқда. Инсонга жамиятнинг мавҳум бир зарраси сифатида эмас, балки дунёни ўзгартирадиган қудратли куч, ижодкор, эркин шахс сифатида муносабатда бўлишни талаб этмоқда. Ана шундай ёндашиш инсонни тўлақонли яъни замон талаби даражасида ривожланган инсон-мутеликдан, маънавий қашшоқликдан ҳоли бўлган Ватан, миллат ва давлат манфаати йўлида фаолият кўрсатувчи шахс сифатида камолга етишга олиб келади.

Комил инсон деганда биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқ атвор билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз... Маълумки, баркамол инсон деганда ҳам ақлий ҳам аҳлоқий, ҳам жисмоний камол топган шахс тушунилади. Таълим-тарбиянинг мақсади ҳам ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Зоро, “баркамол” сўзининг луғавий маъноси ҳам камолга эришган, камол топган, бекам-у кўст, етук, ҳар жиҳатдан мукаммал деганидир. Ҳозирги даврдаги ўзгаришлар ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, маданиятлилик, юқори малака, юксак онглилик, ижодкорлик, жамият олдидаги масъулиятини ҳис этишни талаб этади.

Инсонпарвар, демократик мустақил давлат қуришда, ҳар бир инсон, ҳар бир инсон ана шу хислатларга эга бўлгандағина жамиятни ривожлантириш қобилиятига эга бўлади. Энг қадимги замонлардан бошлаб баркамол инсонни шакллантиришнинг мезони сифатида:

- Ақлий етуклик
- Маънавий юксалиш
- Жисмоний етуклик
- Нафосат тарбияси белгиланган

Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам. Шу сабабли ижод

аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мүмкін әмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий мэрралар сари илхомлантирадиган мұқаддас тушунчалар борки, улар ватан ва халқ манфаати, әзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад билан қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишган бўлади.

Барчамизга аёнки куй қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизга болалиқдан бошлаб оиласда шаклланиб боради. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган инсонни бизнинг юртимизда топиш қийин десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодларимизнинг - биз ёшларнинг юксак маънавият руҳида камол топишимизда бошқа санъат турларига қараганда қўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Бу масалада айниқса биз ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган эстрада санъатининг аҳамияти бекиёсдир.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим омил - бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим - тарбияни инсон комолоти ва миллати равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши биз фарзандларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишимизга боғлиқ. Келажагимиз пойдевори биз таълим олаётган билим даргоҳларида яратилади. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қарашиб, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Мусиқа - ўз табиатига кўра ҳиссий ва руҳий кечинмалар уйғотувчи, кишиларда нозик дидни тарбияловчи, ҳам тингловчини,

ҳам ижрочини нафосатга, маънавий баркамолликка ундовчи кучли воситадир. Мусиқанинг ана шу тарбиявий кучидан фойдаланиш, ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларда рўй берәётган ўзгаришлар умумий ўрта таълим мактабларидаги барча ўкув предметлари қаторида мусиқа дарсларининг ўқитилиши бугунги кунда соҳанинг янада такомиллаштирилишини тақозо этмоқда.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мактаб таълимига тайёрлашга синфдан ташқари фаолиятга - бадиий ҳавскорлик тўгараклар ишига эътиборини кучайтириш бу жараёнада уларни мустақил ва ижодий ишлашлари учун зарур шарт шароитлар яратиш. Айнан манна шу фаолият талабаларнинг ўз устида мустақил ишлаш, изланиш ва Эришган ютуқларини кенг жамоатчлилик олдида намойиш қилишга бўлган интилиш ва қизиқишларини рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

Таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг ижобий ечимиға эришиш бўлғуси мусиқа ўқитувчиларининг мактаб фаолиятига касбий тайёргарлигини такомиллаштириш билан умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида баркамол авлодни тарбиялаш, миллий-манавий, мусиқий-эстетик маданиятини шакллантиришнинг янада юқори даражага кўтарилишига ва шу орқали жамиятимизнинг маънавий - маърифий негизини мустаҳкамлаш борасида олиб бориладиган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда янги уфқлар очади.

### **Соғлом турмуш тарзининг замонавий карашларига оид бўлган тиббий модел**

Гадоева Лобар,  
Бухоро Давлат тиббиёт институти

Ўзбекистон бугунги кунда тинч осойишта замин бўлиши билан бир қаторда ривожланган давлатлар қаторидаги маданияти

қадриятлари юксак давлат сифатида дунё харитасидан жой олди. Давлат Президенти Шавкат Мирзиёев 29 декабр куни парламентга мурожаат билан чиқиш қилиб, 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш йили”<sup>83</sup> деб эълон килишни таклиф қилди. Мана шу бир тарихий ҳолатнинг ўзидаёқ ёшларга эътиборни, ҳар ўзбек халқининг саломатлиги биринчи даражада эканлигини, ҳар бир оиласда маҳаллаларда соғлом муҳит ҳукмрон бўлиши кераклигини англатади. Шуни алоҳида таъкидлаган ҳолда, соғлом турмуш тарзи ҳақидаги замонавий қарашларни таҳлил қилиш жараёнида биз соғлом турмуш тарзининг моделларини ҳам ўргандик. Бу моделлар шунчалик ранг баранг ва турфа хилки, уларнинг барчасини нафақат таҳлил қилиш, ҳатто санаб бериш имкони ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, биз уларни маълум даражада гурухлашга, шу тарзда уларнинг асосий хусусиятларини англаб олишга интилдик. Бу бизга келгусида соғлом турмуш тарзининг замонавий этномоделини яратишга ёрдам беради. Чунки соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғломлаштириш ишлари, умуман соғлиқни сақлаш комплексининг фаолияти касалликни ҳам, саломатликни ҳам маълум бир модел тарзида тасаввур этади, шу асосда уларнинг нормал ҳаёт кечириш йўлларини аниқлайди, кейингина зарур тиббий процедурами, рецептни қўллайди. Соғлом турмуш тарзининг мантиқий якуни ва имманент хусусиятига кўра маълум бир назарий ва амалий аҳамиятга эга соғлом турмуш тарзининг замонавий этномоделини яратишга олиб келади.

Соғлом турмуш тарзини тадбиқ қилишда тиббий модул муҳим аҳамият касб этади.

**Тиббий модел** инсон ҳаёти ва саломатлигини тиббий воситалар ва аралашувлар ёрдамида бошқариладиган, шакллантириладиган ҳодисалар сифатида қарайди. Шунинг учун тиббиётнинг умуминсоний характери соғломлаштиришни барча

---

<sup>83</sup> Gazeta/uz/2020/dekabr/O’zbekiston Prezident murojatnomasi. 1-bet.

халқлар учун бир хил бўлган моделини яратишга асос беради. 1986 йили қабул қилинган Оттава Хартиясида сalomатликни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра, сalomатликни муҳофаза қилиш барча давлатлар амалга ошириш зарур бўлган қуйидаги моделда тавсия этилди:

- сalomатлик асосий мақсад қилиб олинган сиёsatни юритиш; соғлом ҳаёт учун ижобий қулай муҳитни яратиш;
- жойларда сalomатликни муҳофаза қилишга қаратиладиган маҳаллий фаолиятни кучайтириш;
- шахсий кўникма ва малакаларни кучайтириш<sup>84</sup>.

Бундай тиббий ижтимоий талаблар инсон сalomатлиги билан боғлиқ барча йўналишларда ишлаб чиқилган. Бу ўринда Соғлиқни Сақлаш Ассамблеяси ва Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан қабул қилинадиган резолюция ва нормативлар мисол бўлиши мумкин. Экооламда рўй бераётган инқирозлар тиббий моделга ўзгаришлар киритмоқда. А.Муҳиддинов назарда тутган биопсихосоциал модел ана шу ўзгаришлар натижасидир. “Сalomатликнинг янгича талқини, деб ёзади А.Муҳиддинов, тиббий маданияли тузилмасида ҳам чукур тизимли ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бундай ўзгаришлар:

**биринчидан**, тиббий маданиятнинг асосий таркибий қисми бўлган тиббий аксиологик компонент салоҳиятининг кучайиши, бу компонентнинг умумий маданиятнинг бошқа тизимларига ҳам таъсирининг кучайиши;

**иккинчидан**, тиббий маданиятнинг тиббий экологик маданият билан муштарак ҳолда тараққий этиши;

**учинчидан**, тиббий маданий қадриятлар тизимида ижтимоий тиббий маданият ва шахс тиббий маданияти қатламларининг кенгайиши;

---

<sup>84</sup> Муҳиддинов А. Тиббий маданият фалсафаси. Тошкент: Фалсафа ва хукуқ институти нашр., 2009 й. 94-95-бетлар.

**тўртинчидан**, бу тиббий маданий қадриятларни инсон онги ва қалбига етказишнинг ўта долзарб муаммога айланишида яққол намоён бўлади”<sup>85</sup>. Бу биопсихосоциал модел тиббий, психологик ва ижтимоий моделларни инкор этмайди, балки уларнинг интеграциясидан ҳосил бўлган.

Тиббий модел турли йўналишлар, микромоделлардан иборат бўлиб, хар бир соҳа ўзининг, ҳатто бир неча нормативларини, стандартларини ишлаб чиқсан. Масалан, халқ табобатига оид микромоделлар фитотерапия, уқалаш, психотерапия, экотерапия, қуёш нури билан даволаш, қумга кўмилиш, лойга кўмилиш кабиларнинг ҳар бири ўз нормативларига эга, уларни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Илмий медицинага оид микромоделлар терапия, қулок, бурун ва томоқ, юрак, ўпка, жигар, ошқозон, оёқ ва қўл, кўз ўз нормативларига мувофиқ даволанади, саломатлиги тикланади. Соғлом турмуш тарзи ушбу нормативлардаги инсон организми учун зарур бўлган энг муҳим томонларга таянади, улардаги тавсиялардан дифференциал фойдаланади. Шу тариқа саломатликни тиклаш ва асрашда шахснинг ёши, жисмоний бақувватлиги, у ёки бу фаолиятга мойиллиги, дори-дармонлар ва тиббий аралашувга тайёрлиги, психотерапияни қабул қилиш имкониятлар ҳисобга олинади.

Тиббий моделлар илмий медицина томонидан яратилган ишланмалар ва нормативларга асосланса-да, улар ҳали мукаммал эмаслигини, бу борада янги янги изланишлар олиб борилиши кераклигини кўрсатади. Масалан, стресс ва депрессия билан боғлик руҳий хасталиклар, рак, бепуштлик, юрак ишемияси, сарик касалликларини батамом йўқ қилиш борасида ҳали кўп тажрибалар орттириш керак.

---

<sup>85</sup> Мухиддинов А. Тиббий маданият фалсафаси Тошкент: Фалсафа ва хукуқ институти нашр., 2009 й. 23-бет.

## **Yosh oilalarni ijtimoiy xavf guruhi sifatida tadqiq etishning nazariy asoslari**

*Isaxonov Ja`farxon – O'zMU magistranti*

Zamonaviy jamiyatda yosh oila jamiyatning rivojlanish istiqbollarini hisobga olgan holda alohida ijtimoiy ahamiyatga ega, chunki u yuqori ijtimoiy faollik va harakatga ega, o'zgarishlarga nisbatan sezuvchanlik va ijtimoiy hamda shaxsiy hayotni isloh qilish tendentsiyasiga ega. Yosh oilalar jamiyatning demografik vaziyatni yaxshilashda katta rol o'ynaydi.

Yosh oila - turmush qurbanidan keyin dastlabki uch yil ichida oila bo'lib, turmush o'rtog'ining hech biri 30 yoshga to'limgan oila turi hisoblanadi. Ushbu toifadagi oila tarkibida ikkita tur mavjud: to'liq ya'ni farovon oila va ijtimoiy xavf oilasi. Ijtimoiy faoliyati sub'ektiv yoki ob'ektiv sabablarga ko'ra qiyin yoki buzilgan va ularning mavjudligi xavf ostida bo'lgan oilalar ijtimoiy xavf oilalari sifatida tavsiflanadi. Jamiyatda ijtimoiy xavf ostida bo'lgan yosh oilalar sonining o'sishi bu muammoning dolzarbligini keltirib chiqaradi. Zamonaviy jamiyatda yosh oila eng zaif qatlamlardan biri bo'lishi ham mumkin. Jamiyatda murakkab ijtimoiy-iqtisodiy ahvol tufayli sababli xavf ostida bo'lgan oilalar soni ortib borishi har bir mamlakatda kuzatiladi. Bunga quyidagilar kiradi: to'liq bo'limgan oilalar, yolg'iz onalar, kichik otanonalar, nogiron bolalari bo'lgan oilalar, bolalarni vasiylik ostiga olgan oilalar, voyaga etmagan bolalari bo'lgan ishsiz oilalar, deviant oilalar.

Xavf guruhidagi ko'plab yosh oilalari o'zlarining muammolari va inqirozlarini bartaraf eta olmaydilar. Jamiyat bunday oilalarga yordam berish zarurligini anglashi kerak.

Yosh oilaning holati va faoliyati ko'plab omillarga bevosita ta'sir ko'rsatadi:

- oila a'zolarining kelib chiqishi;
- oilaviy an'analar;
- oilaning moddiy farovonligi;
- oila a'zolarining ta'lim sifati;

- ommaviy axborot vositalari tomonidan yetishtiriladigan va jamoatchilik fikri bilan shakllanadigan ommaviy ong namunalar;
- ishdagi ijtimoiy-psixologik muhit (mehnat jamoasida), kasbiy maqom;
- ijtimoiy-iqtisodiy hayotning mintaqaviy va etnik xususiyatlari;
- siyosiy madaniyat va mamlakatning ijtimoiy-siyosiy hayotida ishtirok etish darajasi;

Hayot faoliyati jarayonini va oila xavfsizligini buzadigan qiyin hayot sharoitida xavf ostida bo'lgan yosh oilalarning toifalari o'z a'zolarining rivojlanishini qiyinlashtiradi va oila tomonidan mustaqil ravishda yengib o'tolmaydi. Haqiqiy ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalar, ya'ni qiyin hayot sharoitida bo'lganlar:

- nogiron oila;
- katta oila;
- tugallanmagan oila;
- ishsizlar oilasi;
- kam ta'minlangan oila;
- harbiy xizmatchilar oilasi;
- migratsiya oilasi;
- muammoli a'zo bo'lgan oila (giyohvandlikka qaram bo'lgan shaxs, deviant xatti-harakatlar, somatik, aqliy, yuqumli kasallik);
- halokatli munosabatlarga ega bo'lgan oila (tajovuz, uzoq muddatli nizolar, ajralish bosqichida yoki ajralish bosqichida);

Shuningdek, yosh xavfli oilalarning quyidagi tasnifini ham ko'rib chiqish mumkin:

- 1) turmush o'rtog'i (tur mush o'rtog'idan biri) va/yoki nogiron bolalari bo'lgan yosh oila;
- 2) yosh tugallanmagan oila;
- 3) yosh ishsiz oila;
- 4) yosh kam ta'minlangan oila;
- 5) turmush o'rtog'i harbiy xizmatchi yoki armiyadan ozod bo'lgan yosh oila;
- 6) yosh migratsiya oilasi;

- 7) muammoli a'zo bo'lgan yosh oila (deviant, buzg'unchi xatti-harakatlar; aqliy, badandagi, yuqumli kasallik);
- 8) halokatli munosabatlarga ega bo'lgan yosh oila (tajovuz, uzoq muddatli nizolar, ajralish bosqichida yoki ajralish bosqichida).
- 9) talabalar oilasi;
- 10) kichik ota-onasi (ota-onasi) bo'lgan yosh oila.

Xavf guruhidagi yosh oilalar jamiyatning asosiy institutlaridan biri bo'lган insonning ijtimoiy faoliyatining murakkab tizimini ifodalaydi. U muhim sohalardan biri va o'rganilishi kerak bo'lган muhim ob'ektlardan biridir.

Xavf guruhidagi yosh oilalar bilan ishlashda quyidagilarga alohida ahamiyat berish keraki:

- oila muammolari haqida ma'lumot to'plash, uning ehtiyojlarini aniqlash va ularni qondirishning mumkin bo'lган usullari;
- oila a'zolarining moddiy qiyinchiliklarini bartaraf etishda yordam berish, nafaqa tayinlash va to'lash, imtiyozlar va xizmatlarni taqdim etishga yordam berish;
- shaxsiy maqomni mustahkamlash, oilada psixologik noqulaylikni bartaraf etish, yosh ota-onalarning pedagogik madaniyati darajasini oshirish, oilaviy rollarni taqsimlash va barqarorlashtirishga qaratilgan profilaktik ijtimoiy yordam ko'rsatish.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, bugungi kunda oilalarning, ayniqsa yosh oilalarning mustahkamlanishiga qanchalik e'tibor kuchaytirilsa, barpo etilayotgan zamonaviy jamiyat va demokratik davlat shunchalik rivoj topib boraveradi. Yosh oilalar munosabatlarida ro'y berayotgan iqtisodiy, ijtimoiy ma'naviy va psixologik jarayonlarni har jihatdan yanada chuqurroq o'rganish va tahlil etish zarur.

## **Ўқитувчининг ижрочилик фаолиятини илмий асосда ташкил этишнинг ўзига хос йўллари**

**Махамматов Абдуманон – ЖДПИ каттаўқитувчи,  
Тожикулов Нурбек – ЖДПИ 3 курс талабаси.**

Аввало шуни айтиш керакки, хозирги замонавий педагогик техналогиялар бир вақтнинг ўзида таълим воситалари (асбоб ускуналар, лабаратория жихозлари, ахборот ва техник воситалар, кўргазмали қуроллар, адабиёт, радио телеведения, компьютер ва х.к) ни бир неча йуналишларда, мусиқа дарсларида эса фоалият турларида қўллаш имкониятини беради, айни вақтида эса “апарат матнлар” тузуми (видео китоблар, укув диктантлари, мусиқали албомлар ва бошқалар)дан оммавий равишда фойдаланилмоқда.

Шунингдек, мусиқий фанларни ўқитишда хам таълим лойихаларини яратиш педагог технолог ва методистларнинг касбий маҳоратларини оширишга ёрдам беради. Куйидаги тизим, яъни “буортма, восита, услугуб –ёндашув-таълим тури” тизими кинопроектор ўкув магнитафони, радио ва теливедения, лингафон хонаси , автоматлаштирилган таълим тизимлари, мультимедиа ва гиперматнли таълим турларининг интелектуал тизими ёрдамида ўзлаштирилади.

Янги таълим турларининг шаклланиб бориши хамда замонавий илғор ўкув воситаларининг таълимга тўлиқ тадбиқ қилиниши самарадорлигини ўрганиш улар ўртасида маълум узвий боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Бундай боғлиқлик моҳияти жиҳатидан куйидаги тартибга асосланади:

- а) замонавий таълимга ижтимоий заруриятнинг вужудга келиши;
- б) таълим тизимида жамият томонидан ижтимоий буортма берилиши; в) илғор ўкув воситаларининг яратилиши;
- г) илғор ўкув воситасини таълимда қўллаш техналогияларининг зарурияти;
- д) таълим тамойиллари тизимининг яратилиши.

Демак педагог техналогиялар таълим воситасининг янги авлоди ва турлари сифатида ва улардан фойдаланган холда намоён бўлади. Замонавий техналогияга асосланган янги парадигманинг моҳияти интерфаол таълимни кенг қўламда ва мавжуд имкониятлар

асосида йўлга қуишидан иборат. Унга кўра хар бир таълим олувчи ўқув ахборотларини З манба:

1.           Ўқитувчи ёрдамида
2.           Маълумотлар базаси ёрдамида (муайян фан бўйича, ёки ўқув дарсларида).
3.           Ўқувчилар групахи ёрдамида (Улар билан ўзаро фикрлашиш)эгаллайди

Педагогик технология моделидақўйдаги парадигма акс этади.

1.           Муомони қўйиш;
2.           Кузатиш ва тажриба асосида далиллар тўплаш;
3.           Тестлар ёрдамида, назарий ғояларни амалиётга тадбик этиш йўли билан бирга илмий фаразнинг хақиқатлигини текшириш;
4.           Хулоса ва тавсиялар тайёрлаш:

Мактаб Мусиқа маъданияти дарсларида қўлланилаётган педагогик технологияларнинг самарадорлигини ўлчаш мезонлари шу соҳа бўйича таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунидан келиб чиқсан холда ишлаб чиқлади. Мусиқа маъданятининг стандарт асосдаги янги таълим мазмунидан бу фан бўйича ўқувчилар ўзлаштирган билимлар, кўникма ва малакаларнинг, шу билан бирга улардаги кузатувчанлик, хотирани мустахкамлаш, образли тасвир хосил қилиш, ижодкорлик, мустақил фикрлаш, бадиий ва мусиқий диднинг шаклланишини белгилайди. Айни вақтда бу борада самарадорликка эришиш йўли мусиқа дарсларига, унинг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндошувни тақозо этмоқда.

Замонавий таълим технологияларнинг самарадорлиги мусиқий таълимни маълум мақсад асосида, шунингдек мақбул усул, шакл воситалар ёрдамида ташкил етилиши орқали таъминланади:

#### **Жумладан:**

- техник воситалар (компьютер ва бошқалар),
- мусиқий чолғулар ижро услублари,
- амалий машғулотлар,
- педагогик ва психологик воситалар,


- илфор ўқитувчилар иш –тажрибалари,
- баҳолашнинг янги тизими кабилар янги пед технология самарадорлигини аниқлашнинг муҳим мезонлари бўлиб хизмат қиласди.

Замонавий педагогик технологияларнинг самарадорлиги дарс жараёнида ўқувчиларнинг қуидаги ўқув фаолиятларини назарий хамда амалий тарзда бажариш борасидаги билим кўникма ва малакаларнинг эгалланиш даражаси билан белгиланади.

Ўқувчилар умумий мусиқий дунёқарашини кенгайтириш уларда ижрочилик (куйлаш. ритмик, харакатлар бажариш, чолғу созлар чалиш ) малакасини шакллантириш, мусиқий билим доирасини кенгайтириш мусиқий таълимнинг умумий мақсадидир. Ўзбек халқ, мусиқаси жаҳон халқлари мусиқа асарлари, шашмақом ва бошқа йўналишдаги ўзбек мақомларидан, юртимиз худудига мос маҳаллий мусиқа услубларидан намуналар, тинглаш орқали ўқувчиларда мусиқа асарлари турлари, жанрлари, миллий ва академик ижро услубларинип бир-биридан фарқлаш, драматик сахна асарларини фарқлаш каби мусиқий саводхонлик даражалари шаклланади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларнинг мусиқий ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. У орқали ўқувчи ўз овозини яъни овозда ижро этиш истеъдодини бошқариш, устози ижросини тинглаш, ундан ибрат олиш, кузатиш, унга тақлид килиш ва у билан бирга куйлашга интилади.


### Мусиқа маданияти дарсида мусиқий фаолият турлари



Ўзбек халк қўшиқлари бастакорлар ижоди махаллий мусиқа услубларига оид фольклор қўшиқлар ва қардош халқлар қўшиқлари, мақом йўлларидан наъмуналар ижро этиш орқали уларда ижрочилик малакалари шакллана боради.


Мусикий саводхонлик барча билимларни назарий жихатдан бирлаштирувчи фаолият сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дарс ва дарсдан ташкари машгулотлар жараёнида кандай фаолият (tinglash, ижро этиш, мусикий харакатлар, чолгу ижрочилиги) ташкил этилмасин, муайян мавзудаги мусикий асар ўрганилади ва ўкувчиларда уларнинг жанри, шакли, тузилиши, лади, темпи, динамикаси, журовозлари, ритми тўғрисида янги тушунчалар хосил булади. Шу боис мусикий саводхонлик фактот нота ёзувини ўрганиш эмас, балки ўкувчиларнинг умумий мусикий билимларини шакллантира боради.

Мусика тинглаш яккановоз (якка чолғу), якка овоз (якка қўшик ижроси), Журновоз (чолғуда жўр бўлиш), жўрновоз (қўшиқ ёки куйлаш орқали жур бўлиш)ни бир биридан фарқлаш ансамбл ва оркестр мусиқасини фарқлай олиш, чолғу созлар овозини фарқлаш, миллийликни ёки худудийликни фарқлаш, мусикий дид ва идрокни ривожлантиришни таъминлайди, эстетик дунёкараш ва миллий колоритни уйғотади.




Чолғу созларини чалиш миллий чолғу созларимиз, уларнинг товуш хосил килиш имконияти, миллий куйларимиз, уларнинг

тузилиши тезлиги, динамикаси, лади ва ритмини хис килишга хамда ўқувчиларнинг ўз иқтидорларига ўзлари ва бошқаларнинг баҳо бера олишига, ижро жараёнида ритмга, динамикага, темпга риоя қилишга ўргатади.



Мусиқали ритмик ҳаракатлар бажариш мусиқали фаолиятлар ичида муҳим фаолият тури хисобланади. Ўқувчиларда мусиқа мазмунига тушуниб етиш ва шунга мос равишда ўз ҳаракатларини бошқара олиш маҳоратини шакллантирибгина қолмай, турли халқлар, турли миллатлар мусиқаларини бир-бираидан фарқлай олиш мусиқа ритмини, тезлигини, динамикасини ва ҳарактерини билишга ўргатади.

Айникса ҳаракатлар жараёнида улар мусиқанинг ички тузилишини хам ўрганади.



Юқорида кўрсатиб ўтилган барча фаолият турлари умумийлашган холда ягона мавзуга буйсиндирилади. Мана шу фаолиятлар ва танланган мавзулар орқали ўқувчиларнинг умумий мусиқий дунёқараши шаклланади ва уларнинг эстетик тарбиясида мавзунинг тўғри танланиши хамда шу мавзунинг ўқувчиларга сингдирилиши учун танланган фаолият турлари ва методларининг роли бенихоя катта бўлиб муҳим ахамият касб етади.

## **Ёшлар хуқуқий маданиятини юксалтиришда жамоат ташкилотларининг ўрни: назария ва амалиёт**

**Тураев Абрар,**  
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон "Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида таъкидланганидек, жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жамият аъзоларининг кўпчилиги ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиб, уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ўз хуқуқлари билан биргаликда эркинлари, мажбуриятларини тушинтириш давлатимизнинг хуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида ташланган катта қадамдир.

Мустақиллик йилларида давлат аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини ошириш, аҳолини, айниқса, ёшларни заарарли

ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш билан шуғуллананиб келмоқда. Соҳага оид қатор қонун, қарор ва фармонлар чиқарилди. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар, хусусан, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишлари тизимли ва узвий ташкил этилмаётганлиги, жамиятда, оиласда, маҳаллада, таълим муассасаларида ва ташкилотларда ҳуқуқий ахборотларни етказишнинг таъсирчан механизмининг мавжуд эмаслиги, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ғоялари аҳоли, айниқса, давлат хизматчилари онгига етарли даражада сингдирилмаётганлиги, узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнлари ҳуқуқий тарбия билан уйғун олиб борилмаётганлиги, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзбек халқининг тарихи, дини, урфодатлари, миллий қадриятларига таянилмаётганлиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир тадбирларни ташкил этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик тизими яратилмаганлиги, ижтимоий шериклик принципи асосида ишлар ташкил этилмаётганлиги, ҳуқуқий тадбирлар ҳамон анъанавий усулларда, оддий учрашувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилаётганлиги, бу борада тарғиботнинг инновацион усулларидан, шу жумладан, веб-технологиялардан фойдаланилмаётганлиги заруратидан «Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати» деган ғоя остида Жамиятда

хуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини қабул қилиш ва амалга ошириш белгиланди.

Бугунги кунда аҳолининг, хусусан ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш нафақат давлат идоралари, таълим муассасалалари олдидағи вазифа балки кенг жамоатчилик эътибор қаратиши лозим бўлган масала сифатида қаралмоғи шарт. Бугунги кунгача ҳам хуқуқий маданиятни ошириш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди, турли даражадаги чора-тадбирлар кўрилди, таълим тизимида муайян ўқув-тарбия жараёнлари ташкиллаштирилди. Аммо юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳамон жамият хуқуқий маданияти даражаси юксак мэрраларни кўзлаётган Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларимиз талабларига жавоб бермаяпти. Шу ўринда фикримизча, бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни кенг жалб қилиш зарурати сезилмоқда. Бугунги ёшларнинг аксарияти хуқуқни билиш, ўз ҳақ-хуқуқлари учун курашиш деганда асосан шахсий манафаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашмоқдалар. Бунинг натижасида фуқаролик жамиятининг энг муҳим талаби бўлган хуқуқ ва бурчни teng қўя билиш тамойили етарлича англашмаяпти.

Фикримизча ёшлар хуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, ёшлар хуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалиёти, мақсадга йўналтирилганлиги таъсирчаналиги янги давр талабларига жавоб бермаяпти. Турли даражадаги илмий ишлар, китоблар ва тарғибот материаллари воситасида амалга оширилаётган ишлар самараси кўринмаяпти, асосан, назария бўлиб қолаётганлиги кузатилмоқда. Ёшларда хуқуқни қўллаш амалиёти ва масулиятини ўзида мужассамлаштирувчи инновацион усуллардан фойдаланишга эҳтиёж сезилмоқда. Шу соҳадаги янгича усулларни жорий қилишга

қаратилган ижтимоий лойиҳалар танловларини шакллантириш, лойиҳалар танловида кўпроқ маҳаллий жамоат ташкилотларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида аҳолини, хусусан, ёшларни нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига жалб қилиш чораларини кучайтириш лозим. Бу борада биринчи навбатда ёшларнинг жамоат ташкилотлари фаолияти борасидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириш талаб қилинади. Аҳолимизнинг аксариятида ҳалигача нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида етарлича тасаввурлар шаклланмаган. Аслида жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади. Аҳолининг қанчалик нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятида фаоллиги кучли бўлса фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилиган ислоҳатлар, хусусан, жамоатчилик назорати механизмлари шунчалик кучли қарор топади. Шунинг учун таълимнинг қуий босқичидан бошлаб жамоат ташкилотлари фаолияти борасида кўникмаларни шакллантириб бориш талаб қилинади. Ёшларда жамоат ташкилотлари фаолиятига ижобий муносабатнинг шаклланиши ўз навбатида хуқукий маданият ривожига ҳам ижобий таъсир қўрсатади;

Учинчидан, жамият хуқукий маданияти ривожи ўз навбатида сиёсий маданият ривожи дегани ҳамдир. Шу нуқтаи назардан жамоат ташкилотлари сифатида сиёсий партияларнинг асосан қоғозда қолиб кетаётган ҳамда “тадбирбозлик”ка айлананаётган чоратадбирлари ёшлар хуқукий-сиёсий саводхонлигини оширишга ҳизмат қилмаяпти деб айтишга асос бўлмоқда. Сиёсий партиялар биринчи навбатда ўз кадрлари сиёсий саводхонлигини оширишга эътибор қаратиши лозим. Партияларнинг ёшлар билан ишлаш тизимлари янги давр сиёсий ислоҳотлари талабларига жавоб бермаяпти. Ўз электоратини шакллантиришга қаратилган аниқ ва рақобатбардош ғоялар тизими, сиёсий мафкуравий мунозарага мос платформаларининг фарқли хусусиятлари сезилмайди. Шунинг

учун энг аввало партия кадрлари салоҳиятини оширишга қаратилган сиёсий ўқувларни кўпайтириш, назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга қаратилган ўқув-услубий дастурлар шакллантирилиши лозим. Фуқароларимизда сиёсий партияниң нодавлат ташкилот эканлиги, давлат бошқарув органлари тизимида турмаслиги ва фаолиятида тижорий мақсадларни кўзламаслиги борасида тушунчаларини шакллантириш лозим. Бу борада аниқ ва содда, замонавий усул ва воситалардан фойлаланиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча мазкур масалаларга эътибор қаратиш орқали ёшларда бирламчи тўғри тасаввурларни шакллантириш ҳамда тизимли ва босқичма босқич ривожлантириб бориш мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳатлар самарадорлиги учун жуда муҳимдир.

### **Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда тарих фани ва уни ўқитишининг ўрни хусусида**

**Жумаев Жўрабек,**  
**ЖДПИ тарих факультети ўқитувчиси**

Маълумки, тарих фани ижтимоий онгнинг муҳим шакли бўлиб, бизнинг жамоавий хотирамиз, аждодларимиз тажрибасининг хазинасидир. У Ватанга, халқقا хизмат қилишнинг ажойиб намунасига, фикр юритиш учун бой материалга эга. Жаҳон халқлари ва давлатлари ҳақида, цивилизацияларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва таназзули сабаблари ҳақида биз тарих фани орқали билиб оламиз. Дарҳақиат, тарих-одамлар Ер юзида қачондан бери яшаётганликлари, уларнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача босиб ўтган ҳаёт йўли, бугунги тараққий топган жамиятни қандай қилиб қурганлиги ҳақида бизга маълумот берувчи фан<sup>86</sup>.

---

<sup>86</sup> Тарих ва кадриятлар // Конференция материаллари. Т., 2015, 37-б.

Истиқлол шарофати билан тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Мамлакатимиз тарихини холис ва илмий жиҳатдан ўрганиш, уни таҳлил этишда бирламчи манбаларга таяниш ҳақида Биринчи Президент: “Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан кам топилади”<sup>87</sup>, деб алоҳида таъкидлаган эди. Миллий ўзлик ва ўзига хосликни яхлит тарзда англаб етган, эркин демократик тафаккурга эга бўлган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини ҳал этишда тарих фани ролининг ортиб бориши табиийдир.

Ўзбекистон тарихи, аждодларимиз маданий мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда таълим-тарбия соҳасида ундан кенг фойдаланиш ўсиб келаётган авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зоро, маънавиятнинг асоси бўлмиш тарих, ўтмиш воқелиги миллий ғуур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга, тарихий хотира эса инсонни ўзлигини танитишга, иродасини мустаҳкамлашга, унинг дунёқарашини кенгайтиришга қўмак берувчи катта куч ҳисобланади.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши натижасида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган, маънавий баркамлол авлодни юзага келтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мазкур соҳада эришилган ютуқлар ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли тарзда эътироф этилмоқда.

Ҳар қандай жамият ривожланишининг асоси-билим, инсон интеллекти ҳисобланади. Жамият прогрессив эволюциясининг асосий омили “тизим интеллектининг” сифати, мослашувчанлиги, келажакни яратса олиши ва келажакни бошқара олиш қобилияtlарининг ўсиши билан белгиланади<sup>88</sup>. Бу қонун эса ҳар қандай прогрессив эволюция доирасида амал қиласи. Қайси бир ижтимоий тараққиётни олиб қарамайлик, умумжаҳон тарихий

<sup>87</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.29-31-б.

<sup>88</sup> Субетто А.И. Интеллектуализация образования как проблема XXI века // “Академия Тринитаризма”, М., Эл №77-6567, публ.10257, 06.03.2003 <http://www/trinitas.ru/rus/doc/>

қонунияти ижтимоий интеллект билан боғлиқ бўлиб, интеллект қўйидаги функцияларни бажаради: ижод, лойиҳалаштириш, башороат қилиш, режалаштириш, дастурлаш. Фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган республикамизда билимларни бошқариш, узатиш, жамиятимизда билимларни тарқатиш, ишлаб чиқариш устувор вазифа сифатида эътироф этилган. Шу сабабли, Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ фан ва таълим масалаларига катта эътибор берилди, республикада таълим давлат сиёсатининг устувор вазифаси деб эътироф этилди.

Глобаллашув асири бўлмиш-XXI аср бир томондан умуминсоний қадриятларни олдинги ўринга чиқиши, интеллектуал салоҳият ижтимоий ҳаёт мезонини белгиловчи даражага айланиши, информацион технологиялар тараққий этиши билан характерланса, иккинчи томондан умумжаҳон миқёсида маънавий таҳдидлар, “оммавий маданият”ни кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, таълим-тарбия соҳасида салбий иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлаётган аср ҳам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда ўсиб келаётган авлод онги ва шуурини салбий иллатлардан ҳимоя қилиш маъносида уларда маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, ёшларга аждодларимиздан мерос бўлиб қолган азалий қадриятлар-эзгулик, одамийлик, меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, юрга садоқат руҳини сингдиришда тарих фанининг ўрни бекиёс даражададир<sup>89</sup>. Айнан Ватан тарихини англаш орқали ёшлар, талабалар нафақат шонли ўтмиш тарихини, балки истиқлолнинг халқимиз учун буюк неъмат эканлигини, унинг истиқболига қаратилган давлатимиз сиёсати моҳиятини янада теран тушуниб етадилар.

Жамиятнинг маънавий масалалари фалсафий, ижтимоий, тарихий онг билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши муносабати билан инсоннинг тарихий онг ва тафаккурини юксалтириш, унинг қирраларинии кенгайтириш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш имконияти пайдо бўлади. Тарихий онг ва маънавият жамиятнинг

<sup>89</sup> Б.Ж.Эшов, А.А.Одилов. Ўзбекистон тарихи 1 жилд. Т.: “Янги аср авлоди”, 2014.3-4-бетлар.

маънавий юксалишини таъминлайди. Одамларда тарихий онг қарор топиши ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ деярли барча муносабатларни тартибга солар экан, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади<sup>90</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, жамият маънавий янгиланиши кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар аввало, инсон маънавий оламида, онг ва тафаккури, дунёқараш, тарихий қадриятларни, янгича асосда миллий ва умумбашарий мерос билан боғлиқ тарзда амалга оширишни тақозо этади. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, тарихий онг истиқлол туфайли ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Шундай экан, тарих ва маънавиятни сингдириш орқали, ўқувчи (талаба) ёшларда зукколик, ақллилик хислатларини шакллантиришда таълимнинг мезонларига жиддий эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Ҳозирги дунё таълим бозорида ақлли бўлиш учун фақат билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ҳажми етарли эмас. Ақлли шахс деганда маълум малакага эга бўлган аналитик ва синтезик фикрлай оладиган, воқеликни индуктив ва дедуктив анализ қила оладиган, фикрлаш қобилиятига эга бўлган тадбиркор, интизомли шахс тушунилади. Шу хислатларнинг бирортаси етарли бўлмаса шахсни мукаммал деб бўлмайди. Зеро, ёшларни тарбия қиласидиган инсон, аввало, ўзи ҳам ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт.

Янгиланаётган                    Ўзбекистон                    мустақиллигини  
мустаҳкамлашнинг асосий вазифаларидан бири ёшларда фуқароликни шакллантириш, уларни умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш, фуқаролик вазифаларини бажаришга тайёрлаш, миллий онг даражасини ошириш, энг яхши фазилатларни тарбиялаш орқали Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида

<sup>90</sup> Ислом Каримов асарларида мамлакатимиз ёшлари ҳаётий позициясини шакллантириш ва таълим-тарбия масалалари. // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2017 йил 26 май. Т.: “ЯНГИ НАШР”, 2017. 258-б.

қайғуратидан, халқи, Ватанининг қадр-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қиласидан, юксак ғоялар, янги кашфиётлар оғушида меҳнат қилиб, бор имкониятини юртига, элига бахшида этадиган баркамол авлодни етиштиришдан иборатдир.

## **Ўзбекистон Конституцияси беназир ҳуқуқий қадрият сифатида**

З.Фозиев, ЖДПИ катта ўқитувчиси,  
Ш.Фозилжонова, ЖДПИ 1-босқич талабаси

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустаҳкам маънавий-маданий заминга таянган. Унда ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида шакллантирилган ва сайқал топтирилган маданий қадриятлари, ахлоқий фазилатлари, тарихий ва миллий анъаналари, шарқона донолиги ва тафаккури хазинаси дурдоналари ўзининг мужассам ҳуқуқий ифодасини топган. Жаҳонда мислсиз маданий, тарихий, сиёсий ва ҳуқуқий ёдгорликлар ҳисобланмиш «Темур тузуклари», Навоийнинг «Хамса»си, «Бобурнома», «Зафарнома» ва бошқа манбаларнинг мазмuni Конституциямиз матнига оқилона сингдирилган. Хусусан, Алишер Навоий машҳур «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай деб ўгит берган эди: «Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги, тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим...<sup>91</sup>

Аслида, Асосий қонунимизда жуда кўплаб ҳуқуқий қадриятлар ўзининг олий юридик даражадаги тасдифини топган. Мустақиллик шарофати билан Конституциямиздан жой олган қуйидаги ҳуқуқий қадриятларга, ҳуқуқий неъмат даражасига кўтарилилган тушунча ва воқеликларга эътибор қаратайлик: «Ўзбекистон суверен демократик республика» (1-модда). Бу конституциявий ифода замирида қандай буюк маъно, халқимиз асрлар мобайнида курашиб

<sup>91</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т., 1983. 23-24-бетлар.

кўлга киритган ҳурлик, эркинлик, республика бошқарув тартиби, демократик давлатчилик тантанаси, сиёсий курашлар маҳсули бўлган улуғ неъмат ётибди. «Ўзбекистон халқининг мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш» (Муқаддима); Конституциявий тузум принциплари (1-9-моддалар); «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади» (2-модда); «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» (4-модда); «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» (7-модда); «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади» (11-модда); «Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модданинг иккинчи қисми); «Давлат ўз фаолиятини инсон ви жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» (14-модда); «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади» (15-модданинг биринчи қисми); «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» (18-модданинг биринчи қисми); «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» (24-модда); «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» (25-модданинг биринчи қисми); «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир» (29-модда); «Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга» (31-модда); Фуқароларнинг Конституцияда эътироф этилган шахсий,

сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар бири алоҳида, айни вақтда, олий ҳуқуқий қадриятдир.

Асосий қонунимиз жаҳоннинг илғор тажрибаси билан бир қаторда, ўзбек халқининг бой тарихий ва миллий, маънавий ва ҳуқуқий қадриятларини мужассам уйғунлаштирган. Унинг ҳар бир моддасида асрлар давомида шаклланган маънавий меросимиз, миллий ғоя ва шарқона қадриятлар акс этган<sup>92</sup>.

Ўзбек халқининг меҳр-муруватли, инсонпарвар, етимларга жонкуярлик, саховатли ва бағрикенглик табиати қўйидаги конституциявий-ҳуқуқий қадриятлар мазмунига жо бўлган, десак муболага бўлмайди: «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишлиланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради» (64-модданинг иккинчи қисми). «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модданинг иккинчи қисми).

Халқимизнинг тарихан маънавий мулки ҳисобланган «маҳалла», «ҳокимлик», «оқсоқол» каби институтлар Конституция даражасида мустаҳкамланиб, ҳуқуқий қадрият мақомига эга бўлди. Шунингдек, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий фазилатларини акс эттирувчи қадриятлар: бағрикенглик, инсонни улуғлаш, эркинликни қадрлаш, савоб исташ, оиласпарварлик кабилар ҳам ўзининг конституциявий ифодасини топди. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуклари олий қадрият ҳисобланади (13-модда). Конституциявий-ҳуқуқий мақом юксак ижтимоий қадрият даражасидаги ҳуқуқий воқелик бўлиб, шахснинг жамиятдаги, фуқаронинг давлатдаги нуфузли ўрнини, аҳамияти ва қадр қимматини акс эттиради.

---

<sup>92</sup> Абдусаломов М.Э. Эркин ва фаровон ҳаётнинг ҳуқуқий асоси. / Узбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. 2005. № 12. 15-бет.

Конституцияни муқаддас қонун, беназир ҳуқуқий қадрият сифатида асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини англаш, амалий фаолиятда унга оғишмай риоя қилиш, баён этилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ва бурчларни вижданан бажариш, омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, амалиётга тўла-тўкис татбиқ этиш, ёш авлодга улуғ неъмат сифатида етказиш, у билан фахрланиш ҳар бир фуқаро учун шарафдир!

### **Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – жамият ижтимоий барқарорлигининг муҳим асосларидан бири сифатида**

**Хусан АБДУНИЯЗОВ,**  
ЖДПИ 1-курс магистранти.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган тарихий ислоҳотларнинг қатъият билан амалга оширилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Юртимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадига айланди.

Ҳозирги вақтда юртимизда инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равища миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмуни 1948 йилдп қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклорацияси, 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий

хуқуқлар тўғрисидаги ва Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларнинг мазмунига мос келади<sup>93</sup>.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаркатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақам ли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 268-бандида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланди.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари биринчи даражага қўйилаётганини Президентимиз 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ҳам кўришимиз мумкин. Чунончи, Мурожаатномада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар 2021 йилда ҳам изчил давом эттирилиши, бу борада сира ортга қайтилмаслиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари қадрият сифатида кўтарилаётган экан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармон жамиятда катта ўзгаришлар, янгиланиш бошланаётгани одамларни янада рухлантирди, десак муболаға бўлмайди.

Дастурнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу – инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор берилган. Масалан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш мақсадида жорий йил 1 апрелга қадар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ // “Ўзбекистон” НМИУ, 2008

жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизимини йўлга қўйиш белгиланди.

Эътибор беринг, мамлакатимиз раҳбари 2020 йил 29 декабрда Парламентга Мурожаатномасида жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилишини таъкидлаган ҳолда, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялар босқичма-босқич қисқартирилишини билдирган эди.

Шу билан бирга, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилиши айтилган эди.

Давлат дастурида жорий йил 1 июнга қадар жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилиши ҳамда 2021 йилда 6 тагача манзил-колониялар қисқартирилиши замирида айтиш мумкинки, инсон манфаатларини таъминлаш, фаровонлигини ошириб бориш каби инсонпарвар ғоялар мужассам.

Бугун даврнинг ўзи тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Боиси, ушбу ҳолатлар фуқароларда жиддий эътиrozларни келтириб чиқаряпти, мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатяпти.

Шу жиҳатдан, Янги Ўзбекистонда инсонни эъзозлаш, унинг хуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, инсон хуқуқларининг энг муҳим шарти бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш бўйича дадил қадамлар кўйилди. Кўп йиллар давомида юртимизда яшаб келаётган бўлсада, фуқаролик ололмай юрган, бу юксак мақомни узоқ вақт интиқиб кутган 50 мингдан зиёд шахсларга фуқаролик олиш имконияти яратилди.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартибини жорий қилишга доир муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Мана орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Президентимиз фармони билан жорий йил 1 майдан бошлиб мамлакатимизга 2005 йил 1 январга қадар келиб, юртимизда доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиниши белгиланди. Бу албатта, юртимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканлигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Дастурда назарда тутилаётган вазифалар кўлами кенг, талаби қатъий. Улар ижросини таъминлаш учун катта масъулият, фидойилик ва ирода керак бўлади. Зотан, Дастурнинг ҳар бир банди ижросини таъминлаш инсон манфаатлари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек эзгу ҳаракатларни янада жадаллаштиришга хизмат қиласди.

### **Фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалла демократия мактабидир**

**Бобоҷонов Сафар,  
ЖДПИ I-босқич магистранти**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданоқ ижтимоий-сиёсий соҳада кучли ҳуқуқий демократик давлат ва жамият, иқтисодиёт соҳасида турли мулк шаклларига асосланган бозор муносабатлари қуришни мақсад қилиб қўйди. Республикамизда бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда ва унинг натижалари айтиш мумкинки, муваффақиятли бўлмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади-инсон. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, унинг

ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ислоҳотлар доирасида қабул қилинаётган ва амалга киритилаётган кўплаб қонун ҳужжатлари инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Бу жараён халқимизнинг тарихий анъаналарини, урф-одатларини, миллий-маънавий қадриятларини ҳисобга олиб давом эттирилмоқда<sup>94</sup>.

Демак, қонунга кўра фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалла давлатга, жамиятга энг яқин идорадир. Ўзини ўзи бошқариш тизимининг, маҳалланинг туб маъносига Биринчи Президентимиз шундай баҳо берган эди: “Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келди. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳилсиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда”<sup>95</sup>.

Ўз-ўзидан маълумки, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили давлат органларининг ваколатларини аста-секинлик билан босқичма-босқич фуқаролик жамиятига ўтказишни тақозо этади. Биринчи Президентимиз истиқлонимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу ғояни илгари сурган эди. Шунинг учун ҳам 1999 йил 14-15 апрелда Олий Мажлиснинг XIV-сессиясида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Бу қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мақоми тўлиқ белгиланиб берилди. Улар фаолиятининг асосий принциплари демократик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий ҳокимиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик,

<sup>94</sup> Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юргта садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013. -Б. 258.

<sup>95</sup> Мураббий-қадриятлар тарғиботчиси. Жиззах, “Сангзор”нашр. 2012.-Б.114.

жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам ҳолатлари белгилаб берилди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгилаб кўйилди.

Босиб ўтилган йилларга разм соладиган бўлсак, 2003 йилнинг Ўзбекистонда “Обод маҳалла” деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралдаги “Обод маҳалла йили” дастурига мувофиқ маҳалла нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим вазифалар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбекистон Республикасида жами 9627 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатади, шулардан 6855 таси юридик шахс мақомига эга<sup>96</sup>.

Шунингдек, Биринчи Президент томонидан Ўзбекистонда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила” деб белгиланиши ва бунда “оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга оширишавваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқлиги” оилани мустаҳкамлаш, унинг жамиятдаги ва давлатдаги барқарорлигини таъминлашнинг асосий элементларидан бири сифатида қараши муҳимдир. “Бинобарин, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай заарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз”<sup>97</sup>.

Бинобарин, ёшлар тарбиясида оила ва маҳалланинг мақсади муштаракдир. Халқимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган

<sup>96</sup> Ислом Каримов асарларида мамлакатимиз ёшлари ҳаётий позициясини шакллантириш ва таълим-тарбия масалалари. // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2017 йил 26 май. Т.: “ЯНГИ НАШР”, 2017. 461-б.

<sup>97</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз-демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Халқ сўзи. -2011 йил 8 декабр

ҳикматли сўзнинг ўзигина ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни нихоятда беқиёслигини ўзида намоён қиласди. Маҳалла ўз ўрнида ёшлар билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим масканлари билан ҳамкорлик қиласди. Бундай тадбирлар ўз навбатида ёшларни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишдан, турли хил диний оқимларга кириб қолишдан асрайди.

Бунгунги кунда маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни бу соҳага кенг жалб этиш уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, маҳалла ва тижорат банклари ҳамкорлигига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчиларнинг бизнес-лойиҳалари ўрганилиб, уларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратилаётir.

Дарҳақиқат, 2016 йилнинг сўнгги чораги мамлакатимиз тараққиёти навбатдаги босқичи-миллий тарихимизнинг ЯНГИ ДАВРИ ибтидоси сифатида тарих солномаларига битилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган мақсад ва вазифалар ичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига урғу берилганлигини ҳам шу ўринда эътироф этиш жоиз.

Маҳалла азалдан тарбия маскани, меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик ўчоғи бўлиб келган. Мустақиллик йилларида маҳалланинг нафақат шакли, балки моҳияти ҳам ўзгарди, ваколат ҳамда вазифалари кўлами кенгайди. Бугунги кунда ушбу йўналишда фуқаролар билан ишлашнинг янгича тизими яратилиб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётir.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла Шарқ халқлари учун муҳим қадрият бўлиб, мазкур демократик институт ҳар бир фуқаросининг шаъни ҳамда уни гуллаб-яшнаши, тараққиёти учун бутун куч ва имкониятини сафарбар этиши зарур. Умуман олганда, оила ва маҳалла жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланиб, уни янада

мустаҳкамлаш учун бугун оиланинг жамият тараққиётидаги ўрни бекиёсдир.

**Ёшларга оид давлат сиёсатини таъминлашда маънавий – маърифий соҳадаги ислоҳотлар: муаммо ва ечим**

**Шуҳрат Сайитқосимов,**  
Жиззах вилояти Фориш тумани 80-сонли  
мактаби директор ўринбосари

*Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир!*

Ш.М.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 19 январида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда анчадан буён барчани ўйлантириб турган масалаларга ечим белгилаб берилди.

Ҳамкорлик нима? Ҳамкорлик бу – бир мақсад сари кўпчилик ташкилот, таълим муассасаси, оила, қўйингки, барча барчамизнинг биргаликдаги ҳаракатимиздир. Биз бундан 3-4 йиллар олдин худдики, ишларни, айниқси, тарбия борасида у менинг вазифам эмас, уники қабилида иш олиб бордик. Бу ишимиз ҳозирги кунларда нечоғлик нотўғри эканлигини кўрдик ва натижасини ҳам намойиш этди. Хусусан, фарзандларимизни билимли, ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялашда ҳамма бирдек масъулдир. Маънавий бойликка бир неча йиллар давомида, қийинчиликлар эвазига эришилади. Юқоридаги фикримни Президентимизнинг қуйидаги гаплари билан тўлдирмоқчиман: “... ҳозирги пайтда маънавият тарғиботи билан ўнлаб ташкилотлар шуғулланади. Лекин, уларнинг фаолияти аниқ мувофиқлашмаётгани, ягона тизимга бирлашмагани сабали бир-бирини тақрорлаш ҳолати кузатилмоқда”.

Аксарият ҳолларда тарбия жараёнида бирон бир салбий воқеа ёки ҳолат бўлиб қолса, гўёки ҳамма тарбия билан шуғулланиб қолади. Шу ўринда бир ривоятни келтиришни жоиз деб топдим. Кекса бир отахон фарзандига кўза бериб, унга эҳтиёткорлик билан ариқдан сув тўлдириб келишини айтибди. Ва боласига бир тарсаки тушуринти. Бола бундан норози бўлиб онасиға қараган экан, ота: Болам, кўзани синдириб келганингдан кейинги дашномнинг кераги йўқ. Бу ҳолат сени огоҳликка, сергакликка ва эҳтиёт бўлишга чорлайди, дебди.

Нутқимизга “профилактика” сўзи кириб келди. Профилактика сўзининг маъноси – одамларнинг узоқ умр кўриши, ишлаш қобилиятини сақлаб қолиш, аҳолининг жисмоний ривожланишини яхшилаш, касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олиш ҳамда саломатликни ҳимоя қилишга қаратилган, иқтисодий, ижтимоий, гигиеник ва тиббий чора-тадбирлар мажмуидир.

Қадимда ўша боболаримиз олдини олган салбий ҳолатлар ҳозирги профилактика сўзи билан алмашган, холос.

Мен тарбия тизимини юқори босқичга олиб чиқиш учун барча ташкилотларнинг режаси бир-бирига мос келиши лозим деб ўйлайман.

Мухтарам Президентимиз “...боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла – ҳар бири алоҳида иш олиб боряпти”, - дея тўғри эътиroz билдирганлар. Мен ўн икки йиллик маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида олиб борган иш тажрибадан боғчада ҳам, мактабда ҳам, олийгоҳда ҳам ҳар бир ойни тарбия учун ажратишни, эълон қилинишини таклиф этмоқчиман. Масалан,

1. Сентябрь ойи – ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ойлиги
2. Октябрь ойи – устозларни эзозлаш ойлиги
3. Ноябрь ойи – профилактика ойлиги
4. Декабрь ойи – согломлаштириш ойлиги
5. Январь ойи – Ватанпарварлик ойлиги

6. Февраль ойи – Назм ва наво ойлиги
7. Март ойи – миллий урф-одатларни тар-иб килиш ойлиги
8. Апрель ойи – ота-оналар, махаллалар билан ишлаш ойлиги
9. Май ойи – билимлар синови ойлиги
10. Июнь ойи – бити्रувчиларни мактабга, олий укув юртларга, касб-хунарга йуллаш ойлиги
11. Июль ойи – саёхатлар ойлиги
12. Август ойи – янги укув йилига тайёргарлик куриш ойлиги

Тарбия – маънавиятдир. Тарбиядаги бўшлиқ, ёш авлод тарбиясига бир кунлик эътиборсизлик, талабчанликнинг бир зум сусайиши ҳам жиддий муаммоларга олиб келади. Дунё ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда. Бола тарбиясига кўрсатувчи салбий жиҳатлар ўзгармоқда, янгиланмоқда. Ҳозирги болаларимиз кечаги болалар эмас. Уларнинг онги, шуури, билими кекса авлодникидан анча олдинда. Аммо бундай одимлашда, тарбиянинг ўрни бўлмоғи шарт. Зеро, тарбия шарқдан. Эътибор берган бўлсангиз тартибли, маънавиятли бола билимли ҳам бўлади. Унда шу икки муҳим жиҳат: таълим ҳам тарбия ҳам мужассамдир.

Бола маънавиятини шакллантиришда оиланинг ҳам ўрни катта. Бу борада ҳам Президентимиз куйиниб гапирмоқда. Давлатимиз олида турган муҳим масалалар бандликни ҳамда имкон даражада фуқароларнинг чет мамлакатларга чиқиб кетмаслигини таъминлаш, кечиримлилик сиёсати ҳам фарзанд тарбияси учун нечоғлик зарур эканини билиради. Ота-она ишдан кейин бўлса ҳам фарзанди ёнида бўлиши, тарбия билан шуғулланиши энг муҳим масаладир. Олила фарзандларга оқни қорадан, яхшини ёмондан, фойдани заардан ажратишни ўргатиши керак. Бола оиласида яхши тарбия топса, демак у жамият учун керакли инсон бўла олади. У жамиятга “ортиқча юқ” бўлаётган айрим оилаларга ҳам ўrnak, ҳам намуна бўла олади.

Мен юқорида боғчада, мактабда, олийгоҳларда ҳар бир ойни алоҳида тарбия учун боғлиқ ой билан аташни таклиф қилган эдим.

Ўйлаб қарасак юқоридан келаётган режалар, топшириқларнинг баъзиларини қишлоқ жойларида бажариб бўлмайди. Агар биз ҳар ойда қиласиган ишимизни ўз ҳудудимиздан, ўз имкониятларимиздан келиб чиқсан, тарбияда натида юқори бўлади. Шунда ҳам барча ташкилотдан келиб ўтказиладиган тадбирлар юқорида мен таклиф этган режаларга ўхшаб кетади. Нима бўлса ҳам, биз ким бўлишимиздан қатъий назар бола тарбиясида ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлмоғимиз зарур экан. Бу давр талаби, бу давлатимиз раҳбарининг талаби!

### **Кутубхона - зиё маскани**

**Робия Ишназарова,**  
ЖДПИ Ахборот-ресурс маркази директори

Китоб - инсоният қалбининг меъмори. Билимлар манбаи бўлмиш китобга бундай таъриф берилиши бежиз эмас. Китоб яралгандан буён қанчадан-қанча улуғ қалб масканларини, тарихнинг улуғ минораларини бунёд этди, эзгуликдан иборат улуғ олам яратди ва унга бутун инсониятни чорлаб келмоқда.

угунги кунда ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини, онги ва дунёқарашини юксалтиришда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Республика Президенти томонидан 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сонли қарори, 2019 йил 11июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада таомиллаштириш тўғрисида”ги 4354-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва

қўллаб- қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 781-сонли қарорлари фикримиз далилидир.

Институт ахборот-ресурс маркази замонавий моддий- техник жиҳозлар билан етарлича таъминланган. Бугунги кунда ахборот-ресурс марказида 294 ўринли ўқув заллари фойдаланувчилар учун хизмат кўрсатмоқда. 2020 йил якунига кўра, институт ахборот-ресурс марказининг умумий фонди 163042 тани ташкил этди. АРМдан фойдаланувчи китобхонлар сони 9733 тага етди.

Бугунги кун фойдаланувчиси ахборот хизматлари кўрсатишга анча юқори талабларни қўймоқда. Китобхонларнинг ана шундай талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида институт ахборот-ресурс марказида 6 та ихтисослашган ўқув заллари ва “Талабалар турар жойи” да ташкил этилган 1–2-тармоқлар шунингдек, асосий ўқув биносидан узоқда - Куёвбоши ва Сўлоқли маҳаллаларида жойлашган факультетлар қошида ташкил этилган тармоқ кутубхоналари фаолият олиб бормоқда. Мазкур тармоқлар мутахассисликка доир ўқув адабиётлар билан етарлича таъминланган. Тармоқларда талабаларнинг мустақил дарс тайёрлашлари учун барча шароитлар яратилган.

Сўнгги йилларда ахборот-ресурс марказида давр талаблари асосида китобхонларга сўралган маълумотларни тез ва сифатли етказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ахборот-ресурс маркази учун алоҳида lib.jspi.uz Веб-сайти яратилди. Шунингдек, jspiLibbot телеграм канали ишга туширилди. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчасидан кўзланган мақсад АРМдан фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш ва сифатли ахборот хизматлари кўрсатишдан иборат. Айни пайтда “Электрон ресурслар” бўлимининг жами фонди 24124 тани ташкил этади.

Институт ахборот-ресурс марказидан фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳамда уларга ахборот хизматлари кўрсатишни самарали ташкил этиш мақсадида электрон ресурслар бўлимида барча талабаларнинг Ўзбекистон миллий кутубхонасига онлайн аъзолиги йўлга қўйилди. Ҳозирга

қадар жами 937 нафар профессор-ўқитувчилар, магистрлар ва талабалар Ўзбекистон миллий кутубхонаси аъзоси бўлди. Айни пайтда фойдаланувчилар мазкур кутубхонанинг [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz) сайтидан унумли фойдаланмоқдалар.

Шунингдек, ушбу бўлимда профессор-ўқитувчилар учун JDPI о`qituvchilari-ARM (242 та аъзо ) ва JDPI elektron kutubxona (2045 та аъзо) телеграм каналлари орқали масофавий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Ушбу телеграмм каналига тушган буюртмалар қисқа фурсатда фойдаланувчиларга электрон тарзда етказилади. Шу билан бирга, АРМнинг [lib.jspi.uz](http://lib.jspi.uz) сайти ҳамда JSPI-Library бот канали фаолиятини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. [lib.jspi.uz](http://lib.jspi.uz) сайтига ҳамда институтнинг [www.jspi.uz](http://www.jspi.uz) сайтига АРМ фондидаги мавжуд адабиётларнинг электрон версиялари жойлаштириб борилмоқда.

Ахборот-ресурс марказида жорий йилнинг январь-февраль ойларида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Жумладан, 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигига “Энг яхши ҳарбий китобхон” танлови, 19 январь куни АРМнинг фаол китобхонлари иштирокида “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб- қувватлаш миллий дастури”нинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишга доир давра сұхбати, 19 февраль куни Ёшлар билан ишлаш бўлими ва Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистоннинг истеъодли ёшлари” номли китобининг тақдимоти каби тадбирлар ўтказилди.

Ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли институт раҳбарияти томонидан китоб хариди учун етарлича маблағ ажратилиб, зарур адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Ушбу саъй-харакатлар натижасида талабаларнинг ўқув адабиётлар билан таъминланиш даражаси 76,8% га етказилди. Шунингдек, фан дастурида кўрсатилган кам нусхадаги асосий ўқув

адабиётларининг электрон версияси асосида босма нашрини яратиш ишлари йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддатли тараққиёт асрида замон талаблари асосида китобхонларга намунали хизмат кўрсатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ахборот-ресурс маркази ходимлари миллий маданиятимизни янада ривожлантириш, Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий меросини сақлаш ҳамда келажак авлодга етказиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида белгиланган вазифаларни самарали якунлаш ниятида фаолият олиб бормоқдалар.

**Тарихни диалектик маданий тушуниш Сўфи Оллоёр  
меросини ўрганишнинг методологик асоси сифатида**

3.Фозиев,  
ЖДПИ катта ўқитувчиси

Инсонлар, моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятлар бир бутун бўлиб, маданий борлиқни ташкил этади. У эса барча ижтимоий ҳодисалар, жумладан, маънавий, хусусан, диний-ахлоқий мероснинг ҳам субстанционал асоси ҳисобланади. Маънавий мерос маънавий маданиятнинг, маънавий маданият эса маданий борлиқнинг томонидир. Демак, маънавий, жумладан диний-ахлоқий мерос маданий борлиққа нисбатан томон эмас, балки элемент сифатида амал қиласи. Маданий борлиққа хос умунижтимоий қонуниятлар маънавий тарбияга оид фаолиятнинг мавжудлигини белгилайди ва ўзига хос шаклда намоён бўлади.

Ижтимоий ҳаёт соҳалари маданий қисмларининг барчасига хос бўлган умумий, интеграцион тизимни ташкил қилувчи субстанционал томонлар-босқичлар мавжудлигини қўйидаги тартибда кўрамиз: 1). Инсон (шахс ва унинг “жамоа”лари, яъни социал бирликлари-кишиларнинг микро ва макробирликлари), унинг эҳтиёжи, манфаати, тафаккури, билиши, баҳолаши, мақсади,

режаси ва яратувчилик фаолияти; 2). Яратувчилик фаолияти масъуллари. Бу босқич диний ахлоқий меросни ҳам ўз ичига олади; 3). Яратувчилик фаолияти маҳсулларининг реализация, яъни ўзлаштирилиши. Бунда инсон маданий борлиқнинг барча қисмларнинг интеграцион социал, бирламчи асоси ва соҳиби сифатида амал қиласи. Бунда инсон<sup>98</sup> маданий борлиқнинг субстрати, ички соҳиби ва биринчи сабабни вазифасини, инсоннинг эҳтиёж ва манфаати маданий борлиқнинг юзага келиши мотиви функциясини, инсон тафаккури, билиши, баҳолаши, мақсади ва режаси маданий борлиқнинг юзага келишининг гносеологик асоси вазифасини, яратувчилик ва ўзлаштирувчилик фаолиятлари маданий борлиқнинг мавжудлик усуллари функцияларини ва яратувчилик фаолияти маҳсуллари эса маданий борлиқнинг мавжудлик манбай ва воситалари вазифаларини бажарадилар. Маданий борлиқнинг субстанционал элементларини таҳлил қилиш маънавий, жумладан, диний-ахлоқий меросларнинг кишиларнинг яратувчилик фаолиятлари натижалари эканлигини қўрсатади. Биз диний-ахлоқий меросдан маънавий тарбия жараённида кишиларни иймонли қилишда фойдаланамиз.

Мазкур учала босқичлар бир-бирлари билан узвий диалектик боғланишда. Мазкур босқичларда ўзига хос сифат муайянликлар бўлсада, улар ўртасига узил-кесил аниқ чегара қўйиш қийин. Биринчи босқич, яъни қатор элементларнинг бирикмасидан иборат инсон бўлмаса, иккинчи босқич-инсон эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган унинг фаолияти маҳсуллари ҳам бўлмайди. Фаолият маҳсулларисиз уларни татбиқ этиш, истеъмол қилиш жараёнларидан иборат учинчи босқич ҳам бўлмайди. Учинчи босқичнинг мавжудлиги эса биринчи босқичнинг мавжудлиги ва унинг такомиллашувини таъминлайди.

Инсон ва унинг эҳтиёжидан манфаат, улардан эса онг ва унинг компонентлари-тафаккур, билиш, баҳолаш, мақсад ва режалар келиб чиқади. Онг инсоннинг яратувчилик фаолиятини белгилаб

<sup>98</sup> Фалсафадан вайз матнлари. –Т., 1995. –Б.287.

беради. Инсоннинг яратувчилик фаолияти товар ёки ғоя, ахлоқий норма ёки ҳокимият, ёхуд юридик қонунлар бўлсин, инсоннинг эҳтиёжи учун зарурий натижаларни юзага келтиради. Ижтимоий фаолият маҳсуллари юзага келгач уларни ўзлаштириш, фойдаланиш, истеъмол қилиш фаолияти ҳам таркиб топадики, бу нафақат инсоннинг мавжудлигини сақлаб туришга, балки шу билан бирга такомиллашиб боришига олиб келади.

Ушбу маданий борлиқ, жумладан, маънавий, хусусан, диний-ахлоқий мерос элементларининг функционал ҳолатлари унинг субстанционал бир бутунлигини таъминлайди. Маданий борлиқ ва унинг элементлари ўртасидаги диалектик боғланишга келсак, элементлардаги муайян босқичгacha бўлган ўзгаришлар бир бутун маданий борлиқнинг босқичли ўзгаришига олиб келмаслиги мумкин. Аммо бирон-бир йирик сифатий ўзгариш маданий борлиқнинг ўзгаришига, босқичли ўзгариши-типларининг алмашинувига сезиларли таъсир қиласди. Бир бутун маданий борлиқдаги сифатий ўзгариш унинг элементларидаги сифатий ўзгаришларга ҳам олиб келади. Бир бутун маданий борлиқ ўз элементларисиз бўлиши мумкин бўлмаганидек, унинг элементлари ҳам бир бутун маданий борлиқдан ташқари мавжуд бўлмайди ва амал қилмайди. Демак, маданий борлиқ субстанционал элементларининг бир-бирига боғлиқлиги унинг бир бутунлигига олиб келади. Маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлиги эса унинг қонунларидан биридир. Бу қонунда маънавий, жумладан, диний-ахлоқий мерос инсоннинг яратувчилик фаолиятлари тизимидан, маданий шаклланишининг иккинчи босқичидан ўрин олган. Режали фаолиятсиз жамиятнинг бир бутунлиги келиб чиқмайди. Маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлигини сақлаш жамиятнинг бир бутунлигини сақлаш демакдир. Бунда маънавий мероснинг ўрни алоҳида қимматга эга. Ҳозирги кунда маданий борлиғимиз, демакки, жамиятимизнинг бир бутунлигини таъминлаш ижтимоий ҳаётимизнинг барча томонлари ва муносабатларини бир-бирларига уйғунлаштириш ва шу орқали

тинчликни сақлаш воситасида амалга оширилмоқда.

Жамиятнинг илгарилама ҳаракати маданий борлиқнинг юқорида санаб кўрсатилган уч субстанционал қисмларининг бир-бирлари билан диалектик алоқадорликларига боғлиқ. Чунки маданий борлиқнинг биринчи субстанционал қисми илгарилама айланиш доирасининг биринчи босқичи-ассосидан иборат бўлса, унинг иккинчи қисми генетик жиҳатдан қараганда ҳам мазкур маданий ҳаракатнинг иккинчи босқичини, учинчи қисми эса учинчи босқичларини ташкил этади. Маданий борлиқнинг илгарилама ҳаракати истеъмол фаолияти билан якунланмайди, аксинча, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш туфайли унинг мавжудлиги ва ундан кейинги босқичларининг ҳаракати учун, навбатдаги эҳтиёжларни қондириш учун имкониятлар яратилади. Маданий борлиқнинг илгарилама доиравий айланишини қўйидаги схема орқали яққол тасаввур қилиш мумкин: А-Б-В-А-Б-В-А-Б-В-А ва ҳоказо. Бу схемада А-маданий борлиқнинг айланма ривожланишининг биринчи, Б-иккинчи ва В эса учинчи босқичларини ифодалайди.

Мазкур маданий жараён-маданий йўл ижтимоий эҳтиёж мавжуд экан, ривожланишда давом этаверади. Чунки истеъмол қилиш жараёнида маданий борлиқнинг умумий даражасига боғлиқ ҳолда янги-янги эҳтиёжлар юзага келаверади. Бу эҳтиёжларни қондириш йўлида эса янги-янги фаолият турлари ва даражалари янги-янги ишлов берилган ҳодисалар-маданий ҳодисалар юзага келаверади ва улар ҳам ўз навбатида истеъмол босқичининг кенгайишига олиб келади. Бугунги кунда “Ҳалоллик вакцинаси”, жумладан иймонлилик, Сўфи Оллоёр ўгитларига бўлган эҳтиёжларнинг юзаган келганлиги бунинг исботидир. Функционал аспектда эҳтиёж ва истеъмол ўртасидаги зиддият-маданий борлиқ ривожланишининг ички манбаидир. Истеъмол фаолияти эса функционал аспект бўйича, ишлов беришнинг охири, чегаравий нуқтасидир.

Ижтимоий эҳтиёжлар фақатгина бир йўл-маданий йўл билан,

яъни ишлов бериб маданий борлиқни яратиш орқали қондирилади. Йўл-йўлакай шуни ҳам таъкидлаш лозимки, маданий борлиқ ривожланишини уч босқичга бўлиш нисбийдир. Бунда уни диалектик-ривожланиш аспекти бўйича таҳлил қилиш биринчи ўринга сурилади. Чунки, уни агар онтологик ва функционал аспектлар бўйича таҳлил қилсак, биринчидан, маданий борлиқ ривожланишнинг иккинчи ва учинчи босқичлари айни вақтда унинг биринчи босқичининг томонлари ҳамдир. Иккинчидан, иккинчи ва учинчи босқичлар биринчи босқичда кўрсатилган ишлов бериш фаолиятининг давоми ҳамдир. Учинчидан, биринчи босқич элементлари, хусусан, микросоциал бирликнинг ўзиёқ фаолият маҳсули-маданий ҳодиса сифатида иккинчи боқичга ҳам киради. Тўртинчидан, учинчи босқич-истеъмол қилиш фаолиятлари айни вақтда иккинчи босқичнинг таркибий қисми сифатида юз беради. Аммо маданий борлиқга диалектик ривожланиш аспектида қарааш унда юқорида баён этилган уч босқичли илгарилама доиравий ҳаракати мавжудлигини кўрсатади.

Бу ҳолат қонуниятли жараёндир. Шунинг учун ҳам маданий борлиқнинг илгарилама доиравий айланиши умунижтимоий субстанционал қонун сифатида ижтимоий ҳаёт ривожланиши диалектикасининг асосий йўналиши ҳисобланади. Маданий борлиқнинг бу субстанционал қонуни маънавий тарбиянинг келиб чиқиши, ривожланиши ва амал қилишида ҳам устуворлик қиласи ва намоён бўлади. Маънавий тарбиянинг шаклланиши ва такомиллашиши ижтимоий тараққиётнинг бир кўриниши бўлиб, маданий борлиқнинг илгарилама доиравий айланишига боғлиқ ҳолда юз беради.

Бир цивилизациядан иккинчи цивилизацияга ўтиш биринчи типдаги, яъни биринчи цивилизациянинг негизини ташкил этувчи маданий борлиқнинг иккинчи типдаги, яъни иккинчи цивилизациянинг негизини ташкил этувчи маданий борлиқقا ўсиб ўтиш орқали юз беради.

Цивилизация лотинчадан давлатга ва фуқароликка деган маъноларни беради. Бизнингча, цивилизация муайян тизимга эга маданий борлиқ томонидан белгиланадиган ўз фуқаро ва давлатига эга мамлакатдир. Мисол сифатида Ўзбекистоннинг ўзини олайлик: 74 йиллик социалистик цивилизация ўрнини миллий мустақиллик цивилизацияси эгаллади. Бунга сабаб маданий борлиқнинг шаклларидан бири-социалистик маданий борлиқ ўрнига миллий, истиқболли маданий борлиқ қарор топганлигидадир.

## **Миллий юксалиш шароитида ижтимоий ислоҳотларнинг аҳамияти**

**Алишер Ибрагимов,**  
ЖДПИ тадқиқотчиси

Мамлакатимизда миллий юксалиш шароитида инсон манфаатларига асосланган ижтимоий ислоҳотларни ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва инновацион механизмлари билан боғлиқ долзарб масалаларга бағишиланган. Бу мавзуу маҳсус диссертация обьекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу масаланинг долзарблиги яна шундаки, жамиятни миллий юксалтириш шароитида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларни амалга оширишда замонавий, янгича қарашлар, инновацион механизмлар орқали ислоҳотларни таҳлил этиш ва тадқиқ қилиш, уни янада такомиллаштириш бўйича назарий жиҳатдан асосланган ва янги хусусиятлари ҳисобга илинган тавсия ва тавсифлар ишдаб чиқиш ўта долзарб вазифага айланмоқда.

Жаҳонда глобаллашув жараёни кетаётган айни пайтда жамиятни миллий юксалтириш шароитида ижтимоий соҳани ривожланиши ва инновацион такомили билан боғлиқ равишида амал қилиш қонуниятлари тадқиқ қилиш, уни янада такомиллаштириш бўйича назарий жиҳатдан асосланган ва янги хусусиятлари ҳисобга илинган тавсия ва тавсифлар ишдаб чиқиш ўта долзарб вазифага айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак”<sup>99</sup>.

Шу нуқтаи назардан қараганда жамият ижтимоий ҳаётида, хусусан ижтимоий ислоҳотларни инновацион ривожлантириш ва унинг технологиялари ва услубларини номоён бўлиш шаклларини тизимли таҳлил қилиш асосида комплекс тарзда ўрганиш, умумлаштириш, ривожланиш хусусиятларини аниқлаш борасида тавсиялар бериш, тегишли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳозирги кундаги энг дозарб вазифалардан биридир. А.Сайтқосимовнинг таъкидлашича, “Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлашда ижтимоий тараққиёт ривожини таъминлаш, ижтимоий соҳани бошқаришни инновацион ресурслар билан таъминлаш масалалари муҳим ўринда туради. Ижтимоий соҳа бунда ижтимоий сиёsat жорий этиладиган, инсон ва жамият ҳаёт-мамотида асосий ўрин тутадиган, аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондириб борадиган ижтимоий феномен бўлиб майдонга чиқади”<sup>100</sup>.

Миллий юксалиш шароитида ижтимоий ислоҳотларни ривожлантириш, уни инновацион ривожлантириш омилларини тадқиқ этиш, замонавий асосларда шакллантириш каби масалаларнинг концептуал асослари Ўзбекистон Республикаси президентининг нутқларида жамият ҳаётини ҳар томонлама ривожлантириш, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т., 2016 й. [www.uzo.uz](http://www.uzo.uz)

<sup>100</sup> А.Сайтқосимов. Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш жамият ва инсон фаровонлигининг муҳим мезони://Жамият ва бошқарув. № 1., 2019. -Б. 143.

давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бевосита иштирокчисига айлантиришга йўналтирилганлигини кўрамиз. Бу эса уларда ижтимоий тармоқлар орқали кириб келаётган салбий ҳуружларга нисбатан иммунитет ҳосил қилинишига, ижтимоий маъсулиятни вужудга келишига имконият яратилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шартшароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш асосий мақсад қилиб олинган муҳим ҳужжат - «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим вазифалари қўйилган.

Миллий юксалиш шароитида ижтимоий соҳани ривожлантириш, унинг инновацион омилларини шакллантириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг замонавий технологиялари ва услубларини ҳаётга жорий этиш, ижтимоий соҳани ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, ижтимоий тизимларни ривожлантиришни таъминлашнинг механизмларини тадқиқ этиш, ижтимоий муаммоларни келишининг олдини олиш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича илмий хулосаларни бериш асосий мақсадлардан ҳисобланади. Жамиятда вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ўрганиш уларни бартараф этиш билан боғлиқ хусусиятларини илмий таҳлил қилиш, унинг жамият тараққиётини таъминлаш билан боғлиқ ягона бир бутун фалсафий асосларини кўрсатиб беради.

Бугунги даврда ижтимоий соҳани юксалтиришда янги технологияларни қўллаш орқали жамиятда вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммолар ва ижтимоий иллатларининг олдини олиш йўналишларида, ижтимоий соҳанинг барча

тизимларини ривожлантириш, бу борадаги назарий қарашларни жамият ҳаёти билан боғлаш амалиётини йўлга қўйиш йўналишларини белгилаш, фалсафий мушоҳада қилиш ва бу йўналишдаги тадқиқотларнинг назарий-методологик асосларини бойитиши, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалий жараёнларда қўллаш ва ёшларнинг илм олишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш чора-тадбирларини амалий рўёби учун тегишли илмий таклиф ва тавсияларни ҳавола этади.

### **Musiqa san'ati talaba shaxsining badiiy-estetik va ma'naviy kamolotini shakllantirish omili**

**Mo'minova M. JDPI o'qituvchi  
Sodiqov J. JDPI talabasi**

Bugungi kunda oliy o'quv yurtlarining vazifasi jamiyat uchun nafaqat bilimli, malakali mutaxassislarni, balki shu bilan birga ma'naviy va axloqiy barkamol avlodning tarbiyasi uchun mas'ul pedagog-murabbiylarni yetishtirishdan iboratdir. Bunday mas'uliyatli maqsadni amalga oshirishda oliy o'quv yurtlarida o'qitiladigan fanlarning o'zi yetarli emas. Talabalarni har tomonlama yetuk ziyoli, madaniyatli va yuksak ma'naviyatli tarbiyachilar bo'lib yetishishlari, ularni insoniyat yaratgan moddiy va ma'naviy boyliklardan, san'at asarlaridan iloji boricha keng bahramand bo'lishlarini taqozo etadi. O'tmishda yashab o'tgan ulug' ajdodlarimiz Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Muhammad Muso Xorazmiy, Yusuf Xos Xojib, Mahmud Qoshg'ariy, Ahmad Yugnakiy, Al Buxoriy, At Termizi, Mirzo Ulug'bek, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi allomalarining ilmiy va ma'naviy merosidan yoshlarni keng bahramand qilib borish, shuningdek yaqin o'tmishda yashab ijod qilgan Abdulrauf Fitrat, Abdulhamid Cho'lpon, Mahmudxo'ja Behbudiy, Abdulla Qodiri, Abdulla Avloniy kabilarning ta'lim-tarbiyaga oid asarlarini, ularda ilgari surilgan g'oyalar, pedagogik fikr va qarashlarni zamonaviy ta'lim-

tarbiya mazmuniga bog‘lash natijasida yaxshi samaraga erishish mumkin.

Tarixiy va ilmiy manbalarni o‘rganish, tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki nomlari zikr etilgan buyuk siymolar o‘zlarining ilmiy va pedagogik qarashlarida shaxs kamolotida musiqa san’atining keng imkoniyatlarga ega ekanligini etirof etganlar, ko‘pchiligi esa bevosita musiqaga oid maxsus ilmiy tadqiqotlar olib borishgan, musiqa bilan shug‘illanib, uning nazariy, amaliy va tarbiyaviy asoslari to‘g‘risida ko‘plab risola va traktatlar yozganlar. Chunonchi, buyuk qomusiy olim Abu Nasr Farobiyning ilmiy merosi ro‘yxatida uning musiqa sohasiga oid bir qancha asarlarini ko‘ramiz. “Musiqa haqida katta kitob”,

“Ohanglar tasnifi haqida kitob”, “Musiqa haqida so‘z”, “Ohangga qo‘srimcha qilingan so‘z” kabi asarlar shular jumlasidandir.

Bizga ma’limki, pedagogika oily o‘quv yurtlarida asosan umumiyligida ta’lim maktablari, akademik-litsey, kasb-hunar kollejlari, maktabgacha ta’lim muassasalari uchun mutaxassis o‘qituvchi-murabbiylar tayyorlanadi. Bugungi talabalar ertangi tarbiyachi-murabbiylardir. Shuning uchun ham bu dargohlarda faoliyat ko‘rsatuvchi fan o‘qituvchilari o‘z sohasi bo‘yicha talabalarga ta’lim-tarbiya berar ekan, tarbiyaning barcha qismlari qatori estetik tarbiyaga ham eng mas’uliyatli vazifa sifatida qarashlari kerak bo‘ladi. Zero, Prezidentimiz I. Karimov haqli ravishda ta’kidlaganlaridek: “Bugungi kundagi ta’lim va tarbiyani musiqa san’atisiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Insonning ruhiy kamoloti haqida gapirar ekanmiz, albatta, bu maqsadga musiqa san’atisiz erishib bo‘lmaydi”.

Kuzatuvarimizda shu narsa aniq bo‘ldiki, pedagogika oliy o‘quv yurtlarida talabalarni estetik tarbiyalash borasida o‘ziga yarasha muammolar bilan birga keng imkoniyatlar ham mavjud. Ayniqsa, musiqa san’atiga doir to‘garaklar, badiiy ijodga qiziquvchi yoshlarni o‘z atrofiga uyshtirgan havaskorlik dastalari shular jumlasidandir.

Hozirgi kunda juda kam bo‘lsa-da, oliy o‘quv yurtlarida ashula, raqs, milliy cholg‘u sozlarini o‘rganish, millliy cholg‘u, vakal cholg‘u dastalari, xor ijrochiligi, drama, raqs, maqomchilar ansambli kabi

to‘garaklar faoliyat ko‘rsatayotgani shundan dalolat beradi. Talabalar o‘qishdan keyingi paytlarda ana shunday to‘garaklarga qatnashadilar. Bu jarayonda estetik tarbiya musiqa san’atining turli ko‘rinishlari bilan uyg‘unlashib, talaba-yoshlarning badiiy-estetik va o‘z o‘rnida g‘oyaviy, ma’naviy tarbiyasiga samarali ta’sirini o‘tkazadi. Bu hol mashg‘ulotlar jarayonida yanada samarali zohir bo‘ladi, fanlarni o‘zlashtirish, ularning o‘zaro aloqadorligini taminlashda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Badiiy havaskorlik to‘garaklaridagi mashg‘ulotlar yoshlarni go‘zallikga, atrof va voqelikni estetik qonuniyatlar asosida tushunish, baholash, va ularga nisbatan xayrixohlik tuyg‘usini o‘stiradi.

Bu o‘z navbatida estetik didlar bahsiga olib keladi. Bahs esa rivojlanishning o‘ziga yarasha qonunidir.

Milliy nafosat va milliy axloq, milliy etika o‘zbek xalqining ma’naviy ravnaqida naqadar salmoqli o‘ringa ega bo‘lganligi bois, estetik va axloqiy tarbiya ham yoshlarning ma’naviy barkamol shaxs sifatida shakllanishlarida bebaho vositalardir. Shuning uchun ham oliy o‘quv yurtlarida badiiy havaskorlik to‘garaklariga munosabatni tubdan o‘zgartirish, ularda talaba yoshlarni imkon qadar keng, kerak bo‘lsa ommaviy holda jalb qilish choralarini ko‘rish, musiqa va san’atning turli yo‘nalishlari bo‘yicha tizimli mashg‘ulotlar jarayonida ularning madaniy, ma’naviy va estetik kamolotini shakllantirish, bugungi kun talablaridan kelib chiqqan holda samarali pedagogik uslublardan foydalanib ish tutish lozim bo‘ladi. Bu o‘rinda bizning nazarimizda eng avvalo oliy pedagogik ta’lim tizimidagi badiiy havaskorlik to‘garaklari bilan madaniyat muassasalari taniqli xonandalar, sozandalar va bastakorlar bilan o‘zaro ijodiy aloqasini yo‘lga qo‘yish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Prezidentimiz Islom Karimov musiqa san’ati haqida shunday yozadi: “Hozirgi kunda musiqa san’ati boshqa san’at turlariga qaraganda yoshlar tarbiyasiga ko‘proq va kuchliroq ta’sir ko‘rsatmoqda”. Haqiqatdan ham hozirgi kunda san’at bilan, xususan musiqa san’ati bilan har kuni muloqotda bo‘lmaydigan kishini tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bunda radio, televideniya va boshqa vositalarning benazir xizmati

cheksizdir. Lekin, musiqani shunchaki tinglash bilan uni ma'lum tizimda rejalarashtirilgan izchil mashg'ulotlar jarayonida tinglab, ijro etib, u haqidagi kerakli ma'lumotlar (asar mavzusi, janri, g'oyaviy badiiy mazmuni, ijro uslubi, an'analarini, qanday holat, vaziyatlarda ijro etilishi, mualliflari, yaratilgan davri, badiiylik xususiyatlari, mohir ijrochilarini va hokazo) bilan tanishib borish o'rtasida juda katta farq bor. Musiqa inson ma'naviy dunyosiga, badiiy-estetik didi va ehtiyojlarini o'sishiga bir xil bo'lmasa-da ko'tarinki ta'sir etadi. Ana shu ijobiy ta'sir to'garak va dastalarning qatnashchilarida oddiy tinglovchilardagiga nisbatan bir necha barobar kuchliroq va samaraliroq kechadi. Chunki, to'garak va dastalarning qatnashchilari ijodiy jarayonda faol ishtirok etadilar, badiiy obrazlar, musiqani ifodaviy xususiyatlari jozibasini ichki tuyg'ulari bilan juda yaqin muloqot va munosabatda his etadilar. Ular bilan musiqaning badiiylik xususiyatlari, tarbiyaviy ahamiyatini anglash, badiiy emotsiyal tushunish borasida maxsus ishlar olib boriladi. Musiqa san'atining, xususan xalq musiqa merosining talabalar ongi, irodasi, sezgisi, tafakkuri, hissiy, musiqiy idrokiga ta'siri murakkab psixologik jarayon bo'lib, buni o'rganilayotgan yoki tinglanayotgan musiqa asarining kuyi, matni, ijroning badiiy mahorati bilan izohlash mumkin.

Masalan, Alisher Navoiy g'azali bilan "Munojot" kuya solib aytiladigan "Ul sarvi gulru kelmadi" asarini qarab ko'raylik. Ushbu ashulaning kuyida ashula matnining chuqur lirik va g'amginligi aks etadi. Bu ohangdor, hazin ifodali kuyda ko'rindi. Kuyning sokin, bir maromdag'i ijrosi asta-sekin kuchli hissiy hayajonlanish tomonga rivojlana boradi. Asar kuyida xalq musiqasining betakrorligi, shu bilan birga ashula matnining g'oyaviy mazmuni g'oyat moyilligi namoyon bo'lib, tinglovchini sehrlab oladi.

She'riy asar sifatida ashulaning matni va ritmikasi kuya tarkiban ravishda uyg'unlashadi, kuyning badiiy bezalishi ham (nola, qochirim, milliy bo'yoqlar) asarning estetik ahamiyati va ta'sirini oshirishda muhim rol o'ynaydi.

Qo'shiqning matni, g'oyaviy mazmuni haqida mutaxassislarning tahliliy suhbatlari asarning estetik va tarbiyaviy qimmatini oshirishda

muhim rol o‘ynaydi. Badiiy havaskorlik to‘garaklarida mana shu jihatlar e’tiborga olinishi natijasida xalq qo‘sish va kuylari, xususan, mumtoz va maqom namunalariga yoshlarda ongli munosabat, ularning mazmuni, mohiyati, badiiy qimmatini anglash, qadrlash shakllanadi. Shuning uchun ham musiqa san’atiga doir badiiy havaskorlik to‘garaklarida talaba-yoshlarning musiqiy ijrochilik qobiliyatlari bilan birga musiqiy didi, estetik dunyoqarashi, tafakkuri, fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi. Bularning barchasi pedagogik muammo sifatida kompleks tarzda yo‘lga qo‘yilgandagina kutilgan natija beradi.

## **O’quvchilarda milliy va umummadaniy kompetensiyani shakllantirishda musiqa darsining ahamiyati**

**Navbahor Hasanova, JDPI katta  
o’qituvchi. Qudratova  
Gulzoda, Tojiboyeva Zuxra.**  
JDPI talabalari:

Bugungi kunda jamiyatimizning eng muhim vazifalaridan biri barkamol shaxsni tarbiyalashdan iboratdir.

Birinchi prezidentimiz Islom Karimov “Yuksak manaviyat – yengilmas kuch” asarida musiqa san’ati haqida ham o’z fikrlarini bildirganlar. Musiqaning inson ruhiy kamolotiga ta’siri haqida gapirib albatta, bu maqsadga musiqa san’atisiz erishib bo’lmasligini ta’kidlaganlar. Prezidentimizning “Bolalar musiqa va san’at maktablarining moddiy texnik bazasini mustahkamlash va ularning faoliyatini yanada yaxshilash bo’yicha 2009-2014 yillarga mo’ljallangan chora tadbirlari”<sup>101</sup> to’g’risidagi farmoyishlari ham misiqa san’atini rivojlantirishga davlat siyosati darajasida e’tibor berilayotganining natijasidir.

Musiqa darslarining mazmunida faqatgina o’zlashtirish emas, balki o’quvchilar ongini, voqelikka munosabatini rivojlantirish, estetik

<sup>101</sup>“Xalq so’zi” ro’znomasi T. 8.01. 2008 -yil 4- bet

madaniyatini tarkib toptirish va boshqa ichki his-tugúlarning shaklan tuzilishi nazarda tutiladi.O'qituvchining darsga ijobiy tarzda yondashishi muhim ahamiyat kasb etadi va qancha vazifalarni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi:

- musiqa tarbiyasida yangi metod va vositalar izlaydi.
- hayot va san'at o'rtasidagi uzviy bog'liqlikni ifodalaydi.

Dars – mактабдаги о'кув ишнинг ташкилий шакли бо'либ, унда о'қитувчи аниқ белгилangan ваqt doirasida о'қувчиларнинг доимий гуруhi – sinf bilan qat'iy jadval bo'yicha shug'ullanadi, jamoa bilish faoliyatiga rahbarlik qilib, о'кув дастурiga muvofiq o'zi belgilaydigan didaktik va tarbiyaviy vazifalarga erishishi uchun xilma-xil metodlardan foydalilanildi.

O'qitish jarayonini o'қитувчи bilan shug'ullanuvchilarning biror maqsadga qaratilgan, izchillik bilan o'zgarib turadigan o'zaro bog'langan faoliyati, deb qarash mumkin.

Bu faoliyat davomida shug'ullanuvchilarning ma'lumot olish, rivojlanish va tarbiyalashi vazifalari hal etiladi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida va o'rta maxsus kasb-hunar kollejlari va akademik litsey o'quvchilari uchun tayanch kompetensiylar qo'yilgan bo'lib, musiqa darslarida milliy va umummadaniy kompetensiya shakllanishiga xizmat qiladi (milliy va umummadaniy kompetensiya – vatanga sadoqatli, insonlarga mehr-oqibatli hamda umuminsoniy va milliy qadriyatlarga e'tiqodli bo'lish, badiiy va san'at asarlarni tushunish, orasta kiyinish, madaniy qoidalarga va sog'lom turmush tarziga amal qilish layoqati.)

Musiqa darslarida o'quvchilarni musiqa sohasidan har tomonlama rivojlantirishni nazarda tutiladi, ularning musiqaviy madaniyatiga zamin yaratiladi.

Darsda o'quvchilarni tarbiyalash, o'qitish, rivojlantirish, ijodiy kamol toptirish, ularga ta'lim berish bilan birgalikda va o'zaro aloqada amalga oshirmog'i kerak. Bu musiqa pedagogikasining g'oyat muhim tamoyillaridan biridir.

Hozirgi vaqtida musiqa darsiga qo'yiladigan talablar quyidagilardan iborat:

- musiqa darsi – ta’lim berish, rivojlantirish va tarbiyalash funksiyalarining kompleks tarzida amalga oshirilishini nazarda tutadi;
- O’quvchining shakllanishiga doir barcha jihatlarga ta’sir o’tkazadi;
- o’quvchining musiqiy bilimlarini oshirish bilan birga aqliy qadrati va qobiliyatlarini rivojlantiradi;
- ijrochilik madaniyatini va ijodkorlik salohiyatini oshiradi;
- dunyoqarashini, axloqiy, estetik irodaviy fazilatlarini mehnatga munosabatini rivojlantiradi;
- dars o’tilishi uning o’tilish shakliga ko’ra qat’iy bir tizim bo’yicha olib boriladi:
- muayyan boshlanishidan, darsning maqsad va vazifalarini belgilashdan, musiqiy materialni tushuntirish, mustahkamlash va takrorlashdan, uy vazifasini berishdan iborat bo’ladi;
- Musiqaviy faoliyat turlari o’zaro bir-biri bilan bog’langan bo’lishi va bir-birini to’ldirishi kerak;
- dars o’qitish tamoyillariga muvofiq bo’ladi: u tarbiyaviy ta’sir o’tkazadi;
- ilmiy tushunish uchun qulay hisoblanadi, musiqa asarlarini puxta va ongli tarzda o’zlashtirilishiga, musiqaviy malaka va ko’nikmalarini shakllanishiga;
- erkin ijod qilishga yordam beradi;
- dars mazmuni o’quv dasturiga muvofiq bo’lib, u boshqa darslar tizimidagi bog’inlarni qamrab oladi;
- Ilgari qanaqa asar o’rgangani va maktab o’quvchilari mazkur darsdan keyin nimalarni o’rganishlari zarurligini ham yodda tutishi shart;
- Faqatgina yodda tutish va bilish emas, balki musiqa faoliyatları davomida keyinchalik o’rganilishi lozim bo’lgan ba’zi asarlarni oldindan tanishtirib borib, muvaffaqiyatga erishishi mumkin.
- O’qituvchi, shuningdek, maktabdagi aniq vaziyati musiqa darsiga doir jihozlarni, texnikaviy vositalarni mahalliy uslublar va tabiiy shart-sharoitlarni va boshqa jarayonlarni hisobga oladi. Musiqa darsi

ta'lim berishdan tashqari tarbiyaviy maqsad va vazifalarni ham o'z ichiga oladi. Ular o'quv materiallarining mazmuni bilan ham, shuningdek, maktab o'quvchilari shaxsini tarbiyalash va kamol toptirishga qaratilgan umumiylar maqsadlar bilan ham belgilanadi, tarbiyaviy vazifalar shaxsiy axloqiy, irodaviy intelektual, emotsiyonal fazilatlarni shakllantirish bilan bog'liq bo'lishi mumkin. dars o'quvchilarni tarbiyalashning uzluksiz jarayonidagi muayyan bir bosqich hisoblanadi.

Shu bois o'quvchilarga inson ma'naviy madaniyatining tarkibiy qismi bo'lган musiqa madaniyatini tarbiyalash musiqa tarbiyalashning bosh maqsadi bo'lib turadi. Bu maqsadlarni amalga oshirish uchun musiqa o'qituvchisi oldida quydagi vazifalar turadi:

- o'quvchilarda musiqa san'atiga bo'lган qiziqishini oshirish;
- musiqaviy-badiiy didni va musiqa faoliyatlariga ehtiyojini rivojlantirish;
- musiqa haqida bilim va malakalar doirasini tarkib toptirish;
- musiqa faoliaytlari jarayonida badiiy ijodkorlik histuyg'ularni rivojlantirish;
- asarlarning badiiy-g'oyaviy mazmuni vositasida bolalarni ahloqiy-estetik tarbiyalash;
- musiqa darslari jarayonida kasb-hunar va mehnatga havas uyg'otish.

Mana shu vazifalarni amalga oshirishda musiqa o'qituvchisining professional darajasi muhim ahamiyat kasb etadi.

Umumta'lim maktablarining asosiy vaziyatlaridan nafosat olamiga olib kirish va ma'naviy tarbiya berish. Musiqa darslarining mazmunida faqatgina o'zlashtirish emas, balki o'quvchilar ongini, voqelikka munosabatini rivojlantirish, estetik madaniyatini tarkib toptirish va boshqa ichki his-tug'ularning shakllan tuzilishi nazarda tutiladi.O'qituvchining darsga ijobiy tarzda yondashishi muhim ahamiyat kasb etadi va bir qancha vazifalarni o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi:

- musiqa tarbiyasida yangi metod va vositalar izlaydi.
- hayot va san'at o'rtasidagi uzviy bog'liqlikni ifodalaydi.

Ushbu maqsadlarni amalga oshirishda o'qituvchi jiddiy tayyorgarlik ko'rishi, o'z ustida tinmay ishlashi, yan'i bilim saviyasini oshirishi uchun ilmiy adabiyotlar, teatr, mezyelarga borib ongini oshirish yo'llarini takomillashtirib borishi lozim. Musiqa darslari olib boriladigan sinf xonasi namunali jihozlangan bo'lishi muhim rol oýnaydi. Texnika vositalari metodik ko'rgazmali quollar pianino cholgú asbobi va o'zbek xalq cholgú asboblari bilan jihozlangan bo'lishi dasturdan foydalanib dars reja konspektlarini tuzib, yangi texnologiyalarni qo'llab olib borilishi kerak. Shunday qilib musiqa darslarining barcha faoliyatlarini maqsadi va mazmuni darsni mazmunlarini yoritib, hayot bilan bog'lab darsning hamma qismlarini bir-biri bilan uzviy olib borishini talab etiladi.bularning barchasi dastlabki musiqiy tarbiyaning negizida yotadi.ma'naviy, badiiy va axloqiy madaniyatini shakllantirishga, milliy g'urur va vatanparvarlik tarbiyasini amalga oshirishga, ijodiy mahorat, nafosat ba badiiy didni o'stirishga, fikr doirasini kengaytirishga, mustaqillik va tashabbuskorlikni tarbiyalashga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda musiqa o'qituvchisi cholg'u asbobini jozibali chalsa, qo'shiqni yoqimli kuylasa, musiqa janrlari va kompozitorlar haqidagi hikoyalari bolalani maftun etsa, 45 daqiqalik darsda o'zini o'qituvchilik rolini qoyilmaqom qilib ijro etsa, har qanday vaziyatda bolalar bilan ijodiy va ijobiy munosabatlar o'rnatib, bolalar qalbiga yo'l topa olsa, bunday o'qituvchi bolalar mehriga muyassar bo'ladi.

## **Жадид матбуотчилигига таълим ва тарбия масалаларига эътибор**

**Абдуғаффор Абдураҳмонов, ЖДПИ магистранти.  
Адолат Ускинбоева, ЖДПИ талабаси.**

XX аср бошларида миллатнинг таълим тарбиясига бўлган эътибор жадид матбуотида кенг ўрин олади. Булар асосан

“Тараққий”, “Хуршид”, “Осиё”, “Турон”, “Садои Туркистон”, “Турк эли”, “Нажот”, “Хуррият”, “Фарғона нидоси” сингари газеталарда эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топди.

Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ҳамза, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби ўз даврининг буюк намоёндалари бадиий асарларида миллат саводхонлиги, таълим ва тарбияда йўл қўйилаётган муаммоларни дадил кўтариб чиқдилар ва юқоридаги нашрларда ўз публицистикаси билан фаол иштирок этдилар.

Туркистон жадидлари ушбу фаолиятларини уч йўналишда олиб бордилар. Биринчидан, янги усулдаги мактаблар очиш, иккинчидан, умидли ёшларни чет элларга ўқишига юбориш, учинчидан, турли маърифий жамиятлар тузиш йўли билан омма ўртасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориши.

Жадид матбуоти ўз вакилларининг фикрларини эълон қиласа экан, халқни “ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотувчи”, “миллат онгининг очқичи” эканлигини намоён этиш билан бирга Туркистон ҳалқини хур фикрлашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Бу даврда “Эрк”, “Турон”, “Ўқитувчилар жамияти” каби уюшмалар пайдо бўлди.

Ўша даврнинг “Тараққий” газетаси 3-сонида чоп этилган Исмоил Обидийнинг “Тошкент 22 июн” деб номланган мақоласида муаллиф илму маърифатни Туркистон келажаги учун ягона нажот йўли сифатида таърифлашдан бошлайди. Мақола давомида Обидий рус инқилоби ва унинг мустамлака халқлари фойдаси учун чиқарилаётган айрим имтиёзларини, қонун қарорларини Туркистон тупроғига ҳам жорий этиш масалаларини муҳокама қиласи.

У бу муаммони очиқчасига кўтармайди, чунки газетани очища сиёсий масалаларга аралашмасликка хат берган эди. Шунга қарамай Туркистон халқининг сиёсий маданиятини ошириш, маълум мақсадлар атрофида уюшиш ва сиёсий партиялар зарурлигига аҳамият қаратади. Бу борада туркистонликларнинг

Европа таълимини олган мутахассисларга, илмга, тажрибали юристларга муҳтожлигига эътибор қаратади.

Айниқса, газетанинг сўнгги сонларидан бирида “Умумий ўқитув” номли мақолада муаллиф Россия империясининг руслаштириш сиёсатига қарши дадиллик билан бошланғич таълим энг аввало маҳаллий миллатларнинг она тилида бўлуви лозим, деган фикрни илгари суради<sup>102</sup>. Шунингдек, газетада Фансуруллохон Худоёрхоновнинг хати босилган эди. Унда маҳаллий бойларни “Хайрия жамияти” очишга, мусулмонларнинг етим болаларини ҳомийликка олиш ва улар учун мактаблар очишга чақиради.

Барча жадид матбуоти вакиллари қатори “Нажот” газетаси ҳам ўзининг ҳар бир сонида таълим ва тарбия масаласига кенг ўрин берди. Жумладан, “Нажот” нинг биргина 15-сонида Тошкентда ўрта мактабларга кирадиган ёрдамга муҳтож ёшлар учун моддий, маънавий ёрдам бериш мақсадида “Гулистон” жамияти ташкил этилганини<sup>103</sup>, Самарқанд ёшларининг ташаббуси билан алоҳида муаллим ҳозирланиб, 40-50 киши ўқийдиган кечки таълим курси ташкил этилаётгани ва унда ўқишга ҳавасмандларнинг жуда кўп эканлигини маълум қиласди.

Айтиш мумкинки, “Нажот” газетаси Туркистонда таълим ва унинг ўткир муаммоларини акс эттирган муҳим манбадир. Бу газета миллат мураббийси бўлган улуғ дарға Мунаввар қорининг илмий ғоялари ва унинг мазкур даврдаги Туркистон таълими тараққиётидаги хизматларини ўрганишда беназир ҳужжат ҳисобланади.

Жадидларининг муҳим нашри “Хуррият”нинг биринчи сонида муҳаррир Мардонқули Шоҳмуҳаммадзода “Таъмини истиқбол” мақоласида мазкур газетанинг вазифаси деб халқимизнинг

<sup>102</sup> “Тараккий” №16.1906 йил 9 август.

<sup>103</sup> Нажот. №15.1917 йилмай. 4-5 6.

маънавий камолоти ва илми ривожига хизмат қилишини маълум қилади, унинг маърифати равнақи учун курашга вайда беради<sup>104</sup>.

Газета ходимларидан бири бўлган А.Абдужабборзода ҳам ўз мақоласида барча инқилобларнинг боши мактабдир, дейди ва муаллимларни мактаб ислоҳотига бел боғлашга чақирган. Маҳмудия мактаби муаллими ижод намунасида “Ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир”, дейди ва мавжуд шароитни таҳлил қилади. У Самарқандда бор йўғи 2-3 та жадид мактаби мавжуд бўлиб, уларда ҳам ҳеч қандай назоратнинг йўқлиги ва иқтисодий жиҳатдан уларнинг нақадар ноchorлигига аҳамият қаратади.

Шунингдек, Иброҳим Тоҳир “Мактаб ва мадрасалар ислоҳи” мақоласида хурриятдан 4-5 кун ўтиб, Мунаввар қори ўз уйида Туркистонда мавжуд барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларини тўплаб мажлис ўтказгани ҳақида ёзади. Мажлис якунига кўра иштирокчилар 8 кишидан иборат алоҳида комиссия тузганлар. Улар ўлкада 5 йиллик таълим тизими ва унда ўтиладиган фанлар ва дастурий режаларини ишлаб чиқганликлари ҳақида ахборот беради. И.Тоҳир мажлис аҳли бошланғич таълим йўлга қўйилганидан сўнг яна мадрасалар ислоҳотига киришиш масаласини мунозара этишга келишганликларини оммага маълум қилади.

Бу масала жадидларнинг яна бир йирик нашри “Улуғ Туркистон” газетасида ҳам кенг кўламда муҳокама этилди. Газетанинг вақтинча муҳаррири Содик Абдусатторов “Умумий таълимнинг асослари” мақоласида Туркистон минтақасида умумий таълимни йўлга қўйиш масаласи юзасидан ўз фикрларини баён этади. Бироқ, сиёсий воқеаларнинг кейинги ривожи бу ишларнинг тизимли равишда амалга оширилиши учун имконият бермади.

Газета қанчалик сиёсий ғоялар асосида ташкил этилганига қарамай жадид матбуотига хос белгилардан асло узоқлашмади. Яъни, жадид тараққийпарварларининг таълим сиёсатидан воз кечмади.

<sup>104</sup> “М.Ш.” Таъмини истиқбол, “Хуррият”. №1.1917 йил 12 апрель.

“Кенгаш” газетасининг илк сонида “Тошкентда муаллимлар курси” номли хабар босилган. Унда Туркистон мактаблари учун сув ва ҳаводек зарур бўлган муаллимларни тайёрлаш мақсадида икки ойлик ўқув курси ташкил этилиши, унинг дастурий режаси, ўтиладиган фанлар ҳақида маълумот берилди. 1917 йилнинг 4 июлидан иш бошлиши кўзда тутилган бу ўқув курсини ташкил этишдан иккинчи мақсад – Туркистон ўлкасининг турли бурчакларидан ташриф буюрган ёшларнинг қисқа муддатда сиёсий савиясини ошириш ва уларни сайловларда сиёсий харакатга тортиш масаласи ҳам кўзда тутилган эди.

Шунингдек, Бурҳон Ҳабибнинг “Туркистонда маориф ишлари” мақоласида ҳам Туркистонда маорифнинг ўткир муаммоларини ҳал этиш масаласидаги илғор қарашлари илгари сурилади.

“Улуғ Туркистон”нинг 22-сонида Нуширавон Ёвушев ўзининг “Ўқув йўлинда бир тавсия” мақоласида Туркистонлик қизлар учун Оренбург губернаторлиги Трилицк шаҳридаги Латиф Яушевнинг 5 йиллик қизларнинг ўрта маҳсус мактабини таклиф этади. Унда ўқиган қизлар келиб, албатта, Туркистон ўлкасида таълимнинг ривожига ҳисса қўшишига ишонч билдиради<sup>105</sup>.

1917 йилнинг сентябрь ойидан Кўкон шаҳрида нашр этила бошлаган “Эл байроғи” газетаси ҳам туркистонлик жадид тараққийпарварларининг таълим сиёсатини акс эттирган нашр ҳисобланади. Газетанинг 12-сонида Уфа мадрасасидан талаба Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг “Таассуфлик воқеа” хабари босилиб, унда Туркистоннинг фарзандидек бўлиб қолган Нуширавон Ёвушевнинг жуда ёш ўлимига таассуф билдиради ва унга жаннати наъимларни тилайди.

Шунингдек, “Эл байроғи”нинг 17-сонида Оренбургдаги “Хусайния” мадрасаси талабаси Умархўжа Хўжаев ватандошлари Носирхон Ҳожи ва Бобобек Норбўтабековларга унинг бир йиллик ўқиш пулини тўлаб бергани учун миннатдорчилик билдиради.

<sup>105</sup> Ёвуше В Н. Ўқув йўлинда бир тавсия. “Улуғ Туркистон”. №22.1917 йил 12 августъ.

Уфанинг “Олия” мадрасасида таҳсил олаётган Мирмуҳсин Шермуҳаммедов эса “Қўқон ёшларига мурожаат” мақоласида қишина иқтисодий таъминоти оғирлигини маълум қиласди. У ўқишини битира олмай, ватанга ноумид қайтмаслиги учун юртдошларидан ёрдам сўрайди.

Қисқароқ айтадиган бўлсак, Туркистоннинг мустамлака даврида нашр этилган жадид матбуоти саҳифалари ўлкамиз тарихининг ажралмас қисми бўлиб, минтақамизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида кечган барча ҳолатларни бирдек акс эттирган. Айниқса, матбуот саҳифаларида таълим ва тарбия соҳасини ривожлантириш, мактаб ва мадрасалар ислоҳоти ҳақида долзарб ва ўткир материаллар бериб борилган.

Айтиш жоиз, юртимиз равнақи йўлида фидойилик қўрсатган жадидларимиз мустақиллигимиз сабаб эъзоз топмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фармонига биноан 2020 йил 1 октябрда миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга бекиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

### **Мусиқа дарсларини тарих фанлари билан бир-бирига боғлиқлик принциплари.**

Маҳамматов Абдуманон – катта ўқитувчи, ЖДПИ.  
Холбоев Мингжигит – ўқитувчи, ЖДПИ.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг жамият тараққиёт йўли ва бош мақсади белгиланди. Яъни, ривожланган, демократик ҳуқуқий жамият қуриш жамиятнинг асосий кўзлаган мақсадига айланди. Бу жамиятни қуриш учун шу жамият қурувчиларини, яъни ҳар ривожланган баркамол авлодни, комил инсонни тарбиялаб етиштириш зарурияти пайдо бўлди. Шўролар

тузуми даври дунёқараши билан янги авлод дунёқараши ўртасида зиддиятлар ва тафовутлар ҳосил бўлди.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўрганиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурият сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон-бир соҳасини ўзгартиришга киритиб бўлмасди. Ислоҳатларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири шу муаммоларни ечиш билан боғлиқлигини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Ушбу муаммоларни ечиш учун таълимдаги юзакичиликдан воз кечиш, ҳар бир соҳа, ҳар бир фанни замон талаби даражасида аниқ, равон, тушунарли тарзда ўқитиши, бунинг учун эса, таълим беришдаги илфор иш тажрибаларидан, дарс ўтишнинг самарали методларидан ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳорат билан дарс ўтадиган ўқитувчи кадрлар зарур. Ҳар бир соҳа, ҳар бир фан бўйича дарс берувчи ўқитувчи ўз фанини мукаммал билиши, уни ёш авлодга ўргатиш учун бўладиган барча қийинчилик ва муаммоларга бардошли бўлиши, чигалликларни оқилона ҳал қилмоғи керак. Эскича ишлаш, эришилган натижаларни ошириб кўрсатиш, сифат ўрнига сон кетидан қувиш эндиликда ўз-ўзимизни алдашдан, кўз бўямачилик қилишдан бошқа нарса эмаслигини ҳаммамиз билиб олдик.

Ёш авлоднинг илмий ва ҳаётий дунёқарашини кенгайтириш ўқитиши ишига қўшиб олиб бориладиган зарур педагогик жараёндир. Бунга эришмоқ учун фанларни I даражали ёки II даражали фанлар тоифасига ажратмасдан, балки бу фанларнинг жамиятимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасига асосан, кундалик турмушимиздаги бу фанларга эҳтиёжимиз асосида фанларни бир-

бирига узвий боғлиқ ҳолда, комплекс таълимни жорий қилиш учун курашмок зарур<sup>106</sup>.

Айрим фанларни болаларнинг яхши ўзлаштира олмаганилиги ҳаётда дарҳол ўзининг акс садосини беради. Масалан: Она тили грамматикасини яхши билмаган бола бирор маълумотни хатосиз ёзиб бера олмайди, ёки математик амалларни яхши билмаган бола нарса ва буюмларни санаш, кўпайтириш, ёки савдо ишларини бажара олмайди. Буни аниқлаш учун узоқ муддат кутиш шарт эмас. Лекин, шундай фанлар борки, бу фанлардан боланинг яхши ўқимаганилиги, ўқиса ҳам тўғри хулоса чиқармаганилиги, уқмаганигини дарҳол аниқлаш қийин, бу асосан гуманитар фанлар, тасвирий санъат, мусиқа, меҳнат ва жисмоний тарбия фанлариdir. Уларнинг натижасини аниқлаш учун узоқ муддат лозим бўлади.

Ҳеч бир фан, ёки соҳа ўзи алоҳида ривожлана олмайди. Фанлар ва илм соҳалари доимо бир-бирини тақазо этади, улар бир-бiri билан узвий боғлиқдир. Уларни ажратиш тараққиёт занжирини ўзиш демакдир. Инсоният пайдо бўлибди, у табиатнинг ўзи учун мавҳум бўлган сирларини билишга интилади. Бундай интилиш фанларнинг пайдо бўлишига асос солди. Чунки табиатнинг инсонга маълум бўлмаган сиру синоатлари жуда ҳам кўп бўлиб, уларни бир фан кўламига сифдириб бўлмайди. Шу сабабли улар соҳаларга ва йўналишларга ажартилгандир.

Дастлаб табиатни ўрганишга интилган инсон кейинчалик жамият қурилишини, давлат тузимларини, инсонлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга ҳам интила бошлади. Инсоннинг табиатни ўрганишга бўлган интилишлари табиий фанлар (аниқ) ни вужудга келтирган бўлса, жамиятни билишга бўлган интилиши гуманитар фанларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

---

<sup>106</sup> Б.С.Абдуллаева. Фанлараро алокадорлик турлари ҳақида. Узлуксиз таълим. –Т.: 2005-йил. №1-сон.

Ушбу икки йўналишдаги фанларнинг замирида учинчи йўналиш бўлган амалий фанлар вужудга келдиким, бу фанлар ўзидан олдинги ҳар икки йўналишга ҳам дахлдор, улардан фойдаланади ва уларни тўлдиради.

Фанларнинг бир-бирига боғлиқлиги нуқтаи назаридан қаралганда ҳар бир йўналишдаги фанлар аввало ўз гуруҳидаги фанларга кўпроқ боғлиқдир. Чунки улар бежиз йўналишларга бўлинмаган. Лекин, шуни ҳам айтиш лозимки бир йўналишда бўлган фанларнинг барчаси ҳам бир-бирига боғлиқлик нуқтаи назаридан шу фаннинг бошқа йўналишдаги фанлар билан боғлиқлик даражасидан кучли эмас. Масалан, аниқ фанлар йўналишидаги физика фани билан химия фанини таққослайдиган бўлсак, ҳар иккала фан ҳам модданинг энг кичик зарралари бўлмиш атомлардан бошлаб ўрганади, лекин шунга қарамай бу фанларнинг бир-бирига боғлиқлик даражаси кам. Ёки, амалий фанлар бўлмиш тасвирий санъат ва мусиқа бир йўналишда бўлишидан ва иккаласи ҳам санъатнинг турлари бўлишидан қатъий назар бир-бирига боғлиқлик даражаси камдир.

Демак, фанларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини икки турга, яъни кучли боғлиқлик ва кучсиз боғлиқлик даражаларига бўлиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак математика, фалсафа, тарих ва мантиқ фанлари барча йўналишдаги фанлар билан кучли даражада боғлиқ эканлигини кўрамиз. Қолган фанлар эса бир-бири билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Қайси фанларнинг бир-бирига боғлиқлик даражаси кучли бўлса бу фанларни ўқитиш жараёнида ушбу фанларга мурожат кўпроқ қилинади. Мусиқа фанларини ўқитиш ҳам худди шундай математика, тарих, фалсафа, мантиқ, тил ва адабиёт, жисмоний тарбия фанлари билан кучли даражада боғлиқ бўлиб, мусиқа фанларини ўқитиш жараёнида ушбу фанларга қўпроқ мурожаат қилинади. Шу сабабли мусиқа фани ўқитувчиси юқорида кўрсатиб ўтилган фанларни яхши билиши, ушбу фанлар тараққиётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан

хабардор бўлиши зарур. Акс ҳолда ўз мутахассислиги бўйича ўқитувчи болаларга тўлақонли билим бера олмайди. Масалан: Собиқ тузим даврида бизни ўз юртимиз, миллатимиз, қадриятларимиз тарихини ўрганишимизга йўл бермадилар. Буюк аждодларимиз бўлмиш Жалолиддин Мангуберди, Мусо ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср ал-Фаробий, И smoил Бухорий, Ат-Термизий, Боховуддин Нақшбандий, Абулқосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Пахлавон Маҳмуд, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг ҳаёт йўлларидан жуда кам хабардор эдик, уларнинг айримларини умуман билмас эдик. Истиқлол шарофати билан уларнинг қадриятлари тикланди.

Қадим шаҳарларимизнинг ёши аниқланмоқда. Демак тарих фанларида тубдан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай ўзгариш ва янгиликлардан бехабар мусиқа ўқитувчиси ёки бошқа бирор фан ўқитувчиси тарих фани билан боғлиқ мавзуларни қандай қилиб ўқувчи ёшларга тўлақонли етказиб бериш мумкин?

Ижтимоий гуманитар фанлар ичида асосийларидан бири тарих фани ҳисобланади. Бу фан ер юзида ҳаёт нишоналари пайдо бўла бошлаган даврлардан бошлаб кечаётган ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг келиб чиқиш сабабларини, воқеаларнинг кечиш жараёнини ва келтириб чиқарган оқибатларини илмий асосда ўрганувчи, тахлил қилувчи муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган фандир. Тарих фанининг асосини вақт тушунчаси белгилайди ва шунинг учун ҳам бу фан фалсафа фанининг узвий ажралмас қисмидир. Чунки, кишилик жамияти ҳаётида бўлиб ўтган барча воқеа ва ҳодисалар маълум бир вақтда, ёки даврда содир бўлади. Биз бу воқеалар ва ҳодисалар кечган даврни умумлаштириб тарихий давр деб атаемиз. Инсоният тарихи жуда узоқ даврни, яъни кўп минг йиллик ривожланиш жараёнини ўз ичига олганлиги, бу даврларда бўлиб ўтган тарихий воқеа ва ҳодисалар кўлами жуда кенг бўлганлиги сабабли биз

тарихимизни босқичларга бўлиб ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли ҳам инсоният ижтимоий ривожланиш тарихи асосан уч босқичга, яъни қадимги дунё тарихи (ибтидоий даврдан то эрамизнинг III-IV асрларгача булган давр), урта асрлар тарихи (Эрамизнинг IV асрларидан XVII асригача булган давр), Янги тарих (XVII асрдан XX аср II ярмигача булган тарихий давр), энг Янги тарих (XX аср II ярми ва шу кунлар воеа ва ходисаларини акс эттирувчи тарих).

Шуни айтиш керакки, бу тарихий босқичларда энг узок даврни қадимги Дуне тарихи эгаллайди ва унинг илмий изланиш манбалари асосан археологик топилмалар ва қисман ёзма манбалар бўлиб, олимларнинг ва археологларнинг илмий изланишларининг мунтазам давом этиши бу давр тарихига янги-янги маълумотлар, далиллар ҳадия қилиши эвазига бу давр тарихи туғрисидаги тасаввурлар ўзгариб бориши мумкин. Шунингдек, илмий изланишлар ва топилаётган тарихий ашёлар, кўл ёзмалар тахлили ўрта асрлари тарихи ҳамда ундан кейинги давр тарихи туғрисидаги тушунчаларимизни янада бойитиши ва балки қисман ўзгартириши мумкин.

Мусиқа фанларини ўқитишнинг тарих фани билан боғланиш даражасини қуидагида изохлаш мумкин.: Аввало тарих фанининг мусиқий фанлар билан умумий боғликлик жихатларига разм солиш лозим. Инсониятнинг ривожланиш тарихи ҳам мавжуд. Мусиқа маданияти эса, аввало шу халкнинг умумий маданияти таркибий қисмидир. Халклар маданияти эса унинг яшаш тарзи, турмуши ва кундалик ҳаётини акс эттиради. Халклар яшаш тарзи, турмуши ва кундалик ҳаёти маълум бир тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтган бўлиб, худди шундай босқичларни халклар маданияти, жумладан мусиқа маданияти ҳам босиб ўтган. Мана шу жиҳатдан ҳам тарих ва мусиқий фанлар бир-бири билан чамбарчас боғликдир<sup>107</sup>.

<sup>107</sup> Т.Е.Соломонова. Ўзбек мусиқаси тарихи. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 1981-йил. –Б 34.

Ўқувчиларга мусиқа фанини бошқа фанлар билан боғлаб олиб бориш муҳим ахамиятга эга еканлигини дарс олиб бориша сўхбат, хикоя методларидан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Дарсда фанларни бир-бирига боғлик ҳолда болаларга тушунча беришдан кўзланган мақсад, аввало шу мавзунинг мазмунини ўқувчилар тушуниб этишини осонлаштириш, уларга берилаётган тушунчалар кўламини кенгайтириш, қолаверса мусиқа ўқитувчисининг ҳам билим доираси кенгайишидир. Бу билан ҳам ўқитувчининг ва ҳам ўқувчи ёшларнинг тарихимизни тўлақонли ўрганишига эришамиз. Биз юқорида мусиқа маданияти дарсининг таркибий қисми бўлган мусиқа тинглаш фаолият турида тарихий далиллардан қандай фойдаланиш йўлларини бир мавзу (“Феъруз I”) мисолида кўриб чиқдик.

Вахоланки, бундай тарихий далиллардан ҳар бир мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда фойдаланиш дарс самарадорлигини ошириш учун хизмат қиласи. Бунинг учун ўқитувчи изланувчан бўлса, тарих ва тарихий асарларни кўпроқ ўқиб борса кифоя. Мусиқа маданияти дарсларининг мусиқа тинглаш фаолият туридан ташқари қўшиқ куйлаш турида ҳам тарих фани билан боғлиқлик мавжуд. Масалан: намунавий ўқув дастурида VII синф иккинчи ўқув чоррагида «она тилим ўзбек тилим» (Пўлат Мўмин шеъри Фарход Алимов мусиқаси) қўшиғи берилган.

Ушбу қўшиқни куйлашдан олдин қўшиқ мазмунини ўқувчиларга тушунтириш, ўзбек тилига бағишлиланган ушбу асар моҳияти, унинг давр тақазоси эканлиги, сабиқ тузум даврида ўз миллий тилимиз нихоятда чеклаб қўйилганлиги, яъни ўз миллий тилимизда давлат ахамиятига молик бўлган ҳужжатлар юритилмаганлиги, йиғилишлар ўтказилмаганлиги, идора ва ташкилотлар расмий тили рус тили бўлганлиги, рус тилини билмаганлар маданиятсиз саналганлиги хафтанинг бир куни фақат рус тилида сўзлашилганлиги, марказий шахарларда айрим оилар ўз

миллий тилида гаплашмай қўйганлиги, хатто давлат мадхиямиз ҳам европача услубда, рус халқига сажда қилиш руҳида ёзилганлиги, диссертациялар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар аввал рус тилида ёзилиб сўнг миллий тилимизга таржима қилганлиги тўғрисида рад қилиб бўлмайдиган далилларни ўқувчи ёшларга тушунтириш фақатгина 1989 йил октябр ойида ўзбек тилига «Давлат тили» мақоми берилганлиги, бу эса тилимизни хақорат ботқоғидан чиқариш учун қўйилган муҳим қадам бўлганлиги, эндиликда барча давлат ишлари, йиғилишлар, атамалар миллий тилимизда юритилаётганлиги, президентимиз бу ишга бош бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўқувчиларга тушунтириш мусиқа дарсларида тарихий далиллардан фойдаланиш, яъни мусиқий фанларни тарих фани билан боғлиқ холда ўқитишнинг яққол кўриниши бўлиб муҳим аҳамият касб етади.

## **Мусиқа машғулотларида замонавий интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари**

Абдурахимов Аъзам – ЖДПИ Мусиқий таълим  
кафедраси ўқитувчиси.

Янги замонавий педагогик техналогиялар барча фанлар қатори мусиқа фанларини ўқитиш ишига ҳам тадбиқ этилмоқда. Келажагимиз яратувчилари бўлган ёш авлодни хар томонлама етук ва баркамол шахслар бўлиб етишишига, бундай техналогиялар асосида таълим бериш илгариги иш услубларимизга қараганда прогрессив аҳамиятга эга.

Гарчи мусиқа фанларини ўқитиш кўпроқ амалий равища олиб борилсада, унда кўпроқ ўқитувчиларнинг амалий фоалиятига таянилсада, мусиқа фанларининг янги педагогик техналогиялар ва

интерфаол методларидан фойдаланиши мумкин бўлган фаолият турлари, назарий билимлари мавжуд.

Бугунги кунда инновациялардан муаммоли ва ахборотли маъруза, визуал ўқитиш (турли фан ўқитувчиларинг) кетма-кетликда бир мазву бўйича дарсларнинг ташкил этилиши ҳамда мажбурий конференцияларидан фойдаланиш тажрибаси асосида иш кўрилмоқда. Буни биз мусиқий фанлар билан кучли даражада боғлиқ фанлар жумласидан тарих, тил ва абадиёт ва жисмоний маъданият фанлари орқали амалга оширишимиз мумкин. Масалан тарих фани мавзуси Ўрта - Осиёда хонликлари даври (XVI-XIX асрлар) бўлса, мусиқий фанлар мавзусини ҳам хонликлар даври халқ мусиқалари ёки хонликлар даврида шашмақомнинг шаклланиши ёки ўзбек қўшиқчилик санъатида уч йўналишнинг пайдо бўлиши ва унинг Ўрта-Осиёда уч хонлик мавжуд бўлган даврга боғликлиги, шунингдек жисмоний тарбия дарсларида миллий спортиз тараққиёти, жумладан кураш спорти, қўпкари, дорбозлик, тош кўтариш, от пойгаси, қиз қувди каби спорт ўйинлари мавжуд бўлганлиги тўгрисидаги маълумотлар орқали ўқувчиларнинг тарих фанига доир билим ва малакаларини мустахкамлашга кўмаклашиши мумкин. Бунинг учун дарсларни режалаштириш жараёнида ушбу фандан дарс берувчи ўқитувчи мураббийларнинг хамкорлиги зарур бўлади.

Фаол таълим методларининг тадқиқотчилари И.Д.Зверев, М.И.Махмутов ва Ю.К. Бабанскийлар таълим методларини уч гурухга ажратдилар; оғзаки методлар, қўргазмали методлар ва амалий методлар бу методларнинг барча тури мусиқий таълимда кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги даврда таълим методлари хилма – хил услублардан таркиб топди, айни вақтда педагогикада қуйидаги фаол метод ва услублар кўпроқ қўлланилмоқда, жумладан,

- Микро таълим – ўқув материали бўлимларининг кичик қисмларини кетма-кетликда фаолиятга татбиқ этиш. Мазкур таълим тарафдорлари кўпқирралиқни, дарс кириш қисмининг муҳим

элементи сифатида тавсия этадилар. Бу методни мусиқа дарсларининг мусиқа саводи фаолият турида ва чолғу созлари ижро этиш ҳамда ритмик ҳаракатлар фаолият турларига тадбиқ этишимиз мумкин. Масалан: мусиқа саводи фаолият турида биз ноталар баландлиги мавзусини ўрганаётган бўлсак, аввал до нотаси, кейин *ре* нотаси, сўнгра *ми* нотаси, баландликларини кетма-кетликда ўрганиш; чолғу созлари чалиш фаолият турида эса ўрганилаётган асарнинг аввал 1 фразасини (4 такт), сўнгра 2 фразасини; мусиқали ритмик ҳаракат фаолияти турида эса, ўрганилаётган мусиқа асарининг аввал бир жумласи (8 такт), сўнгра 2 жумласига мусиқали рақс ҳаракатларини ўргатишимиш мумкин. Худди шундай, бу метод қўшиқ куйлаш фаолият турига ҳам тадбиқ қилиниши мумкин. Яъни қўшиқнинг аввал биринчи куплети, сўнгра иккинчи куплети алоҳида-алоҳида ўрганилиши ва улар кетма-кетликда амалга оширилиши мумкин..

- Таълим модул техналогияси (баённинг дидактик бир – бирига тескари) мусиқа дарсини ташкил қилишда қўлланилмаган мусиқий фаолият турлари (мусиқа тинглаш, ашулла айтиш, чолғу созларини чалиш, мусиқали ритмик ҳаракатлар бажариш, мусиқа саводи ва бошқалар) нинг бир мавзуга йўналтирилиши дидактик бирлик ҳисобланади. Бу метод мусиқа машгулотлари ва дарсларида мувофақият билан қўлланилиб келмоқда. Шунингдек, мусиқа дарсларида ўқувчилар билимини таҳлил қилиш учун тест саволлари тузилиб, синовлар ўтказилмоқда.

- Мавзулар мазмунига мувофик билимларни мажмуалаш – (биринчи дарс ахборатли, иккинчи дарс муаммоли, учинчи дарс амалий, тўртинчи дарс мустаҳкамлаш) бу метод ҳам мусиқа дарсларини режалаштириш жараёнида ўз аксини топиб, йиллик мавзу асосида режалаштирилган чораклик мавзуларини ёритишида қўлланилади.

- Илгор воситалар ёрдамида ўқув матнларини қисмларга бўлиб ўрганиш – муайян кетма-кетликда ва узлуксиз равишда. Бу метод ҳам мусиқа дарсларини режалаштириш жараёнида ҳисобга

олинади ва йил бўйича ўтилган дарслар, аввало ўтилган оралиқ мавзуларни ҳамда шу орқали йиллик мавзуларни ўзлаштиришга қаратилган.

- Ишбилиармонлик ўйинларини қўллаш – (Мисол учун: “Лабиринт”, “муаммолар майдони” ва бошкалар). Бу метод мусиқа дарсларида мусиқали топишмоқлар шаклида қўлланилади.

- Муҳокамали таълим методлари (ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар ҳажмини аниқлаш – муаммолар тахлили, фанлараро алоқаларни ўрганиш, муаммоларни мустақил ҳал этишга тайёрлаш) - бу метод мусиқа дарсларининг мусиқа тинглаш фаолият турида қўллаш учун мос келади масалан: Шоир Алишер Навоий, ёки Бобур Мирзо ғазаллари асосида куйланган мумтоз ашулалар, ёки мақомлар тинглаш учун берилган бўлса асар тўғрисида тушунча беришдан олдин унинг муаллифлари, яъни шеърий матн муаллифи ва мусиқа басталаган бастакор тўғрисида тушунча бериш лозим. Шундай экан Алишер Навоий ёки Бобур ижоди тўғрисидаги ўқувчиларнинг адабиёт, тарих фанларидан олган билимларини синаш ва мустаҳкамлаш мақсадида юқорида номлари кўрсатилган ёки бошқа муаллифлар хаёти ва ижодига оид саволлар оғзаки карточкалар шаклида ёки тест шаклида ўқувчиларга тарқатилиб, берилган жавоблар орқали ўқувчилар билимини аниқлаш мумкин, лекин, шуни айтиш керакки, мусиқа тинглаш фаолият тури учун ажратилган 5-7 минут вақт мусиқа асрини тинглаш асар муаллифлари, асар мазмuni тўғрисида ўқувчиларга тушунча бериш учун етарли эмас. Агар дарсда савол карточкалари тест саволлари орқали болалар билимини оширмоқчи ёки синаб кўрмоқчи бўлсак бунинг учун ажратилган вақтни ўзлаштириш зарур бўлади.

- Мавжуд муаммоларни ҳал этувчи вазиятли тахлил (“вазият тасвир”, “вазият баҳо”, “вазият муаммо”, “вазият машқ”) методи. Ушбу метод дарс жараёнида бажариладиган барча ишларни вазиятга кўра танлаш лозимлигини билдиради, яъни мазмуннинг моҳиятини яратиш зарурияти дарс жараёнида турли вазиятларни

пайдо қилади ва шундан келиб чиқсан ҳолда ўқувчиларга вазиятга кўра тасвир (расмлар, фотосуратлар, ўкув фильмлари, видеолавҳалар, деофильмлар, мультфильмлар намойиш қилиниши ёки вазиятга кўра ўкув мавзуси бўйича ўзлаштиришга баҳо бериш, мавзуни болалар яхши идрок этишлари учун турли муаммоларни ўртага суриш, шунингдек, кўзланган натижаларга эришиш учун мавзунинг асосий ёки ёрдамчи қисмларини ўзлаштириш учун қайта-қайта тақорорлаш, машқ қилиш тушунилади).

- Педагогик тренинг\_(тез ўқитиш ва ёзиш, машқ, фикрлаш техникаси, графикаси, мимикаси, тақлид ва фонатомика услубларини эгаллаш) методи. Бу метод ҳар бир ўқитувчининг педагогик маҳоратини, дарс жараёнида юксак фазилатларини намойиш қила олишини билдиради. Мусиқа фани ўқитувчилари ўқиш ва ёзишдан ташқари юксак ижрочилик қобилияtlарини намойиш қила олиши зарур, шунингдек, бу метод ўқувчиларда ҳам тез ёзиш, тез ўқиш график ва жадвалларни тез чизиш, мусиқа дарсларида ноталарни тез ёзиш малакаларини шакллантиришни билдиради.

- Ўқувчилар фаолиятини рейтинг баҳолаш\_ – Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларни рейтинг баҳолаш жараёнида уларнинг барча мусиқий фаолият турларидан ўзлаштиришлари назарда тутилади. Чунки баъзи ўқувчилар айrim фаолият турлари бўйича ўз иқтидорларини намойиш қилишсада, бошқа фаолият турлари бўйича орқада қолишлари, айrimлари эса унинг аксини кўрсатиши мумкин. Рейтинг баҳолаш эса холис бўлиши лозим.

- Педагогик квалиметрия\_(ўқувчиларни ЭҲМ воситасида тестдан ўтқазиши) мусиқа фанини ўқитишда тест синовлари асосан чораклар, ярим йиллик ва ўкув йили охирида ўтқазилади. Тест саволлари мусиқа саводи, мусиқа адабиёти ва мусиқа тарихи бўйича ўкув йили давомида ўқитилган билимлар кўлами бўйича тузилиб, бундан ташкарига чиқмаслиги лозим, яъни мусиқа тинглаш кўшиқ қуйлаш, мусиқа саводи каби фаолият турлари бўйича ўқувчиларнинг олган назарий билимлари асосида саволлар

тузилади. Шуни айтиш керакки тест саволлари ва уларга бериладиган жавобларнинг мураккаблик даражаси синфлар оша оддийдан мураккабга томон принципи асосида бўлиши лозим. Саволлар ҳажми эса, ўқув материали ҳажмига кўра бўлиб, тузилган саволларнинг жами ўқув материали кўламини тўлиқ ёритиши мухим аҳамият касб етади.

## **Yoshlarni davlat siyosatining faol sub'ektiga aylantirishning dolzarbliji**

*Isaxonova F.*

*JDPI 3-bosqich talabasi*

Mamlakatimizda asosiy ijtimoiy demografik ahamiyat kasb etuvchi yoshlarni davlat siyosatining faol sub'ektiga aylantirish masalasi ustivor vazifa hisoblanadi. Yoshlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish har qanday davlat oldida turgan eng ustivor vazifalardan biridir. O‘zbekistonda yoshlarning huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirish, ular o‘z huquq va erkinlarini anglab etishida huquqiy tarbiyaning o‘rni kattadir. Yoshlarni huquqiy tarbiyalash, jamiyatimizning ijtimoiy qadriyati sifatida unga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirish muhim vazifadir.

Haqiqatdan ham yoshlarni jismoniy barkamolligi bilan bir qatorda ma’naviy sog‘lom, komil insonlar qilib tarbiyalash har doim dolzarb hisoblanadi. Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasida yoshlarga oid siyosatning konstitutsiyaviy asoslari mamlakat yoshlarining huquq va erkinliklarini ta’minlab berishni ko‘zda tutadi.

Hozirgi kunda fan-texnika rivoji axborot kommunikatsiya-texnologiyalarining taraqqiy etishi bilan bir qatorda axborot almashinuv jarayonlari tezlashib bormoqda. Bundan tashqari, Bugungi murakkab globallashuv davrida ma’naviyat sohasida vujudga kelayotgan dolzarb muammolar, xalqimizning, ayniqsa, yoshlarimiz ma’naviyatini asrash va yuksaltirish, yosh avlodning qalbi va ongini

turli zararli g‘oya va mafkuralar ta’siridan saqlash va himoya qilish masalalariga alohida e’tibor qaratilgan.

Hozirgi kunda ma’naviy va ahloqiy qadriyatlargacha sodiq, bilimli, samarali mehnat qilishga qodir fuqarolar, ayniqsa, yoshlar jamiyatning eng asosiy kuchiga aylanib bormoqda. Shuning uchun ham XXI asr-intellektual bilimlar asrida inson kapitaliga investitsiyalar yo‘naltirishni ustivor vazifa sifatida tanlagan mamlakatlardagina yuksak taraqqiyotga erishish mumkin. Shu bilan birgalikda, bilimli jamiyatgina tahdid va muammolarni engib o‘tishga qodir bo‘ladi. Shu tufayli ham mustaqillik yillarida O‘zbekistonda zamonaviy ta’lim tizimini shakllantirish va yuksak malakali kadrlarni tayyorlash ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy taraqqiyotning asosiy omiliga aylandi.

Yoshlar ijtimoiy-siyosiy faolligining yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda muhim omil sifatidagi o‘rnini va ahamiyatini tahlil etish dolzarbdir. Eng avvalo, unga oid bo‘lgan ilmiy kategoriyalarni o‘rganish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Xususan, bunda “faollik”, “siyosiy faollik”, “ijtimoiy-siyosiy faollik”, “huquqiy faollik”, kabi siyosiy-huquqiy kategoriyalarning mazmun va mohiyatini hamda ular o‘rtasidagi o‘zaro aloqadorlik masalalarini o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi.

“Ijtimoiy-siyosiy faollik” tushunchasini tadqiq etishda uning asosiy birikmasi hisoblangan “faollik” atamasini tahlil qilish lozim bo‘ladi. “Faollik” tushunchasi shu darajada keng mazmun kasb etganki, ayrim hollarda undan foydalanish izoh talab etadi. Bundan tashqari, “faol” atamasi harakatchan, serg‘ayrat, rivojlanuvchi degan ma’nolarni anglatadi.

“Faollik” tushunchasi asosan “faoliyat” tushunchasining sinonimi sifatida ham qo‘llaniladi. Insонning faolligi atrof muhitni o‘z ehtiyojlari, qarashlari, maqsadlariga muvofiq o‘zgartirish qobiliyati sifatida alohida mazmun-mohiyat kasb etadi. Tegishli adabiyotlarda shaxs faolligining bir qator belgilar bo‘yicha farqlanishi haqida so‘z boradi.

Bu boradagi yondashuvlarni umumlashtirgan holda faollikning quyidagi shakllarini ko‘rsatib o‘tish mumkin:

“faollik” va “faoliyat” tushunchalarining mohiyatan yagonaligidan dalolat beruvchi faoliyat shakli sifatidagi faollik;

insonda o‘z ichki munosabati vujudga kelgan, uning individual tajribasi aks etgan faoliyat sifatidagi faollik; atrof muhitni o‘zgartirishga qaratilgan faoliyat sifatidagi faollik;

shaxsiy ahamiyatga molik faoliyat: insonning o‘z shaxsiyatini namoyon etish ko‘rinishidagi faolligi hamda o‘zini qurshagan muhit bilan o‘zaro ta’sirga kirishish mahsuli sifatidagi faollik.<sup>1</sup>

Bundan tashqari, iqtisodiy faollik, g‘oyaviy faollik, madaniy faollik kabi tushunchalari mavjudligini o‘zi uning yo‘nalishlari, sohalari xilma xil ekanligini bildiradi. Faollik sohalari insonlar, shaxslar yoki muayyan ijtimoiy guruh qatlamlar faoliyati bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, ajralib qolmagan. Faollik ana shu ijtimoiy qatlamlar, xususan yoshlar ongi, dunyoqarashi, xulq-atvori, hayotiy maqsad va intilishi ularning milliy g‘oyaviy qiyofalari bilan bog‘liq holda amalga oshadi.

Shunda yoshlar faolligi, faol yoshlar, yoshlarning ijtimoiy faolligi, siyosiy faol yoshlar atamasi ishlatiladi. Faollik muayyan ijtimoiy guruh yoki qatlamning jamiyat va davlat, ishlariga munosabati, unga to‘g‘ri yondashuvi, mas’uliyat hissi, fuqarolik tuyg‘usi sifatida namoyon bo‘ladi. Faollik ayni paytda o‘zlikni anglashni ham ifodalaydi. A.Saitkosimovning ta’kidlashicha, “Inson ijtimoiy munosabatlarning asosiy o‘zagi bo‘lib, u ijtimoiy sohaning asosiy ob’ekti hisoblanadi, u ijtimoiy munosabatlarda faol ishtirok etadi, ijtimoiy manfaatlarga ega bo‘ladi”<sup>2</sup>.

Mazkur soha har bir kishiga o‘z iste’dodi va imkoniyatlarini namoyon etish uchun zamin yaratadi, shu tariqa tashabbuskor, omilkor, mustaqil faoliyat yurita oladigan, o‘z oldiga qo‘ygan maqsadlariga erishishga qodir insonlar toifasini shakllantirishga xizmat qiladi. Shu

<sup>1</sup> Qarang. Ануфриев В.В. Социальный статус и активность личности. - М.: Изд-во МГУ, 1994.- С.36.

<sup>2</sup> Сайтқосимов А. Фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш қонуниятлари. Тошкент, “Тафаккур”, 2019. -Б. 189.

bilan birgalikda, O‘zbekistonda bozor munosabatlarining iqtisodiyotda chuqurlashib borishi jarayonida yoshlarni tadbirkorlik faoliyatiga jalb etish orqali yoshlarni ish Bilan ta’minlashga erishish mumkin bo‘ladi. Komil insonni tarbiyalashda jismoniy jihatdan baquvvatlik bilan birga ma’naviy etuklik ham muhim hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, yoshlarni ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, jamiyat ijtimoiy-siyosiy hayotidagi ishtirokini ta’minlashga qaratilgan ishlar va olib borilayotgan chora-tadbirlar O‘zbekiston yoshlarining kelajakda yuksak malakali, ma’naviy va ahloqiy etuk, o‘z Vatani uchun vijdonan xizmat qilishga qodir bo‘lgan fuqarolar sifatida shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

## **Kasbiy pedagogik bilimlar shakllanishida “musiqiy ta’lim metodikasi” kursining o‘rni**

Sunnat Raimjonov

JDPI katta o‘qituvchisi

O‘qituvchini tayyorlash muammosi hozirgi zamonaviy pedagogik va psixologik fanning markaziy masalalaridan biri hisoblanadi. O‘quv jarayoni, ta’lim uslublari va yoshlar tarbiyasini takomillashtirish ko‘p darajada o‘qituvchilarning tayyorgarlik va qayta tayyorgarlik darajasiga bog‘liq. Faqatgina o‘qituvchilarning tayyorgarlik va qayta tayyorgarlik darajasini doimiy ko‘tarish bilan mакtabdagi ta’lim-tarbiya jarayonini takomillashtirish mumkin. O‘qituvchining kasbiy tayyorgarligi mutaxassislarni tayyorlashning boshqa hamma turlari kabi pedagogik faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan pedagog shaxsining shakllanishi, bilimlar, mahorat va ko‘nikmalar olishni o‘z ichiga oladi.

M.A.Kudoykulov o‘qituvchi faoliyatining uch turga ajratadi: umumpedagogik, kasbiy-pedagogik, kasbiy-uslubiy<sup>108</sup>.

O‘qituvchining kasbiy va pedagogik mahorati deganda ustuvor ijtimoiy-siyosiy, umumilliy, maxsus, psixologik-pedagogik va kasbiy-metodik bilim va ko‘nikmalar tizimi asosida olingan kasbiy faoliyatini amalga oshirish qobiliyati tushuniladi. Kasbiy-uslubiy mahoratlar-bu mavjud psixopedagogik va uslubiy bilimlar asosida fan o‘qituvchisining vazifalarini bajarish qobiliyati. SHu tariqa, pedagog tayyorgarlikning ikkita turiga ega bo‘ladi: kasbiy va malakaviy. SHuning uchun o‘qituvchini odilona tarzda kasbi bo‘yicha – pedagog, malakasi bo‘yicha – o‘qitayotgan faniga muvofiq (matematik, fizik, biolog va h.k.) fan o‘qituvchisi deyishadi.

Bo‘lajak pedagoglar tayyorgarligi barcha jihatlari, uning ijodiy bilimlari va amaliy mahoratlari tabiatini va yo‘nalganligidan, uning kasbiy moslashuvi va pedagogik mahorat asoslarini o‘zlashtirish jarayoni qanchalik tez yakunlanishiga, natijada mакtab ta’lim-tarbiya ishining samaradorligiga bog‘liq bo‘ladi.

A.I.Piskunov bir tomonli nuqtai nazar mavjudligiga e’tibor beradi, unga ko‘ra “pedagogika ayrim metodikalarga xuddi parallel chiqadi: metodika fan o‘qituvchisiga sinf va sinfdan tashqari mashg‘ulotlarni o‘tkazish uchun zarur bo‘lgan bilim va ko‘nikmalar bilan talabani qurollantiradi, pedagogika esa –o‘quvchilar bilan maktabdan tashqari tarbiyaviy ishlarni o‘tkazish uchun kerak bo‘lgan bilim va ko‘nikmalar bilan qurollantiradi”

Eng asosiysi pedagogning bilimlari bo‘lajak o‘qituvchilar fikrlashining pedagogik yo‘nalganligini shakllanishini ta’minlaydi, ularsiz haqiqatdan ham ijodiy va o‘z navbatida maktabda maksimal samarali pedagogik faoliyat amalga oshirish mumkin emas.

Musiqa va ashula o‘qituvchisining pedagogik-psixologik tayyorgarligi butun o‘quv-tarbiyaviy jarayonning kasbiy-pedagogik

---

<sup>108</sup> Kudaykulov M.A. Didaktik muammolar: bo‘lajak o‘qituvchida kasbiy-metodik mahoratlar asoslar shakllanishi: pedagogika fanlari doktori dissertatsiyasi avtoreferati. -Kiev, 1987. 49 b.

yo‘nalganligini ta’minlaydi. Aynan oliv ta’lim muassasasida pedagogik-psixologik sikl fanlarini o‘rganish jarayonida talabalarda pedagogikaning metodologik asoslari va toifalarini bilish, pedagogik ish bilan qiziqish, pedagogik-psixologik hushyorlik va kuzatuvchanlik, pedagogik odob, pedagogik tassavur, tashkilotchilik qobiliyatları, kirishimlilik, talabchanlik, qat’iyat, sobitqadamlilik, vazminlik shakllanadi.

Garchi musiqiy qobiliyatlarni rivojlantirish yagona jarayon sifatida amalga oshirilsa ham, ularning har birini alohida konkret musiqiy materialda shakllanish ketma-ketligini ko‘rib chiqish zarur:

- Tovushni rivojlantirish ketma-ketligi–baland eshitish va uyg‘unlik hissi. Asarlarni eshitish jarayonida registrlarning ifodali mohiyatini idrok qilish;

- ritm hissini rivojlantirish ketma-ketligi. Musiqadagi metrik bo‘laklar tekis oqishini o‘zlashtirish va takrorlash (musiqa ostida harakat jarayonida, eng sodda musiqa asboblarida chalish);

- musiqiy shakl hissining izchil rivojlanishi (butunlik hissi). (Bu erda shaklning hissideganda, elementar musiqiy tuzilmalar, ekspressivlik vositalari,

- qismlarning yaxlit tarkibga bo‘ysunishi va ularning ekspressiv mohiyati to‘g‘risida musiqiy-eshitish g‘oyalarini kompleks shakllantirish tushuniladi.)

Bolalar e’tiborini qo‘sishlardagi musiqiy til elementlarini rivojlantirishga; bunda eng sodda harakatlarni, ritmik, notali yozuvlarni bolalar musiqiy asboblarda o‘ynashni qo‘llashga urg‘u beriladi.

Bolalarda musiqa ostida harakatlar orqali jumlalar, gaplarga musiqiy davrni bo‘lishni his qilishini kuchaytirish, bolalar musiqiy asboblaridagi o‘yinli qo‘sishlar, pesalar bilan jo‘r qilish (masalan, ritmiy to‘xtash yoki ular boshlanishini ta’kidlash yordamida jumlalarning yakunlanganligini qayd qilish).

Bolalar va o‘qituvchi bilan birgalikda p’esalarni eshitish uchun qo‘sishlarning ifodali ijrosi ustidagi ish jarayonida hissiyotni kuchaytirish mumkin.

Asarlar mavzusini yaxshiroq tushunishga, his qilishga va asosiy g‘oyani tushunishga ko‘maklashuvchi uslublar mavjud:

- musiqa rivojlanishning asosiy prinsiplari haqida tasavvurlar shakllanishi (takrorlanuvchanlik, variantivlik, zidlik) va ularning ma’noviy yuklanmasi, qo‘shiqlar ijrosi ustida ishlash jarayonida musiqiy ifodalilik vositalari va asarlarni tinglash haqida tasavvurlar shakllanishi;

- intonatsiya haqida tasavvurlar shakllanishi, uning kelgusidagi musiqiy idrok qilishida uning muhim roli haqida, intonatsiyaning ifodali va tasviriy mazmuni haqida, emotsiyal-semantik tarkib va uning timsoliy vositalari birligi sifatida intonatsiya haqida tasavvurlar shakllanishi;

- musiqiy fikrni bayon etish kabi mavzu haqida tasavvurlar shakllanishi (tanish qo‘shiq mavzusiga musiqiy asboblar uchun variatsiyalar bajarish misolida);

- musiqa vositalari yordamida hayotiy hodisalarni aks ettirish sifatida musiqiy obraz haqida tasavvurlar shakllanishi (masalan, yumorning – halq qo‘shiqlarida).

Musiqiyl asar tuzilishining tiplari, ularning ma’no yuklanmasi haqida tasavvurlar shakllanishi:

a) bitta musiqiy fikrni bayon etish, bitta obrazni ko‘rsatishni ifodalovchi bir qisqli shakl (masalan, F.Nazarovning “Paxtaoy” qo‘shig‘i);

b) turli obrazlarni solishtirish vositasi (to‘ldiruvchi va zidlovchi); “ish nima bila tugaganligini” bildiruvchi ikkinchi qismning ma’no ustunligi sifatida (masalan, B.Umidjonovning “Oqshomda” pesasi) oddiy ikki qisqli shakl;

v) chetki qismlarning oddiy uch qisqli shakli, ma’no ustunligi, birinchi qism obrazining uchinchi tasdiqlanishi (masalan, L.Betxovenning “Xursand, G‘amgin” pesasi);

g) kuplet shakli ko‘p martali shakl sifatida, bir qisqli va ikki qisqli musiqiy tuzilishning takrorlanishi; qo‘shiq repertuarini yod olish va ifodali ijro etish, xor jamoalari chiqishlari yozuvlarini eshitish jarayonida shaklning o‘zlashtirilishi;

d) rondo, refrenning ma’no yuklanmasi, rondodagi kontrast prinsipi; quyidagi asarlar misolida rondo shaklining ifodali imkoniyatlarini ochish;

e) variatsion shakl, variatsiyalash mavzuni o‘zgartirish uslubi sifatida: xarakter, janrni o‘zgartirish.

Shu tariqa musiqa bo‘lajak musiqa o‘qituvchilariga bolalar musiqiy qobiliyatlarini shakllantiruvchi, bolalar musiqiy asarlari va qo‘shiqlarini yaxshiroq tushunish uchun ko‘maklashadi, qat’iy mantiqiy aloqalar shakllanishi uchun sharoitlar yaratadi. Musiqiy asarlarni ijro etish bosqichlarida mantiqiy aloqalar bo‘lajak musiqa o‘qituvchilarining ijodiy musiqiy qibiliyatlarini takomillashtiradi, bu esa musiqiy ijro jarayonida zamonaviy kompyuter vositalarini qo‘llash imkonini beradi.

## **Туркистон ўлкаси саноатида виночиликнинг даврий тадқиқотларда акс эттирилиши**

У.С.Тўпчиев, Жиззах ДПИ ўқитувчisi

Туркистон ўлкаси саноатининг муҳим тармоқларидан бири бўлган виночиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши каби масалалар кўрилаётган даврда яшаб ижод қилган бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Буларга Россия империяси ҳукмронлиги даврида яшаб ижод қилган А.И.Шахназаров, М.В.Лавров, В.Юферевлар тадқиқотлари, шунингдек А.Регель, И.Стекольников, Вербов, Д.А.Пулло, М.И.Вирский, С.Григорьев, И.Танатар, М.Невесский ва В.Комаровларнинг даврий нашрларда чоп этилган мақолаларини мисол келтиришимиз мумкин. Ушбу муаллифларнинг тадқиқотларида ва даврий нашрларда чоп этилган мавзуга оид мақолаларда ҳамда архив фондларида сақланаётган материалларда XIX аср охирларидан бошлаб ўлкада вино ишлаб чиқарувчи заводларнинг вужудга келиши, вино тайёрлаш ва уларнинг турлари, ўлка ички бозорларида узум ва вино маҳсулотларининг нарх-наволари, шунингдек узум ва вино

маҳсулотларини чет мамлакатларга экспорт қилиш каби масалаларга оид дикқатга сазовор маълумотлар қайд этилган.

Туркистон ўлкасида узумдан тайёрланадиган шароб, мусаллас каби ичимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қадимдан мавжуд бўлган. Аммо, ўрта асрларга келиб, айниқса хонликлар даврида ушбу маҳсулотларни истемол қилиш ислом дини шариат қоидаларига кўра қатъий тақиқланган. Шундай бўлсада, ўлкада XIX аср охирларидан аста секин қишлоқ хўжалигида узумчиликка эътибор кучайиб, унинг асосида саноатда узумдан вино ва спирт каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошланган.

Виночилик саноати вужудга келтирилган дастлабки даврларда Самарқанд ва ўлканинг бошқа вилоятларида бу соҳа жуда суст ривожланган. Бу ҳақида “Туркестанские ведомости” газетасининг 1895 йилдаги 84-сонида шундай келтирилади: “Ўлкада виночиликни муваффақиятли ривожлантириш учун биринчи шарт-винони сотиш учун янги бозорларни очишидир... Туркистон винолари рақобатга учрамайдиган ана шундай бозор Шарқий ва Фарбий Сибир бўлиши керак. Туркистоннинг бош шахри Буюк Сибир темир йўли билан рельслар орқали боғланса, ўшанда шимол ва жануб маҳсулотларини қизғин айрибошлиш бошланади, ўшанда айни Туркистон ўлкаси барча ортиқча вино ва узумини катта манфаат билан Сибирга жўнатади... Сибирга ўн минг челаклаб эмас, балки миллионлаб челак вино жўнатиш мумкин ва ўшанда Туркистонда виночилик энг кенг миқёслар касб этиши мумкин<sup>109</sup>. Дарҳақиқат, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун албатта биринчи навбатта бу соҳанинг етакчи мутахассиси бўлиш, шунингдек унинг учун қулай шарт-шароит, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш учун ички ва ташқи бозор керак бўлади.

Юқоридаги мақола муаллифининг фикрларини Н.М.Вирский ҳам тасдиқлаб: “Маҳаллий шароитлар виночилик учун шунчалик қулайки, фақат бу соҳа ўзининг ишончли тадбиркорларини кутмоқда: бу ерда улар хизматларига у ёки бу даражада тажрибага

<sup>109</sup> Юсупов Х.С, Акчурин Р.К, Ташкенбоев А.Х. Суғдиёна ноз-незматлари. Самарқанд. 2001, Б.9.

эга бўлган боғбонлар, узумнинг катта захиралари ҳамда катта миқдорда шакари бўлган сершарбат Кишиши, Шивилғони, Вассарга, Султони, Ҳусайнни ва бошқа узум навлари борки, улар юқори навли ликёри винолар ва айниқса конъяк ишлаб чиқариш учун барча зарур шароитларни яратади; бироқ уларни ишлаб чиқариш учун сармоя ва бу ишларнинг мутахассислари керак, бу ерда эса у ҳам, бу ҳам йўқ... Уч-тўрт вино иши устасининг мавжудлиги эса ўз маблағларининг чекланганлиги туфайли виночиликни кенг миқёсда ривожлантириш имкониятига эга эмас”<sup>110</sup> - дея таъкидлайди.

Муаллифлардан А.И.Шахназаров, Н.А.Маев, А.И.Добросмыслов, В.В.Заорская, К.А.Александер, А.Регель, И.Стекольников, Вербов, Д.А.Пулло, К.А.Тимаев, И.Слуцкий ва С.Григорьевларнинг тадқиқотларида ўрганилаётган даврда ўлкада виночилик саноатининг вужудга келиши, вино тайёрловчи заводлар фаолияти, вино тайёрлаш ва уларнинг турлари каби масалалар ўрин олган. Жумладан А.И.Шахназаров, Н.А.Маев каби муаллифлар тадқиқотларида қайд этилишича, Самарқандда виночилик билан Филатов, Проховский, Толочинов, Тошкентда эса Платон Шевченко, инженер технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоковлар шуғулланишган. Шунингдек, мазкур муаллифларнинг тадқиқотларида келтирилишича, ўлкада узумчилик ва виночилик соҳасида фаолият юритган мутахассислардан Н.И.Иванов, И.И.Первушин, А.Л.Филатов ва Р.С.Проховскийларнинг номлари тилга олинади.

Шунингдек, ушбу муаллиф вино заводларнинг ишлаб чиқариш қувватлари хусусида ҳам тўхталиб, Самарқандда Филатовнинг вино заводида йилига 10-15 минг челак, Проховский заводида 6 000 челак, Толочинов заводида 4 000 челак; Тошкентда Платон Шевченко, инженер-технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоков

<sup>110</sup> Ўша жойда, Б.9-10.

заводларида ўртача 10 000 челак, Фарғонада мавжуд заводларда эса 10-11 минг челик вино тайёрланганлигини таъкидлаб ўтади<sup>111</sup>.

Шунингдек, мазкур тадқиқот ва мақолаларда ўлка ички бозорларида вино маҳсулотларининг нарх-наволари, вино маҳсулотлари экспорти, вино маҳсулотларининг ўлка аҳолиси ҳамда мустамлака ҳукумат иқтисодий ҳаётида тутган ўрни каби масалалар ҳам қайд этилган. Жумладан, мазкур давр тадқиқотчиларидан бири А.И.Шахназаровнинг берган маълумотларига кўра, вино ва вино маҳсулотларининг ўлка бозорларидаги нарх-навоси ҳам талаб ва сифатига қараб турлича бўлган. Масалан, Тошкентда қизил ва оқ виноларнинг бир челаги 2 рубль 15 копеекдан 5 рублгача, бошқа турдаги винонинг бир челаги 8-12 рубль, хуштаъм винонинг бир челаги 16-18 рубль бўлган. Фарғонада винонинг паст навларининг бир челаги 3-4 ва юқори навлари эса 10 рублгача бўлган. Марғилонда узумнинг Буваки навидан тайёрланган паст навли винонинг бир шишаси 20-35, Самарқандда қуввати паст винонинг бир шишаси 30, ўртача қувватдаги винонинг бир шишаси 50-60 ва юқори қувватли винонинг бир шишаси 80 копеекдан-1 рубль 20 копеекгacha бўлганлиги таъкидланади<sup>112</sup>.

Ушбу ўринда, муаллифнинг келтирган маълумотларида ўлканинг Самарқанд ва Фарғона вилоятларига нисбатан Тошкентда винонинг нархининг баландлигини ушбу маҳсулотнинг истеъмолчилари сони ва уларнинг талаб эҳтиёжлари билан боғлиқ дейишимиз мумкин, зеро, кўрилаётган даврда ўлканинг асосан Тошкент шаҳрида қўпроқ русийзабон аҳоли истиқомат қилган ва улар томонидан спиртли ичимликларга қўпроқ эҳтиёж бўлган.

Бундан ташқари, Е.А.Глушенко, Мусоғир, М.В.Лавров, А.Губаревич-Радобылскийлар тадқиқотларда ўлкада ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари ички бозорлардан ташқари, четга ҳам экспорт қилинганлигини таъкидлаб ўтишган. Хусусан, ўлкада

<sup>111</sup> Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.–СПб.1908.–С.288-289.

<sup>112</sup> Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.– Санкт-Петербург, 1908.–С.295.

ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари Каспий орти вилояти орқали Астраханга ва унда Россиянинг ички вилоятлари, шунингдек, Сибир ҳудудларида ярмаркаларга олиб чиқиб сотилган. Масалан, Россияга чиқарилган узум ва вино маҳсулотлари ҳажми 1888-йилда 70 597 пудни ташкил этган бўлса, кейинги беш йил мобайнида бу кўрсаткич беш маротаба ошиб, 1892-1893 йилларда 451 018 пудни ташкил этган<sup>113</sup>.

Муаллифларнинг тадқиқотларида ва даврий нашрларда чоп этилган мақолаларида ўлкада фаолиятда бўлган вино заводларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг йиллик айланма маблағ миқдори ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар қайд этилган. Хусусан, ўлкада фаолият кўрсатаётган вино заводларининг йиллик пул айланмаси ўртacha 1 237 857 рублни ташкил этган. Ушбу кўрсаткични вилоят, шаҳар ва уездлар бўйича тақсимотини қўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагида қўриниш ҳосил қиласди: Самарқанд шахрида 8 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси 741 157 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 59 900 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 92 613 рубль; Самарқанд уездидаги 12 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 273 775 рубль, ишлаб чиқариш қуввати эса 22 100 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 22 815 рубль; Самарқанд шаҳар ва уезди бўйича жами 20 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 1 014 932 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 82 000 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 50 747 рубль; Каттақўрғон шахрида 2 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси 5 100 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 400 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 2 550 рубль; Каттақўрғон уездидаги 1 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси ўртacha 8 500 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 700 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртacha 8 500 рубль; Каттақўрғон шаҳар ва уезди бўйича жами 3 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 13 600 рубль,

---

<sup>113</sup> Глущенко Е.А.Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. Москва. Центрполиграф. 2010. – С.234.

ишлаб чиқариш қуввати 1 100 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртача 4 533 рубль; Хўжанд уездиде 1 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси 12 000 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 1 000 челак, заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртача 12 000 рубль, Самарқанд вилояти бўйича жами 24 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 1 040 532 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 84 100 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртача 43 355 рублни ташкил этган<sup>114</sup>.

Юқорида келтирилган мавзуга оид тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб, қуидаги хуносаларга келишимиз мумкин:

- мазкур тадқиқотларда кўрилаётган даврда Туркистон ўлкасида виночилик саноатининг вужудга келиши, шунингдек саноатда виночилик соҳаси ривожланишдаги ўзига хос хусусиятлар, бу соҳадаги модернизация жараёнлари бутун мураккаблигича ҳар томонлама комплекс тарзда тадқиқот объекти сифатида қамраб олинмаган;

- ушбу тадқиқотларда Туркистон ўлкасида виночилик масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмаган бўлсада, уларда ўлка иқтисодий ҳаёти ёки қишлоқ хўжалигининг ахволи масалалари доирасида қисман мавзунинг айrim жиҳатлари ёритиб ўтилган;

- шундай бўлсада, мазкур муаллифларнинг тадқиқотлари кўрилаётган даврда ўлка сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли томонлари ҳақидаги билимларимизни оширишда, шунингдек Россия империясининг ўлкада олиб борган мустамлака сиёсати ва унинг хусусиятларини тушуниш ва фикр юритишимизда биз учун назарий методологик асос вазифасини ўтайди.

### **Musiqa darslarini jismoniy harakatlar uyg'unligida tashkil etishning o'ziga xos uslublari.**

Karimov Saxob.

---

<sup>114</sup> Заорская В.В., Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края.-Петроград, 1915.-С.340.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabr Oliy Majlisga yo'llagan Murojatnomasida kirib kelayotgan 2021-yilga mamlakatimizda «Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili» deb nom berishni taklif etgan edi. Yil nomidan kelib chiqqan holda kelgusi yilda 70ta jismoniy tarbiya va sport muassasasi, 16mingta bog'cha va maktablar sport jihozlari bilan ta'minlanishi, barcha tuman markazlari va shaxarlarda mahsus piyodalar va velosiped yo'laklari barpo etilishi shuningdek, tibbiyot sohasida ham bir qancha ustuvor vazifalarga alohida e'tibor qaratilishi aytib o'tildi.

Ta'lim sifatini tubdan yaxshilashimiz lozimligi ham prezentimiz tomonidan alohida ta'kidlab o'tildi. Bundan kelib chiqadiki biz pedagoglar oldida kelgusida katta vazifalar turibdi. Shunday ekan Musiqa darslarini jismoniy harakatlar uyg'unligida tashkil etishning o'ziga hos uslublarini ishlab chiqishni davr taqozo etmoqda. Bu esa musiqa darslarini yanada mazmunli bo'lishida uning sifat va samaradorligini oshirishda muhim omil bo'lib hisoblanadi.

Umumta'lim maktablarida o'qitiladigan "musiqa madaniyati" o'quv predmetiga tashkiliy uslubiy tuzilishi, mazmuni va mohiyatiga ko'ra o'zida bir necha fanlar mushtarakligini mujassamlashtiradi. Hususan, ona-tili va adabiyot, tarix, jismoniy tarbiya, tasviriy san'at bilan bevosita bogliq bo'lgan musiqa nazariyasi va metodikasi, musiqa tarixi, dirijorlik, vokal, cholg'u ijrochiligi, solfedjio kabi fanlar aloqadorligi imkoniyatlaridan o'z o'rnida o'rinni foydalanish orqali dars samaradorligi va to'laqonliligiga erishish mumkin.

Bizga ma'lumki, umumta'lim maktablarining boshlangich sinflarida musiqa darslari besh faoliyat negizida tashkil etiladi va ular tarkibidagi "Musiqa mos ritmik va raqs harakatlarini bajarish" faoliyati jismoniy va musiqali raqs harakatlari uyg'unlugida amalga oshiriladi. Ushbu faoliyat asosan, darsni qiziqarli o'tishi o'quvchilarni diqqatini, ruhan tetikligini, ijodiy faolligini rivojlantirish maqsadida qo'llaniladi. Bu esa o'z navbatida musiqa o'qituvchisidan ham ijodiy

izlanuvchanlikni, raqs va jismoniy madaniyatga oid ritmik harakatlardan yaxshi tayyorgarlikka ega bo'lishlikni talab qiladi. Dars jarayonida musiqali-ritmik harakatlarni bajarish davomida bolalarning xar-xil harakterdagi asarlarni idrok etish, asar dinamikasiga, registrlarga mos harakat qilish, temp o'zgarishlarini ilg'ash, kuchli-kuchsiz hissalarni aniqlash, asar ritmiga mos chapak chalish, qadam tashlash, xarakatlarini ikki, uch qismli shaklga va musiqa frazalariga muvofiq o'zgartirish kabi malaka va ko'nikmalari rivojlantirib boriladi. Raqs harakatlarini bajarish davomida qo'l, oyoq, gavda, bosh, yuz a'zolarini egiluvchanligi, chaqqonligi, tekis va chiroyli bo'lishi bevosita jismoniy harakatlar, mashqlar uyg'unligini talab qiladi. Qo'shiqlar kuylashda unung mazmuniga mos raqs-o'yin harakatlari asarning badiiy-estetik ta'sirchanlik kuchini oshiradi.

Xalqimizning boy musiqa me'rosida juda ko'plab qo'shiqlar, ayniqsa bolalar folklor qo'shiqlari o'zining ijrochilik an'analariga ko'ra o'ziga xos raqs va o'yin harakatlari uyg'unligida ijo etib kelingan. Boshlang'ich sinf musiqa darslarida, ommaviy-madaniy tadbirlarga tayyorgarlik ko'rish, badiiy havaskorlik to'garaklari mashg'ulotlarida bunday qo'shiqlarni o'rganish va kuylashda ularni an'anaviy ijrochilik uslublariga tayanib ish tutish yoki uning yangicha variantlarini yaratish o'quvchilarni xalq qo'shiqlariga, ularni o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini kuchaytirishga samarali ta'sir etadi, qo'shiqlarni tez, oson o'rganishlariga, xotiralarida mustahkam o'rnashib qolishiga zamin yaratadi.

O'yin-qo'shiqlar xalqimizning o'ziga xos xayot faoliyati davomida, yoshlik davrining muayyan bosqichlariga mos ravishda kichkintoylar olami bilan kattalar dunyosining uyg'unlashuvi ostida shakllanib kelgan. O'z navbatida o'quvchi yoshlarni xalqimizni o'ziga xos o'tmish madaniyati, an'analarini, urf-odatlari, mehnat bayramlari bilan yaqindan tanishib borishlariga, shu bilan birga jismoniy sog'lom, chaqqon, serxarakat, ziyrak va maqsadga intiluvchan tashabbuskor, barkamol shaxs bolib etishishlariga katta imkoniyat ochib beradi. Bolalar o'yin qo'shiqlari she'riy matn, musiqiy ohangga

hamda jismoniy harakatlarni bajarishga moslashgan bo'lib, xar bir qo'shiq o'yin tarzida biror maqsadni ko'zlagan holda ijro etiladi. O'quvchilar bunday qo'shiqlarni kuylash va harakatli o'yinlarni bajarish davomida qo'yilgan maqsadga erishish o'yinda g'olib bo'lish bilan yakunlanadi. Takroriy va izchil suratda yo'lga qo'yilgan bunday mashg'ulotlar bolalarni ham ma'naviy, ruhiy, ham jismoniy takomiliga ijobiy ta'sir etadi. Bolalar o'yin-qo'shiqlaridagi eng muhim hususiyatlar xar bir raqs, o'yin, ohang, aytishuvlar, musobaqa, bellashuv bilan bog'liq ijtimoiy-tarixiy, tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan harakatlar yig'indisidan iboratligida ko'rindi.

Bolalarning eng ko'p ommalashgan "Oq terakmi, ko'k terak" qo'shig'ini olib ko'raylik, ushbu o'yin-qo'shiq boalarda kuchlilik, chaqqonlik, g'oliblikka intilish kabi xislatlarni rivojlanishiga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Ushbu qo'shiqni ijro etish xolati quydagicha:

-bolalar teng ikki guruuhga bo'linishib, ma'lum masofada qo'l ushlashib turadilar. O'yin shartiga ko'ra bir tomon "Oq terakmi, ko'k terak, bizdan sizga kim kerak?" - deb kuylashadi. Qarshi tomondagilar esa boshlovchi guruhdan bir bolani kerakligini aytishadi. Ismi tilga olingan bola yugurib, qarshi guruhdagi bolalar zanjirni (bolalar qo'llarini mahkam bog'lab turishadi) yorib o'tishga harakat qiladi. Yorib o'tgan g'olib sifatida bir bolani o'z guruhiga yetaklab ketadi. O'yin shu tarzda bir guruuh yutguncha (bir guruhda bir bola qolgunicha ) davom etadi.

-kim oladi-ya, shuginani-ya, qo'shig'i. Bu o'yin qo'shiqni ijro etishda bolalar davra qurib, chapak jo'rligida "Kim oladiya, shuginaniya" deya jo'r bo'lib kuylashadi. O'rtaga do'ppi yoki biror yumshoq buyum qo'yiladiki, o'yin qoidasiga ko'ra talabgor shu buyumni tizzalarini bukmasdan egilib, tishida ko'tarib olishi kerak bo'ladi. Talabgor bola o'z navbatida "Men olamano, shuginani-ya" satrlarini kuylash va chiroqli raqs harakatalari bilan o'yin shartini bajarishga kirishadi. Bu o'yinda har bir bola o'zining chaqqonligi, raqsga tushishi mahorati bilan birga jismoniy jihatdan nimalarga qodir ekanligini ko'rsatishga harakat qiladi. Bunday qo'shiqlar sirasiga

“Choriy-chanbar”, “Chillak”, “Quyonim” , “Lanka”, “Ayajon”, xorazmcha “Oq sholi, ko’k sholi” kabilarni kiritish mumkin.

Ko’rinadiki, musiqa darslarini musiqali va jismoniy harakatli o’yinlar orqali tashkil etishning keng imkoniyatlari mavjud. Ulardan musiqiy harakatli o’yinlar, qo’shiqlar ijro etishda unumli foydalanish, raqs va o’yin harakatlarini yangi-yangi variantlarini yaratish, musiqiy ta’lim sifati hamda samaradorligini ta’minlaydi, o’quvchi-yoshlarning ham ma’nan, ham jismonan, ham estetik kamolotiga ijobiy ta’sir etadi.

## **Мутафаккир Бобораҳим Машраб асарларида илм- маърифат ҳақидаги фикрлар**

Мансур Кўбаев,  
ЖДПИ 2-босқич магистранти

Машрабдаги илмга, айниқса тасаввуфга бўлган чуқур муҳаббат ва иштиёқни сезган Бозор охунд шоир ўз тасаввуфий илмини тўла камолотга етказишини истаб, уни 15 ёшида янада машҳур ва заковатли эшон Офоқхожа ҳузурига Қашқарга юборади. Исламатуллоҳ Абдуллоҳ Машрабни 15 ёшида Қашқарга кетганлигини айтган, йўқ Машраб тахминан 21-22 ёшларида Офоқхожа даргоҳига борган. Мана шу даврдан то умрининг охиригача Машраб ҳаётида сарсон-саргардонлик йиллари бошланди. Етти йиллик оғир тайёргарлик, ўзининг жисмоний ва руҳий қобилиятини чиниқтириш туфайли Машрабга тасаввуфий жозибалик сингиб борди. У тасаввуф илмини тўла эгаллади. Офоқхожа даргоҳида унинг кўплаб муридлари муҳлислари бўлган.<sup>115</sup>

Машойихлар ўзларини пайғамбарларнинг маънавий меросхўрлари деб хисоблайдилар. Машрабнинг пири Офоқхожа тасаввуф мактаби ана шундай меросхўрларни – Машраб каби «Қутб ул-актов»ларни етказиб берди ва юқорида номлари зикр

<sup>115</sup> Исламатуллоҳ Абдуллоҳ «Мабдаи нур»га сўзбоши. –Т.: “Фан”, 1994. –Б.6.

этилган мутасаввифларнинг тасаввуфий қарашларини Шарқ оламида ёйилишига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таълимотлари энди башарият мулкига айланиб бормоқда. Чунки дунё, ислом оламини қайтадан кашф этаётган, ислом уйғониши юксалаётган, Шарқ фалсафаси жаҳонга чиқаётган даврда башарият уларнинг таълимот ва ғояларига эҳтиёж сезади.

Тасаввуф илмининг нуктадон орифларидан бири, шубҳасиз Нажмиддин Комиловдир. Н.Комилов Шарқ тасаввуф тарихини, улуғ мутасаввиф алломаларининг тасаввуфий ғояларини, комил инсон ҳақидаги фикрларини теран таҳлил этган олимдир. Олимнинг Машраб жазбаси ҳақида «Камоли нури раҳматман» илмий тадқиқий мақоласи улуғ шоир ва мутафаккирнинг тасаввуфий қарашларини ёритиб берувчи қимматли ишлардан бири деса бўлади. Н.Комилов Машраб Шарқ тасаввуф назарияси, таълимотига улкан ҳисса қўшган улуғ мутасаввифлар ҳаёти ва ижодини ўргангандигини, уларнинг ишқ ҳақидаги дунёқарашини, ҳамма нарса сўнса-да, эскирса-да, аммо яратганга бўлган ишқ янада сайқал топиб, чексиз, чегарасиз инсонни яхшиликка, истиқболга чорлаб, қалбларни янгилаб туришлигини таъкидлаб ёзади: Машраб шеърияти синчиклаб муроала қилинса, илоҳнинг ўзи муҳаббат, унинг учқунлари, зарралари олам узра таралган, билим ҳам, маърифат ва ҳикмат ҳам, дину эътиқод ҳам Ишқ туфайлидир. Ишқ Исони қўкка кўтарди, Мусони Тур тоғига чиқариб дийдорталаб қилди, исломни жорий этиб, Расулуллоҳни меъроҷ туни Парвардигор ҳузурига етаклади. Машраб шеърларида Вомиқ, Мажнун, Фарход, Боязид, Шиблий, Шамс Табризий, Аттор, Баҳоуддин Нақшбанд, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож номлари тилга олинади. Булар бу ишқ сипоҳийлари илоҳий нур парвоналари сифатида таърифланади. Бари Машраб қавмидан ажойиб муқаддас силсила! Илоҳиёт олами беҳудуд, чексиз бўлганидай ишқ ҳам чегарасиз, унинг ўтмиши, мозийси йўқ, у доим истиқболдир. Ақллар қарийди, жисмлар эскиради, ҳислар сўнади, аммо ишқ ҳамма вақт навқирон, Ҳақиқат ва эзгуликнинг ўзидай абадий.

Шунинг учун шоир бемалол: «Намозу рўзадан кечкил, муҳаббатга бота кўргил» деб айтар экан, қанчадан-қанча донишмандлар, уламову аъламларга кулги бўлган ўз қавми – «девоналар» аслида орифларнинг орифи эканини фахр билан таъкидлаб ўтади. Мутлақиятга восил бу рух соҳиби бошини Мансур каби дорга тутишга рози.<sup>116</sup>

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний «Ваҳдат уммонининг ғаввоси» илмий мақоласида Машрабнинг тасаввуфий қарашларини таҳлил этган. Шу хусусда филология фанлари доктори, профессор А.Маннонов шундай дейди: Машҳур ўзбек шоири Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашлари борасидаги А.Жўзжоний изланишлари ҳам алоҳида эътиборга лойик. Маълумки, шоир Машраб, унинг шеърияти борасида талайгина тадқиқотлар, монографик ишлар мавжуд. Аммо уларнинг аксарияти шўро даврида ёзилганлиги учун шоир ижодида, дунёқарашида асосий ўринни тасаввуфий қарашлари хусусиятлари ҳақида диққатга сазовор ишлар жуда камёб, борларида ҳам чалкашликлар кўп. Хусусан, Машрабнинг «ваҳдат ул вужуд» тушунчаси билан боғлиқ қарашлари ҳануз фанда тўлиқ ва рўйи рост очилган эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда А.Жўзжонийнинг Машрабнинг «ваҳдат ул-вужуд» фалсафаси ва унинг марказида турган инсон ҳақидаги фикрлари янгиликдир.<sup>117</sup>

Иброҳим Гафуров Машрабни оламга, башариятта берган саволларини ва ўзлигини, Ҳақни билиш даражасини, тафаккурни таҳлил этиб ёзади: Машраб ўз дафтирида дунё ва коинот олдига қўйган саволлар туркиёналиги, беҳад соддалиги ва шахснинг буюк бир изтиробларини ёлқинли акс эттириши билан улвийлик қозонади. «Ёрга етар кун борму, ёронлар?» – деган ҳам Машраб эди. «Бу дардимга даво борму?» – деган ҳам Машраб эди. «Ёрни куйида ўлган бормукин, бир ўлиб, қайта тирилган бормукин?» –

<sup>116</sup> Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб. –Т.: “Ғафур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари, 1999. –Б.138-139.

<sup>117</sup> А.Маннонов. «Тасаввуф ва инсон» китоби ҳақида / А.Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. –Т.: “Адолат”, 2001. – Б.189.

деган ҳам Машраб эди. «Бу тани хокинию рухи равонни на қилай?» – деган ҳам Машраб эди.

Булар Машрабнинг оламга берган саволлари. Дунёдан ва ўз ўзидан савол сўраш мутасаввиф шоирларга хос хислат. Уларнинг бутун муҳокамалари савол-жавоблар асосига қурилади. Бу – уларнинг тинимсиз излашларидан бир лавҳа. «Ўзини билди эрса, ҳақни билди», дейди Яссавий бобомиз.<sup>118</sup>

### **Мусиқашуносликда интертекстуаллик назарияси**

Ахророва Муножат

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси

II курс магистранти

XX асрнинг охири адабиётшуносликда пайдо бўлган янги – интертекстуаллик тушунчasi турли даврларнинг матнлараро муносабатларини ўрганишга қаратилган назариядир. Айнан ушбу назария мусиқашуносликда ҳам ўз ифодасини топа бошлади: Фарбий Европа ва рус мусиқа асарлари таҳлилларида (Л.Дячкова, М.Арановский асарларида) ушбу ёндашувнинг мусиқадаги аҳамияти кенг эканлигини сезишимиз мумкин. Ушбу тушунча барча турдаги тасвирийликни ҳам мазмун, ҳам тузилиш жиҳатидан тарихий даврларнинг мусиқий ҳодисалари ўртасида ўзига хос матнли ўзаро сұхбатни ўрнатишга қаратилган онгли йўналишдир. Бу каби ўзаро боғлиқликни англаш асарнинг маъновий тарихини сезиларли даражада кенгайишини таъминлайди.

Интертекстуаллик назариясини Шарқ санъати - шеърият, мусиқа соҳасида чуқур аҳамиятга эга. Айнан бу каби соҳаларда ушбу тушунча катта имкониятларни очиб беради. Халқ поэтик ижодидаги олдиндан мавжуд бўлган "назира", "мушоира" кабилар, ёки халқ достонларида шеърий китоб шаклида, кейинчалик эса,

---

<sup>118</sup> Иброҳим Ғафуров. Ҳаё-халоскор. –Т.: “Шарқ”, 2006. –Б. 293.

роман достонлар деб номланган афсоналарни мисол келтиришимиз мумкин. Кейинчалик, XX аср охирларида мусиқада ҳам ушбу назария ўз аҳамиятини топа бошлади: аввал мусиқий драма жанрида, сўнгра операларда - "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" кабиларни мисол келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, намуналари ўз матнининг ядросини авлоддан авлодга сақлаб келган ва шу билан бирга, хар янги ижрода янгиланиш, ривожланиш каби хусусиятларни акс эттирган, шарқона анъанавий мусиқанинг каноник асосини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра замонавий халқ қўшиқларини «қўйидагича тизимлаштирилиш мумкин:

- халқ ва замонавий ўзбек шоирлари шеърларига яратилган, илгари мавжуд бўлган анъанавий майший қўйларга асосланган қўшиқлар;

- анъанавийликка яқин, аммо интонацион-ритмик янгиланиш белгилари мавжуд бўлган қўшиқлар;

- анъанавий канонлар сингари янги ижодкорлик ва янги услубий таъсирларга риоя қилиш - бу замонавий шароитда халқ қўшиқларининг эволюциясидир"<sup>119</sup>.

Бироқ, интертекстуал алоқаларни нафақат эстетик тизим доирасидаги олиб борилаётган тарихий вертикал бўйлаб, балки ҳозирги замонавий мусиқа илмида ҳам кузатиб бориш мумкин. Ушбу ёндашув горизонтал баёнда ҳам аҳамиятлидир. Бу айнан турли хил эстетик тизимларни, аввалимбор, Шарқ ва Фарбнинг ўртасидаги матнли алоқаларни яққол кўриш имконини яратади. Яъни, нафақат даврларнинг интертекстуал, балки матнлараро цивилизация ва маданият алоқаларини ҳам акс эттиради.

Ушбу назариянинг янги хусусиятлари яратилган бўлса ҳам, ҳали бу тарзда татбиқ этилмаган. Дарҳақиқат, горизонтал диалог - томонларнинг ҳар бири ўзининг тарихий-вақтинчалик бадиий вертикалини сақлаб қолади ва янгисини яратади, шу билан бир

<sup>119</sup> Абдуллаев Р.С. Фольклор и профессиональная музыка устной традиции. В кн. История узбекской советской музыки», т.3, Ташкент, 1993; с.35.

қаторда асарнинг умумий бадиий ва семантик майдонини кенг ва чуқур ёритиб беради. "Интертекстуал маршрутлар" (М.Арановскийнинг атамаси) ҳам ўзининг бадиий анъаналарига, ҳамда бошқалар томонига йўналтирилади (қўшалоқ интертекстуаллик шаклланади)<sup>120</sup>. Бу каби ўзаро таъсиrlар Шарқ композиторларининг асарлари билан аниқ ифодаланилиб, ҳар иккала тизим тузилиш элементларининг ўзаро таъсири, мусиқа санъатида янги шакллар ва жанрларни юзага келтиради.

Интертекстуаллик тамойили баъзи стратегик ғояларни тактик ҳаракатларга, мавҳумликни реал муносабатларга айлантиради. Алоқада бўлган ҳар бир томон элементларининг бутун ҳажмини очиб бериш, шу билан бирга бу назария жараённинг диалогик моҳиятини кучайтириб беради. Шарқ композиторлари, шу жумладан ўзбек композиторлари ижодида урғу миллий маданият учун янги бўлган Европа жанрлари ва композицион моделларини ўзлаштириш механизмига қаратилган. Композиторлик ижодини баҳолаш ўз ўзидан иккинчи даражали бўлиб қолди. Шарқ композиторлик мусиқаси табиати ушбу ҳодисани янада аниқроқ шарҳлашга имкон беради ва бу айнан интертекстуаллик тамийилини юзага келтиришга имкон яратади. Тадқиқот ғояси шарқ композиторлари мусиқаси материалида интертекстуаллик назариясини асослаш ва шу позицияларда ўзбек композиторлик ижодиётига янгича назар ташлашдир.

Интертекстуаллик назарияси асарнинг диалогик асосини кучайтиради, композиторнинг анъанавий маданияти ва янги, ўзлаштирилган анъаналар диалог жараёнини кўповозли монодик анъанада бирлаштиради, шунингдек ўзлаштириш жараёнларининг типологиялаштириш концепциясини сезиларли даражада ифодалаб беради.

---

<sup>120</sup> Наталия Янов-Яновская. Теория интертекста в ее проекции на восточную музыку. Ташкент, 2019, 4-бет

## **Таълимга оид устувор вазифалар: ижро ва масъулият.**

О.Сулаймонов

Жizzах вилояти, Фориш туманидаги

79-мактаби директори ўринбосари

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Ушбу мақсад йўлида „Янги Ўзбекистон-мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади“, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз. Бу кенг кўламли ишлар орқали кўпгина вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқиб ўқитувчиларимиз масъулиятни хис қилган ҳолда ўз устида ишлаб иш жараёнини бутунлай ўзгартириши керак. Мурожаатномадан руҳланган ҳолда 79-мактаб жамоаси ҳам ўз олдига улкан мақсадларни қўйди ва ўқувчиларни жисмоний ва маънавий соғлом ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун бирдамликда ҳаракат бошладилар. Мен маънавият ва марифат ишлари бўйича директор ўринбосари сифатида мурожаатномада ёшлар тарбиясига тўхталган йўналишлар бўйича ўз олдимга улкан мақсадларни қўйиб, шу мақсадларни адо этиб бормоқдаман.

Ҳеч кимга сир эмаски бундан уч-тўрт йил олдин умумтаълим мактабларига эътибор жуда кам эди. Айниқса, қишлоқ мактабларига эътибор умуман йўқ эди. Ҳозирги вақтда қишлоқ мактабларига бўлган эътибор ҳам шаҳар мактабариникидан қолишмайди. Мактабимизда кадрлар қўнимсизлигига барҳам

берилиб, факат олий маълумотли бўлган кадрлар фаолият юритмоқда. Улар биргаликда соғлом жамоа муҳитини ташкил этган.

Иқтидорли ўғил-қизларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш мақсадида, яъни 11-синф ўқувчиларини олий таълим муассасаларига қамровини ошириш мақсадида иқтидорли ўқитувчиларга бириклирлган. Улар дарс машғулотларидан ташқари ўқувчилар билан мунтазам равишда қўшимча машғулотлар ўtkазиб боришишмоқда.

Ўқувчиларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб ва ҳунарларни ўргатмоқдамиз. Битирувчи қизларга тикиш-бичиш сирларини, ўғил болаларга эса дурадгорлик сирларини малакали устозлар ўргатиб боришишмоқда.

Мурожаатномадан руҳланган ҳолда ўқувчиларимиз катта ютуқларга эришишмоқда. Бунга мисол қилиб мактабимизнинг 11-синф ўқувчиси Тиловова Динора немис тили фанидан умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган республика фан олимпиадасининг туман ва вилоят босқичларида фахрли 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу билан вилоят ҳокимининг олтин фондига аъзо бўлди.

Ҳозирги миллий юксалиш шароитида таълимни инсонпарварлаштириш ва таълим мазмунинг моҳиятини шахсга йўналтирилган ёндашувини майдонга олиб чиқди. Бу ёндашув марказида шахс турди. Бундай ёндашув таълим мазмунини эркин танлаш имкониятини беради. Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш жараёнида шахснинг таълимий, маънавий, маданий ва ҳаётний талаблари қондирилади. Энг муҳими, шахсга нисбатан инсонпарварлик муносабати намоён бўлади, маданий-таълимий шароитда ўқиши индивидуаллиги ва мустақил ҳаракат қила олиш имконияти шаклланади.

Ҳозирги кунда мактаб ўқитувчиси шахсига жиддий талаблар кўйилмоқда. Улар педагоглар ва психологлар томонидан чукур

ўрганилган. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган энг муҳим талаб унинг юқори малакали бўлишидир, балки унингсиз педагогик фаолият юритиб бўлмайди. Умумий таълим мактаби ўқитувчиси ҳам шундай талабларга жавоб бериши керакки, бундай талаблар уни юксак даражада бўлғуси интеллектуал билимли шахсни шакллантирадиган шахс даражасига кўтарсин.

Мактаб ўқитувчисига қўйидаги муҳим ва доимий талаблар қўйилади:

- муайян тараққиёт даврида жамият учун зарур бўлган интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантириш мезонларини эгаллаган бўлиши;
- педагогик фаолиятни севиши;
- ўз соҳаси бўйича маҳсус билимларга эга бўлиши;
- заковатли бўлиши;
- педагогик туйғу;
- юксак етуклиқ;
- умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;
- педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши.

Агар катта авлоднинг билими ва тарибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган мэрраларга албатта этамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан барпо этамиз.

Муҳтарам Президентимизнинг мурожаатномасида ушбу имкониятдан келиб чиқсан ҳолда ёш авлодга таълим-тарбия бериб, истеъдодини рағбатлантириш, уларнинг ташаббускорлигини рўёбга чиқариш маъсулиятини ҳис қилишимиз зарур. Мен фикрларимни мурожаатномада таълим ва тарбия борасида муҳтарам Президентимиз томонидан таъкидланган иқтибос билан хулосаламоқчиман. "...таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инноватсияларни

тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим”.

## **Axborot xurujlaridan yoshlarni psixologik himoyalash uslublari**

*Isaxonova Farzona  
JDPI “Pedagogika-psixologiya”  
yo ‘nalishi talabasi*

Bugungi globallashuv davrida, ochiq axborotlar tahdidi sharoitida yoshlarni ijtimoiy ongini rivojlantirish, hayot yo‘lini to‘g‘ri tanlashga, vatanparvar va insonparvar bo‘lishga, erkin fikrli bo‘lishga o‘rgatish orqali ularda mafkuraviy immunitetni tarbiyalash eng dolzarb vazifalardir. Zero, o‘rgatish bir tomonlama jarayon bo‘lmay, u «pedagog-tarbiyalanuvchi» muloqoti tizimida ko‘proq tarbiyalanuvchining fazilatlariga bog‘liq. Bunday murakkab ishni tashkil etishda har bir ijtimoiy toifa yoki shaxsning individual psixologik hususiyatlarini inobat olish zarurati ijtimoiy psixologiyada isbotlangan. Masalan, agar o‘quvchi yoki talabalarni yaxlit guruh deb oladigan bo‘lsak, ularning barchasi bilan bir vaqtda, bir xil effekt bilan ishlash va shu orqali ularning mustaqil tafakkurini o‘sirish, sog‘lom e’tiqodini tarbiyalashning ilojisi yo‘q. Ikkinchidan, bir guruh talaba yoki o‘quvchi uchun maqbul va samarali deb hisoblangan uslubni boshqasida ham aynan joriy etishga urinish bunday sharoitlarda teskari samara berishi mumkin.

Ushbu masalaga oydinlik kiritish uchun avvalo egotsentrizm kabi tushunchalarga izoh berish darkor. Egotsentrizm so‘zi lotincha “ego” – men va “centrum” – doira markazi so‘zlaridan olingan. Ma’nosи – o‘z fikr-o‘ylari, manfaatlari doirasida qotib qolgan insonning atrof-muhit va odamlarga oid o‘z bilimlari va o‘zgalarga munosabatini o‘zgartira olmasligini bildiradi. Psixologiyada egotsentrizmning bir qancha turlari – bilishga oid, ahloqiy va kommunikativ egotsentrizmlar farqlanadi.

Oxirgisi – boshqalarga biror xil ma'lumot berish jarayonida ularning fikri bilan hisoblashmaslik, ularni mensimaslikda namoyon bo'ladi. Nazarimizda, zamonaviy informatsion xurujlarning mualliflarida aynan shu kabi egotsentrizm kuzatiladi va ular o'zlariga o'xshash faqat o'z manfaatinigina ko'zlaydigan avlod ongini qamrab olishga harakat qiladi. SHuning uchun ham shaxsga psixologik himoya zarur. Psixologik himoya bo'lishi uchun shaxsda mustaqil fikr bo'lishi lozim.

Demak, bugun ta'lim muassasalarida ta'lim olayotgan, lekin ming afsuski, o'z mustaqil fikriga ega bo'limganlar bilan ishslashda quyidagilarga e'tiborni qaratish darkor:

Birinchidan, xulq-atvordagi xatoliklar eng avvalo fikrlash tarzidagi xatoliklarning oqibati bo'lgani uchun talabalarining negativ fikrlash tarzining sxemasini o'zgartirish lozim.

Ikkinchidan, fikrlash tarziga ta'sir ko'rsatish uchun pedagoglar o'zlarining tushuntirish uslublarini, tarbiya metodlarini o'zgartirishlari lozim. YA'ni, ilgari, yuqori tonlarda, direktiv ohangda, "katta roli"da talaba bilan muloqot qilgan pedagog, endi kerak bo'lsa, "tengma-teng", demokratik ohangda, bosqichma-bosqich xatti-harakatlarni birgalikda tahlil etishga o'tishlari lozim.

Uchinchidan, o'quvchi-talabaning o'z-o'zini idrok qilishini, o'ziga bo'lgan bahosini o'zgartirish, ya'ni, talabani ijobiy ishlarga yo'naltirish orqali o'ziga bo'lgan bahosini o'zgartirishga erishish kerak.

Nihoyat, shunday vaziyat yaratish lozimki, o'quvchi ijobiy tajriba orttirsin, ya'ni, o'ziga, oilasiga yoki sinfdosh do'stlariga, maktabiga manfaatli ish qilib, olqish olsin, ya'ni, ularni jamoat ishlariga keng jalb etish amaliyotini kengaytirish, bu ishdan manfaatdorligini oshirish lozim. "Ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib xizmat qilishi lozim. Ushbu maqsad yo'lida yoshlarimiz o'z oldiga katta marralarni qo'yib, ularga erishishlari uchun keng imkoniyatlar yaratish va har tomonlama ko'mak berish – barchamiz uchun eng ustuvor vazifa bo'lishi zarur. SHundagina

farzandlarimiz xalqimizning asriy orzu-umidlarini ro‘yobga chiqaradigan buyuk va qudratli kuchga aylanadi”<sup>121</sup>.

Demak, ta’lim va tarbiya jarayonida har bir pedagog yoshlarning mustaqil fikrlashlari uchun sharoit yaratishi lozim, aks xolda uning ongi tayyor shablonlar, stereotiplarga shu qadar o‘rganadiki, ular oxir-oqibat har qanday bid’at yoki yot g‘oyalarga ergashib ketaveradigan bo‘lib qoladi. YA’ni, darsni tashkil etishning noan’anaviy usullariga keng yo‘l ochish, darslarda o‘quvchilar bilan interaktiv muloqotini tashkil etish, ular miyasining yaxshiroq ishlashi, qiziqishi va mustaqil fikrlashiga yordam beradi.

Psixologik manbalardan yana shu narsa ma’lumki, yoshlar mustaqil fikrlashlari uchun ta’lim jarayonining o‘zida joriy etilgan tartiblarda byurokratiyani minimallashtirilishiga erishish kerak. Chunki eski ta’lim tizimi o‘qituvchining aytganini, u yozgan maruza matnini aynan ko‘chirib yozib kelish, aytib berishni talab qilardi. Bu xolat miyani avtomatik ishlashga, zombi kabi yodlangan bir xil qolipda bo‘lishga o‘rgatadi, bunday miyada albatta o‘ziga xos vakuum xosil bo‘ladiki, bu vakuumga keyinchalik boshqa yot g‘oya va tushunchalar juda tez singadi, chunki miya deyarli tormozlangan, har qanday boshqacha xabar uning miyasiga oson kirib oladi.

Demak, davrimiz pedagoglardan, rahbarlardan o‘z ish uslublarini o‘zgartirish, muloqot qobiliyatlarni takomillashtirishni talab qilmoqda. Bu uning ta’sir ko‘rsata olish xislatining samarali bo‘lishini talab etadi. Bu esa bevosita yoshlarda mustaqil, erkin tafakkurning rivojlanishi uchun real zamin bo‘ladi. O‘qituvchilar yoshlarni turli yomon ta’sirlardan asrashda ahloqiy qadriyatlardan foydalanishi va bunda ahloqiy ta’sir ko‘rsatish texnologiyasidan oqilona o‘z faoliyatida joriy eta olishi lozim bo‘ladi. Ma’muriy tayziq yoshlarni yot ta’sirlardan asrab qololmaydi. Buning yagona yo‘li – o‘quvchi bilan munosabatda gumanistik tamoyillarni joriy etish, erkin fikr almashinish muhitining yaratilishidir.

---

<sup>121</sup> Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. 29.12.2021. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

## **Bo'lajak musiqa o'qituvchilarning estetik didini oshirishda xalq qo'shiqlaridan foydalanish .**

Dilshod Majidov JDPI o'qituvchisi.

Nafislik, go'zallik, abadiiy navqironlik, jozibadorlik xalq musiqasiga xos oliyjanob xususiyat hisoblanadi. Xalqning tarixi, madaniyati, yashash tarzini o'zida mujassamlashtirgan xalq musiqasini yosh avlod qalbiga , ongiga qanchalik erta singdirilsa bu jamiyat uchun ham va shu jamiyatning ertangi bunyodkorlari uchun ham shunshalik foydalidir. Shuning uchun ham Respublikamizda ta'limni milliy asoslarda shakllantirishda xalqimizning milliy madaniyati, qadriyatlariga ustuvor ahamiyat berildi. Natijada milliy madaniy qadriyatlar tizimida muhim mavqeiga ega bo'lgan xalq musiqa ijodiyotini ta'lim- tarbiya jarayoniga keng tadbiq etish imkoniyatlari yuzaga keldi.

Bilamizki, musiqa insonning tarbiyasida juda muhim o'rinn tutadi. Musiqa tarbiyasi bo'yicha xalqaro jamiyatning IX konferensiyasida uqtirilganidek, musiqa insonning ma'naviy dunyosiga chuqr ta'sir ko'rsatadi va unga o'zining har qanday faoliyat sohasida, har qanday kasb-korida zarur bo'ladigan ijodiy qobiliyatlarini namoyon qilishda yordam beradi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining yangidan yaratilgan musiqa fani bo'yicha o'quv dasturi va darsliklariga kiritilgan xalq musiqa ijodiyotiga mansub kuy, qo'shiqlar sirasida xalq qo'shiqlari salmoqli o'rinn tutadi. Xalq qo'shiqlari o'z ifodaviy mazmuniga ko'ra qudratli tarbiyaviy kuchga ega bo'lgan san'at hisoblanadi. Xalq ijtimoiy hayotining eng muhim qirralarini o'ziga xos badiiy inikosi sifatida an'anaviylik va vorisiylik asosida avloddan–avlodga o'tib kelayotgan va ularning ta'sirida zamonaviylik ruhida yaratilayotgan qo'shiqlar o'z tinglovchilariga bevosita yoki bilvosita axloqiy, estetik, tarbiyaviy ta'sirchanlik kuchi bilan ajralib turadi.

Musiqa darslarida xalq qo'shiqlarini tinglash, o'rganish, kuylash va ular haqidagi muxtasar ma'lumotlar bilan tanishish jarayonida

o'quvchilar xalqimizning milliy o'zligining eng muhim jihatlari, ya'ni, tili, tarixi, adabiyoti, ma'daniyati va etnografiyasi bilan yaqindan tanishib boradilar. Xalq qo'shiqlarining mazmunida aks etgan vatanparvarlik, insonparvarlik, qahramonlik, ota-onani e'zozlash , kattalarga hurmat, kichiklarni izzat qilish, to'g'rilik, halollik, poklik, imon va e'tiqodga chorlovchi yuksak g'oyalar o'quvchi shaxsida milliy ong va milliy mafkurani shakllantirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Musiqa darslarini rejorashtirish va tashkil etish jarayonida musiqa o'qituvchilariga beriladigan mustaqil repertuar tanlash imkoniyati bu ishga jiddiy ma'suliyat va ehtiyyotkorlik bilan hamda ijodiy yondashishni talab qiladi.

Shu bois dars va darsdan tashqari faoliyatlarda olib boriladigan musiqa ta'limi va tarbiyasida xalq qo'shiqlarini o'quvchilarning yoshi, musiqiy tayyorgarligi, individual,estetik, psixologik , fiziologik imkoniyatlari va qiziqishlarini hisobga olgan holda tanlab olish va o'rgatish maxsus pedagogik, psixologik yondashuv hamda me'zonlar negizida amalga oshirilishi kerak bo'ladi. Ushbu yo'nalishdagi tadqiqiy izlanish va kuzatuvlarimiz musiqa mashg'ulotlari uchun xalq qo'shiqlarini tanlashda quyidagi me'zonlarga tayangan holda ish tutish maqsadga muvofiq bo'ladi degan xulosaga kelishimizga sabab bo'ldi:

1.Tanlanayotgan xalq qo'shiqlarinng har bir sinf uchun belgilangan dastur hamda o'quvchilar o'zlashtirishi lozim bo'lgan bilim va malakalar mazmuniga mos bo'lishi. Bunda o'quvchilarning yoshi, kuylash imkoniyatlari, o'quv dasturi bo'yicha yil va chorak mavzularini e'tiborda tutish lozim bo'ladi.

2.Xalq qo'shiqlarining tarbiyaviy ta'sirchanlik xususiyatlariga alohida e'tibor qaratish. Ya'ni, tanlanayotgan qo'shiqlarning badiiy yuksak ijod namunasi, shakl va mazmun mukamalligiga, qo'shiq matnida ifodalangan g'oyaviy mazmunning ta'lim –tarbiyaning umumiyl maqsadlariga mos kelishiga e'tibor berish.

3.Xalq qo'shiqlarining o'quvchilarni umumiyl dunyoqarashlarini kengaytirish, musiqiy tafakkurini shakllantirishga amaliy jihatdan ahamiyatliligi. Bu o'rinda qo'shiqlarni janr (alla, yalla , lapar, terma,

qo'shiq, dostonchilik qo'shiqlari va hokozo) va mavzu jihatdan ( tarixiy, harbiy vatanparvarlik, mehnat va mavsumiy , diniy , xalq urf-odat va marosimlari bilan bog'liqligi) rang –barangligiga e'tibor berish maqsadga muvofiq bo'ladi.

4.Xalq qo'shiqlaring o'quvchilarni badiiy- estik tarbiyalash bilan ularning boshqa fanlarni o'zlashtirishlariga ijobiy ta'sir etishi. Qo'shiqlarni o'rganish, kuylash, tahlil qilish jarayonida musiqa darslarini boshqa fanlar bilan bog'liklik va aloqadorlik xususiyatlaridan foydalanish imkoniyatlarini hisobga olish.

5.Xalq qo'shiqlarining o'quvchilar tomonidan o'zlashtirish uchun qulayligi va tushunarli bo'lishi.

6.Xalq qo'shiqlarini tanlashda mahalliy manbalarga tayanish. Bu o'quvchilarda milliy mahalliy an'analarga qiziqish va ijodiy tashabbuskorlik fazilatlarini shakllantirishda muhim omil bo'ladi.

7.Qardosh, chet el ( yevropa, sharq xalqlari) bastakor, kompazitorlari va xalq ijodiga tegishli namunalarga ham doimiy ravishda e'tibor berish.

Bunday ish tutish turli xalqlar musiqa san'atidagi mushtarak va o'ziga xos jihatlarni qiyosiy tahlil qilish bilan o'quvchilarda boshqa xalqlar ma'daniyati va san'atiga hurmat bilan qarash kabi tushunchalarni shakllanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Umumta'lim maktablarining "Musiqa madaniyati " darslarida xalq qo'shiqlarini tanlash va ulardan ta'limi va tarbiyaviy maqsadlarda foydalanishda ta'kidlab o'tilgan me'zonlarga tayangan holda ish tutish har bir o'qituvchidan mavjud imkoniyat, pedagogik shart sharoitlarni hisobga olgan holda ish tutishlarini taqoza etadi.

Bo'lajak musiqa fani o'qituvchisi estetik madaniyatini rivojlantirishda madaniyat va san'at asarlarini tushunishni, his qilishni, bu borada o'z estetik pozitsiyasiga ega bo'lishni taqozo qiladi. Buning mohiyatini katarsis hodisasi orqali ochib berish mumkin. Katarsis qadimgi yunoncha kátárzis - "yuksalish, poklanish, davolanish" ma'nolarini anglatadi va bu aksariyat hollarda san'at orqali hissiy ko'tarinkilik kasb etish, axloqan yuksalish, ichki ziddiyatlardan forig'

bo'lish, yomon his tuyg'ulardan bo'shanish, qutulish, poklanishni anglatadi . Shuningdek, bu tushuncha insonga turli xil omillar ta'sirini yengillashtiradigan, tozalaydigan va jozibador ta'sir ko'rsatadigan jarayon va natijani anglatadi. Estetika tarixida san'atning insonga estetik ta'siriga katta e'tibor berilgan bo'lib, diniy ma'noda (hissiy tajribalar orqali ruhni tozalash), axloqiy (inson ongini ko'tarish, his-tuyg'ularini jalg qilish), fiziologik (kuchli hissiy stressdan keyin yengillik) va tibbiy vosita sifatida talqin qilingan.

Aristotelning fikriga ko'ra, san'at odamni junbushga soladi, rahm-shafqat va qo'rquvni uyg'otib, tomoshabinni asarda ko'tarilgan g'oyaga hamdard qiladi va bu bilan uning qalbini poklaydi, ko'nglini ko'taradi va tarbiyalaydi. Boshqacha qilib aytganda, katarsis ruhni turli ta'sirlardan tozalovchi estetik tajribaning mohiyati va samarasini bildiradi. Aristotel musiqaning tarbiyaviy va poklovchi ahamiyatini ta'kidlab, musiqa tufayli odamlar "zararsiz quvonch"ni boshdan kechiradilar va halovat topib, yomon ta'sirlardan tozalanadilar, deydi.Pedagogik fanlarni o'qitish jarayonida bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining estetik madaniyatini rivojlantirishga doir quyidagi ko'rsatkichlarni belgilash maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz. Bular: motivatsiya; bilim; intellektual-ijodiylik; amaliy; faoliyatni go'zallik qonunlari asosida tashkil qilish; milliy estetik qadriyatlarni anglash; katarsis orqali o'z-o'zini takomillashtirib borishdir.Bularning natijasida bo'lajak boshlang'ich o'qituvchi shaxsiga xos estetik sifatlardan estetik bilim va taassurot olishga ishtiyoqmandlik; estetik qadriyatlarni baholash, qadrlash va anglash, kundalik hayot va kasbiy faoliyatgaa estetik talablarni joriy etish; estetik ijodiy-pedagogik faoliyatga qiziquvchanlik rivojlanadi.

Yuqoridagilardan tashqari, bo'lajak musiqa o'qituvchilarida estetik bilim ,(estetik tushuncha,estetik did,tasavvurlar, qonuniyatlar, kategoriylar, estetik qadriyatlар, estetik faoliyat, talab, ehtiyoj, tafakkur, taassurot, zavq, shavq, muloha, munosabat va baholash); go'zallikni emotsional tasavvur qilish bevosita, erkin emotsional his qilish, estetik ob'ektni munosabatini belgilash; estetik faoliyatga layoqatlik,nafaqat

estetik zavq olish, baholash, balki o’z mehnati bilan estetik tasavvur uyg’otish, faol pedagogik faoliyat ko’rsatish, tasavvur va layoqatni shakllantirish; estetik qadriyatlarga yo’naltirish ,bular: ob’ektning estetik qiymatini belgilash va uning ahamiyatini mantiqiy asoslash; estetik-ijodiy quvvat o’qituvchi ishida innovatsiya, uslub va ijodiylik; estetik-pedagogik faoliyatga qiziqish uyg’otish bo’lajak boshlang’ich sinf o’qituvchilarining estetik madaniyatni egallashga bo’lgan talab va ehtiyojlarning orttirilishiga erishilib, ularning estetik didini oshirish muhim hisoblanadi.

Zero, xalq musiqa ijodiyotining, xususan xalq qo’shiqlarining musiqiy estetik ta’lim va tarbiyadagi o’rni va ahamiyati, ulardan musiqa darslarida samarali foydalanish maxsus ilmiy va metodik jihatdan asoslangan ish shakl, usul, vositalaridan, ilg’or tajribalardan unimli foydalangan holda ish tutish ta’lim –tarbiya oldiga qo’yilayotgan ijtimoiy buyurtma talablariga mos keladi. O’zbek mumtoz ashulalari, xalq qo’shiqlari, o’zbek klassik va zamонавијадабијоти bilan o’zaro bog’liqlik asosida rivojlanadi. Buni inobatga olgan holda g’azallar mualliflarining hayoti va ijodiy faoliyati to’g’risidagi ma’lumotlar bilan o’quvchilarни yaqindan tanishtirish imkonini beruvchi maxsus kursning o’qitilishini yo’lga qo’yish ularning nazariy bilimlarini oshirish bilan birga o’zbek mumtoz musiqasi rivojidagi hissalarini anglashlariga yordam beradi.

## **Глобаллашув шароитида ёшлар маънавиятига Интернетнинг таъсири хусусида**

Умматова Эъзоза. ЖДПИ II-босқич магистранти

**Илмий раҳбар:** А.С.Мажидов. ЖДПИ тарих факультети тарих ва уни ўқитиши методикаси кафедраси катта ўқитувчиси

XXI-асрнинг муҳим хусусиятларидан бири-инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайганлигидир. Қонли урушлар, ҳарбий

юришлар, иқтисодий исканжага олишлар ўрнига айни замонда тобора кўпроқ мафкуравий воситалар ва маънавий қуроллар қўлланилмоқда. Одамларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллашга уринишлар маънавият майдонида юз бермоқда.

Бугунги даврда анъаналарга ўтказиладиган ташқи таъсир глобаллашув шаклида намоён бўлмоқда. Мазкур атама (globalization-глобализация, глобаллашув) сифатида луғатларда яқин-яқинларгача қайд қилинмаган, илмий манбаларда таърифланмаган эди. Инсоният XXI асрга қадам қўйиши билан бу атамага мойиллик сезилди ва у ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди<sup>122</sup>.

Глобаллашув инсон, муайян шахс дунёқарашига, қадриятларга муносабат, ижобий ёки салбий маънодаги ўзгаришларга таъсир, ижтимоий ҳаётдаги воқеликни баҳолаш, ундаги жараёнларга муносабат билдириш, ундан баъзи ўринларда ибрат олиш каби индивидуал фазилатлар такомилида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Янгиланаётган Ўзбекистонимизда иқтисодий, сиёсий, ҳукукий ва маънавий соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилаётгани республиканизминг буюк мэрралар сари дадил одимлаётганлигининг яққол исботидир. Барча ҳудудларимизда ёшларимиз ўзаро ҳамжиҳатлиқда, бир-бирларига фақат ва фақат яхшиликлар тилаб, эзгулик ва яратувчилик ишқи билан тинч-тотув ҳаёт кечираётганликлари, мустақил давлатимизнинг бугунги кундаги эришган энг катта ютуғи, қўлга киритган энг катта бойлигидир. Бироқ бугун ёш авлодни турли таҳдидлардан асраш вазифаси долзарблигича қолмоқда.

Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг севимли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги пайтда эса компьютер ва Интернет аввалги қизиқишлиарни ёш авлод ҳаётидан деярли сиқиб чиқарди десак, янгилишмаган бўламиз. Замонамиз

---

<sup>122</sup>Холбеков М. Адабиётда глобаллашув жараёни // Тафаккур.-Т., 2006.-№4. 19-6.

ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиши ва севимли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан сухбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордик чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, Интернетга бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади<sup>123</sup>. Nielsen F Net Ratings компанияси ўтказган илмий текширув натижаларига кўра, бутун дунё тармоғида уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмоқда: биргина 2007 йилда Европада ёш авлод вакилларининг учдан бир қисми онлайн тизимидан фойдалангани кузатилган.

Интернет тармоғидаги иш қидириш, дўстлар топиш, танишувлар эса алдаш йўли билан одам савдосининг янада ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Энг ачинарлиси, бу сайтлар мамлакатимиз келажаги бўлган ёшлар эътиборини ўзига тортиб, ҳаётий тажрибаси йўқ йигит-қизларни ўз ортидан эргашиб кетишига олиб келмоқда.

Сўнгти пайтларда Интернет орқали таҳдид этиш ёки илмий тилда айтадиган бўлсак, грифинг ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу каби тармоқ безориларининг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами ҳисобланади. Бир кўришда беозор туюлган чат хоналар ёки маҳсус мулоқот дастурлари орқали кечадиган сухбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни баъзан жиноятгача етаклаб бораётгани ҳаётий ҳақиқат.

Виртуал секта ёки грифинг билан шуғулланадиганлар ёхуд грифёрлар замонавий ёшларнинг қизиқишлиридан жуда яхши хабардор бўлиб, онлайн конференция, форум хоналарида исталган мавзуда сухбат юритиши, ўзларини уларнинг муаммоларини тушунадиган одамлар сифатида кўрсатиши мумкин, бунинг устига, веб тармоқда анонимликни сақлаш хусусияти қисқа фурсат ичida ишончга кириб олишга имкон яратади.

Демак, бундан кўринадики, инсоният ахборотдан фойдаланиш маданиятига эга бўлмас экан, “даҳшатли ёлғонлар” измидан чиқиб кета олмайди. Бугун Интернет бутун дунёни эгаллади. Унинг ижобий ва салбий

---

<sup>123</sup> Мураббий-қадриятлар тарғиботчиси. Жиззах, 2012. 90-б.

жихатларини тушуниб олиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги дунё аҳолисиниг 2,1 миллиарди Интернет тизимидан фойдаланмоқда. Шулардан 9 миллионини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади<sup>124</sup>. Маълумотларга кўра, Интернет тармоқларида ўз-ўзини ўлдиришга тарғиб этувчи-10 мингта (ўз-ўзини ўлдириш бўйича ҳозир Ғарб биринчи ўринни эгаллаган)<sup>125</sup>;

-шаҳвоний ҳирсни қўзғатувчи 5 мингга яқин сайтлар мавжуд ( Ғарбда бугун “Эркин севги” ғояси тарғиб қилиниши оқибатида “Оила экологияси” деган тушунча пайдо бўлди);-

-мавжуд сайтларнинг 12 фоизида порнографик характердаги ғоялар тарғиб қилинмоқда;

-уларда оддий болаларбоп ўйинларнинг қарийб 50 фоизида зўравонлик, 40 фоизидан кўпроғида жангарилик намойиш этилади. Ундан ташқари, 10 фоиз ёшлар “компьютербозлик” дардига мубтало бўлишган. (Уларни совуқ компьютердан ота-оналарининг иссиқ бағрига қайтариш долзарб муаммога айланган). Чунки улар ота-онасини эмас, компьютер айтганини қилишмоқда.

Виртуал оламда кечётган зўравонлик, сотқинлик, беҳаёлик, ўғрилик, бузуқлик эртага реал ҳаётга кўчмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Чунки ёшларнинг майший кўзини очган, нафсини, шайтонини кувватлантираётган, яширин “парваришлиномаса” ҳеч қачон юзага чиқмайдиган туйғулари кўча-куйда “юз бермайди” деёлмаймиз. Шунинг учун, Интернет кафеларда, уйдаги компьютерда сайтларни “кавлаётган” болаларнинг оталари дўппини ерга қўйиб, оналари бир озгина қозон-чўмичларини бир четга қўйиб, ўйлаб, мулоҳаза юритсалар, фарзандларининг тарбиясига озроқ вақт ажратсалар яхши бўлар эди.

---

<sup>124</sup> Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013. 399-б.

<sup>125</sup> “Инсон ва қонун”. 2012 йил 24 январ.

Бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари озгина бўлса-да (айтайлик 10-15%) компьютер бўйича саводларини оширишлари фойдадан ҳоли эмас. Бу азбаройи фарзандига тўғри йўл кўрсатишга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, дунёда мутлақо маънавиятсиз инсон бўлмайди. Қалбини ёлғон, ёмонлик эгаллаган, жамиятга фойдадан кўра зарари қўп инсонларни нисбий маънода маънавияти қашшоқ, ахлоқсиз, маданиятсиз деб атамиз. Бундан кўринадики, дунёда ёмонлик бўлмаслиги учун ҳар бир инсон комилликка интилиб яшаши ва маънавий таҳдидларга қарши курашиши лозим бўлади.

“Маънавий таҳдид” маънавиятга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар мажмуидир. “Авесто” китобидаги яхшилик ва ёмонлик кураши XXI асрга келиб, маънавият ва маънавий таҳдидлар ўртасидаги куаш шаклида давом этмоқда. Бу эса тинчликпарвар инсониятдан яхшиликни ёмонликдан, соф маънавиятни маънавий таҳдидлардан фарқлаб олишни талаб этади. Бугун аксарият ёмонликлар “демократия”, “инсон ҳуқуқлари”, “дин” байроқлари остида амалга оширилмоқда. Шу сабабли биз педагоглар, таълим-тарбия соҳаси вакиллари маънавий таҳдид ва унинг замонавий кўринишларига қарши тинмай курашишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий Интернетга ҳақиқат манбаи эмас, балки ахборот олиш имконияти сифатида қарашимиз лозим. Интернет орқали тарқатилаётган ахборотнинг чинини ёлғонидан ажратиб олиш учун мустақил фикрлаш талаб этилади. Мустақил фикрлаш, мафкуравий иммунитет, юксак маънавият ғоявий ва информацион таҳдидларга қарши куашнинг бош омилидир. Юқорида санаб ўтилаётган маънавий таҳдидларга қарши куаш учун ёшлар қалбида юксак маънавиятни шакллантириш глобаллашув даврининг энг муҳим талабларидан бири эканлигини унумаслигимиз даркор.

## **In the state program of attention to youth**

Аъзамкулова Мухлиса-Тошкент давлат  
педагогика

университети, 2 босқич талабаси

In any country, having an effective management system affects the development of the country. Disruption of the system of governance will put any state in crisis. We saw such an event when the powerful state - the former Soviet Union - collapsed. In the second half of the 1980s, the arrival of unscrupulous individuals in the country's leadership disrupted the administration, the decisions of the center were not implemented on the ground, which had a negative impact on the economy, the living standards of the people declined, protests intensified. As a result, one of the most powerful countries in the world disappeared without a trace from the world map<sup>126</sup>.

This is legally enshrined in our Constitution, adopted on December 8, 1992. In accordance with the democratic nature of public administration, the responsibility of officials and public authorities to citizens has been established as a constitutional principle. On this basis, the Constitution became the legal basis of public administration. Later, there were attempts to improve public administration.

After the election of Shavkat Mirziyoyev as the new President of the country at the end of 2016, special attention was paid to improving the state building and governance. The adopted Action Strategy for 2017-2021 and the "Concept of Administrative Reforms" based on it, identified shortcomings and ways to address them.

As a result, parliamentary (representative) control over the activities of the executive branch has been strengthened; the quality of lawmaking has improved; measures were taken to create a competitive environment in the activities of political parties; strengthened public control over the activities of government agencies and officials; the main

---

<sup>126</sup> [«Marifat» newspaper](#)

force in governance is the professional training of civil servants, measures have been taken to expand the level of material and social security; effective mechanisms of communication with the people were introduced; the role of the mahalla institute in public administration has been strengthened; Measures have been taken to involve information technology in management. The results of this work are visible on every front and in every field.

If we look at the example of only one "People's Reception", we can see that many problems have been solved, problems that have not been solved for a long time have been solved.

2020 has been a difficult test year in human history. The emerging pandemic has shown its impact in our country as well, testing the resilience of our people, their resilience to hardships, what they are capable of. This catastrophic disaster has shown that our public administration system, the consciousness of the people, has the ability to unite in the face of danger.

In his Address to the Oliy Majlis on December 29, 2020, the President of Uzbekistan said, "Experience shows that countries with strong and effective governance and a cohesive population will be able to eliminate the threat of a pandemic in a timely manner." - correctly assessed the situation<sup>127</sup>.

Here are two conditions that prevent a risk from developing. The first is to have a strong and effective system of governance, and the second is the unity of the people.

The President's Address of December 29, 2020, with an objective assessment of the work done, identified the work to be done for the development of our country, to achieve a prosperous life. Among the huge and responsible tasks, special emphasis was placed on increasing the efficiency of public administration.

---

<sup>127</sup> [Address of the Oliy Majlis](#)

The previous Address also identified important tasks, and the head of state acknowledged that the condition for their successful solution is the formation of an effective management system<sup>128</sup>.

In accordance with a number of decrees of President Shavkat Mirziyoyev, on the eve of the 29th anniversary of our independence, a group of our compatriots were awarded honorary titles, orders and medals.

- In recent years, we have established a good tradition and handed out awards to our compatriots on the holiday. Unfortunately, in the context of this year's pandemic, we had to postpone this charitable event a bit to protect the health of our people. They say there is no night of goodness. As luck would have it, today we are meeting face to face with you on the eve of the New Year, - said Shavkat Mirziyoyev.

In life, various trials and tribulations go hand in hand with joy. This year's coronavirus pandemic has caused great concern to all of humanity. Our people have faced other trials along with the fight against this disease. Unexpected disasters occurred in Bukhara and Syrdarya regions.

- Our country is not confused by these problems. On the contrary, the difficulties united us more, our love for each other increased. Despite the difficult situation, we are courageously overcoming these challenges with the selfless work of our people, who have seen a lot and are determined. The saying that blessings are in harmony has been reaffirmed in our lives. Our measures to reduce the consequences of the pandemic and the global crisis are bearing fruit, - said the President.

The way is open for small business and private entrepreneurship. On the basis of state programs, the image of our cities and villages, our country is becoming more and more prosperous. Our hardworking farmers have grown a rich harvest of cotton, wheat and other crops<sup>129</sup>.

The address of President Shavkat Mirziyoyev notes the results achieved this year, the work done in the framework of the State Program

---

<sup>128</sup> [People's Word, December 30, 2020.](#)

<sup>129</sup> [ziyonet.uz](#)

"Year of Science, Enlightenment and Development of the Digital Economy." Next year will be named and the most important tasks for the further development of our country, the priorities of domestic and foreign policy will be identified.

The event is expected to name 2021, set the most important tasks for the further development of the country, and set priorities for domestic and foreign policy. The conference will be attended by members of the Senate and the Legislative Chamber, heads of government agencies and members of the public.

The appeal will be broadcast live on 15 TV channels, online on the official website of the head of state and official pages on social networks.

Our people, which together withstand any test, have become a powerful force in such difficult days. Taking this opportunity, I once again bow to our patient, hard-working, noble and selfless people for their great heroism.

- When in the world does a person consider himself happy? What is greatness? When Elga works honestly and cleanly, the result is such a reward. Those sitting here are today's heroes, great representatives of our brave people, - said the President.

It was noted at the event that in order to recognize the selfless services of our compatriots, this year a new state will be awarded the honorary title of "Honored Geologist of Uzbekistan", "High Level of Friendship", first and second degree "Health" and "Honorary Coach" medals. awards were established.

In addition, about 25,000 of our compatriots, who have contributed to the support of the population in need of social protection by introducing the badge "Mercy", were awarded this prize.

Hundreds of our compatriots have been awarded these honorary titles, orders and medals.

- Today we are all on the threshold of the new year, with good wishes and great goals. We are all proud to be united, to work faithfully for our people and to lay the foundation of a new Uzbekistan. May our

world be peaceful, may God always protect our tolerant and noble people, our dear Motherland, - concluded the President. The laureates thanked the head of state for the high attention.

## **Ma`naviyat – yosh avlodni yuksalishga chorlaydi**

Isaxonova Mohinur

Jizza x shahridagi 29-maktab 11-sinf o`quvchisi

Ma'naviyat - inson ruhidagi borliq haqiqati bilan uyg'unlik bo`lib, ushbu hodisaning yuz berish makoni va voqe'an mavjud bo'ladigan yagona zamini inson ruhiyatidir. Inson ma'naviy kamolot imkoniga ega bo'lgan biz bilgan yagona moddiy mavjudot. Shaxs o'zidagi ma'naviy kamolot imkonini yuzaga chiqara boshlagan inson. Demak, shaxs ma'naviyati ushbu sohani o'rganishda asosiy obyekt ekanligi o'z-o'zidan ravshanlashadi.

Jahon tarixiga nazar solsak, har bir xalq avvalo ma'naviy birlashuvi, milliy g'oyasi bilan yuksalgan. Bugun yangi hayot qurish, rivojlangan davlatlar qatoriga chiqish yo'lidan borayotgan mamlakatimizda ham milliy g'oya masalasi juda muhim ahamiyatga ega. So'nggi yillarda bu borada qator qarorlar qabul qilindi. Respublika ma'naviyat va ma'rifat kengashi raisi Prezident ekani belgilab qo'yildi. Kengashning hududiy bo'limlariga mas'ullik hokimlar zimmasiga yuklatildi. Bu o'zgarish ma'naviy-ma'rifiy ishlarni davlatimiz siyosatida yanada yuksak o'ringa ko'tardi.

Agar jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir, – dedi Shavkat Mirziyoyev. – Biz yangi O'zbekistonni barpo etishga qaror qilgan ekanmiz, ikkita mustahkam ustunga tayanamiz. Birinchisi – bozor tamoyillariga asoslangan kuchli iqtisodiyot. Ikkinchisi – ajdodlarimizning boy merosi va milliy qadriyatlarga asoslangan kuchli ma'naviyat.

“Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to‘g‘risida” O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori qabul qilindi. Qaror da qayd etildiki,

mustaqillik yillarida mamlakatimizda jamiyat hayotining ma'naviy-ma'rifiy asoslarini mustahkamlash, milliy istiqlol g'oyasining asosiy tushuncha va tamoyillarini hayotga joriy etish, yurtdoshlarimiz, ayniqsa, yosh avlod qalbida Vatanimiz taqdiri va kelajagi uchun daxldorlik va mas'uliyat hissini oshirish, yot g'oyalarga qarshi mafkuraviy immunitetni kuchaytirishga yo'naltirilgan targ'ibot tizimi shakllandi. Bu jarayonda Respublika Ma'naviyat targ'ibot markazi, uning joylardagi tuzilmalari hamda Milliy g'oya va mafkura ilmiy-amaliy markazi tomonidan muayyan ishlar amalga oshirilganini qayd etish lozim<sup>130</sup>.

Tarbiyada tanaffus bo'lmaydi, deydi xalqimiz. Lekin, ma'naviy-ma'rifiy ishlardagi uzviylik hozircha bunday emas. Bu borada bog'cha, maktab, oliy ta'lim, mahalla – har biri alohida ish olib boryapti. Shu bois ma'naviy-ma'rifiy ishlarning yagona tizimini yaratish, xususan, o'g'il-qizlarni bolaligidanoq bilimli va fazilatli etib tarbiyalash, buning uchun mактабгача та'lim muassasalariga metodik yordam ko'rsatish muhimligi ta'kidlandi.

Shaxs ma'naviyatini o'rganish ikki yo'nalishda bo'lishi mumkin. Birinchisi, muayyan shaxs ma'naviyatini o'rganish, ikkinchisi, ushbu hodisaning umumiyl jihatlarini tasnif va tadqiq etish. Imkon nuqtayi nazaridan, birinchi yo'nalishda faqat ayrim hodisalarni, masalan, o'tmish va bugunning umummiliy ahamiyatga ega bo'lgan buyuk shaxs-lari ma'naviy dunyosini o'rganish mumkin bo'lib, mohiyatan bu ish millat ma'naviyatining tarkibiy qismlarini o'rganish demakdir. Chunki Millat ma'naviyati, torn ma'noda olganda, ushbu millatga qaysidir bir tarzda aloqador hisoblanuvchi o'tmish, bugun va kelajakdagи barcha shaxslar ma'naviyatining majmuyidan iborat.

Har bir shaxs, o'zi buni chuqur idrok qiladimi, yo'qmi - qat'i nazar, biror elat yo millatga mansub bo'lmay iloji yo'q, hech bir inson eldan butkul ajralib yashamaydi. Buning ma'nosi, shaxs ma'naviyati voqelikda millat ma'naviyatidan ayri, undan tashqarida bo'lmaydi. Shun-

---

<sup>130</sup>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida. 2017-yil 28-iyul, PQ-3160-son. <https://lex.uz>.

day ekan, mavjud ahvolni to'g'ri idrok etadigan bo'lsak, millat ma'naviyati haqida muayyan tasawurga ega bo'lmay turib, alohida shaxs ma'naviyatini ham o'rganish imkondan tashqari.

Bilim — cheksiz. Chunki voqelik — cheksiz. Inson ruhiyati cheksiz jilolarga ega, borliq haqiqati asli behudud. Demakki, har bir shaxs ma'naviyati ikki karra bepoyon va cheksizdir (agarchi mantiqiy jihat-dan cheksizlikning karrasi bo'lmasa ham). Millat ma'naviyati ushbu millatga qaysidir bir tarzda aloqador o'tmishda yashab o'tgan, bugun yashab turgan va kelajakda yashaydigan hududsiz bir miqdordagi shaxslar ma'naviyatining majmuyi bo'lgani sababidan 3 karra cheksizlik dara-jasidagi hodisa sifatida tasawur etiladi.

Milliy ma'naviyat nazariyasini yaratish uchun qaysi manbalar-ga tayanish, uning asoslarini qayerlardan qidirish kerakligi muhimdir. Bu manbalardan eng birinchi va asosiysi buyuk ajdodlarimiz merosidir. Buyuk ajdodlarimiz bizga qoldirgan ulkan meros - milliy ma'naviyatimiz nazariyasini shakllantirish uchun butun ke-rakli unsur va tarkiblarni yaratib qo'yibdi, faqat uni xolis nazar bilan astoydil qidirsak, kifoya. Milliy ma'naviyatimiz sarchashma-lariga butun xalqimiz va, birinchi navbatda, yosh avlod e'tiborini jalb etish maqsadini ko'zda tutadi.

## **Особенности правового воспитания молодежи**

**Бобоёров Ш.Б.**

студент Ташкентского университета  
информационных технологий

Встав на путь построения демократического правового государства, Узбекистан объявил высшими ценностями человека его права и свободы, законные интересы. Переход нашего общества к рыночным отношениям, отказ от идеологических штампов, подлинная демократизация всех сфер общественной жизни диктуют необходимость полного обновления законодательства. Наше государство твердо стало на путь цивилизованного развития. В связи с этим одной из первоочередных задач является

повышение правовой культуры общества и его граждан.

В целях коренного повышения эффективности проводимых реформ, создания условий для обеспечения всестороннего и ускоренного развития государства и общества, реализации приоритетных направлений модернизации страны и либерализации всех сфер жизни Указом Президента страны Ш. М. Мирзиёевым утверждена «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы»<sup>131</sup>.

Второе направление Стратегии посвящено обеспечению верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы, которое предполагает:

- ✓ укрепление подлинной независимости судебной власти и гарантой надежной защиты прав и свобод граждан;
- ✓ совершенствование административного, уголовного, гражданского и хозяйственного законодательства;
- ✓ повышение эффективности системы противодействия преступности и профилактики правонарушений;
- ✓ полную реализацию принципа состязательности в судебном процессе;
- ✓ совершенствование системы оказания юридической помощи и правовых услуг.

На торжествах, посвященных 27-летию принятия Конституции Республики Узбекистан, Президент страны Шавкат Мирзиёев особо подчеркнул<sup>132</sup>, что уважения к Конституции и законам, правовой сознание и культура должны стать правилом жизни для каждого гражданина и критерием деятельности каждого должностного лица.

Когда мы упоминаем наших предков, таких как Ибн Сина, Беруни, Мухаммад аль-Хорезми, Амир Тимур, Алишер Навои,

---

<sup>131</sup> О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах. Источник:www.gazeta.uz 7 февраля 2017.

<sup>132</sup> «Верховенства конституции и законов-важнейший критерий правового демократического государства и гражданского общества». Речь Президента Узбекистана на торжествах, посвященных 27-летию принятия Конституции Республики Узбекистан. «Народное слово», 8 декабря 2019 г.

Мирзо Улугбек, Бабур, мы также прославляем их как великих людей, что означает, насколько велико понятие личности. Семья, школа, соседи, махали, друзья оказывают большое влияние на формирование личности.

Само участие в правовой жизни общества оказывает воздействие на правосознание личности, способствует усвоению им правовых знаний и навыков. Общество и государство заинтересованы в формировании социально активных и в то же время законопослушных граждан. Утверждая право как большую социальную ценность, выражение и фактор реализации свободы личности, государство способствует укреплению законности, правопорядка, общественной дисциплины.

В современных условиях в узбекском обществе необходимо преодолеть правовой нигилизм, поразивший многих людей, воспитывать уважительное отношение к закону, сознание и чувство ответственности, непримиримость к произволу, коррупции, такому состоянию правовой системы и общественной морали, который именуют понятием «беспредел». Основами формирования здорового нравственного и правового сознания узбекистанских граждан являются социальный мир, гражданское согласие, активное сотрудничество всех общественных групп населения, повышение благосостояния народа, расширение материальных гарантий прав человека.

Любые проявления так называемого «беспредела», т.е., игнорирование права, других социальных норм, психология хищнического противоборства частных лиц, исповедующих представления о демократии по формуле «Хочу, чтобы было то, что захочу», образуют завалы на пути формирования гражданского общества, правового государства. Эти проявления социального зла необходимо преодолеть, и одной из важнейших составных частей всей работы по искоренению произвола, нигилизма, социальной апатии являются активные меры по правовому воспитанию граждан.

Воспитание правового сознания в органической связи с началами нравственности, демократического сознания всех граждан представляет процесс повышения культуры общества, человека, обретения им достоинства, свободы и справедливости. Однако актуальными являются вопросы соотношения законности и свободы личности, прав человека и его гражданской ответственности, развития демократии.

В сознании великих мыслителей человечества исторически вызревала и находила выражение идея о мудрости, свободе и достоинстве человека. Замечательные мысли и суждения оставили нам Платон, Аристотель, мыслители более позднего времени. Платон утверждал: «Мудрому не нужен закон — у него есть разум», что следует толковать в связи с другими идеями мыслителя о лучшем устройстве государства, в котором правят философы, мудрейшие люди, разрабатывающие справедливые законы<sup>133</sup>. Ф. Рабле в философском романе «Гаргантюа и Пантагрюэль»<sup>134</sup>, описывая уклад жизни членов Телемской обители, отмечал, что «вся их жизнь была подчинена не законам, не уставам и не правилам, а их собственной доброй воле и хотению», а устав обители состоял из одного правила: «Делай, что хочешь». Конечно, в этом правиле получила выражение идея просвещенного индивидуализма. Рабле пишет и о том, какие причины определяют свободный выбор поведения телемитов, подчеркивает, что этих свободных людей, происходящих от добрых родителей, просвещенных, врачающихся в порядочном обществе, сама природа наделила инстинктом и побудительной силой, которые постоянно наставляют их на добрые дела и отвлекают от порока, и сила эта зовется у них честью.

Естественно, что воспитание правосознания начинается с усвоения нравственных ценностей, норм в семье, школе, в духовном общении, в том числе и играх со сверстниками,

---

<sup>133</sup> Платон «Государство» - краткое содержание. Русская историческая библиотека. Источник:[www.rushist.com](http://www.rushist.com)

<sup>134</sup> Ф.Рабле. Гаргантюа и Пантагрюэль.Источник:[www.briefly.ru](http://www.briefly.ru)

товарищами и друзьями. Здесь закладывается нравственный фундамент, на котором формируются элементы правового сознания. В наблюдениях над жизнью, размышлениях о нормально протекающих событиях и бытовых, социальных конфликтах, связанных с нормами права, юридическими оценками, утверждаются правовые представления, взгляды, развиваются чувства молодых граждан.

В правовом воспитании, в его неразрывной связи с общей культурой большая роль принадлежит художественной литературе, средствам массовой информации, в том числе телевидению, радио, газетным публикациям. Воспитание правового сознания является составной частью всей культурной жизни общества, социальной функцией государства, проявляющего заботу о просвещении и воспитании подрастающего поколения. Правовое просвещение взрослых граждан также имеет воспитательное значение в развитии массового сознания общества. Воспитательная работа поднимает индивидуальное правосознание личности до понимания наиболее общих юридических принципов и требований, отвечающих интересам всего общества, государства. Воспитание в духе права, законности не ограничивается правовым просвещением, формированием позитивного отношения к закону, праву, а находит свое завершение в правовой активности личности.

№	МУНДАРИЖА	
1	Кириш	3
2	Сайтқосимов А. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда жамоатчилик таъсирини оширишнинг инновацион омиллари	6
3	Очилова Б., Хонтураев Б. Исломда оила мунособатларидаги ҳуқуқий маданият	12
4	Яхшиликов Ж. Инсон фаровонлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш фуқаролик жамиятини шакллантириш мезони	18
5	Тошев Ф. Мақсад аниқ ва улуғ бўлса инсонга шижаот бағишлайди	24
6	Мавлянов Б. Маънавий бегоналашувнинг назарий, ижтимоий-сиёсий моҳияти ва тенденциялари	2
7	Кобилов Р. Ўзбекистоннинг миллий геоиқтисодий манзарасини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари	32
8	Шукуров О. Миллий юксалиш шароитида сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини ошириш	36
9	Ҳошимхонов М. “Қиссаи Машраб”да Машраб сиймоси талқини	40
10	Мажидов Н., Мажидов Ж. Шахсда ижтимоий фаолликни шакллантиришнинг педагогик ва психологик шарт-шароитлари	44
11	Ахмедов Т. Бошқарув қарорларини қабул қилишда жамоатчилик таъсирини ошириш	47
12	Бобоёров Б. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалтиришнинг ижтимоий - фалсафий асослари	50
13	Султонова Н. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасининг инсонпарварлик моҳияти	54
14	Тошбоев Б. Фуқаро ижтимоийлашуви	56

	фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омили сифатида	
15	Эргашев Т. Глобаллашув шароитида ёшлар инновацион тафаккурини шакллантириш масалалари	60
16	Юсупов А. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари	64
17	Нарзикулова Ф., Юнусзода Ш. Формирование поведения руководителя общеобразовательного учреждения в контексте построения его профессионального имиджа	67
18	Галдиева М. Ёшлар тарбияси миллий юксалиш гарови	72
19	Рўзимуродов С., Нарзуллаев Б. Оиласда соғлом ва обод турмиш тарзини шакллантиришда маҳалланинг тутган ўрни	77
20	Алламуратова Н. Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир	80
21	Буранова Н. Орол муаммоси – давлат дастурида	85
22	Сайтқосимов А. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти	88
23	Тоғаев Ш. Миллий ғоянинг асосий мазмунини ёритиш масаласи	92
24	Shodmonov M. Siyosiy partiyalar faoliyatini huquqiy tartibga solishning nazariy-huquqiy tahlili	98
25	Abdukarimova E. Milliy musiqa madaniyatimizni o'rganishni yanada faollashtirish – davr talabi	104
26	Юлдашев С., Халимбетов Ю., Ибрагимова Э., Наимова З. Ёшлар тарбияси – миллат келажаги	108
27	Атаджанова С. Ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этишга қаратилган “Ёшлар дастурлари” – Ўзбекистон келажагининг муҳим асоси.	114

28	Тураев А. Жамият тараққиётида ижтимоий интеллектнинг ўрни	117
29	Isaxonov J. Zamonaviy sharoitda yosh oilalarning asosiy muammolarini hal etishning muhim yo'nalishlari	122
30	Алибеков Д. Инновацион ёндашув ва модернизацияга асосланган таълим стратегиясининг фалсафий асослари	125
31	Галдиева М., Қоплонов М. Миллий тарбиянинг ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти	128
32	Salohiddinova Z. Fuqarolik jamiyatini barpo etishda huquqiy madaniyatni yuksaltirishning ahamiyati	133
33	Камолиддин Юсупов. Парламент назорати сиёсий институт сифатида	137
34	Ғозиев З., Зиятова Д. Ўзбекистон конституциясида миллий ва умуминсоний ғоялар талқини	141
35	Бобоқулов Қ. Миллий мусиқа санъатининг жамият маънавий ривожланишидаги ўрни	144
36	Сувонқулов Ж., Ўтаев М. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик қарорлари ва унинг аҳамияти	147
37	Hakimov A. Milliy yuksalish davrida fuqarolik mas'uliyatini oshirishning nazariy tahlili.	152
38	Файзуллаев Э., Зоидов А. Мусиқа маданияти дарслари жараёнида шахс камолотини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари	155
39	Гадоева Л. Соғлом турмуш тарзининг замонавий карашларига оид бўлган тиббий модел	159
40	Isaxonov J. Yosh oilalarni ijtimoiy xavf guruhi sifatida tadqiq etishning nazariy asoslari.	163
41	Маҳамматов А., Тожикулов Н. Ўқитувчининг ижрочилик фаолиятини илмий асосда ташкил этишнинг ўзига хос йўллари	165

	Тураев А. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда жамоат ташкилотларининг ўрни: назария ва амалиёт	
43	Жумаев Ж. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда тарих фани ва уни ўқитишнинг ўрни хусусида	175
44	Ғозиев З. Фозилжонова Ш. Ўзбекистон Конституцияси беназир ҳуқуқий қадрият сифатида	179
45	Абдуниязов Х. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – жамият ижтимоий барқарорлигининг муҳим асосларидан бири сифатида	182
46	Бобожонов С. Фуқаролик жамиятини барпо этишида маҳалла демократия мактабидир	185
47	Сайитқосимов Ш. Ёшларга оид давлат сиёсатини таъминлашда маънавий – маърифий соҳадаги ислоҳотлар: муаммо ва ечим	189
48	Ишназарова Р. Кутубхона - зиё маскани	192
49	Ғозиев З. Тарихни диалектик маданий тушуниш Сўфи Оллоёр меросини ўрганишнинг методологик асоси сифатида	195
50	Ибрагимов А. Миллий юксалиш шароитида ижтимоий ислоҳотларнинг аҳамияти	200
51	Mo'minova M., Sodiqov J. Musiqa san'ati talaba shaxsining badiiy-estetik va ma'naviy kamolotini shakllantirish omili	203
52	Hasanova N., Qudratova G., Tojiboyeva Z. O'quvchilarda milliy va umummadaniy kompetensiyani shakllantirishda musiqa darsining ahamiyati	207
53	Абдураҳмонов А. Жадид матбуотчилигида таълим ва тарбия масалаларига эътибор	211
54	Маҳамматов А., Холбоев М. Мусиқа дарсларини тарих фанлари билан бир-бирига боғлиқлик принциплари.	216

	Абдурахимов А. Мусиқа машғулотларида замонавий интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари	
56	Isaxonova F. Yoshlarni davlat siyosatining faol sub'ektiga aylantirishning dolzarblii	228
57	Raimjonov S. Kasbiy pedagogik bilimlar shakllanishida “musiqiy ta’lim metodikasi” kursining o‘rnii	231
58	Тўпчиев У. Туркистон ўлкаси саноатида виночиликнинг даврий тадқиқотларда акс эттирилиши	235
59	Karimov S. Musiqa darslarini jismoniy harakatlar uyg'unligida tashkil etishning o'ziga xos uslublari.	240
60	Кўбаев М. Мутафакир Бобораҳим Машраб асарларида илм-маърифат ҳақидаги фикрлар	244
61	Ахророва М. Мусиқашуносликда интертекстуаллик назарияси	247
62	Сулаймонов О. Таълимга оид устувор вазифалар: ижро ва масъулият	250
63	Isaxonova F. Axborot xurujlaridan yoshlarni psixologik himoyalash uslublari	253
64	Majidov D. Bo'lajak musiqa o'qituvchilarning estitik didini oshirishda xalq qo'shiqlaridan foydalanish	256
65	Умматова Эъзоза. Глобаллашув шароитида ёшлар маънавиятига Интернетнинг таъсири хусусида	260
66	Аъзамкулова М. In the state program of attention to youth	265
67	Isaxonova M. Ma`naviyat – yosh avlodni yuksalishga chorlaydi	269
68	Бобоёров Ш. Особенности правового воспитания молодежи	271

